

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**СПОРТДА ВА ЁШ АВЛОД ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИДА  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В СПОРТЕ И ФИЗИЧЕСКОМ  
ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ**

**INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORT AND PHYSICAL  
EDUCATION OF YOUNG GENERATION**

**Республика илмий рецензияланган онлайн-конференция  
2021 йил 29 сентябрь**

**Бухоро - 2021**

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” га бағишланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф сон фармойишига асосан Бухоро давлат университетида халқаро ҳамкорлар иштирокида **2021 йил 29 сентябрь** куни “Спортда ва ёш авлод жисмоний тарбиясида инновацион технологиялар” мавзусида Республика илмий рецензияланган онлайн-конференция ўтказилади.

**Анжуманнинг мақсади:** Ёш авлоднинг ҳаракат фаоллигини оптималлаштириш муаммоларини ҳал этишнинг янги йўллари излаш, уларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳамда жисмоний тарбияси жараёнига янги шакллар ва методларни жорий қилиш бобида методологик ва услубий шароитларини ўрганиш.

**Анжуманнинг ташкилий қўмитаси:**

- |    |                 |  |
|----|-----------------|--|
| 1  | О.Х.Хамидов     | БухДУ ректори, раис  |
| 2  | О.С.Қаҳҳоров    | БухДУ инновация ва илмий ишлар бўйича проректори, раис муовини                             |
| 3  | Б.Б.Маъмуров    | Жисмоний маданият факультети декани, аъзо  |
| 4  | С.Қ.Қаҳҳоров    | БухДУ ходимлар ва талабалар касаба уюшмаси раиси, аъзо                                     |
| 5  | У.У.Рашидов     | БухДУ молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори, аъзо                                   |
| 6  | Г.Т.Зарипов     | БухДУ И ва ИПКТ бўлими бошлиғи, аъзо   |
| 7  | Р.С.Шукуров     | Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси мудири, аъзо                            |
| 8  | А.Э.Сатторов    | Факультетлараро жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири, аъзо                            |
| 9  | Қ.П.Арслонов    | Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси доценти, аъзо                           |
| 10 | Ф.Б.Музаффарова | Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси катта ўқитувчиси, р.f.b.f.d.(PhD), аъзо |
| 11 | Р.С.Баймурадов  | “Факультетлараро жисмоний тарбия ва спорт кафедраси” катта ўқитувчиси, аъзо                |
| 12 | Ф.А.Нарзуллаев  | “Факультетлараро жисмоний тарбия ва спорт кафедраси” катта ўқитувчиси, аъзо                |
| 13 | М.М.Тўраев      | Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси ўқитувчиси, аъзо                        |

Барча маъруза тезислари (мақолалар) таҳририят томонидан анонимлаштирилган ҳолатда текширилади ва текширувдан ижобий ўтган маъруза тезислари нашр этилади ҳамда ҳар бир муаллифга электрон СЕРТИФИКАТ берилади. Маъруза тезисларида берилган маълумот учун муаллифларнинг ўзлари жавобгар ҳисобланишади. Конференция материаллари тўпламини 2021 йил 15 октябрь кунидан бошлаб <https://interscience.uz> расмий сайтидан юклаб олишингиз мумкин.

Конференция тўпламида нашр этилган илмий тезислар (мақолалар) **GOOGLE SCHOLAR, CROSSREF** халқаро базасида индексацияланади, ҳар бирига алоҳида [Crossref DOI](#) рақам берилади.

Мазкур онлайн конференцияда профессор-ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчилар жисмоний тарбия ва спорт йўналишида ўз илмий изланишлари натижасида тайёрланган маъруза тезислари (мақолалар) билан қатнашади

# **YANGI O'ZBEKISTON SHAROITIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTNING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI**

10.53885/edinres.2021.52.30.001

*Xamidov O.X.,  
BuxDU rektori, iqtisod fanlari doktori, professor*

Respublikamizda jismoniy tarbiya va sportning ommalashuvini yanada yuqori pog'onaga ko'tarish, jismoniy madaniyat harakatini rivojlantirish, xalq milliy o'yinlarini qayta tiklash, sog'lom turmush tarzini shakllantirish, zamonaviy sport turlari bo'yicha iqtidorli sportchilarni tayyorlash va ularning sport mahoratlarini oshirish hamda amaliyotga tadbiiq etish borasida ko'plab, qabul qilgan farmon hamda qarorlar mamlakatimizda sporti sohasini ommalashtirish va rivojlantirishda muhim ahamiyatiga ega bo'ldi.

2021-yil 6-aprel kuni Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tomonidan "Turizm, sport va madaniy meros sohaslarida davlat boshqaruvi tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6199-son farmoni qabul qilindi. Farmonga muvofiq, ilgari davlat qo'mitasi va uning hududiy bo'linmalari negizida O'zbekiston Respublikasining Jismoniy tarbiya va sportga oid vazifa vakolatlari kengaytirildi. 2018-yil 20-sentyabr kuni Yurtboshimiz tomonidan jismoniy tarbiya va sport sohasini rivojlantirish masalalariga bag'ishlangan yig'ilish o'tkazildi. Unda sportchilarni tanlab olish – seleksiya ishlarini takomillashtirish bo'yicha yangi tizim joriy etilishi dastlabki natijalarini berganligi ta'kidlandi. Biz xalqaro sport maydonlarida O'zbekistonning nufuzi va obro'-e'tiborini oshirishga katta hissa qo'shgan sportchilarimiz bilan faxrlanamiz. Shu bilan birga, oliy sportda erishilgan yutuqlar bilan chegaralanmasdan, ommaviy sportga ham katta e'tibor berishimiz kerak, – dedi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev mazkur yig'ilishda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 9-martdagi «O'zbekiston sportchilarini 2020-yil Tokio shahrida (Yaponiya) bo'lib o'tadigan XXXII yozgi Olimpiya va XVI Paralimpiya o'yinlariga munosib tayyorlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-2821-son qarori qabul qilingan bo'lib, unga muvofiq to'rt yillikning eng nufuzli sport anjumanida ishtirok etadigan sportchilarga barcha zarur shart-sharoitlarni yaratib berish ko'zda tutilgan edi.

Buning natijasida mamlakatimiz sportchilari jahonning nufuzli musobaqalarida yuksak g'alabalarni qo'lga kiritib, xalqimiz salohiyatini butun dunyoga namoyon etdilar. Xususan, sportchilarimiz joriy yilda Tokio shahrida (Yaponiya) bo'lib o'tgan Olimpiya o'yinlarida 3 ta oltin, 2 ta bronza XVI Paralimpiya o'yinlarida esa Paralimpiyachilarimiz yuksak matonat va jasorat ko'rsatib, 8 ta oltin, 5 ta kumush va 6 ta bronza medalini qo'lga kirtidilar. Umumiy hisobda mamlakatimiz terma jamoasi 160 dan ortiq mamlakat ishtirok etgan nufuzli musobaqada o'n oltinchi, Osiyo qit'asi hamda Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi mamlakatlari o'rtasida to'rtinchi, Markaziy Osiyoda esa birinchi o'rinni egalladilar. Bu esa yangi O'zbekiston sportining jahon hamjamiyatidagi o'rnini mustahkam ekanligini yana bir yorqin dalilidir. Xususan, ana shunday mahoratli sportchilar orasida bizning oliy ta'lim muassasamizdan Paralimpiya o'yinlarida para-dzyudo bo'yicha bronza medali sohibi Sharif Xalilov «Jasorat» medali, Muhammad Rixsimov esa «Shuhrat» medali bilan mukofotlandi.

Istedodli bolalarni tanlash va professional sportchilarni tayyorlash bo'yicha uzluksiz tizim yaratildi. Umumta'lim maktablari va bolalar sport majmualaridagi mashg'ulotlarda qobiliyati ko'zga tashlangan o'g'il-qizlar bolalar va o'smirlar sport maktablari, sport kollejlari olinib, professional yondashuvlar asosida tarbiyalanmoqda.

Shuning uchun jismoniy madaniyat va sport sohasidagi har qanday muvaffaqiyat avallo maktabdan, xususan oiladan boshlanadi. Shu manoda "Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili" ga bag'ishlangan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 2 martdagi 78-F son farmoyishiga asosan tashkil ertilayotgan "Sportda va yosh avlod jismoniy tarbiyasida innovatsion texnologiyalar" mavzusidagi mazkur

qalqaro ilmiy anjuman bu borada o'ziga xos nazariy va amaliy ahamiyat kasb etadi. Mazkur anjuman mazmunida o'z yechimini kutayotgan muammolar qatorida zamonaviy ta'lim tizimida umummilliy va umummadaniy qadriyatlarini o'rni, oliy ta'limda sifat samaradorligini oshirish strategiyasi, XXI – asrda jismoniy madaniyat va sportda raqamli va innovatsion texnologiyalar, ilg'or xorijiy tajribalar yangi O'zbekiston poydevorini qurush kabi keng qamrovli masalalar haqida fikr yuritish bugungi yoshlarimizning ijtimoiy siyosiy hamda ma'naviy taffakuridagi yangiliklarda sezilari imkoniyatlar yaratish uchun muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

## **ЁШ АВЛОД ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

10.53885/edinres.2021.80.99.002

**Қаҳҳоров О.С.,  
иқтисодиёт фанлари доктори, Бухоро давлат университети  
илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, Бухоро, Ўзбекистон**

**Аннотация:** Ўзбекистонда мустақиллик йиллари ёш авлод жисмоний тарбияси ва унинг ривожлантирилиши орқали мамлакатни ҳар тамонлама таррақий эттирилишининг ҳозирги кундаги устувор масаласи бўйича сўнгги йилларда юртимизда бу борада қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши ва ундан қўзланган мақсадлар чуқур таҳлил этилиб очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ёш авлод жисмоний тарбияси, жисмоний тарбия ва спорт, соғлом ва баркамол авлод, оммавий спорт, соғлом турмуш тарзи, мактаб, академик лицей.

**Долзарблиги.** Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт юртимиз тараққиётининг барча соҳалари каби давлат сиёсатининг устувор йўналишлари доирасида ривож топмоқда. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги Қонун, “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарор “Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тўғрисида” ги Қарорлар ва шу соҳага оид бошқа концептуал ҳужжатларнинг қабул қилиниши, уларнинг босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Конституцияси “Таълим тўғрисида” ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да жисмоний тарбия ва спортга алоҳида урғу берилиши юқорида қайд этилган фикримизнинг ифодасидир. Сўнгги йилларда ўзбек спорти ўзининг юксак натижалари билан мамлакатимиз шухратини жаҳон ҳамжамияти олдида тараннум этиб келаётганлиги, минглаб ҳалқаро стандартларга мос спорт мажмуалари қад кўтараётганлиги, юртимизнинг турли ҳудудларида энг нуфузли ҳалқаро мусобақаларнинг ўтказиб келинаётганлиги ушбу ҳужжатларнинг амалий натижасидир. Лекин, юксак натижаларни қўлдан бермаслик, малакали, рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш, тўғридан-тўғри ёш истеъдодли заҳираларни етиштириш билан боғлиқдир.

**Тадқиқот мақсади:** Ўзбекистонда ёш авлод жисмоний тарбиясини ривожлантиришга давлат томонидан берилаётган эътиборни таҳлил қилиш.

**Тадқиқот муҳокамаси.** Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда жамиятнинг ўзи спорт соҳаси бўйича олий маълумотли етук мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилмоқда.

Кейинги ўн йилликлар ичида замонавий спортда ёшариш жараёни юзага келмоқда. Машғулотлар жараёнига кўпроқ ёш спортчиларнинг жалб қилиниши спорт соҳасидаги мутахассисларга катта маъсулият юклайди. Айниқса ёш авлод жисмоний

тарбиясини ривожлантиришда спортчи мураббийларимиз жуда катта ўрин эгаллайдилар.

Таҳсинга сазовор жойи шундаки, Президентимизнинг хар бир асарлари ёки маърузасида қайси соҳа ёки йўналишга оид бўлишидан қатъий назар, кўпинча жисмоний тарбия ва спорт мавзусига алоҳида урғу берилади.

Чунончи, жисмоний тарбия – умумий тарбиянинг бир тури бўлиб, унинг асл мазмуни ҳаракатларга ўргатиш ва инсоннинг жисмоний сифатларини тарбиялашдан иборат.

Жисмоний тарбия ва спорт нафақат иқтидорли спортчилар тайёрлаш учун, балки соғлом генафондни таъминлаш ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилиши даркор. Юртбошимиз айтганларидек: “соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган ҳалқ албатта ўзининг келажагини барпо этади”. Демак оммавий спорт, айниқса ёш авлод жисмоний тарбиясини илмий асосда ривожлантириш, унинг ташкилий ва технологик асосларини яратиш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ёш авлод жисмоний тарбиясини ривожлантириш суръатини жадаллаштириш, айниқса, қишлоқ жойларда ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш ҳамда уларнинг мунтазам шуғулланишларига шароит яратиш, умумий ўрта таълим, ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган истиқболли режа вазифаларини изчиллик билан амалга ошириш каби долзарб масалаларни Давлат умуммиллий дастурига асосан глобал миқёсда самарали ҳал қилиш имкониятларини очиб беради.

Шу билан бир қаторда болалар, ўқувчи ёшлар ва хотин-қизлар спортини тўғри ташкил қилиш, улар организмни ривожлантириш хар бир жисмоний сифат ва функционал имкониятларини ўзига хос сензитив даврларини эътиборга олиш зарурлиги билан боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг самарадорлиги нафақат уларнинг узлуксизлиги ва мунтазамлиги билан белгиланади, балки, у машғулотлар ҳажми муддати ва таъсир этиш қиймати билан асосланиши лозим. Бинобарин, хотин-қизлар спортида аёл мураббийларнинг нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини аниқлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароит яратиш ва шу шароит самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган моддий, ҳуқуқий, меъёрий ва ташкилий омиллар ҳолатида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ёш авлод жисмоний тарбиясини ривожлантириш фақатгина масаланинг моддий –техник жиҳатлари билан белгиланмайди, балки шу авлодни глобал миқёсда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, машғулотларни миллий асосда ташкиллаштириш ва спорт маҳоратларини фундаментал бўлиши спортчи мураббийларнинг тайёргарлигини самарали шаклланиши муҳимлигига эътибор қаратади.

Ўзбек ҳалқи ўз тарихида ҳам ақлан, ҳам жисмонан баркамол, бақувват фарзандларига меҳр кўрсатишгина эмас, балки бутун эл юрт, миллат озодлиги йўлида жон олиб жон беришга қодир фидойи инсонларни кўп кўрган. Уларнинг ёрқин ва сўнмас сиймоларини бадиий асарларга олиб кирган. Жаҳонга машхур аждодларимиз буюк давлат арбоби, саркарда Амир Темури, Бобур Мирзо, Мирзо Улуғбек, Жалололдин Мангуберди нафақат ўзлари пахлавонлик, мардлик адолатлилик инсонпарварлик, илм фан бобида ўрнатқан бўлганлар, балки ўз аскарлари, бўлажак эл юрт химоячилари тарбиясига алоҳида эътибор берганлар. Башарият ривожланишида ва унинг порлоқ келажагига беқиёс хисса қўнган аждодларимиз Ал Хоразмий, Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Фарғоний, Навоий каби кўпдан кўп олиму алломаларимиз ҳамда тасаввуф илмида донг таратқан оламга машхур Ал Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби уламоларимиз ҳам ёшларга маънавий ва жисмоний тарбия бўйича сабоқ

берганлар. Ўз навбатида уларнинг маънавий-маърифий меросида, хусусан хотин-қизлар саломатлиги ва соғлом авлод тарбиясида уларнинг бурч ва масъулияти эътироф этилганлиги диққатга сазовордир.

Турли тарихий даврларда халқимизнинг соғлом авлод тўғрисидаги тарбиявий анъналари ўз кучини йўқотмаган ҳолда ҳозирги кунда мамлакатимизнинг турли худудларида, айниқса, узоқ қишлоқларда замонавий тиббий-даволаш ва профилактик мажмуалар, илғор технологияларга асосланган диагностик ва муолажа марказлари бунёд этилиб она ва бола саломатлигига хизмат қилиб келмоқда.

**Хулоса.** Мустақиллик туфайли ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг одилона сиёсати асосида миллат генофондини шакллантириш ва баркамол авлодни тарбиялаш воситаси бўлмиш жисмоний тарбия ва спорт тобора миллий истиқлол мафкурасини “стратегик” қуролига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” каби концептуал ҳужжатларда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор берилиши, “Жисмоний табия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлар, ҳамда уларнинг изчиллик билан ҳаётга босқичма-босқич жорий этилаётганлиги жисмоний тарбия ва спорт жумладан, ёш авлод жисмоний тарбияси давлат сиёсатининг устивор йўналишлари доирасида равнақ топаётганидан далолат беради ва шу соҳада фаолият юргизиб келаётган мутахассисларига юксак маъсулият юклайди, балки юритимизнинг ҳар бир фуқаросини жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабатини қайта кўриб чиқишга ҳамда тасаввурини кенгайтиришга ундайди. Қайд этиш лозимки, таълим, сиҳат-саломатлик, жисмоний тарбия ва спортга оид ҳужжатларда ўз аксини топиб келаётган

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ги - ПФ-3434-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги - ПФ-4947-сонли Фармони.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ЎРНИ.**

10.53885/edinres.2021.18.47.076

*Р.Г.Жумаев*

*Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Бухоро давлат университети*

*Ўқув ишлар бўйича проректори*

*Бухоро, Ўзбекистон*

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, миллий ғоя ва жамият мафкурасини шакллантириш, уларни халқ ишончи ва эътиқодига айлантиришнинг бир-бири билан боғлиқ икки вазифаси кун тартибига қўйилди. Уларни, шартли равишда, ижтимоий-сиёсий макон, тарихий замон нуқтаи назаридан ички ва ташқи йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётини эркинлаштирмоқда. Маълумки, жамиятни ташкил қилган ижтимоий-сиёсий қатламларнинг манфаатларидаги хилма-хиллик қонуний тарзда улар ўртасидаги манфаатлар хилма-хиллигини намоён этиш билан бирга эркин ва муштарак мақсадларни ҳам келтириб чиқаради. Жоҳондаги ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибалари шу манфаатлар муштараклигини ўз вақтида, оқилона ҳал қилишнинг йўлларини, воситаларини топиш жамиятнинг

барқарор тараққиёти гарови эканлигини ва аксинча, мамлакатларнинг ғоявий ожизлиги, ношудлиги миллий парокандаликка олиб келди, халқни қулликка маҳкум қилишини қайта-қайта исботлаб берган. Ана шу ҳолатни олдини олишда мамлакат ичида халқнинг миллий ғояга бўлган ишонч ва эътиқоди уларни умуммиллий мақсад йўлида жипслаштиради.

Миллий ўзлигини англаш – бу ҳар бир миллат, халқ ўз-ўзини билишга, тушунишга қаратилган муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий жараён дир. Бу жараён бой мазмунга эга бўлиб ўта мураккаб дир.

Ҳар бир миллат доимо ўзининг миллий ғоясига асосланган ғоя ҳам ўзлигини англашга интилиб яшайди. Бироқ бундай интилиш ҳамма вақт ҳам доимо ҳам амалга ошавермайди, чунки у турли жамиятдаги шароитларга ва обектив ва субектив омилларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам миллатлар бир-биридан, ўзларининг мустақил белгиси бўлган миллий ўзлигини қай даражадаанглаганлиги билан ҳам анча фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президент Ислон Каримов бу жараённинг моҳияти тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган, яъни: «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади». “Биз, - дейди И.А. Каримов. – ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни анна шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур” ва “Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз Ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос вам ос жамият барпо этишни тушунаман”<sup>[16]</sup>, дейди И.А. Каримов.

Бу фикрларидан биз миллий ўзликни билишнинг муҳим жиҳатларини тушунишга эришдик. Шу фикрларни янада оддийлаштириш ва миллий ўзликнинг бошқа жиҳатларини ҳам кўриб чиқиш мақсадида, биз кетма-кет турли адабиётларда миллий ўзликка берилган айрим таърифларни келтирамиз.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ўз мезонлари мавжуд бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборат:

- а) ўзи туғилиб ўсган заминининг, юртининг, Ватанининг ягоналигини англаш;
- б) ўз она тилини чуқур билиш ва уни ҳурмат қилиш;
- в) ўз миллий маданиятини ва маънавий меросини ҳар томонлама ўзлаштириш ва сақлаш;

г) ўз тарихини мунтазам ўрганиб бориш<sup>[17]</sup>.

2. Миллий ўзликни англаш бу –

- а) халқнинг ўтмиши;
- б) унинг босиб ўтган шонли йўли;
- в) ўзига хос маданияти;
- г) тил бирлиги;
- д) урф-одат ва анъаналари;
- е) тарихан ортирган бой ҳаётий тажрибаси;
- ё) диний қадриятларни англаш ва қадрлаш дир<sup>[18]</sup>.

3. Миллий ўзини-ўзи англаш бу –

- а) халқнинг, миллатнинг ўтмиш тарихий тараққиёт йўлини тушуниш;
- б) ота-боболари, насл-насаби, авлоду аждодларининг ким бўлганлиги
- в) уларнинг жаҳон илм-фани, маданият тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини билиб олинди ва шу билан бирга берилган вакиларни уларнинг уларнинг манфаатлари ва еҳтиёжларининг умумийлигини тушуниб етиш дир.

4. Ҳар бир миллат вакили учун миллий ўзликни англаш бу –

- а) қандай миллат фарзанди эканини билиш;
- б) шахснинг ўз миллий мансублигини еъзозлаши;
- в) ундан ғурурланиши;

г) ўз миллат манфаатлари, еҳтиёжлари ва мақсадларидан келиб чиқиб фикри ва фаолиятини бошқаришдир<sup>[19]</sup>.

5. Миллий ўзликни англаш бу –

а) жамият аъзолари мустақиллик миллат учун улуғ нэъмат ва эканлигини ва унинг ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этшини англаш;

б) миллатнинг туб манфаатларини ва у ҳар бир шахс, маҳаллийчилик манфаатларидан устун туришини англаб етиш ва шу билан бирга

в) миллат ўзининг шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси тўғрисида қайғуриши;

г) милилий ғурур ва ифтихор туйғусини маълум даражада ҳис этшидир.

6. Миллий ўзликни англаш натижасида миллат вакилларининг миллийлиги, миллий хусусиятлари жонланади ва кучаяди, уларнинг миллат тақдири ва келажаги тўғрисидаги ғамхўрлиги тобора ошади ва бутун миллат дарди билан яшаш улар ҳаётининг мазмунига айланиб боради.

Миллий ўзликни англашнинг миллат учун энг аҳамиятли жиҳатлари шундан иборатки, миллат вакиллари ўзлигини қанча тэран англай борсалар, шунча мустақиллик улар учун улуғ нэъмат эканлигини ва миллат манфаатлари ҳар қандай шахсий манфаатлардан устун туришини англай бошлайдилар.

Умуман олганда, миллий ўзликни англаш ҳар бир миллатнинг ҳаётида ниҳоятда катта ўрин эгаллайди, чунки у ўзининг ўтмишини тэран англаш асосида бугунини ҳам тўғри ва атрофлича билиб олишга эришади ва шу билан биргаликда ўз келажагини аниқ белгилаб ривожланиш йўлига ўтиб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори”да Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она-Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз вакилларининг Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришаётгани, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва спорт салоҳияти янада ошаётгани, республикамиз ҳудудларида жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт иншоотлари барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари оммалашиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли одатлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ва долзарб вазифаларни белгилаб берлган.

Хулоса сифатида, миллий ўзликни англаш давлат, жамият ва халқ учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлиги тўғрисидаги сўзларимизни Президентимиз Ислом Каримовнинг қўйидаги фикри билан яқунлаймиз, яъни: “Миллат ўзлигини тўла англаган тақдирдагина буюк ўзгаришлар қилишга қодир бўлади”<sup>[20]</sup>

#### **Адабиётлар рўйхати**

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 71-б.



- [2] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 410-б.
- [3] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 410-б.
- [4] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: ЎФМЖ, 2004. 188-б.
- [5] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 71-б.
- [6] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 704-б.
- [7] Қўчқоров В. “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси” сиёсий-фалсафий таҳлил Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2009. 12-б.
- [8] Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. 34-б.
- [9] Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. 63-б.
- [10] Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 17-б.
- [11] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: ЎМЭДИН, 2010. 246-б.
- [12] А.Азизхўжаев “Чин ўзбек иши” – Т.: Ўзбекистон, 2011. 415-417-бет.
- [13] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 592-б.
- [14] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 181-б.
- [15] Амир Темур ўғитлари. – Т.: Наврўз, 1992. 19-б.
- [16] И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Мулоқот” журнали. 1998 йил. 5-сон
- [17] М. Алимова, М. Тюменова, Ж. Ҳасанов. Миллий ўзликни англаш жараёнида ижтимоий фаоллик – “Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи”, Гулистон, 2006, 106-бет.
- [18] И.Р. Хўжамуродов. Истиқлол ва ўзликни англаш. – Миллий истиқлол мафқураси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни. С., 1995, 34-бет.
- [19] З. Ҳамидов. “Миллий ўзликни англашда мафқуранинг роли” – Миллий истиқлол мафқураси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни. Самарқанд, 1995, 38-бет. Акмал Саидов. Миллий ғурур бош қонунимизнинг асосидир. “Туркистон”. 2005 йил 12 феврал.
- [20] И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000, 465-бет.

**ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУТАХАССИСЛАРИНИ  
ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.53885/edinres.2021.81.76.037

**Маъмуров Б.Б.,**  
**Бухоро давлат университети Жисмоний маданият**  
**факультети декани, педагогика фанлари доктори (DSc), профессор, Бухоро,**  
**Ўзбекистон**  
**Маъмуров Б.Б.,**  
**Бухоро муҳандислик ва технологиялар институти**  
**Бухоро, Ўзбекистон**

**Аннотация.** *Замонавий шароитларда жисмоний маданият ва спорт мутахассисларини тайёрлаш муаммолари, уларниг касбий компетентлиги сифатини*

яхшилаш нуқтаи-назаридан таҳлил қилинган. Замонавий жисмоний маданият таълимнинг ривожланиши тенденцияси унинг инсонпарварлик йўналишига диққат-эътиборнинг кучайганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, жисмоний маданият ва спорт мутахассисларини тайёрлаш тизимида психологик ва педагогик тайёргарликнинг аҳамиятлилиги ишончли тарзда баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** жисмоний маданият таълими, жисмоний маданият ва спорт мутахассислари, психологик ва педагогик тайёргарлик, касбий компетентлик.

XX асрнинг 90 йиллари бошларида Ўзбекистон Республикасининг олий мактаби ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгариши сабабли ўзининг фаолиятини қайта қуриш имкониятига эга бўлди. Янги шароитларда истиқболли мутахассисларни тайёрлаш вазифаси юзага келди. Бу эса олий ўқув юртлари фаолиятини тубдан ўзгартириш, янги таълим дастурлари ва технологияларини яратиш, ўқув-методик ва илмий ишларни такомиллаштиришга туртки бўлди.

М.Я.Велинский, С.В.Дмитрев, Е.В.Конева, Л.П.Матвеев, В.И.Столяров, Г.И.Хозяинов, О.Л.Шабалина ва бошқаларнинг олий жисмоний тарбия-педагогик таълимнинг муаммоларига бағишлаб бошлаган илмий тадқиқотларида қуйидаги камчиликлар аниқланган [12]:

- жисмоний маданият назарияси асосан ҳаракат функцияларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, амалда эса ўқувчиларнинг шахсини ривожлантиришга йўналтирилмаган;

- ўқув машғулоти спорт амалиётининг машқ қилиш машғулотирига ўхшашлик асосида ўтказилади;

- шахснинг қобилиятларини такомиллаштириш ва унинг ўзини ўзи такомиллаштириш, ўзини ўзи ривожлантиришга бўлган интилиши мақсадли йўналтирмаган;

- жисмоний тарбия ва спорт доирасида педагогика, амалиётни тизимлаштирувчи назария деб эмас, балки, асосан тарбия бўйича амалий фаолият соҳаси деб ҳисобланади.

Жисмоний маданият таълимида тез мослашувчан, илгарилаб бораётган технологиялардан фойдаланишни назарда тутувчи инновацион жараёнларга бўлган талаб ва уларнинг ресурс таъминотининг дефицити ҳамда аҳолининг турли контингенти билан ишлаб биладиган жисмоний тарбия мутахассисларига бўлган жамиятнинг талаби ва олий ўқув юртларида бундай тайёргарликнинг номувофиқлиги орасидаги қарама-қаршиликлар юзага келди . [2]

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислар тайёргарлигини мукамаллаштириш муаммоларига бағишланган илмий ишларнинг таҳлили бу муаммога турлича ёндошувни кўрсатмоқда. Қатор муаллифлар (Г.Бабушкин, В.Выдрин, Е.Каргаполов, М.Прохорова, В.Топчиян) жисмоний тарбия бўйича кенг ихтисосликка эга бўлган мутахассислар модели мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Жисмоний тарбия бўйича кенг ихтисосликка эга бўлган мутахассислар модели Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5924-сон Фармонида ўз ифодасини топди. Фармонга мувофиқ олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг битирувчиларига жисмоний тарбия ўқитувчиси ва ихтисослашган спорт тури бўйича тренер квалификациясини бериш кўрсатилди [1]

Бошқалар (Ю.Железняк, А.Морозов, О.Петунин, Н.Талызина, М.Фролова) ўқитувчи, муаллим, тренер ва бошқа топ ихтисосликка йўналтирилган моделни тадқиқ қилмоқдалар.

Охирги йилларда инсон таълимининг тизимида жисмоний маданиятнинг тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганишга қизиқиш ошди, илгари шаклланган ёндошувлар қайтадан кўриб чиқилмоқда. Ҳозир кўпроқ жисмоний маданиятнинг тарбиявий потенциални амалга ошириш масалалари ва унинг инсонпарварлик моҳияти одамларнинг диққатини ўзига жалб қилмоқда ҳамда жисмоний тарбия соҳаси кадрларининг тайёргарлигига янги ёндошувларнинг зарурлигини ифодалаовчи фикрлар юзага келди. Натижада жисмоний маданият ва спорт мутахассислари тайёргарлигини такомиллаштириш йўналишида Я.Бельский, А.Вацеба, Б. Ведмеданко, Е.Вильчковский, Э.Сейтхалилов, Р.Исаков, М.Герцик, З.Гаппаров, А.Деминский, В.Каргополов, В.Ковальский Л.Матвеев ва бошқалар ўзларининг илмий ишларини бағишладилар.

Жисмоний маданият таълими, маълум ижтимоий буюртмани бажара туриб замонавий жамиятнинг ривожланишида ўзининг мақсадини қайтадан кўриб чиқиши ва мазмунини ўзгартиришига мажбур. Икки тенденциянинг тўқнашуви рўй бермоқда. Бир томондан, жисмоний маданият таълимини қайта қуриш зарурлиги тан олинмоқда, жамият талабларига мос равишда тажрибалар орттирилмоқда, янги дидактик ёндашувлар шаклланмоқда. Бошқа томондан эса, тизим шаклланган назарияни ва одатдаги методикани сақлаб қолишга, ташкилий шаклларни ва орттирилган тажрибани мутлақлаштиришга интиломоқда. Жисмоний маданият таълимини такомиллаштириш муаммолари бўйича эълон қилинган илмий адабиётлар таҳлили ҳозирги шаклланган тенденция доирасида фақат чегараланган тор (локал) янгиликлар киритишга интилишлар мавжудлиги тўғрисида далолат беради. Бироқ, ҳосил бўлган зиддиятларни туб ўзгаришларсиз ҳал қилиб бўлмайди. Жамият онгининг ўзгариши натижасида ўзини ўзи ривожлантириш, ўзига ўзи тарбия бериш, мустақил ўқиб билим орттириш, билим, кўникма, малакаларни етказишнинг биринчи даражадаги аҳамиятлигида жисмоний маданият таълимида янги қадриятлар пайдо бўлди. Шаклланаётган жисмоний маданиятнинг янги концепцияси олий таълим тизимида жисмоний маданият ва спорт соҳаси мутахассислари тайёргарлигида ҳам худди шундай муносиб ўзгаришлар бўлиши зарурлигини талаб қилади. Бу давлат таълим стандарти мазмунида, янги ўқув режалар ва дастурларда ҳамда кадрларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш йўллари излашда ўз ифодасини топган. [1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4623-сон қарорида “... педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш жараёнида абитуриентларнинг педагогик касбига лаёқати даражасини аниқлаш механизмлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш” кўрсатилган [3].

Бироқ, бу интилишларни руёбга чиқариш учун шахсга педагогик йўналганлик ҳамда келгусида жисмоний маданият ва спорт соҳаси фаолиятининг паст-баландини тушунадиган абитуриентларни ўқитиш учун танлаб олишга жиддий эътиборни қаратиш зарур [6].

Касбга танлаш учун тавсия қилинаётган методикалар сўровнома (анкета), интервью, педагогик мавзудаги иншо, педагогик вазифаларни ечиш ва бошқалар ёрдамида абитуриентларнинг қизиқишлари, уларнинг педагогик касбдан хабардор эканликлари каби касбни танлаш омилларини баҳолаб абитуриентларнинг педагогик касбга бўлган муносабатларининг реал потенциални кўришга имкон яратади [7]. Олий ўқув юртигача бўлган тайёргарлик ва аниқ касбни мақсад қилиб олган ёшларни танлаб олиш жисмоний маданият факультетлари контингентининг барқарорлигига ва сифатли таълимни амалга оширишга ҳамда педагогик маҳоратнинг мувафаққиятли шаклланишига ва бўлғуси педагогларнинг ижодий қобилиятлари ривожланишига ёрдам беради.

Бугун жисмоний маданият нафақат ижтимоий турмуш (ҳаёт) воқеаси ва инсон

фаолияти соҳаси сифатида, балки, унинг индивидда ривожланиш натижаси деб қаралмоқда. Бу эса ўзида шахснинг фундаментал қадриятларини мужассамлаштиради, модомики, у организм фаолиятининг биологик потенциалини таъминлайди, ҳамоҳанг ривожланишга замин яратади, ижтимоий фаолликнинг намоён бўлишига қўмаклашади, шахснинг талант ва қобилиятларини руёбга чиқариш йўлида хизмат қилади [4]. Бундай ёндашув жисмоний маданиятни шахснинг маълум савиядаги жисмоний ривожланиши ва ўқимишлилигини характерловчи турли фаолият турлари ва шаклларида бу даражага эришиш усуллариини англаганлиги (касбий, ижтимоий, оилавий, жисмоний маданият-спорт ва бошқалар), сифатли, тизимли, динамик таълим деб ҳисоблашга имкон яратади. [12].

Шунинг учун жисмоний маданият ва спорт мутахассислари тайёргарлиги мазмунини қайтадан кўриб чиқиш жараёнида жисмоний маданият фаолияти ижтимоий функциясининг ифодаси ҳисобланган жисмоний маданиятнинг аксиологик аспектига эътиборнинг кучайиши муҳим тенденция ҳисобланади [9].

Жисмоний тарбия ва спортни бошқарув тизими ва спорт таълими муассасалари раҳбарлари фаолиятининг очиқлик ва шаффофлик даражаси етарли эмаслиги, жамоатчилик назорати йўлга қўйилмаганлиги, айрим раҳбарларда зарур масъулият ва ташаббускорликнинг йўқлиги қўйилган вазифалар ҳамда мақсадли кўрсаткичлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда [2]

Афсуски, кўпгина олий ўқув юртлари раҳбарлари онгида жисмоний маданиятга бир томонлама, яъни фақат одамнинг жисмоний сифатларини, кўникма ва малакаларини ривожлантириш соҳаси деган фикр устунлик қилади. Унинг ижтимоий маданиятдаги ўрни ва шахсни ривожлантиришдаги аҳамияти четда қолмоқда. Шу сабабли “инсон шахсини маънавий ривожлантириш ва жисмоний камолотга етказиш вазифаларини яхлит жараёнда амалга оширишда жисмоний маданият ва спортнинг ўзига хос ва умумий педагогик воситалари ҳамда методларини қандай қўллаш керак” деган маънога урғу бериш керак [5].

Жисмоний маданият факультетлари ўқув режаларида касбий педагогик тайёргарлик билан жисмоний маданият-спорт тайёргарлигининг боғлиқлигига етарлича (муносиб) баҳо берилмаган. Бу ҳолат бўлғуси мутахассисларда келгусидаги ишини ҳис этиши, педагогик меҳнат тўғрисидаги яхлит тасаввурни, касбий фаолиятга қизиқишни шакллантирмайди. Чуқур мазмунли илмий тайёргарликнинг етишмаслиги туфайли битирувчиларнинг аксарият қисми замонавий технологияларни ўзлаштира олмайдилар, новаторлардан фойдали тажрибани ўрганиб ололмайдилар, илмий ютуқларни ўзларининг амалиётига татбиқ қилолмайдилар. Ўқитишнинг замонавий техник воситалари, компьютерга мослаштирилган технологиялар етишмаслиги, индивидуаллаштирилмаган ўқув жараёни, илмий-тадқиқот ва ижодий вазифаларга етарлича баҳо берилмаслиги, педагогик амалиётнинг самарасиз қўлланилиши – булар бўлғуси жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари маҳоратининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммолар ҳисобланади. Албатта, олий жисмоний маданият таълимини модернизация қилиш борасида амалга оширилган ижобий тажрибалар ҳам мавжуд. Шу билан бир қаторда тадқиқотчилар олий ўқув юртида ўқитиш жараёнида шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва бу хусусиятлар педагогнинг шаклланишидаги аҳамиятини ҳисобга олиш муҳим эканлигини таъкидлайдилар ҳамда талабаларда жисмоний маданият ҳаракатига фаол муносабат, шахсий педагогик позициянинг шаклланиши имкониятларини кўрсатмоқдалар [10].

Ҳозир олий таълимнинг шахсга йўналтирилган парадигмага ўтиши билим ва кўникмаларни эмас, балки инсоннинг ўзини мутлақ қадрият сифатида қабул қилмоқда. Таълим тизими илгари ўзига тегишли бўлган: асли яширинган ғоя устунлиги, қуруқ назариябозлик, ўрта ҳол ўқувчига мўлжалланганлик ва шунга ўхшаш нуқсонлардан тозаланмоқда; шунинг баробарида таълим маконида субъект-субъект

муносабатларининг шаклланиши ва ўзини ўзи руёбга чиқариш имкониятлари; шахснинг таълим, маънавий, маданий эҳтиёжларининг қондирилиши, таълим мазмунини эркин танлаши қондирилмоқда. Бундай ёндошувда таълим мақсади ва мазмуни инсоннинг шахсий жиҳатларига кўчирилади, ақидаларга кўр-кўрона ишониш, сўзсиз бўйсунушга асосланган иллатлардан холос қилади [11].

Жисмоний маданият ва спорт мутахассислари тайёргарлигини инсонпарварлаштириш бўлғуси мутахассиснинг шахсини интеллектуал, эстетик ва ахлоқий ривожлантиришга, унинг гуманитар билим даражасини ва умумий маданияти савиясини оширишга, дунёқарашлари кенглигини шакллантиришга мўлжалланган. Бу тиббий-биологик йўналишдан педагогик, психологик, ижтимоий ва интегратив йўналишга ўтиш билан боғлиқлиги ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғланганлиги жисмоний маданият-педагогик таълими ривожланиши тенденциясининг мантиқий давоми ҳисобланади [8]. Бўлғуси жисмоний маданият ва спорт мутахассисларини педагогик касбга тайёрлашни ташкил қилишда унинг функционаллик, қадриятлилик, фаолиятлилик аспекти яхлитлиги мазмун ва маъносини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу аспектиларнинг туб маъноси бир томондан жисмоний маданиятнинг интегратив, инсон ижодкорлиги, маънавий-жисмоний моҳиятини очиб беришга имконият туғдиради, бошқа томондан эса, педагогнинг қадриятлар тушунчасини ва улар ишининг вазифаларини ўзгартиради. Афсуски, бу кам ўрганилган муаммо бўлиб қолмоқда, жисмоний маданият факультетларида педагогларни оммавий тайёрлаш амалиёти эса, ҳали ҳам таълим парадигмасининг билимга мўлжалланган эски ҳислатларини сақлаб қолмоқда [12].

Жисмоний маданиятга умумий маданиятнинг бир қисми деб қараш талабалар касбий тайёргарлиги турли таркибий қисмларининг ўзаро муносабатларини янгидан кўриб чиқишга ундайди. Бунинг асоси сифатида жисмоний маданият соҳаси таълимининг инсонпарварлик принциплари, шахс жисмоний тарбияси қонуниятлари, шахснинг ўзини ўзи англаши, унинг қобилиятлари ва имкониятларини ўзгартиришга бўлган интилиши хизмат қилади. Жисмоний маданият ва спорт мутахассислари тайёргарлигининг назарий таҳлили уларнинг тайёргарлигини қуйидаги комплекс методологик ёндошувлар асосида қуриш кераклигини таъкидлашга имкон яратади, улар: шахсга йўналтирилганлик, фаолиятлилик, маърифатпарварлик, аксиологик, технологик, шахсий ижодкорлик, этнопедагогик, антропологик, интегратив, компетентлик, информатик, акмеологик, рефлексив, воситалилик ва бошқалардан иборат.

Ўзида маълум қадриятлар ва муносабатларни мужассамлаштирган жисмоний маданиятга умумий маданиятнинг бир қисми сифатида ёндашганда, масала ойдинлашади, яъни бўлғуси мутахассис келажакдаги фаолиятида жисмоний маданият потенциалини амалга ошириш учун нафақат жисмоний тарбия методикасини, балки касбий-педагогик компетентлика ҳам эга бўлиши керак. Бу унга реал имкониятларни ҳисобга олиб, конкрет шароитларга мослашиб, мустақил ўқув-тарбиявий жараёни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш ҳамда ўқув-тарбиявий жараёнини прогнозлаштиришга имкон туғдиради. Таълим ва тарбиянинг кенг кўламли вазифалари асосида касбий фаолиятини ташкиллаштириш, конкрет далиллар, воқеалар, ҳодисалардан таълим жараёнининг умумий қонуниятлари намоён бўлишини кўра билиш учун жисмоний маданият ва спорт соҳаси мутахассисларига тараққий этган педагогик тафаккур зарур. Ҳар томонлама ривожланган замонавий одам учун интеллектуал, ахлоқий, эстетик, маънавий жиҳатлар қанчалик муҳим бўлса, шунчалик жисмоний маданият ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда жисмоний маданият ва спорт мутахассислари тайёргарлигини аниқлаш бўйича бошлаган таҳлилимиз қуйидагича хулоса чиқаришга имкон беради, яъни олий ўқув юртларида абитуриентларнинг

педагогик фаолиятга бўлган муносабати диагностикаси ўтказилмайди, ўқитувчилар машғулотларда ўқитишнинг интерфаол шакллари ва методлари, ахборот-коммуникатив технологиялари, вебинар маърузаларни етарлича қўлламайдилар, натижада талабаларнинг креатив қобилиятлари етарлича ривожланмайди. Ҳозирги кунда талабаларнинг талаблари ва интилишларига кўра таълим муассасаларида ўзларининг фаолиятини модернизация қилиш имконияти пайдо бўлганига қарамасдан, киритилаётган янгиликлар чекланган, тор локал характерга эга. Шу билан бир қаторда таълимнинг инсонпарварлик йўналишига диққат-эътиборнинг кучайиши олий ўқув юртларида бўлғуси жисмоний маданият ва спорт мутахассислари таълими жараёнида психологик ва педагогик тайёргарлиги аҳамиятлилигининг ошишига олиб келиши муқаррар ва фақат ана шу пайтдан бошлаб жисмоний маданият таълими тизимида ҳақиқий ўзгариш, унинг янги, шахсга йўналтирилган парадигмага ўтиши таъминланади. Жисмоний маданият соҳаси педагоглари тайёрлашни ташкил қилишнинг замонавий ёндошуви асосланган янги йўллари излаш жисмоний маданият таълими тизимидан нафақат мақсад ва мазмунни ўзгартиришни, шу билан бирга мутахассислар тайёрлаш жараёнининг шакллари, методлари ва воситаларини ҳам ўзгартиришни талаб қилади. Психологик ва педагогик тайёргарликнинг роли ва аҳамиятига диққат-эътиборнинг кучайиши жисмоний маданият ва спорт соҳаси учун компетентли мутахассисни шакллантириш, шубҳасиз, зарур ҳисобланади.

Шундай қилиб, жисмоний маданият ва спорт соҳаси мутахассислари касбий тайёргарлиги мавжуд амлиётини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида уларда жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Улардан асосийлари: жисмоний маданият-спорт ва психологик-педагогик тайёргарлиги ҳамда талабалар томонидан педагогик назарияни ўрганиш ва ўқув-тарбиявий фаолият амлаиётини ўзлаштириш орасидаги диспаратетлик (нормоувофиқлик). Бундай ҳолат бўлғуси мутахассисларда умумий педагогик маданиятнинг шаклланишини ва уларда зарур касбий-педагогик сифатларнинг ривожланишини қийинлаштиради. Шу сабабли, олий касбий таълим тизимида педагогни тайёрлашнинг замонавий талабларига жавоб берадиган ва касбий фаолиятнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, бу тайёргарликнинг яхлит концепциясини англаш ва яратишда асосли-мақсадли, процессуал-мазмунли, ташкилий-технологик, субъект-шахс каби психологик-педагогик тартиб-қоидаларни жисмоний маданият ва спорт мутахассисларининг психологик ва педагогик тайёргарлиги жараёнига тадбиқ қилиш зарурлиги юзага келмоқда. Бу ерда гап бўлғуси жисмоний маданият ва спорт мутахассислари тайёргарлигида сифат жиҳатидан янги мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, уларни ўқитишнинг метод ва технологияларини модернизация қилиш, мазмунини тизимлаштириш ва танлашнинг янги принциплари тўғрисида бормоқда.

Ўқитишнинг ноанъанавий шакллари қўллаш технологиялари, бизнинг фикримизча, агар, уларни педагогик жараёнга тадбиқ қилиш комплексли бўлса ва педагогик амалиёт даврида мустаҳкамланиши назарда тутилса, натижа беради деб ўйлаймиз. Бундай вазиятда талабаларда ўзининг касбий компетентлиги савиясини оширишга ижобий мотив шаклланади. Ўз навбатида мутахассисларнинг тайёргарлиги сифатини яхшилаш жисмоний маданиятнинг ижтимоий мавқеининг ўсишига ҳам ёрдам беради.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5924-сон Фармони

2. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармонига 1-ИЛОВА/.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4623-сон қарори.

4. Виленский М.Я. Ценностное сознание в структуре профессионально-личностного развития студентов / М.Я. Виленский // Ценностные приоритеты общего и профессионального образования: мат-лы Межд. науч.-пр. конф. –Ч.1 –М, 2000. – С. 90-93.

5. Гаппаров З.Г. Спортивная психология / Психология личности в спорте: учебник / З.Г.Гаппаров: ООО «Мехридарье». –Т., 2009. – 312 с.

6. Исаков Р.Ш. К вопросу о готовности к профессиональному самообразованию учителя физической культуры / Р.Ш.Исаков // ФАН-СПОРТГА. – 2008. – № 4. –С.13-19.

7. Конева Е.Ф. Формирование педагогической позиции специалиста по физической культуре в процессе вузовской подготовки: дис. ... доктора пед. наук: 13.00.08; 13.00.04 / Конева Елена Владимировна. –М., 2001. – 357 с.

8. Любышева Л.И. Современный ценностный потенциал физической культуры и спорта и пути его освоения обществом и личностью / Л.И.Любышева // Теория и практика физической культуры. – 1997. – № 6. – С. 10-15.

9. Сейтхалилов Э.А. Личностно и социально значимые качества учителя физической культуры / Э.А.Сейтхалилов // ФАН-СПОРТГА. – 2006. – № 2. –С. 10-17.

10. Хамраев И.Т. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари / И.Т.Хамраев // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – 2018. № 3. –Б. 234-238.

11. Черняев В.В. Анализ принципов гуманитаризации физического воспитания студентов / В.В.Черняев // Научные труды МПГУ. Серия: Психолого-педагогические науки. – М., 2001, – С. 130-142.

12. Шабалина О.Л. Общепедагогическая подготовка учителя физической культуры в системе высшего профессионального образования: дис.доктора пед. наук: 13.00.08/Шабалина Ольга Леонидовна.–М.,2003.– 320с.

# 1-ШЎЪБА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

## ФИЗИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ И РАЗВИТИЕ ИНТЕЛЛЕКТА ЧЕЛОВЕКА

10.53885/edinres.2021.70.74.043

**Маъмуров Б.Б.,**  
**д.п.н.(DSc), профессор**  
*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*  
**Михаилов А.Г.,**  
*директор института физической культуры, спорта и здоровья МГПУ, Москва, Россия*

**Аннотация:** В данной статье раскрываются основные направления по обеспечению всестороннего развития ребенка посредством создания необходимых условий для этого и предоставления ему различных двигательных возможностей. Приводится сопоставительный анализ подходов в способствовании развития интеллекта и творческих способностей.

**Ключевые слова:** интеллект, креативность, устойчивость, движение, секция, активность, стремление, опыт, игрушки, поиск.

Достижения в сфере интеллекта и креативности в значительной мере связаны с уровнем развития психомоторной сферы ребенка. Об этом неоднократно говорили и писали многие известные специалисты (П. К. Анохин, [Н. А. Бернштейн](#), [А. Р. Лурия](#) и др.). В специальных исследованиях зафиксированы факты, свидетельствующие о том, что дети от 7 до 17 лет, более развитые в физическом отношении, получают более высокие баллы по тестам интеллекта. Дети, занимающиеся в спортивных секциях, имеют лучшие показатели умственной работоспособности, о чем также свидетельствуют специальные эксперименты.

Специалисты, изучавшие развитие интеллекта у малышей, постоянно говорят об устойчивой корреляции уровня развития мышления и двигательной активности ребенка, прежде всего уровня развития мышления и координации движений. Много интересных наблюдений содержится в работах специалистов. Например, замечено, что ребенок, рано начавший ходить, обычно опережает сверстников в умственном развитии. Умственное развитие малыша происходит параллельно с физическим и сенсорным, это естественно, ведь мозг - часть организма.

Объясняется это еще и тем, что главный и практически единственный способ знакомства с миром для младенца - движение. Через движение он исследует и познает окружающий мир, устанавливает когнитивные контакты со средой. Этим объясняется столь важная роль движений в развитии его интеллекта. Специалист в области психологии детской игры Сюзанна Миллер пишет, характеризуя особенности исследовательского поведения детей в первые 18 месяцев жизни: «Со времени, когда сформирована координация между руками и зрением, тенденция ребенка касаться всего кажется почти принудительной. Ему очень трудно удержаться, чтобы не потрогать все, что его окружает, несмотря на запреты. После того как он начинает ходить, содержимое ящиков, полки и особенно всякие мелкие объекты, такие как кнопки или монеты, „кучи» бесполезных предметов привлекают его внимание достаточно длительное время».

Адаптация малыша к окружающему миру происходит преимущественно путем совершенствования координации восприятия и движения. Ряд ученых, в частности американский психиатр и педагог Г. Доман, используют даже специальное понятие



«физический интеллект». В его книгах предлагается особая система диагностики и развития «физического интеллекта» в самом раннем возрасте. Автор при этом ссылается на собственные исследования и изучение опыта обращения с младенцами женщин-индианок.

Их малышей, отмечает исследователь, никогда туго не пеленают, их редко кладут на спину, им дают возможность активно двигаться едва ли не с первых минут жизни. Он, как многие другие специалисты, подчеркивает в своих работах, что пеленание и укладывание ничком вредно и существенно влияет на психику ребенка, закрепляя ощущение беспомощности и зависимости. Это в дальнейшем может приводить - и приводит - к пассивности.

В начале XX века [Мария Монтессори](#) утверждала, что потребность младенца в сенсорных ощущениях не может быть удовлетворена, если он постоянно лежит на спине в коляске или в кроватке. Что видит ребенок в этом случае - потолок (в лучшем случае небо, если он в коляске на улице), изредка лицо взрослого, погремушки, которые во всем мире вешают родители над коляской (или кроваткой)? Этого оказывается недостаточно для реализации биологической потребности в исследовательском поведении, а следовательно, и для полноценного развития.

Предоставление младенцу максимума условий для свободных спонтанных движений является одной из важных предпосылок удовлетворения поисковой активности, а следовательно, и условий для интеллектуально-творческого развития в этом возрасте. Естественно, что по мере взросления ребенка задачи, ставящиеся перед ним, постепенно и существенно усложняются и специализируются.

На ранних этапах развития личности роль двигательной активности ребенка, как основного пути реализации потребности в исследовательском поведении, чрезвычайно важна. По мере взросления ее значимость объективно снижается, уступая место более сложным, специализированным видам деятельности. Безусловно, прав Г. Доман, утверждая, что в истории человечества нет более любознательных исследователей, чем дети до четырех лет. Нередко, отмечает он, взрослые путают детское любопытство с неумением сосредоточиться.

Дети начинают сами получать информацию преимущественно благодаря своей потребности в исследовательском поведении с первых минут своей жизни. Поэтому наивно думать, подчеркивает Г. Доман, что если официальное образование для большинства детей начинается с 6 лет, то и их обучение начинается в это время. К шести годам, когда ребенок обычно отправляется в школу, он уже знает об окружающем мире столько, сколько вряд ли усвоит за всю оставшуюся жизнь.

Малыши испытывают безграничную жажду знаний. С трудом, но все же мы можем уменьшить стремление ребенка к познанию, ограничивая его опыт, пресекая попытки исследовательского поведения, стимулирующие развитие детского интеллекта. Конечно, можно возмутиться и сказать: с какой стати нас в этом подозревают? И кто так поступает? Мы все готовы содействовать развитию любознательности, мы хотим развить поисковую активность ребенка, подвести его к самообразованию, всемерно содействовать саморазвитию. И мы действительно обсуждаем эту проблему теоретически, но как обстоят дела на практике?

Вот несколько весьма распространенных способов, ограничивающих проявление исследовательского поведения малыша, описанных Г. Доманом.

Один из наиболее распространенных - давать ребенку для игры «готовую» игрушку, не способную к трансформации, и возмущаться - почему он ее выбрасывает через пару минут и опять плачет (подробнее об этом можно прочитать в статье [«Игры и игрушки в развитии интеллекта и креативности ребенка»](#)).

Другой эффективный прием ограничения поисковой активности - помещение ребенка в изолированное пространство (кроватка, манеж и др.).

В педагогической литературе постоянно мелькают жуткие примеры, описывающие особенности поведения подростков, выросших в условиях предельно ограниченного опыта. Они вырастают идиотами, и это возмущает; правда, удивляться тут не приходится, объяснение находится само. Но не поступаем ли мы аналогично, помещая ребенка в манеж? Ведь это не что иное, как загон, тюрьма для него: куда ни двинешься - везде решетка.

Конечно, мы привыкли убеждать себя в том, что манеж защищает ребенка от опасностей. Их действительно много даже в обычной квартире: электрические провода, неустойчивые вазы, бытовая техника и др. Но, спасая ребенка от этих внешних опасностей, мы фактически подвергаем его другой, не меньшей опасности. Попытка поместить его в физический, образовательный, эмоциональный вакуум - не менее серьезная опасность, приводящая к ограничению когнитивного опыта, его обеднению.

Малыш трогает и ощупывает разнообразные предметы: тяжелые и легкие, острые и тупые, мягкие и жесткие. Он рисует, рвет бумагу, разбрасывает игрушки, что-то опрокидывает. Многие увлекательные игры-исследования начинаются с необычных эффектов, полученных при случайных физических действиях - шлепанье по лужам, расплескивание воды, пересыпание песка, деформация пластичных материалов (глины, пластилина) и др. Много из этого мы считаем деструктивной деятельностью, хотя на самом деле все это - проявление первых ростков любознательности, реализация стремления к исследовательскому поиску.

Естественно, никто не предлагает разбивать телевизоры, дорогие вазы, опрокидывать мебель и рисковать при этом жизнью самого маленького исследователя. Максимально расширяя пространство для реализации исследовательской активности ребенка, следует стремиться к тому, чтобы его окружение было безопасным для здоровья и жизни. Важно также, чтобы и само окружение не очень страдало от деятельности начинающего исследователя.

Детей, даже самых маленьких, не нужно подталкивать к поиску, к проведению собственных исследований. Ребенку достаточно просто дать свободу для экспериментирования. Важно постоянно помнить: чем больше этой свободы, чем шире диапазон поисков, тем больше возможностей для развития когнитивных и творческих способностей. Специальными экспериментами давно доказано, что ограничение свободы действия детей, выраженное в самых разных формах - ограничении двигательной активности или в постоянных «нельзя», «не лезь туда», «не тронь», - способно серьезно помешать развитию детской любознательности: ведь все это сдерживает порывы ребенка к исследованиям, а следовательно, ограничивает возможность самостоятельного, творческого изучения и осмысления происходящего.

#### **Список использованной литературы:**

1. Давиденко Д.Н. Здоровый образ жизни и здоровье студентов: Учебное пособие / Д.Н. Давиденко, В.Ю. Карпов.- Самара: СГПУ, 2004. – 112с.
2. Физическая культура студента: Учебник / Под ред. В.И. Ильина. – М.: Гардарики, 2004. – 448с.
3. Гленн Доман. Что делать, если у вашего ребенка повреждение мозга = What To Do About Your Brain-injured Child / Перевод С. Л. Калинина. — Рига: Juridiskais birojs Vindex, SIA, 2007. — 329 с
4. Петленко В.П., Давиденко Д.Н. Этюды валеологии: Здоровье как человеческая ценность. – СПб.: Балтийская педагогическая академия, 1998. – 120 с.
5. Физическое воспитание студентов: учеб. пособие /Л.С. Дворкин, К.Д. Чермит, О.Ю. Давыдов / Под общ. ред. Л.С. Дворкина. – Ростов н/Д: Феникс; Краснодар: Неоглория, 2008. – 700с.

6. А.Лурия Развитие психических процессов у ребёнка. — М., 1956 (в соавт. с Ф. Я. Юдович)

7. Барчуков И.С. Физическая культура и спорт: методология, теория, практика: учеб. пособие для студ.высш. учеб.заведений / И.С. Барчуков, А.А. Нестеров; под общ. ред. Н.Н. Маликова. – М.: Издательский центр «Академия», 2009. -528с.

8. Холодов Ж.К. Теория и методика физического воспитания и спорта: учеб. пособие для студ. высш.учеб.заведений / Ж.К. Холодов, В.С.

9. Данюшенков, В.С. Современный урок: тенденции развития / В.С. Данюшенков, О.В. Коршунова // Педагогика : журнал . — 2017 .— № 10 .— С. 24-31.

10. Иванова, Е.О. Перспективные обучающие технологии: дидактический аспект / Е.О. Иванова, И.М. Осмоловская // Педагогика : журнал . — 2017 .— №1 .— С. 3-10.

11. Лубышева, Л.И. Методология онтодидактики как новая стратегия подготовки кадров в системе физкультурного образования / Л.И. Лубышева, С.В. Дмитриев // Теория и практика физической культуры : журнал . — 2017 .— №6 .— С. 3-5.

12. Перминова, Л.М. Развитие дидактического знания на рубеже XX-XXI в.в. (к 100-летию И.Я. Лернера) / Л.М. Перминова // Педагогика : журнал .— 2017 .— № 9 .— С. 108-114.

## **XORIJ DAVLATLARIDA MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMINING RIVOJLANISHI (BUYUK BRITANIYA HAMDA GERMANIYA MISOLIDA)**

10.53885/edinres.2021.49.64.007

*N.M.Muxitdinova*

*Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston*

## **DEVELOPMENT OF THE PRESCHOOL EDUCATION SYSTEM IN FOREIGN COUNTRIES (ON THE EXAMPLE OF GREAT BRITAIN AND GERMANY)**

*N.M.Muxitdinova*

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

## **РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ (НА ПРИМЕРЕ ВЕЛИКОБРИТАНИИ И ГЕРМАНИИ)**

*Н.М.Мухитдинова*

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada xorij mamlakatlarida maktabgacha ta'lim tizimining rivojlanishi (Buyuk Britaniya hamda Germaniya misolida) shuningdek maktabgacha ta'lim tizimining o'ziga xos xususiyatlari, maqsadi va vazifalari, ularning turlari hamda bu tizimda mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar to'g'risida ma'lumotlar berilgan.

**Kalit so'zlar:** maktabgacha ta'lim, ilg'or tajriba, integratsiya, mashg'ulotlar, bog'cha

**Аннотация:** В статье рассказывается о развитии дошкольного образования в зарубежных странах (на примере Великобритании и Германии), а также об особенностях, целях и задачах системы дошкольного образования, их видах и реформах в этой системе в нашей стране. Страна данные приведены

**Ключевые слова:** дошкольное учреждение, лучшие практики, интеграция, уроки, детский сад

**Annotation:** This article provides information on the specific features, goals and objectives of the system of preschool education in foreign countries (for example, the UK and Germany), their types and reforms in this system in our country.

**Key words:** preschool education, best practices integration, lessons, kindergarten

**Dolzarblik**

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2017- yil 19 - oktabr kuni maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish masalalariga bag'ishlangan yig'ilishda ta'kidlaganidek "Hayotimizda hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'lgan ta'lim-tarbiya tizimi haqida

gapirganda, Abdulla Avloniy bobomizning dono fikrlarini takror va takror aytishga to'g'ri keladi: ta'lim-tarbiya – biz uchun hayot-mamot masalasidir. Qaysi sohani olmaylik, biz zamonaviy yetuk kadrlarni tarbiyalamasdan turib biron-bir o'zgarishga, farovon hayotga erisha olmaymiz. Bunday kadrlarni, millatning sog'lom genofondini tayyorlash, avvalo, maktabgacha ta'lim tizimidan boshlanadi" deb ta'kidlagan edi.[1]

Shu maqsadda o'sib kelayotgan yosh avlodni kamol toptirishda bu boradagi xorijning ilg'or tajribalaridan foydalangan holda ta'limning zamonaviy usullarini keng tatbiq qilish maqsadga muvofiq deb o'ylayman.

**Tadqiqot maqsadi:** Buyuk Britaniya va Germaniya ta'lim tizimida maktabgacha ta'lim tizimining o'ziga xos bo'lgan xususiyatlarini tahlil qilish shuningdek ilg'or pedagogik tajribalarni o'rganish hamda amalda tatbiq etish

**Tadqiqot metodi:** xorij mamlakatlarining ta'lim turlaridan maktabgacha ta'lim tizimini o'rganishda turli adabiyotlardan shuningdek internet sahifalarni nazariy tahlil qilish hamda umumlashtirish.

**Tadqiqot natijasi hamda muhokamasi:** So'nggi yillarda ta'limning eng asosiy hamda kichik bo'g'ini hisoblangan maktabgacha ta'limga bo'lgan e'tiborni kuchaytirish davlat siyosati darajasiga ko'tarilganligiga guvohmiz. Jumladan maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, moddiy - texnik bazasini mustahkamlash, maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarmoqlarini kengaytirish, malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash, yosh avlodni maktab ta'limiga tayyorlash darajasini tubdan yaxshilash, bolalarni har tomonlama ta'limiy, tarbiyaviy, estetik, jismoniy hamda intellektual jihatdan rivojlanishlari uchun yetarli shart-sharoitlar yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29 dekabrda "2017-2021- yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PQ-2707 –sonli qarori qabul qilindi. Qarorga muvofiq qator vazifalar belgilab berildiki xorij mamlakatlarining maktabgacha ta'lim tizimi chuqur o'rganilib amalda mamlakatimizda joriy etilishi hamda hamkorlikda ishlash kabi muhim hamda dolzarb vazifalar belgilab olindi. Bu albatta yosh avlod ta'lim va tarbiyasi uchun juda muhim chunki xorijiy mamlakatlar ta'lim jarayoni to'liq o'rganilib amalda tatbiq etilishi albatta yana innovatsion va ilg'or tajribalarni kirib kelishiga zamin yaratadi deb o'ylaymiz. [2]

### **Buyuk Britaniya**

Buyuk Britaniyada maktabgacha ta'lim berish kambag'al ishchi oilalar bolalariga ko'ngilli yordam berish harakatiga asosan vujudga kelgan. 1816 – yilda Robert Ouen ilk bor Shotlandiyada o'z fabrikasi ishchilarining farzandlari uchun bolalar bog'chasini tashkil etgan. Buyuk Britaniyada 1988 – yilda "Ta'lim to'g'risida" gi Qonuni kuchga kirib, unda nafaqat ta'lim standartlari balki bolalarni maktabga qabul qilish vaqtida ruhiy rivojlanish darajasiga bazaviy baho berish ham belgilangan.

Buyuk Britaniyada ta'limga yondashuvda odatda ta'lim berish o'rganilayotgan predmet yoki o'qituvchiga emas, balki bolaga yo'naltiriladi. Bunday yondashuv ingliz ta'limi tarixiga asoslanib, uning taraqqiy etishida Russo, Frebel, Montessorilarning xizmati katta. Ular bolaning individualligini rivojlantirish va mustaqilligini himoya qilish kerak deb hisoblaganlar. Mamlakatda maktabgacha ta'lim tizimining asosiy maqsadi har bir bolaga mustaqillik, erkinlik, o'z fikrini bayon qilish imkoniyatlarini yaratib berishda o'yinlardan ko'proq foydalanish shuningdek o'yin davomida uqtirish yo'li orqali emas balki yon bosish, qo'llab – quvvatlash yo'li bilan turli materiallar hamda borliqdagi voqea-hodisalar to'g'risida bilimlarni shakllantirishdan iborat. Ingliz bolalar bog'chalarida bolalar har bir guruhda 25 nafardan ortiq bo'lmagan miqdorda bo'lib tarbiyalanadilar. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, ingliz pedagoglarining 75 foizi bolalarni ta'lim olishga qiziqtirish uchun tashqaridan motivatsiya qilishni noma'qul deb hisoblaydilar (masalan bolalar o'rtasida musobaqalashishni) taklif qilmaydilar. Yoki musobaqalashish natijasiga ko'ra g'olib bo'lgan bola agar(rasm chizish misolida) mukofotlanadigan bo'lsa, qiziqishi uchun rasm chizmay balki mukofot uchun rasm chizishni xohlab qoladi natijada esa bolada ichki motivatsiya yo'qolib,

tashqi motivatsiya o'rnini egallaydi. Ingliz bog'chalarining o'ziga xos xususiyatlaridan yana biri bolalar ko'proq mustaqil shug'ullanadilar, pedagoglar esa ularni chetdan kuzatib turadilar. Umumiy vaqtning 15 foizi pedagog rahbarligida olib boriladi. Barcha tarbiyachilar bolalarning jismoniy rivojlanishi hamda ruhiy holatini diagnostikasi uchun mazmunli-rolli o'yinlar, rasm chizish hamda buyumlar yasash usulidan foydalanishi kerak, deb hisoblaydilar. Qolaversa ingliz bolalar bog'chalarida (til va matematika bo'yicha majburiy mashg'ulotlardan tashqari) suv, qum bilan o'yinlar va harakatli o'yinlar orqali tadqiqot faoliyatiga katta ahamiyat beradilar. Buyuk Britaniyada maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida asosiy faoliyati gimnastika, raqslardan iborat bo'lib, mashg'ulotlar ochiq maydonlarda o'tkaziladi.[4]

### **Germaniya maktabgacha ta'lim tizimi**

Germaniya qonunlarida maktabgacha ta'lim olishning bepul huquqi belgilangan. Bolalarni 4 oyligidan boshlab yaslga olib borish mumkin. Ko'pchilik nemislar bu huquqdan foydalanadilar. Germaniya bolalar bog'chalari turlari xilma-xildir. Xususan ular quyidagilarga bo'linadi

1. **Waldkindergarten** (nemischa Wald so'zidan -o'rmon, nemischa Kindergarten - bolalar bog'chasi) demakdir. Bunday bolalar bog'chalarini yaratish fikri Skandinaviyada boshlangan. Ko'pgina bunday bog'chalar o'rmonda joylashadi. Bolalar doimo ochiq havoda sayr qilib turli mashg'ulotlar bilan shug'ullanadilar, daraxtlar va boshqa o'simliklarni o'rganadilar, tabiiy materiallardan turli narsalar yasaydilar ular to'g'risida tasavvurlarga ega bo'ladilar. Bu orqali bolalarga tabiatni sevish va uni asrab - avaylashdek insoniy tuyg'ular shakllantiriladi.

2. **Bauernhofkindergarten** (nemischa Bauernhof so'zidan - dehqon hovlisi, qo'rg'oni; Kindergarten - bolalar bog'chasi). Bunday bog'chalar dehqon xo'jaliklarida, fermalar yoki ularga yaqin yerlarda joylashgan bo'ladi. Bolalar kuchlari yetguncha fermerlarga mollarni boqishda, dala va bog'larda sabzavot va mevalar o'stirishda yordam beradilar.

3. **Freinet-Kindergarten.** Maktabgacha pedagogikaning bu yo'nalishi o'z nomini bolalar tarbiyasida o'ziga xos yondashish usulini ishlab chiqqan italiyalik oilaviy juftlik familiyasidan olingan. Bu yo'nalishning o'ziga xos xususiyati shundaki bunda bola butunlay erkin va mustaqil bo'ladi. Ya'ni bolalar nima qilishlarini, qanday o'yin o'ynashlarini, nima bilan shug'ullanishlarini, qachon ovqatlanishlari va uxlashlarini o'zlari hal qiladilar. Bolalarni ko'proq ijod qilish, syujetli-rolli o'yinlari, tajribalar, tabiat qo'ynida yoki shaharning korxonalar va tashkilotlarida sayohatga olib borish muhim ahamiyat kasb etadi

4. **Integratsion bolalar bog'chalari.** Bunday turdagi MTMLlarda sog'lom bolalar bilan birgalikda jismonan va ruhiy nosog'lom bolalar birgalikda tarbiyalanadilar. Bunday sharoit oddiy bolalar uchun chidamlilik, bag'rikenglik va hurmat qilishni o'rganishga ajoyib imkoniyat, deb qaraladi. Imkoniyatlari cheklangan bolalar jamiyatdan ajralgan holatda bo'lmaydilar, o'z tengdoshlari bilan muloqot va hamjihatlikda bo'lishni o'rganadilar. Shunday bog'cha va maktablarning soni ko'pligi Germaniyada nogironlarning yashashi, ta'lim olishi va o'zini namoyon qilishi uchun qulay sharoitlar yaratadi.

5. **Internatsional bolalar bog'chalari.** Bunday bolalar bog'chalari emigrantlar uchun yaratilgan bo'lib, ko'pincha ularni emigrantlarning o'zlari farzandlari uchun tashkil etadilar. Germaniya turk-nemis, yahudiy, rus-nemis bolalar bog'chalari juda ko'p. Bunday guruhlarda doimo bolalar bilan ona tilida so'zlovchi tarbiyachi bilan birga nemis tilida so'zlovchi tarbiyachi ham bo'ladi. Bunda bolalar ham ota-onalarining tilini, shuningdek nemis tilini ham o'rganadilar. Shuni ham alohida ta'kidlab o'tish lozimki Germaniyada maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalar bilan harakatli o'yinlar, gimnastika, yugurish, sakrash kabi ish shakllari o'tkaziladi. Jismoniy tarbiya dasturi suv o'yinlari va suzish mashg'ulotlarini o'z ichiga oladi. [4]

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda xorij mamlakatlari (Buyuk Britaniya hamda Germaniya) ning maktabgacha ta'lim tizimini tahlil qilar ekanmiz ingliz bolalar bog'chasida maktabgacha ta'lim tizimining asosiy maqsadi har bir bolaga mustaqillik, erkinlik, o'z fikrini bayon qilish imkoniyatlar yaratib berishda o'yinlardan ko'proq foydalanish shuningdek o'yin davomida uqtirish yo'li orqali emas balki yon bosish, qo'llab – quvvatlash yo'li bilan turli materiallar shuningdek borliqdagi voqea-hodisalar to'g'risidagi bilimlarni shakllantirishdan iboratligi bilan belgilansa, nemis bolalar bog'chalarida esa maktabgacha tarbiya muassasalarining rang-barang shakllari va turlarining mavjudligi kishini hayratlantiradi qolaversa bolalarni yoshikdan boshlab mustaqil hamda erkin fikrlash uchun yaratiladigan shart-sharoitlar bola kelajagi uchun zarur bo'lgan o'ziga bo'lgan ishonch, jasorat, tevarak-atrofdagi voqealarni tez tahlil qila oladigan, eng asosiysi o'zining mustaqil fikriga ega inson bo'lib shakllanishi uchun asos bo'ladi desak xato qilmagan bo'lamiz. Albatta bu tizimning O'zbekistonda ham o'ziga xos va mos yo'nalishi borligini alohida ta'kidlab o'tmoqchiman. 2020-yil 23-sentyabrda "Talim to'g'risida"gi qonunning yangi tahrirda qabul qilinishi unga muvofiq ta'lim eng birinchi bosqichi hisoblanmish Maktabgacha ta'lim va tarbiya turi alohida ko'rsatilgan bo'lib, bu bosqichda olib borilishi lozim bo'lgan chora-tadbirlar mazkur qonunda va boshqa qonunosti hujjatlarda ham o'z aksini topmoqda. Bolalarni har tomonlama estetik, axloqiy, jismoniy hamda intellektual jihatdan rivojlanishlari uchun qator salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda va borada xorij tajribasidan andoza olishni maqsadga muvofiq deb bilaman.

### ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 19-oktabr kuni "Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish masalalariga" bag'ishlangan yig'ilish
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29 dekabrda "2017-2021- yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PQ-2707 –sonli qarori
3. <http://sdo-10.journal.ru/journalnumbers/anglijskaja-sistema-do.html>
4. <http://razvivash-ka.ru/sistema-doshkolnogo-obrazovania-v-germanii/>
5. Юсупова З. Ш. Методы организации физической подготовки в дошкольных образовательных организациях // Проблемы науки. №9 (54), 2020. С.46-48.

### JISMONIY MADANIYAT TA'LIM YO'NALISHI TALABALARINING ILMIY TADQIQOT OLIB BORISH JARAYONINING KONTSEPTUAL ASOSI

10.53885/edinres.2021.83.83.008

**Madaminov Azimbek Egamberganovich,**

Urganch davlat universiteti tadqiqotchisi

Мадаминов Азимбек Егамберганович

Научный сотрудник Ургенчского государственного университета

Madaminov Azimbek Egamberganovich

Urgench State University researcher

+99893-467-00-74; +99894-317-00-74

**E-mail:**[madaminov.9290@gmail.com](mailto:madaminov.9290@gmail.com)

**Annotatsiya.** Mazkur maqola jismoniy madaniyat sohasida talabalarning ilmiy tadqiqot ishlarini tashkil etishda amalga oshirilishi lozim bo'lgan mezonlarga bag'ishlangan bo'lib, unda talaba va uning ilmiy rahbari tomonidan ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishda amalga oshirilishi lozim bo'lgan tavsiyalar berilgan.

**Kalit so'zlar:** jismoniy madaniyat, ta'lim, ilmiy tadqiqot, talaba, tarbiya, tizim.

**Аннотация.** Данная статья посвящена критериям, которым необходимо руководствоваться при организации научно-исследовательской работы студентов в

области физической культуры, содержит рекомендации, которые должны выполняться студентом и его научным руководителем при проведении исследования.

**Ключевые слова:** физическая культура, образование, исследования, студент, воспитание, система.

**Annotation.** This article is devoted to the criteria that should be followed in the organization of research work of students in the field of physical culture, it contains recommendations that should be implemented by the student and his supervisor in the conduct of research.

**Key words:** physical culture, education, research, student, upbringing, system.

Mamlakatimizda nafaqat jismoniy madaniyat ta'lim yo'nalishi balki boshqa ta'lim yo'nalishlarida ham talabalar tomonidan olib boriladigan ilmiy tadqiqot (referat, mustaqil ish, kurs ishi, bitiruv malakaviy ishi hamda pedagogik amaliyot) ishlarni amalga oshirishda talabalar qator muammolarga duch kelmoqdalar. Buning asosiy sababi talabalar tomonidan bajariladigan ilmiy ishlarni amalga oshirish mexanizmini tushunmaganliklari bo'is qanday tartibda rasmiylashtirish borasida yetarlicha bilimga ega emasliklaridadir. Shuningdek, talabalar tomonidan mustaqil bajariladigan referat, mustaqil ish, kurs ishi va bitiruv malakaviy ishlari avvalo, biron fan tarkibida alohida mavzu sifatida o'quv mashg'ulotlarini tashkil etish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Talabalarining ilmiy-tadqiqot faoliyatini tashkil etishning asosiy roli barcha oliy o'quv yurtlariga xos bo'lgan barqaror tendentsiyadir. Bilim, ko'nikma va malakalarning muhim tomoni voqealarni, faktlarni o'z vaqtida tahlil qilish, tushunish va baholash, kasbiy muammolarni nazariya va amaliyot birligi asosida hal qilish qobiliyati, birinchi navbatda, talabaning mustaqil ishlash jarayonida uning ilmiy faoliyat olib borish malakasi rivojlanadi. Zamonaviy ta'lim jarayonida jismoniy madaniyat mutaxassisligi bo'yicha tahsil olayotgan talabalarining mustaqil ishlash qobiliyatini rivojlantirishni talab qiladi, bu esa, avvalo, ularning ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishda shakllanadi. Talabalarining bu turdagi ishlariga so'nggi paytlarda pedagogik amaliyotda katta ahamiyat berilmoqda. Shu bilan birga, ko'plab tadqiqotchilar talabalarining ilmiy-tadqiqot ishlari muammosining nazariy asoslanmaganligi va o'quv jarayonining texnologik tomonini ta'minlanishi, shuningdek, uning samaradorligi pastligini qayd etishadi.

Tadqiqot ishlarida ishtirok etishda talabalarining pedagogik mahorati va bu jarayonga munosabati kabi omilni aniqlashga alohida e'tibor qaratish lozim. Umuman olganda, talabalarining ilmiy va pedagogik munosabatiga murojaat qilish shuni ko'rsatadiki, haqiqiy ilmiy va ilmiy-pedagogik faoliyat talabalarining faqat to'rtidan bir qismini qamrab oladi.

Oliy jismoniy tarbiya tizimi bo'lajak mutaxassisning shaxsiy fazilatlarini shakllantirishga ilg'or ta'sir ko'rsatadigan qilib ishlab chiqilgan, jamiyat, ilm-fan, madaniyatning hozirgi holati bilan zamonaviy jamiyatga moslashishga imkon beradi. U mustaqil professional tadqiqot faoliyatiga kirganda paydo bo'ladi. Ilmiy-tadqiqot faoliyatining uslublari va usullarini barqaror egallashning asosiy tomoni, ayniqsa, kasbiy va shaxsiy faoliyatni belgilashda o'z-o'zini bilish hamda egallagan bilim darajalarini anglash muhim ahamiyat kasb etadi.

Jismoniy tarbiya bo'yicha talabalar tomonidan o'rganilayotgan muammoning dolzarbligi uch o'lchovda aniq ko'rinadi:

1. O'z-o'zini rivojlantirish, shu jumladan kasbiy: sub'ektivlik shaxsning shaxsiyatini, individualligini va universalligini rivojlantirish uchun asos yaratadi. Busiz, o'z-o'zini rivojlantirish jarayonining o'zi yaxlitligini, murakkabligini va asosiy mohiyatini yo'qotadi.

2. O'quv jarayonini bir maromda kechishi: uning faoliyati, o'qituvchi bilan o'zaro munosabati va o'quv jarayonini konvertatsiyasi.

3. Talabalar o'quv jarayonida ustuvor sub'ektivlikni jumladan, motivatsiya va ularning kelajakda professional ilmiy tadqiqot bilan faol shug'ullanishi.

Biroq, jismoniy madaniyat sohasidagi zamonaviy ta'lim amaliyoti ijtimoiy va shaxsiy muammolarni to'liq oqlay olmaydi. Jismoniy madaniyat ta'lim yo'nalishi bitiruvchilarining aksariyati madaniy rivojlanish sohasida to'plangan va ichki qadriyatlarining faol tashuvchisi va tarjimoni sifatida yetarli bilimga ega bo'lmaydi. Bunday muammoni bartaraf etishda talabalarni ilmiy tadqiqot faoliyati bo'yicha olingan bilim va ko'nikmalarini hamda amaliy ko'nikmalarni ta'lim va kasbiy mehnat madaniyatiga sezilarli darajada cheklaydi va umumiy gumanitar va shaxsiy rivojlanishni pasaytiradi.

Jismoniy madaniyat ta'lim yo'nalishi talabalarini ilmiy tadqiqot faoliyatini shakllantirishda quyidagi asosiy yo'nalishlari e'tibor qaratishni nazarda tutadi:

- jismoniy madaniyat ta'lim yo'nalishi talabalarining ilmiy tadqiqot olib borish qobiliyatlarini yaxlit nazariy-uslubiy hodisa sifatida ko'rib chiqish, uning muhim va tarkibiy qismlarini aniqlash, birgalikda talabalarni keyingi tadqiqot faoliyatiga tayyorlashni ta'minlaydi;

- jismoniy madaniyat ta'lim yo'nalishi talabalarining tadqiqot faoliyati qobiliyatlari kontseptsiyasini yaratish;

- jismoniy tarbiya tizimida talabalarni tadqiqot faoliyati qobiliyatlarini amalga oshirish uchun pedagogik shart-sharoitlarni aniqlash;

- jismoniy tarbiya bo'yicha mutaxassislarni tayyorlash amaliyotiga pedagogik shart-sharoitlarni yaratish va uni joriy etish samaradorligini ta'minlaydigan pedagogik texnologiyani ishlab chiqish.

Yuqorida ta'kidlab o'tilgan va o'rganilayotgan muammoning dolzarbligini rivojlantirishni belgilaydi bu esa jismoniy madaniyat ta'lim yo'nalishi talabalarining ilmiy tadqiqot faoliyatini olib borish qobiliyatini shakllantirishning kontseptual namoyishi sifatida e'tirof etish o'ziga xos o'rin tutadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Зиёмухаммадов Б. Абдуллаева Ш. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2000. -126 б.
2. Слободчиков В.И. Инновационное образования. //Ж. Школьные технологии. - 2005. -№2. - 4-12 с.
3. Мкрытичан Г.А. Параметры педагогической экспериментальной деятельности. // Ж. Педагогика. -2001. -№5. -45-50 с.
4. Подласый.И.П. Педагогика . 2-х томах.-М.: Владос, 2004.-572 с.

### **НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ НАЧАЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ ПЛАВАНИЮ В ШКОЛЬНОМ ВОЗРАСТЕ**

10.53885/edinres.2021.43.74.013

*Абдуллаев Шухрат Джуматурдиевич*

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

*Абытова Жасмин Руслановна*

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

### **SCIENTIFIC AND PEDAGOGICAL FOUNDATIONS OF PRIMARY TRAINING SWIMMING AT SCHOOL AGE**

*Sh.Dj.Abdullayev*

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

*J.R.Abitova*

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

**Аннотация.** Обучение населения плаванию представляет задачу государственного значения, поскольку является основной профилактической мерой в



устранении несчастных случаев на воде, уносящих ежегодно в стране десятки тысяч жизней детей и лиц трудоспособного возраста. Таким образом, решение проблемы рационализации обучения плаванию может быть осуществлено только в рамках комплексного подхода, на стыке педагогики и в направлении поиска путей совершенствования педагогической технологии.

**Ключевые слова:** рационализация, профилактика, трудоспособность, двигательных автоматизмов, управления движениями.

**Annotation.** Swimming public education is a task of state importance, since it is the main preventive measure in eliminating accidents on water, carrying tens of thousands of people of children and people of working age annually. Thus, the solution to the problem of rationalizing training of swimming can be carried out only within the framework of an integrated approach, at the junction of pedagogy and in the direction of finding ways to improve pedagogical technology.

**Keywords:** rationalization, prevention, disability, motor automatism, motion management.

### **Введение**

В последние годы в Республике Узбекистан предпринимаются последовательные меры по популяризации физической культуры и спорта, пропаганде здорового образа жизни среди населения, созданию необходимых условий для физической реабилитации людей с ограниченными возможностями и обеспечению достойного участия страны в международных спортивных аренах [1].

Вместе с тем, приобретение навыка плавания в настоящее время лимитировано слабой материально-технической базой и низкой эффективностью процесса начального обучения плаванию. Плавание как двигательное действие требует специально организованного педагогического воздействия с учетом специфики водной среды, так как между наземными и водными локомоциями существуют принципиальные различия. Они заключаются в специфических биомеханических закономерностях плавательных движений и, прежде всего, в механизме образования движущих сил.

Несмотря на наличие различных методик обучения плаванию до сих пор остаются спорными вопросы относительно способа, с которого следует начинать обучение плаванию, или первоначального для обучения элемента движений. Спорным также является вопрос о целесообразности и степени использования поддерживающих средств в начальном обучении. Недостаточно обоснованной является технология учета индивидуальных особенностей учеников при обучении плаванию. Кроме того, отсутствует биомеханическое обоснование формирования структуры двигательного действия в плавании.

В спортивной педагогике явно недостаточное внимание уделяется проблеме инициирования у занимающихся необходимости решения соответствующих двигательных задач. Исходя из правильного предписания роли двигательной задачи и ее решения, ученик может рассматриваться не только как объект педагогических воздействий, но и как субъект своей собственной активности. Формирование двигательных навыков зависит от степени развития психомоторных способностей, которые, несмотря на противоречивость в истолковании, выступают, с одной стороны, в качестве предпосылки успешной деятельности, а с другой - как ее продукт. При реализации дидактических задач в процессе обучения плаванию недостаточно учитываются психомоторные и познавательные способности учеников, а также ряд других психологических факторов, связанных с нахождением в водной среде.

Таким образом, решение проблемы рационализации обучения плаванию может быть осуществлено только в рамках комплексного подхода, на стыке педагогики, биомеханики, физиологии и психологии, в направлении поиска путей совершенствования педагогической технологии. В этой связи становится актуальной

проблема разработки психолого-педагогических и биомеханических основ процесса начального обучения плаванию[2].

Методика начального обучения плаванию предполагает выделение двух этапов: первый - обучение удержанию на поверхности воды; второй - обучение передвижению в воде любым способом. Умение опираться на воду и удерживаться на ее поверхности следует формировать с помощью упражнений, в основе которых лежит опорный гребок. Учитывая, что в зависимости от угла атаки, скорости движения кисти, уровня погружения туловища в воду, степени отведения локтей от туловища, сила упора может быть различной по величине, для того, чтобы опираться на нее, необходимо добиваться приложения строго дозированных мышечных усилий, иначе кисть будет "прорывать" воду.

Рекомендуется применять разработанные нами основные, базовые упражнения по обучению навыку создания упора, которым должно предшествовать предварительное ознакомление детей с терминологией, используемой в практике обучения плаванию, в том числе с названием основных частей тела. Вначале следует осваивать подводящие упражнения на суше с задачей ознакомления с формой движений рук и положением кистей (имитационные упражнения одной рукой, двумя, у опоры, по ориентиру, со зрительным контролем и без него). Самоконтроль ученика следует направлять на качество ориентировки кистей рук, их траектории и отведения локтей. Параллельно с этим следует приступать к выполнению общепринятых упражнений по освоению с водой при постоянном их усложнении. Например, упражнение "скольжение" с различным положением рук, ног, со сменой их положений, по счету, с переходом из положения на груди в положение на спине и т.д.; упражнение "поплавок" у опоры, с поддержкой, в безопорном положении, по заданному времени, с горизонтальным и вертикальным вращением и др.

В зависимости от плавательной подготовленности занимающихся следует изучать упражнения, имеющие задачу научить переносить опору с ног на руки, отрывая ноги от дна бассейна. Следующая группа упражнений решает задачу научить создавать упор и опираться на него одной рукой. Освоив механизм создания упора одной рукой, переходят к изучению этого же движения другой. Упражнения разнообразят, берясь одной рукой за разделительную дорожку, за руку партнера или за плавательную доску. Затем ставится задача научить создавать упор двумя руками перед собой[4,5,6].

На данном этапе обучения рекомендуется использовать лопаточки различной площади и конфигурации для рук. Чрезмерное увлечение лопаточками нецелесообразно, так как в подобном случае может произойти формирование неадекватных ощущений, что крайне нежелательно.

**В дальнейшем рекомендуется следующий перечень упражнений для изучения опорного гребка:**

1. в положении лежа на спине (с поддержкой, с опорой одной рукой, с фиксированным положением ног и др.);
2. совершенствование опорного гребка в группировке и положении лежа на спине (движения по счету, на определенное количество гребков, серии движений с увеличением количества повторений и т.п.);
3. переходы из положения группировки в положение лежа на спине и наоборот;
4. проплывание с помощью опорных гребков головой вперед (кисть книзу), с помощью движений ног и без нее;
5. выполнение упражнений с опорным гребком в парах;

После того, как обучаемые научились держаться на поверхности воды за счет опорных гребков, следует переходить к обучению спортивным, облегченным или прикладным способам плавания.

## Литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева от 24 января 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан».
2. Абдуллаев Ш. Дж. Использование веб-основной электронной платформы для проведения уроков физического воспитания. Научно-методический журнал “Проблемы науки” Издательства РФ, г. Иванова, 2020 год.- стр.66-68
3. Абытова Ж.Р, Эгамбердиева Г.Д Методика обучения плаванию игровыми методами. Научно-методический журнал “Проблемы науки” Издательства РФ, г. Иванова, 2020 год.-стр.79-81
4. Булгакова Н.Ж. Обучение плаванию в школе. М.: Просвещение, 1974.- 192 с.
5. Корбут В.М. Учебное пособие по плаванию. Т.- 2011 г.
6. Корбут В.М., Исроилова Р.Г., Волжин В.И. Учебник по технике и методам обучения плаванию Ташкент.-2010
7. Шейла Таормина, Скорость плавания, Учебник, 2014, США, Боулдер, Колорадо.

## ВОЛЕЙБОЛ ЎЙИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ

10.53885/edinres.2021.10.49.039

*Дустов Б.А*

**Бухоро давлат университети**

Профессор Альфред Холстет 1896 йил Спрингфилд шаҳрида ўтказилган Христиан ёшлари уюшмалари конференциясида бу ўйинни

“Волейбол” деб атади. Ўйиннинг номи инглиз тилидан таржима қилинганда “ Учиб келаётган тўп “ ёки “ Тўпни учаётганда қайтариш” деган маънони билдиради. 1900 йилда Американинг “Спондинг” фирмаси биринчи волейбол тўпни ихтиро қилган ва шу йилнинг ўзида расмий равишда волейбол қоидалари ихтиро қилинган .

1957 йилда Халқаро Олимпия қўмитаси ўзининг 53 –сессиясида волейбол олимпия спорт тури деб қабул қилинади.

1947 йил апрел ойида давлат иштирокида Францияда ўтган биринчи конгрессда Халқаро Волейбол Федерацияси ташкил қилинди ва бу орқали волейболнинг тарқалиши халқаро обрўи ошиши учун муҳим қадам қўйилди. 1897 йилда тартибга киритилган қоидалар 10 бўлимдан иборат эди: - майдон ўлчами -7,6x15,1 см

- тўрнинг баландлиги 198 см.

- Тўпнинг айланма ўлчами 63,5-65,5 см

- Тўпнинг оғирлиги 340 гр

- Ўйинчилар сони чегараланмаган

- Ўйиқладиган ўйинчи бир оёғи билан чизиққа туриши керак , фақат ўзининг

бошланғич узатиши очко сикатида ҳисобланади.

- Ўйин тегилиш хато

- Бошланғич узатиш такрорланган пайтда тўп тўрга тегса узатилади.

Кейинчалик қоидалар такомиллаша бошланди:

1900 йил: 1 партия 21 очко тўрнинг баландлиги 213 см

1912 йил майдон ўлчами 10,6x 18,2 м ,тўрнинг баландлиги 228 см.

1917 йил командада фақат 6 ўйинчи

1922 йил тўпга фақат 3 маротаба тегиш рухсат этилади , майдон ўлчами 9,1 x 18,2 метрни

1925 йил тўпнинг ўлчами 66-69 см , оғирлиги 275-285 гр, майдон 9x18 метр

1934 йил аёллар учун турнинг баландлиги 224 см .

Халқаро қоидалар 1951 йилда Марсель шаҳрида булиб ўтган ФИБВ конгрессда расмий тан олинди . ФИБВ – дунёда энг оммавий ва машхур федерациядан биридир. У

217 та давлатдан 140 млн волейболчиларни бирлаштиради. Волейболнинг оммабоплиги, кенг халқаро алоқалари, купгина расмий ва ўртоқлик учрашувлар турли хил минтақалар командаларнинг тенлашувларига олиб келади. Шунга қарамасдан жаҳоннинг 4 та жамоаси қатор йиллар давомида чемпион бўлиб келишган.

(1956-1966 й) ГДР, (1970 й) Собиқ Иттифоқида (1949, 1952, 1960, 1962, 1978, 1982 й) булардан кейинги йиллар Куба, Бразилия, Руминия, Болгария, Италия, Югаславия, Япония, Хитой, Россия жамоалари ўрин олади. Эркақлар жамоаси ўртасида уч давлат вакиллари олимпия чемпионлари булган: Собиқ Иттифоқ (1964, 1968, 1980 й) Япония (1972 й), Польша (1976 й)

Охирги йиллар давомида Россия ва Япония давлатларининг аёллар жамоаси ўртасида ашаддий кураш бормоқда. Ушбу курашда 1978 йилда жаҳон чемпиони бўлган Куба жамоаси қўшилди. Хитой, Корея, Перу, Германия, Венгрия, Болгария, Чехославакия, Канада, Польша, Италия жамоалари ҳам катта салоҳиятга эга. Япония жамоаси 1964, 1976-йилларда олимпия ўйинлари чемпиони бўлган. Жаҳон чемпиони унвони собиқ иттифоқ (1952, 1956, 1960, 1970), Япония (1962, 1974, 1976) Хитой (1982) давлатлари эгаллашган.

Ўзбекистонда волейбол тараққиётини бошқарувчи давлат ташкилотлари, уларнинг таркиби ва шаҳобчалари Республикамизда волейбол тараққиётини бошқариш функциясини жисмоний тарбия ва спорт бўйича давлат ташкилотлари таркибига кирувчи туман, шаҳар, вилоят шаҳобчалари бажаради.

Спортчи резервларини ва юқори малакали спортчиларни етиштиришни бошқариш масъулияти Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси қарамоғидаги спорт ўйинлари шубасига юкланади. Бундай қўмиталар республикамизнинг ҳар бир туман, шаҳар ва вилоятларда мавжуд бўлиб, улар жойларда волейбол тараққиётини таъминлашга жавобгардирлар.

Волейболни тараққий эттиришда, уни янада оммавийлаштиришда республика, вилоят, шаҳар ва туман касаб уюшмаларнинг “Кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари” катта иш олиб боради.

Волейбол ўқув машғулоти сифатида Олий ва Ўрта махсус билим юртлари ҳамда умумий таълим мактабларнинг ўқув дастурларидан жой олган.

Республикамизнинг миллий терма жамоалари нафақат юқори малакали волейболчиларни тайёрлаш, балки волейбол бўйича истеъдодли ўринбосарларни етиштириш тадбирларига раҳбарлик қилиш, уларга назарий ва услубий ёрдам кўрсатиб туриши зарур.

## **JISMONIY TARBIYA MASHG'ULOTLARI JARAYONIDA BOLALARNI HARAKAT FAOLIYATIGA O'RGATISH**

10.53885/edinres.2021.36.49.019

**Mansurov Sherzod Shuxratovich**  
**Buxoro davlat universiteti**

*Maqolada jismoniy tarbiya jarayonida bolalarni harakat faoliyatiga o'rgatishning metodik usullari va bolalarni harakat faoliyatiga o'rgatishda qo'llaniladigan metodik usullar haqida fikr yuritilgan.*

**Tayanch tushunchalar:** *Jismoniy tarbiya, ta'lim, tarbiya, metod, bola, mashg'ulot, harakat, usul.*

*В статье рассматриваются методические приемы обучения детей физической активности в процессе физического воспитания и методические приемы, применяемые при обучении детей физической активности.*

**Ключевые слова:** *Физическое воспитание, образование, воспитание, метод, ребенок, упражнения, движение, метод.*

*The article discusses the methodological methods of teaching children physical activity in the process of physical education and the methodological methods used in teaching children physical activity.*

**Key words:** Physical education, education, upbringing, method, child, exercise, movement, method.

Har bir alohida metod vazifasi va uni hal etishga bir xil yondashish jihatdan birlashadigan xilma-xil usullarning butun bir kompleksi.

Usul-metodning bir qismi, uni to'ldiruvchi va konkretlashtiruvchi detal. O'qituvchining xilma-xil usullarni qo'yilgan vazifalarga muvofiq kompleks, ijodiy qo'llanishining ta'lim jarayonini boyitadi, uni individuallashtiradi, bir xillikka barham beradi.

Bolalarni harakat faoliyatiga o'rgatish jarayonida metodik usullar har bir alohida holatda harakat materialining vazifalari va mazmuni, uni o'quvchilar tomonidan o'zlashtirish darajasi, ularning umumiy rivojlanishi, jismoniy holati, har bir bolaning yosh va tipologik xususiyatlariga ko'ra tanlanadi.

Shu ma'noda ta'lim usullari bir tomondan o'quvchilar vazifalarni idrok qilayotganda barcha analizatorlarga har tomonlama ta'sir etishni, ikkinchi tomondan o'quvchining harakat vazifalarini ongli va mustaqil bajarishini ta'minlovchi turli birikmalarda kombinatsiyalanadi. O'quvchilarni harakatlarga o'rgatishda usullarning birikuvi ularning o'zaro harakati bilan belgilanadi. O'qituvchi tomonidan ko'proq ko'rgazmali metodga oid usullarning qo'llanilishi, masalan harakat namunasini ta'limning barcha bosqichlarida va turli yosh gruppalarida (bu ba'zi praktikada uchrab turadi) ko'rsatish mashqlarni o'quvchilar tomonidan mexanik tarzda, tushunmasdan taqlidan bajarishga olib kelishi mumkin.

Bunday holda ko'proq o'quvchining idrok organlariga ta'sir etish uning idrokini boyitadi, ayni paytda zarur aqliy jarayonni susaytiradi, muayyan mashqning barcha elementlarini mantiqiy izchillikda ongli tarzda eslab qolishga yordam bermaydi, ba'zan o'quvchini keyinchalik mashqni ixtiyoriy bajarish imkoniyatidan mahrum etadi.

Harakatlarga o'rgatishdagi og'zaki usullar quyidagilarda ifodalanadi: o'quvchilarga ulardagi mavjud hayotiy tajriba va tasavvurga tayangan holda yangi harakatlarni aniq, qisqa bir vaqtda bayon etish va tushuntirishda; harakatlarni konkret ko'rsatish yoki uning ayrim elementlarini aniqlash asnosidagi sharhda; o'qituvchi tomonidan ko'rsatilgan harakatlarni qayta bajarishda yoki mashqlarni o'quvchilar mustaqil bajarishlarida zarur bo'ladigan ko'rsatmalarda; yangi jismoniy mashqlar va harakatli o'yinlarni joriy qilish yoki harakatlarni o'rgatishda ularni tushuntirish, harakatli o'yin sjojeti va hokazolarni aniqlashtirish talab etilganda oldindan o'tkaziladigan suhbatda; o'qituvchi jismoniy mashqlarning bajarilishidan oldin harakatlarni bajarish izchilligini anglash darajasini aniqlash yoki sjojetli harakatli o'yinlar obrazlari haqidagi tasavurning bor-yo'qligini tekshirish, qoidalarni, o'yin harakatlari va hokazolarni aniqlashtirish maqsadida o'quvchilarga beradigan savollarida.

Bundan tashqari ko'rsatib o'tilgan usullar turli komandalar, farmoyish va signallarni aniq, emotsional va ta'sirchan tarzda berishda ham ifodalanadi. Qofiyali tekstlarning musiqiyliigi va ritmliligi o'quvchilarda emotsional ruh uyg'otadi, natijada bu qofiyalar ular tomonidan oson o'zlashtiriladi va keyinchalik mustaqil o'yinlarda foydalaniladi.

P.F.Lesgaft: "Agar o'quvchi biror bir mexanik metodni uning ayrim usullarining ma'nosini mutlaqo tushunmay o'zlashtirar ekan, u mexanik tarzda harakat qiladi-u mazkur metodni muayyan bir vaziyatga tatbiq eta olmaydi", deb yozgan edi. P.F.Lesgaft ta'rificha, "harakat haqidagi tasavvur" gavdaning harakatlanuvchi qismlari, harakat amplitudasi, yo'nalishi, tezligi, tarangligi va boshqa harakat komponentlari haqidagi tasavvurdan kelib chiqadi. Shunday ekan, bunday hollarda o'quvchida gavdaning harakatlanuvchi qismlarining o'zi his etadigan barcha tarkibiy qismlari bilan mujassamlashgan obrazi vujudga keladi.

O'quvchilar mashqlarni og'zaki topshiriqqa asosan bajarib bo'lishgach, o'qituvchi uning alohida elementlarining to'g'ri bajarilgani mazkur holat uchun zarur bo'lgan ko'rsatma, ko'rgazmali namoyish, tushuntirish kabi usullarning istalgan bittasi orqali aniqlaydi. Bu

bolalar tomonidan anglab olingan topshiriqni amaliy tekshirish orqali aniqlashga xizmat qiladi.

Harakat faoliyatiga o'rgatishning ruqorida keltirilgan metodikasi professor A.I.Puni tadqiqotlariga tayanadi. Unda tasavvurning harakat ko'nikmalarini shakllantirish va harakatning mashq qildiruvchi ta'sirining roli ochib berilgan. Bu psixologiyada "ideomotor reaksiyasi" deb ataladigan o'ziga xos jarayonda ifodalanadi.

O'quvchi harakatlar izchilligini eslar ekan, masalan, shunday deydi: "Avval tayoqchani ruqoriga ko'tarib, unga qaraladi, so'ng uni ko'tarilgan o'ng tizzaga tushiriladi, keyin esa yana ruqoriga ko'tariladi va pastgu tushiriladi". Dastlab bolalar odatda o'z hikoyalarini muayyan harakatlari bilan birga olib boradilar. Bunday hollarda so'z va bir vaqtdagi harakat xotiraning ko'rish-harakat tasavvuri ifodasi hisoblanadi va o'quvchining bu tasavvurga nisbatan javob reaksiyasini osonlashtiradi. Ba'zan o'qituvchi barcha o'quvchilarga harakatlarni eslashni, ya'ni nima qilishlarini o'zlaricha tasavvur etishni taklif qiladi.

Ta'limning bunday usullari harakatlar haqidagi tasavvurning vujudga kelishiga yordam beradi. Bu tasavvur harakatlarning o'quvchilar tomonidan to'g'ri bajarilishi, ularning ishtiyoqi, emotsional holati, diqqatining jamlanganligi va barqarorligi bilan mustahkamlanadi. Mazkur usullardan muntazam foydalanilganda bolalar o'qituvchining harakatlarni albatta bajarib ko'rsatib berishini kutmaydilar: ular diqqatlarini topshiriqni tushuntirishga qaratadilar, so'ng mashqni to'g'ri, ishonch bilan mustaqil bajaradilar. O'qituvchi keyinchalik og'zaki usullardan yangi mashqlarni o'rganishda foydalanishi mumkin. Har qanday yangi harakatda bolalarga avvaldan tanish elementlar mavjud bo'ladi, shuning uchun u mohiyatan faqatgina tanish elementlarning yangi kombinatsiyasi hisoblanadi. Uzluksiz shug'ullanish natijasida barcha o'quvchilar o'qituvchining talablarini muvaffaqiyatli o'zlashtiradilar, bu talabalarga amaliy harakatlar bilan to'g'ri, ongli tarzda javob qaytaradilar. Bolalar og'zaki topshiriqlarni yaxshi tushunadilar va ularni harakatga aniq tatbiq etadilar. Keyinchalik bolalar biror-bir harakatning murakkab bo'lmagan variantini taklif etishlari va o'zlariga tanish harakat elementlaridan yangi kombinatsiya tuzishlari mumkin. O'quvchilarning javob reaksiyasi doimo turli individual xususiyatlarga molik bo'lib, u o'quvchining umumiy rivojlanishi, uning nerv tizimi xususiyatlari, diqqatini jamlash darajasiga bog'liq bo'ladi. O'quvchilarda harakat ko'nikmalarini shakllantirishning bayon etilgan jarayoni o'quvchining psixik va jismoniy tayyorgarligiga mos keladi. O'quvchilarda harakat ko'nikmalarini shakllantirishning boshlang'ich bosqichida o'qituvchi tomonidan beriladigan og'zaki topshiriqlarning juda aniq, lo'nda bo'lishi hal qiluvchi rol o'ynaydi. Harakat haqidagi tasavvurni shakllantirish jarayonida bu tasavvurlarning to'g'riligini kuzatib borish zarur. Bu haqida harakat faoliyatini og'zaki bayon etish va konkret harakatlarga qarab fikr yuritish mumkin. Tasavvurning mashq qildiruvchi ta'siri boladagi o'z harakatlarini mustaqil boshqarish qobiliyatida va ularni bajarish sifatining yaxshilanishida ko'rinadi.

O'quvchilar tomonidan harakat (butun harakat faoliyati) mazmunining anglanishi uning harakat ko'nikmalarini to'g'ri va birmuncha tez shakllantirishga, ijodiy aktivlikning rivojlanishiga, harakatlarni yangi vaziyatlarda muvaffaqiyatli qo'llashga yordam beradi. O'quvchilarni o'rgatishda ko'rgazmali va og'zaki usullarning maqsadga muvofiq qo'shib olib borilishi, ularning o'zaro bog'liqligi bir tomondan harakatlarni idrok etish va qayta bajarishning konkretligi va obrazlilikini, ikkinchi tomondan bolalar bajaradigan harakatli topshiriqlar-ular mazmuni va har bir harakat faoliyatining barcha elementlari izchilligini ongli tushunilishini ta'minlaydi. "Faqat tushunarli narsani qayta bajarish mumkin. Bunda eshitilgan narsa bosh rol o'ynaydi", - deb ta'kidlagan edi I.M.Sechenov.

Bolalarni harakatga o'rgatishda ko'rgazmali va og'zaki usullar bilan o'zaro bog'liq turli amaliy usullar kompleksidan foydalanadi. U mashqlarni, harakatli o'yinlardagi ayrim rollarni, boshqaruvchi rolini bajarib ko'rsatadi, o'quvchilarni topshiriqlarga jalb qilib va namuna ko'rsatib ularni musobaqalarda qatnashishga rag'batlantiradi: masalan, kim harakatli topshiriqni tezroq, yaxshiroq, to'g'rirog' bajaradi; u musobaqa hakami, jamoa kapitani

**1. «ҲОЗИРГИ ТАРАҚЌИЁТ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР», «ЖЕНСКИЙ СПОРТ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ».** Халқаро онлайн илмий-амалий анжумани материаллари 2020 йил 6 май, Бухоро -2020, Баймурадов Р.С., Бахшуллаева М.«Ўқувчи-ёшларнинг кун тартибида жисмоний машқлар», 121-125 бет.

**2. «ҲОЗИРГИ ТАРАҚЌИЁТ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР», «ЖЕНСКИЙ СПОРТ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ».** Халқаро онлайн илмий-амалий анжумани материаллари 2020 йил 6 май, Бухоро -2020, Жамилова Г., Баймурадов Р.С.«Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини ўзига хослиги», 271-274 бет.

**3. «ҲОЗИРГИ ТАРАҚЌИЁТ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР», «ЖЕНСКИЙ СПОРТ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ : ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ».** Халқаро онлайн илмий-амалий анжумани материаллари 2020 йил 6 май, Бухоро -2020, Баймурадов Р.С. «Ёш волейболчиларнинг чидамкорлигини инновацион технологиялар ва ҳаракатли ўйинларни қўллаб ошириш», 607-610 бет.

**4. «ҲОЗИРГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР», «ЖЕНСКИЙ СПОРТ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ».** Халқаро онлайн илмий-амалий анжумани материаллари 2020 йил 6 май, Бухоро -2020, Файзиев Я.З., Сатторов М.Э.«Адаптив жисмоний маданият усуллари», 690-693бет.

**5.INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM**, part 1, December 2020, COLLETIONS OF SCIENTIFIC WORKS Washington USA 25<sup>th</sup> Desember 2020, Баймурадов Раджаб Сайфитдинович, Бахшуллаева Малохат, Жамилова Гульчехра «Роль учителя-наставника в становлении молодого специалиста», стр 37-45.

**6.SCIENCE AND EDUCATION**, SCIENTIFIC, ISSN 2181-0842, VOLUME 1,ISSUE 9, Desember 2020, Раджаб Сайфитдинович Баймурадов, Малохат Бахшуллаева, Гульчехра Жамилова «Индивидуальная работа-залог успеха в работе учителя» стр.452-458.

**7.AJMR:Asian Journal of Multidimensional Research** (A Double Blind Refereed & Peer Reviewed International Journal ) ISSN 2278-4853, Vol 9, Issue 11,November, 2020, Impact Factor: SJIF 2020,= 6.882, Baymuradov Radjab Sayfitdinovich «THE ROLE OF A MENTOR IN THE FORMATION OF A YOUNG PHYSICAL TRAINER».

**8.«МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»** Сборник статей по материалам CL XXXVII международной научно-практической конференции № 40 (187) Октябрь 2020г, Бахшуллаева М., Баймурадов Р.С., Попов В.А. «Развитие силы в подготовке метателей копья» стр.30-34.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТЗАЛ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

10.53885/edinres.2021.26.34.057

[Refereexiva@mail.ru](mailto:Refereexiva@mail.ru) +998-91-436-99-87

**Х.Х.Атамуратов,**

Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар  
институтининг спортни тадқиқ қилиш ўқув  
лабораторияси лаборанти

**Аннотация.** Мақолада мини-футбол (футзал) эволюцияси жараёни ўзининг автоном модификациясида классик футбол сифатида кўриб чиқилган. Замонавий спортнинг янги ҳодисаси сифатида Халқаро футбол Федерацияси (ФИФА), Европа футбол уюмлари Федерацияси (УЕФА), Осиё футбол Конфедерацияси (ОФК), миллий футбол федерациялари, жумладан, Россия мини-футбол ассоциацияси (РМФА) ва Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси (АФУ) ушбу ўйинни энг машхур ўйин турларидан бирига айлантиришдаги ролини таъкидлаган.

**Калит сўзлар:** футзал, трансформация, феномен, спорт соҳаси.

**Аннотация.** В статье рассматривается процесс эволюции мини-футбола (футзала) как дисциплины классического футбола в его автономную модификацию. Освещается роль Международной федерации футбола (ФИФА), европейской федерации футбольных ассоциаций (УЕФА), азиатской футбольной конфедерации (АФК), национальных федераций футбола, в том числе Ассоциации мини-футбола России (АМФР), а также Ассоциации Футбола Узбекистана (АФУ) в трансформации этой спортивной игры в один из наиболее популярных игровых видов – новый феномен современной сферы спорта.

**Ключевые слова:** футзал, трансформация, феномен, сфера спорта.

**Annotation.** The article considers the process of evolution of mini-football (Futsal) as a discipline of classical football in its autonomous modification. Highlights the role of the Football International Federation Association (FIFA), the Union of European Football Associations (UEFA), Asian Football Confederation (AFC), national football federations, including the Association Mini-football of Russia (AMFR) and Football Association of

Uzbekistan (AFU) in the transformation of this game into one of the most popular game types – new phenomenon of modern sports.

**Key words:** futsal, transformation, phenomenon, sports field.

**Долзарблиги.** Сўнги йилларда халқимизнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, миллионлар ўйини бўлган ва мамлакатимизда алоҳида ўрин тутадиган спортнинг футбол турига аҳолини, айниқса ёшларни кенг жалб этиш бўйича бир қатор чоратадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.12.2019 йилдаги ПФ-5887 “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистонда футболни аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турига айлантириш, юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, мамлакат футболини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш, халқаро талаб ва стандартлар асосида футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш, футбол клублари фаолиятини ривожлантириш, терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этиш, мамлакатимизда футбол бўйича йирик халқаро мусобақалар, жумладан, ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида жаҳон ва қитъа биринчиликларини ўтказиш белгилаб қўйилди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Футзал спорт турини Халқ таълими тизимида дарслик сифатида жорий қилиш ва шу орқали ривожлантиришнинг янги босқичига олиб чиқиш.

**Тадқиқотнинг олиб борилиши.** Замонавий дунёда спорт соҳаси нисбатан мустақил бўлиб, жамиятнинг бошқа қуйи тизимларидан (сиёсат, иқтисодиёт, маданият, таълим ва бошқалар)дан алоҳида эмас, аксинча уларнинг ҳар бири билан чамбарчас боғлиқ.

Футзал спорт тури ҳам бугунги кунга келиб бутун дунё бўйлаб кенг ривожланиб бормоқда. Бу ўйин ҳаммабоп ўйин бўлиб уни ташкил қилиш, ўтказиш шуғулланувчилардан катта шарт шароитлар талаб қилмайди. Бу ўйинни оддий спорт майдонларида, спорт залларида, шунингдек қишлоқ шароитида кенг майдонларда ҳам ташкил қилиш ва ўтказиш мумкин. Шунингдек бу спорт тури етарли даражада қизиқарли ва жозибали бўлиб, ўйинчилардан юқори техник маҳоратни, жанговарлик сифатларини, доимий тизим вақтларда зудлик билан керакли ва тўғри бўлган қарорни қабул қилишни талаб қилади.

Бизга “Мини-футбол” номи билан маълум футзал спорт тури биринчи бор Бразилияда 1920 йилларда ўйнала бошланган. 1958 йили Швецияда бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионати мобайнида Австрия терма жамоаси раҳбарларидан бири Йозеф Аргауер Бразилия терма жамоасининг ёпиқ спорт залда мини-футбол билан машқ қилаётганининг гувоҳи бўлган. Бу ўйин Австрияликларга жуда ёқиб қолган ва уларда катта қизиқиш уйғотган. Тез орада мамлакатда ўзларининг бир қатор мини-футбол учрашувларини ўтказиб шу аснода футболчиларнинг жисмоний сифатларини ҳамда ўйин сифатини оширганлар.

Шундан сўнг бу янги спорт тури европанинг бир қатор мамлакатларида жумладан Голландия, Испания, Италияда ҳам кенг тарқалди. 1970 йил ўрталарига келиб залда ўйналадиган мини футбол янги спорт тури сифатида ривожлана бошлади. Ўша пайтларда, ҳар бир мамлакатда ва ҳатто мамлакатнинг ҳар бир минтақасида қоидалар кўпинча турнирлар давомида яратилган бўлиб, улар бир-биридан жуда фарқ қилган.

Ўтган асрда Венгрия, Бразилия, Испанияда учта халқаро тажриба турнирлари ўтказилди ва 1989-йилда Футзал бўйича биринчи расмий Жаҳон Чемпионати

ўтказилди ва ўша жаҳон чемпионатида ғолибликни Бразилия терма жамоаси қўлга киритди. Шундан кейин жаҳон чемпионатлари ҳар 4 йилда 1 марта ўтказилади.

Минтақавий футбол ассоциациялари ҳам мини-футболни ривожлантиришга катта ҳисса қўшишди. Шундай қилиб, 1994 да Европа футбол уюшмалари федерацияси (УЕФА) футзал қўмитасини ташкил этилди ва 1996да қитъанинг биринчи чемпионати ўтказилди. Кейин бундай мусобақалар ҳар икки йилда мунтазам равишда ўтказила бошланди ва 2002да УЕФА миллий чемпионат ғолиб клуб жамоалари учун йиллик Европа кубоги мусобақаси ташкил этилди.

Футзал ватани бўлмиш Бразилияни ўрганиш натижасида шунга гувоҳ бўлиш мумкинки ёшлар спорт мактабларида 12 ёшгача футзал билан шуғулланишади. Кейинчалик улар футбол ёки футзал гуруҳларига ўзларининг ҳоҳишларига қараб бўлинишади.

Россия футзал терма жамоасининг европа ва дунё футзали лидерларидан бирига айланишида ва Европада энг кучли ва энг жозибали футзал лигасининг ташкил этилганлигида муҳим қадам бўлган.

Осиё Футбол Конфедерацияси (ОФК) ўз таркибига кирувчи мамлакатлар ўртасида бўладиган асосий футзал мусобақаси бўлмиш мини-футбол бўйича Осиё чемпионатини 1999 йилдан буён ўтказиб келади. Жаҳон чемпионати мусобақаси ўтказиладиган йилда ташкиллаштириладиган ушбу мусобақа терма жамоалар учун бир вақтнинг ўзида жаҳон чемпионатига чиқиш учун саралаш босқичи бўлиб ҳам ҳисобланади.

Солиштириш учун Эрон ва Ўзбекистон терма жамоаларининг ҳалқаро мусобақаларда эришган ютуқларини таққослаб кўрамиз.

1 жадвал

<b>Эрон футзал терма жамоасининг Осиё ва Жаҳон чемпионатларидаги натижалари</b>		<b>Ўзбекистон футзал терма жамоасининг Осиё ва Жаҳон чемпионатларидаги натижалари</b>	
<b>Мусобақа номи</b>	<b>Эгаллаган натижаси</b>	<b>Мусобақа номи</b>	<b>Эгаллаган натижаси</b>
Жаҳон чемпионати 2021 йил	Чорак финал иштирокчиси	Жаҳон чемпионати 2021 йил	Нимчорак финал иштирокчиси
Жаҳон чемпионати 2016 йил	III-ўрин	Жаҳон чемпионати	2016йил иштирокчи
Осиё чемпиони	12 карра	Осиё чемпиони	0
Осиё чемпионати II-ўрин	1 карра	Осиё чемпионати II-ўрин	4 карра
Осиё чемпионати III-ўрин	2 карра	Осиё чемпионати III-ўрин	3 карра
Осиё чемпионати IV-ўрин	0	Осиё чемпионати IV-ўрин	2 карра

Юқоридаги солиштиришлар натижасида шуни кўришимиз мумкинки Эрон футзал терма жамоасининг натижалари Ўзбекистон терма жамоасиникидан сезиларли даражада яхшироқ. Бунинг сабаблари ўрганилганда шунга амин бўлдики Эронда ёшларни футболга тайёрлашда айнан футзал спорт тури ва унинг элементлари орқали ўрганилар экан. Ундан ташқари мактабларда жисмоний тарбия дарсига қўшимча равишда футзал дарси жорий этилган бўлиб ўқувчилар айнан мактабларда дарс жараёнларидан узилмаган ҳолатда футзал спорт тури билан мунтазам равишда шуғулланишларига имконият яратилган. Бундан ташқари ёш футзалчиларни селекция қилишда мураббийларга жуда катта танлов имконияти яратилганлигини кўришимиз мумкин.



Ўзбекистонда ҳам бу спорт турини жуда ёқтиришади ва севиб ўйналади. Ўзбек футзали осий ва жаҳонда ўз ўрнига эгаллигини Ўзбекистон футзал терма жамоаси ўз тарихида 2016 йил Қолумбияда ва 2021 йил Литвада бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатларида муносиб тарзда иштирок этганлигидан билиш мумкин.

**Хулоса.** Мустақкам илмий-услубий базани яратмасдан, спорт турини янада ривожлантиришни тасаввур қилиш қийин. УФА ва Олий ўқув юртларининг кўмаги билан мамлакатимизда мураббийлар, ҳакамлар, мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари учун ўқув-услубий қўлланмалар, шунингдек, спорт мактаблари учун дастурлар чоп этиш. Спорт менежментининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда кучли мутахассисларни етиштириб чиқариш ва уларни спорт ташкилотлари ва спорт клубларида иш фаолияти бошлашларини назорат қилиш, футзалчиларни тайёрлаш усуллари бўйича жиддий тадқиқотлар олиб бориш ва амалий аҳамиятга эга бўлган номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга муаммолардир.

Республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, маҳаллаларда футбол майдончаларининг ташкил этилганлиги натижасида ёшларнинг бўш вақтларида футбол билан шуғулланишларига имкон яратилди.

Умумий ўрта таълим мактабларда Футзал дарсларини жорий қилиш орқали ёшларни шу спорт тури билан қамраб олиш ва маълум бир структура асосида ишларни олиб бориш ва самарали селекция ишларини ўтказиш осон кечади.

Бу лойиҳани амалга ошириш ҳам жуда катта ҳаражат талаб қилмайди. Юртимиздаги деярли барча мактабларда ҳамма шароитларга эга спорт заллари ва спорт майдончалари мавжуд, лекин мактабларда дарс берувчи жисмоний тарбия ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам футбол ёки футзал мураббийи бўлмаслиги мумкин. Шуларни инобатга олган ҳолда фақатгина айнан тегишли мураббийлик лицензия (Level 1,2,3) га эга бўлган футзал мураббийларини мактабларда дарс соатлари ташкил этган ҳолда иш билан таъминлаш мақсадга мувофиқ.

#### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5924 - сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4-декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887 - сонли Фармони.

3. Андреев, С.Н. Эволюция мини-футбола (футзала) в современную автономную разновидность классического футбола // Теория и методика футбола. – 2007. – № 1. – С. 6-7.

4. Матвеев, Л.П. Теория и методика физической культуры (Общие основы теории и методики физического воспитания и профессионально-прикладных форм физической культуры) : учебник для институтов физ. культуры / Л.П. Матвеев. – М. : Физкультура и спорт, 1991. – 543 с.

## **ЗАБОТА О МОЛОДЕЖИ – НЕОЦЕНИМАЯ ЦЕННОСТЬ НАРОДА: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ**

10.53885/edinres.2021.37.47.060

**С.И.Иноятов,**  
профессор БухДУ, д.и.н.,  
Г.С.Ражабова преподаватель БухГПИ при  
Бухарском государственном университете

В своем Послании Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлису отмечает: «Если мы сможем объединить знания, жизненный опыт, дальновидность старшего поколения с энтузиазмом, смелостью и целеустремленностью нашей молодежи, то обязательно достигнем поставленных перед собой целей. Уверен, что вместе с такой образованной, обладающей мощным созидательным потенциалом молодежью мы построим новый Узбекистан. Чтобы продолжить начатую нами работу в этих важных направлениях и поднять ее на новый, более высокий уровень, предлагаю назвать наступающий 2021 год в нашей стране **Годом поддержки молодежи и укрепления здоровья населения**»

Узбекистан богат своей историей, традициями, поистине уникальным наследием, оставленным великими предками. Говорят, что если ты хочешь больше узнать о народе и определить его будущее, то это можно сделать по отношению этого народа к детям и старикам. Эти благородные качества наряду с такими, как доброта и милосердие, испокон веков присущи нашему народу. Еще в средние века ученый-энциклопедист Абу Наср Фароби, которого в мире называют «Аристотелем Востока», представил концепцию гармонично развитой личности. И своей книге «Фозил одамлар шахри» («Город мудрецов») призывал оказать милость к детям и старикам. Во время эпохи Темуридов в XV веке в своих произведениях Алишер Навои поднял ее на высочайшей художественный уровень. По сей день они являются точкой опоры, источником духовной силы, что для нас является жизненным примером и образцом подражания.

В этом, 2021 году исполняется 580 лет со дня рождения великого поэта Алишера Навои. В связи с этой датой Президент Республики Узбекистан 19 октября 2020 года принял Постановление «О широком праздновании 580-летия со дня рождения великого поэта и мыслителя Алишера Навои». Президент в этом Постановлении отмечает: «В последние годы проводится масштабная работа по глубокому изучению уникального, многогранного творческого наследия Алишера Навои, широкой популяризации произведений поэта в нашей стране и за рубежом и увековечению его памяти...

Сегодня, когда наша страна вступила в новый этап своего развития на основе главного принципа **«От национального возрождения – к национальному прогрессу»**, формируется фундамент новой эпохи Возрождения – Третьего Ренессанса, как никогда важное значение приобретает бесценное литературное наследие Алишера Навои».

Известно, что род человеческий состоит из поколений: уходящее, находящееся в расцвете сил, выходящее и только что появившееся. Уважение, почитание и забота о старшем поколении – это закон жизни. Заслуга старшего поколения заключается в том, что их стараниями создан тот солидный потенциал, который во многом способствовал тому, что сегодня, несмотря на глобальный кризис пандемии, в Узбекистане обеспечивается стабильный рост экономики, успешно решаются социальные вопросы, достигаются большие успехи в образовании и здравоохранении, науке и культуре, спорте и других сферах. И, как отметил Президент, мы в неоплатном долгу перед представителями старшего поколения и обязаны сделать все для его благополучия и долгих лет жизни. Как свидетельствует история, каждая семья держится на любви и памяти старшего поколения. Родители передают своим детям, внукам жизненный опыт и мудрость многих и многих лет, десятилетия истории семьи в одну непрерывную цепь. Статья 64-я Конституции Узбекистана гласит: «Родители обязаны содержать и воспитывать детей до их совершеннолетия» и следующая 66-я статья Конституции: «Совершеннолетние трудоспособные дети обязаны заботиться о своих родителях». Вся жизнь взаимно связана.

Поэтому Алишер Навои в своих произведениях приравнивая отца солнцу, а мать - луне писал:

Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға.  
Тун, кунингга айлагали нурпош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

В переводе:

За жизнь отца – своей пожертвовать будь рад  
И голову сложить за материнский взгляд.  
Ты солнцем и луной родителей зови –  
И будешь озарен сиянием их любви.

Великий Амир Темур каждый раз, приезжая в Бухару останавливался у ворот Бухары и пешком проходил улицам города и каждый раз провозглашал: «Этот город – город моей матери, это священная земля, поэтому я не могу по улицам этого города верхом проехать»?! Это и есть его бесценное и бесконечное уважение к матери. Каждый из нас в отношении к родителям должен брать пример у Амира Темура. Он с большим уважением относился к сыновым, невесткам и всем близким родственникам. Все это нашло свое отражение в «Уложениях Темура».

Алишер Навои будучи в почтенном возрасте мечтал о мире и благоденствии. Его творчество проникнуто высокими идеями гуманизма, народолюбия и патриотизма. Он возвеличил и воспел дружбу и сотрудничество между народами независимо от того, где они проживают, на каком языке говорят, к какой расе относятся и каково их вероисповедание. Воспевая любовь к жизни, достоинство человека-творца, дружбу между людьми, свободу и мир, поэт горячо призывал:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлинг бир-бирингизга, ким эрур ёрлиғ иш.

Поймите, люди всей земли: вражда – плохое дело,  
Живите в дружбе меж собой – нет лучшего удела.

Алишер Навои создал целую галерею прекрасных образов, в мыслях и действиях которых воплощены эти идеи: Фарход из Китая (Хотана), где жили узбеки, и армянка Ширин, Шопур из Ирана и индейцы Масуд, Фаррух, аравитянка Лейли и араб Меджнун, греки Искандар, Арасту, Афлотун, Сократ, римлянин Плиний – вот любимые герои поэм Алишера Навои. Это мечта поэта осуществилась в независимом Узбекистане, где проживают представители 136 наций и народностей. В 4-статье Конституции отмечено: «Республика Узбекистан обеспечивает уважительное отношение к языкам, обычаям и традициям наций и народностей, проживающих на ее территории, создана условий для их развития».

Сейчас, когда создается фундамент Третьего Ренессанса в республике обучение ведется на 7 языках, теле и радио каналы в системе Национальной телерадиокомпании транслируют передачи на 12 языках, газеты и журналы издаются более чем на десяти. Одинаково в почете представители старейшин всех наций и народностей. Среди героев Узбекистана русский Анатолий Панин (экскаваторщик), казах Серикбай Сагатов (чабан), грузин Эдвард Ртвеладзе (историк) и т.д.

Дружба народов - важная, но далеко не единственная определяющая составная эпохи Возрождения. По праву Ренессанс у многих ассоциируется с наукой, невероятными открытиями. Ведь естественнонаучная мысль в Центральной Азии достигла высокого расцвета как раз в IX-XII вв. Выдающиеся ученые прославили регион на весь мир, обогатив сокровищницу знаний своими трудами.

В состоявшемся Послании Олий Мажлису глава государства отметил: «Мы поставили перед собой великую цель - формирование фундамента Нового Ренессанса в

нашей стране, и с этой целью должны создать среду и условия для воспитания новых Хорезми, Беруни, Ибн Сино, Улугбеков, Навои и Бабуров. В этом историческом процессе важнейшими факторами, неотъемлемой частью нашей национальной идеи являются развитие образования и воспитания, науки и инноваций, утверждение здорового образа жизни». Президент обозначил целый ряд важных задач, направленных на дальнейшее реформирование всех сфер.

Президент особое внимание уделил роли учителя: «Хочу еще раз подчеркнуть: **профессия учителя должна стать самой авторитетной и уважаемой в обществе.** И задача государства - создать все условия для того, чтобы учителя в первую очередь заботились о предоставлении детям качественного образования, а также о самосовершенствовании. В следующем году будет продолжена работа по обеспечению достойной оплаты труда учителей, наставников и методистов».

И Алишер Навои в свое время особое внимание обращает учителям и наставникам. В этом плане чрезвычайно интересны высказывания Алишера Навои о школе, об учителях и учениках. Роль школы и настоящего учителя оцениваются поэтом необычно высоко:

Хақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмуш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг хаққин минг ганж ила.

Кто был обучен букровке одной  
Для постиженья истины земной,  
Чем своему учителю заплатит?  
На это всех земных богатств не хватит!

В то же время поэт с благодарностью отмечает, что труд учителя крайне ответственен, благороден и вместе с тем изнурителен. Алишер Навои говорит об исключительной тонкости и сложности характера детей и обусловленных этим трудностях деятельности учителя, его отношения к ученикам.

Чтобы люди были хорошими, а общество совершенным, нужно, по Навои, с детства приобщать этих людей, все подрастающее поколения, к знанию. Нужно просветить их, научить. При этом Навои подчеркивает необходимость воспитания с детства, что, конечно, очень ценно:

Пока ты юн, копи богатство знанья,  
А в старости – расходишь достоянье.

Высказывания Алишера Навои о школе, об учениках, учителях и о старшем поколении полны искренних забот о подрастающем поколении и даже тревог, в них страстное желание того, чтобы сегодняшние дети и завтрашние молодые люди росли нормально в умственном, моральном отношениях, были благовоспитанными, нужными народу и стране.

Алишер Навои придавал исключительно большое значение воспитанию детей, приобщению их к знаниям и труду.

Алишер Навои науку поднимает на высоту и приравняет к Солнцу, и обращается к молодёжи: если ты желаешь народам представить лучи науки, трудись и приобретай науку.

Президент Ш.М.Мирзиёев в своем Послании привел строки обращения Алишера Навои к молодёжи: «Думаю, в этом контексте уместно будет привести слова великого Алишера Навои, который писал:

**«Уходя на поиск знаний, я стократ уверен в том,  
Что сумею обрести их не удачей, а трудом».**

Поистине, человек, стремящийся обрести знания и овладеть новыми профессиями, должен упорно трудиться, работать над собой, в том числе изучать

иностранные языки, без которых в современном мире невозможно достичь высоких рубежей».

Алишер Навои в своих произведениях воспевает труд и трудолюбие, старшего поколения и приводит одну прекрасную притчу. Знаменитый Хотам Той давал очередное угощение населению. Был жаркий день и невыносимая жара. И вдруг Хотам видит - глубокий старик, согнувшись и опершись на посох, несет на спине тяжелую вязанку колючих дров. Он шатается под тяжестью груза, сгибается, кряхтит, трудно дышит и часто останавливается передохнуть. Хотам подошел к старику и ласково сказал: «О, друг, разве ты не знаешь, что Хотам Той здесь устраивает пир для всех?! Сбрось ношу колючек и иди туда».

Старик гордо ответил:

Поверь: мой тяжкий труд не тяжелей,  
Чем иго благородности твоей.  
И лучше мне трудом дирхем добыть,  
Чем от Хотамы стадо получить!

Нам, представителям старшего поколения, необходимо от молодежи забота, ласковое, доброе слово. Совершенно верно подчеркивал Алишер Навои:

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,  
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.

Словами можно смерть предотвратить,  
Словами можно мертвых оживить.

И пусть каждодневным правилом для всех станут слова Президента Шавката Мирзиёева о том, что долгом каждого из нас является проявление постоянного почтения и заботы о наших отцах, дедах, матерях, своим богатым жизненным опытом, собственным примером вносящих неоценимый вклад в формирование атмосферы мира, согласия и счастья в каждой семье и стабильности в обществе, активно участвующих в преобразованиях во всех сферах, в первую очередь в воспитании здорового поколения в духе нашего исторического наследия, культурных ценностей и добрых традиций.

#### Использованная литература:

1. Конституция Республики Узбекистан.Т.: «Узбекистан», 2020
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О широком праздновании 580-летия со дня рождения великого поэта, мыслителя Алишера Навои». Правда Востока, 20 октября 2020 года.
3. Послание Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису. Правда Востока, 30 декабря 2020 года
4. Навоий, Алишер. Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик/ А.Навоий; ЎзРФА, А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. – Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2011.
5. Алишер Навои. Афоризмы.-Т.: «Шарк», 2014
6. Уложения Темура.-Т.: «Узбекистан», 1999
7. Алишер Навои. Лирика. Москва. Издательство «Человек», оформление, издание, 2008. Издание изготовлено к печати Музеем литературы им.Алишера Навои АНРУз под руководством доктора филологических наук, проф.С.Хасанова. Отв.редактор академик А.Каюмов

**JISMONIY TARBIYA VA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR**  
**ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА И ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**  
**PHYSICAL EDUCATION AND DIGITAL TECHNOLOGIES**

10.53885/edinres.2021.34.76.068

*Atayeva Gulsina Isroilovna*

**Buxoro davlat universiteti, Axborot texnologiyalari kafedrasida katta o'qituvchisi**  
**Атаева Гульсина Исроиловна - старший преподаватель кафедры**  
**информационных технологий Бухарского государственного университета**  
**Atayeva Gulsina Isroilovna - Senior Lecturer, Department of Information Technology,**  
**Bukhara State University**

[g.i.ataeva@buxdu.uz](mailto:g.i.ataeva@buxdu.uz)

tel: +998934543142

**Tahirov Behzod Nasriddinovich - Buxoro davlat universiteti, Axborot texnologiyalari**  
**kafedrasida o'qituvchisi**

**Тахиров Бехзод Насриддинович - преподаватель кафедры информационных**  
**технологий Бухарского государственного университета**

**Takhirov Behzod Nasriddinovich - Lecturer of the Department of Information**  
**Technologies, Bukhara State University**

[tahirovbehzod2@gmail.com](mailto:tahirovbehzod2@gmail.com)

tel: +998936889365

**Аннотация:** Barcha ijtimoiy va iqtisodiy sohalarda raqamlashtirishning rivojlanishi – bu juda tez jarayon deb hisoblanadi. Jismoniy tarbiya va sport sohasidagi olimlar va mutaxassislar jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarida yangi yondashuvlarni qo'llashga, shu jumladan, turli ta'lim dasturlariga yangi texnologiyalarni kiritishga katta e'tibor berishadi. Maqolada sport mashg'ulotlarida raqamli texnologiyalardan foydalanishi tahlil qilinadi.

**Аннотация:** Развитие цифровизации всех социальных и экономических сфер - это очень быстрый процесс. Ученые и специалисты в области физической культуры и спорта уделяют значительное внимание применению новых подходов в физической и спортивной подготовке, в том числе внедрению новых технологий в различные образовательные программы. В статье проанализировано применение цифровых технологий при спортивной подготовке.

**Abstract:** The development of digitalization in all social and economic spheres is a very fast process. Scientists and specialists in the field of physical culture and sports pay considerable attention to the application of new approaches in physical and sports training, including the introduction of new technologies into various educational programs. The article analyzes the use of digital technologies in sports training.

**Kalit so'zlar:** jismoniy madaniyat va sport ta'limi; raqamli texnologiyalar; jismoniy ta'lim-tarbiya; sport mashg'ulotlari, agregat platformalari.

**Ключевые слова:** физическая культура и спортивное воспитание; цифровые технологии; физическая культура; спортивная подготовка, платформы-агрегаторы.

**Key words:** physical culture and sports education; digital technologies; physical education; sports training, aggregator platforms.

Сегодня все регионы, университеты и школы с компьютерными классами, интерактивными досками и другим мультимедийным оборудованием имеют возможность использовать цифровые технологии и инструменты в образовательных целях. В системе образования разработано и успешно используется большое количество электронных образовательных ресурсов, интерактивных сред, сборников

видео, аудио ресурсов, платформ-агрегаторов, автоматизированных информационных систем и др.

Формирование информационного общества обуславливает необходимость реформирования всех социальных сфер, а сфера «физическая культура и спорт» требует новых подходов, особенно в сфере реализации новых технологий в рамках отраслевых образовательных программ [1]. Мониторинг цифровых технологий в физкультурно-спортивном образовании, проведенный в 2014-2019 годах, показал, что, несмотря на большое количество программных и программных решений, в них отсутствует методическая и педагогическая потребность. Анализ научных работ показал, что с точки зрения очевидной актуальности рассматриваемой темы для массовых образовательных программ физической культуры и спорта на основе цифровых технологий существуют лишь отдельные научно-исследовательские работы и педагогические продукты. Проведенные нами исследования показали, что цифровые технологии частично используются в физкультурно-спортивном образовании, однако этот процесс носит стихийный характер и не обеспечивается нормативно-правовыми актами.

Анализ внедрения IT-инструментов в общеобразовательных учреждениях можно разделить на две части. В первом случае IT-инструменты используются непосредственно при реализации учебного процесса, а при организационно-техническом и административном обеспечении.

Как показал проведенный анализ, практически везде есть система автоматизации управления образованием. Используются следующие сервисы: агрегаторы информационных ресурсов, новостных лент, каталогов полезных ресурсов (ссылок); сервис дистанционного обучения для общего, профессионального и дополнительного образования; библиотеки электронных учебников и учебных пособий.

Возможность формирования и сопровождения цифрового образовательного профиля в части дальнейшей реализации общеобразовательных программ в сфере физической культуры и спорта на сегодняшний день не представлена ни одной платформой.

Цифровые технологии в общем и дальнейшем физкультурно-спортивном образовании могут быть использованы в следующих целях:

- динамические показатели реакции функциональных систем на нагрузку (переносные гаджеты и специализированные программы);
- улучшение психоэмоционального состояния обучающихся (технологии «умный пол» и «умная стена»);
- организация соревнований по двигательной активности с помощью технологий сенсорного контроллера (аналог компьютерной игры Just Dance [2] и др.);
- создание и размещение дидактических материалов на открытых ресурсах.

Соревнования по двигательной активности с помощью технологии сенсорного контроллера (аналог компьютерной игры Just Dance [2]) показали, что использование интерактивных цифровых технологий на уроках физической культуры способствует не только повышению интереса к предмету, но и снижению непродуктивного нервно-психического напряжения среди учащихся.

В настоящее время созданы программы для определения спортивных способностей, задатков и ориентаций детей 6-14 лет при занятиях определенным видом спорта на основе тестирования морфологического статуса, психофизиологических и функциональных возможностей ребенка [3]. Программа помогает родителям узнать текущий уровень психофизического развития ребенка и спрогнозировать его развитие, а детям выбрать тот вид спорта, который больше всего развивает его способности.

Формирование современной цифровой образовательной среды позволило бы реализовать модель непрерывного физического образования в Узбекистане, что положительно повлияло бы на образовательную эмиграцию лучших студентов за счет сетевого обучения и взаимодействия, помогло бы предотвратить отток наиболее талантливой молодежи в другие регионы.

Непосредственно во время спортивной тренировки спектр цифровых технологий может быть обусловлен целями конкретного этапа спортивной тренировки. На этапе спортивного совершенствования рекомендуется безостановочно пользоваться переносными гаджетами, в том числе программами с учетом режима питания и сна. Этап высшего спортивного мастерства по большинству видов спорта связан с цифровыми технологиями. Индивидуальные траектории спортивной подготовки корректируются с учетом обратной связи. Можно констатировать, что этот процесс улучшится и при анализе повышенных показателей будут использоваться технологии искусственного интеллекта.

#### **Список использованной литературы**

1. Кодолова И.А., Фаткуллов И.Р., Галяутдинова Л.Р., Никонова Т.В., Мифтахов Р.Ф. Информационные технологии в подготовке специалистов по физическому и спортивному направлению // Проблемы современного педагогического образования. 2017, 57-5, с. 127-134.
2. Левитов А.В. Симулятор киберспортивных танцев JustDance - инструмент физического воспитания и спорта // Сборник материалов научных конференций бакалавров и магистрантов, аспирантов и соискателей Минспорта РФ. Московская областная олимпийская академия. 2018. С. 79-81.
3. Нопин С.В. Информационные технологии в научно-методическом обеспечении спортивной тренировки // Вопросы функциональной тренировки в профессиональном спорте. 2014, т. 2, 1. С. 245-252.

**УЎК (УДК, UDC) 796.093.43**

### **БЕЛБОҒЛИ КУРАШГА БОЛАЛАРНИ САРАЛАШДА МУСОБАҚА ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНИК-ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИК КЎРСАТКИЧЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ**

10.53885/edinres.2021.98.68.071

Педагогика фанлари доктори, профессор  
**Ф.А. КЕРИМОВ<sup>1</sup>**

<sup>1</sup>Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,  
Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон  
Мустақил изланувчи

Белбоғли кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси  
**А.У. ХАМИДЖОНОВ<sup>2</sup>**

<sup>2</sup>Наманган давлат университети,  
Наманган шаҳри, Ўзбекистон

Муаллиф билан боғланиш учун:  
[Abdulaziz19931910@mail.ru](mailto:Abdulaziz19931910@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада белбоғли кураш спорт турига болаларни саралашда мусобақа фаолияти ва техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичларини самарадорлигини баҳолаш ва назорат қилиш методикасини ишлаб чиқириб тажрибада самарадорлиги асосланган.

**Калит сўзлар:** Белбоғли кураш, саралаш, мусобақа фаолияти, техник-тактик кўрсаткич, баҳолаш, мониторинг қилиш, такомиллаштириш, жисмоний сифатлар.



**Аннотация.** Статъя основана на эффективности эксперимента по разработке методики оценки и контроля эффективности соревновательной деятельности и показателей технико-тактической подготовки при отборе детей в спорт борьбы на поясах.

**Ключевые слова:** борьба на поясах, квалификация, соревновательная деятельность, технико-тактические показатели, оценка, мониторинг, совершенствование, физические качества.

**Annotation.** The article is based on the effectiveness of the experiment in the development of the methodology for assessing and controlling the effectiveness of competition activities and technical and tactical preparation indicators in the selection of children in the sport of Belt Wrestling.

**Keywords:** belt struggle, qualifying, competition activity, technical-tactical performance, evaluation, monitoring, improvement, physical qualities.

**Мавзунинг долзарблиги:** Спорт амалиётида муайян спорт турига хос жисмоний сифатлар ва техник-тактик ҳаракатлар (усуллар) ни шакллантиришда ҳажми, шиддати жиҳатларидан шуғулланувчилар ёши, жинси ҳамда жисмоний имкониятларига мос меъёрланган ёки табақалаштирилган бундай машқларни қўллашнинг изчил тизимли методик тартибда амалга оширилиши ижобий натижа беради.

Маълумки, техник-тактик кўникмаларга ўргатиш ёки уларни шакллантириш самарадорлиги танланган спорт тури хусусиятларига хос бўлган жисмоний сифатларнинг муносиб равишда ривожланганлиги билан белгиланади. Лекин барча спорт турларида, айниқса вазиятли спорт турларида ўзига хос жисмоний сифатлардан ташқари жисмоний ва техник-тактик имкониятлар таркибида муҳим роль ўйновчи шундай жисмоний-функционал компонентлар ҳам борки, уларнинг юксак шаклланган бўлиши мусобақа тақдирини ҳал қилиши мумкин.

**Белбоғли курашга болалар саралашда мусобақа фаолияти ва техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичларини назорат қилиш**

**1-жадвал**


№	Белбоғли курашчиларнинг техник тактик кўрсаткичлари	Белгиси	Коэффициент			
			Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
			Тб	То	Тб	То
1	Техник ҳаракатларни бажариш учун уринишлар сони	М	6,2	6	6,1	6,3
2	Техник ҳаракатларни бажариш учун баҳоланган (муваффақиятли) уринишлар сони	Н	2,12	4,12	2,25	3,10
3	Техник ҳаракат учун ютиб олинган баллар йиғиндиси	Е	4,25	6,5	4,5	4,75
4	Хужумнинг ишончлилиги	На	0,52	0,699	0,55	0,59
5	Ўртача баҳо	А	1,3	1,6	1,3	1,4
6	Хужум даражаси	Wa	0,71	0,85	0,77	0,82

**Изоҳ:** Тб-тадқиқот бошида. То-тадқиқот охирида.

Белбоғли курашга болаларни саралаб олишда мусобақа фаолиятини текшириш олинган техник ҳаракатларни бажариш учун уринишлар сони тажриба бошида тадқиқот гуруҳида тадқиқот бошида 6,2 тани, тадқиқот охирида 6 та уринишни ташкил қилди. Назорат гуруҳида эса тадқиқот бошида 6,1 та уриниш, тадқиқот охирида 6,3 та уринишни ташкил қилди (5-расмга қаранг). Техник ҳаракатларни


бажариш учун баҳоланган (муваффақиятли) урунишлар сони тадқиқот гуруҳида тадқиқот бошида 2,12 та урунишни, тадқиқот охирида эса 4,12 тани мувоффақиятли урунишларни ташкил қилди. Тажриба гуруҳида тадқиқот бошида 2,25 тани, тадқиқот охирида 3,10 та муваффақиятли урунишларни ташкил қилди.

Техник ҳаракат учун ютиб олинган баллар йиғиндиси, натижалари бўйича тадқиқот гуруҳи, тадқиқот бошида 4,2 бални ташкил қилган бўлса, тадқиқот охирида 6,5 ни ташкил қилди, назорат гуруҳида, тадқиқот бошида 4,5 ни ташкил қилди, тадқиқот охирида 4,7 бални ташкил қилди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики тадқиқот гуруҳида кўрсаткич фоизи назорат гуруҳига нисбатан юқори натижа кўрсатди (1-расмга қаранг).



**Изоҳ:** ТГ-тажриба гуриҳи, Нг-назорат гуруҳи. ТБ-тадқиқот бошида, тадқиқот охирида. ТХБУУС-техник ҳаракатлар бажариш учун урунишлар сони, МУС-Муваффақиятли урунишлар сони

**1-расм. техник ҳаракатларни бажариш учун урунишлар сони, мувоффақиятли урунишлар сони**




**Изоҳ:** ТГ-тажриба гуриҳи, Тб-тадқиқот бошида , То-тадқиқот охирида, Нг-назорат гуриҳи, тадқиқот бошида, То-тадқиқот охирида.

**2-расм. Техник ҳаракатлар учун урунишлар сони**

Ҳужум ишончилиги тадқиқот гуруҳида, тадқиқот бошида 0,52 % натижа кўрсатган бўлса, тадқиқот охирида 0,69% ни ўсишига эришилди. Назорат гуруҳи, тадқиқот бошида 0,55% н , тадқиқот охирида эса 0,59% ни ташкил қилди (3-расмга қаранг). Ўртача баҳо тадқиқот бошида, тадқиқот гуруҳида 1,38 бални, тадқиқот

охирида 1,61 бални ташкил қилди. Назорат гуруҳида, тадқиқот бошида 1,6 бални, тадқиқот охирида 1,6 бални ташкил қилди.



**Изоҳ:** ТГБ-тажриба гуриҳи тадқиқот бошида, ТГО-тажриба гуриҳи тадқиқот охирида, НГБ-назорат гуриҳи тадқиқот бошида, НГО-назорат гуриҳи тадқиқот охирида.

### 3-расм. Хужум ишончилиги

Хужум даражаси тадқиқот бошида, тадқиқот гуруҳида 0.71% ни ташкил қилди, тадқиқот охирида 0,95% ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида, тадқиқот бошида 0,77% ни ташкил қилган бўлса, тадқиқот охирида 0.88% ни ташкил қилди. Юқори маълумотлардан кўриниб турибдики тажриба гуруҳи, назорат гуруҳига нисбатан кўрсаткичлар анча юқори натижаларга эришган.

**Хулоса.** Белбоғли курашчиларнинг мусобақа фаолиятининг энг муҳим, лекин энг кам ўрганилган жиҳатларидан бири бу белбоғни тўғри ушлаш ва усулларни бажараётганда мувозанат сақлаш ҳисобланади. Бу эса болаларни белбоғли кураш спорт турига саралаш жараёнидаги энг муҳим ҳаракат фаолиятларидан бири ҳисобланади. Шундай қилиб, курашчиларнинг МЖТини баҳолаш учун ишлаб чиқилган тест, мусобақа беллашувларини ўтказиш вақтидаги алоҳида ҳаракат хусусиятларидан бири ҳисобланади. Белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш тизимини яратишда махсус ишлаб чиқилган тестдан фойдаланиш болаларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги ҳамда келажакдаги техник-тактик имкониятларини башорат қилиш ва баҳолаш қолаверса мураббий педагогалар саралаб олинган болаларни техник ҳаракатларини бошқаришлари учун имконият яратади. Умумий олганда МЖТ даражасини ифодалайдиган юқорида кўрсатилган тестдаги алоҳида кўрсаткичларни модель кўрсаткичлар билан таққослаш, машғулот жараёнини болаларни жисмоний имкониятлари ҳамда ёш хусусиятлари, МЖТ даражасидан келиб чиқиб самарали ташкил этиш имконини беради.

### Адабиётлар

1. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти ЎзЖТИ нашриёт-матбаа бўлими. 2018.-С. 198-190 .
2. Керимов Ф.А. Спорт соҳасида илмий тадқиқотлар. Тошкент 2018 й.- 334 б.

3. [Халмухамедов Р.Д. Шин В.Н Абдурасулова Г.Б. Тажибаев С.С Ёш яккакурашчиларни кўп йиллик тайёргарлик жараёнинг турли босқичларида саралашнинг меъёрлари/ ўқув-услугий қўлланма ЎзЖТИ., 2013.- 166 б.](#)
4. Мирзакулов Ш.А., Мирзанов Ш.С., Артиқов З.С., Қирғизбоев М.М., / Белбоғли кураш бўйича спорт педагогик махоратини ошириш. - Тошкент, 2018.- 202 б.
5. . Нуршин Ж.М. Мирзакулов Ш.А Ёш белбоғли курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги. / Халқаро илмий-амалий анжуман “Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва услубиятининг замонавий муаммолари”, II қисм. Тошкент, 2015, - Б.83-84

## **АКТУАЛЬНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБЛАСТИ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА**

10.53885/edinres.2021.63.90.072

**Исмоилова М.Н.**

*старший преподаватель,*

*факультет Информационных технологий, БухГУ.*

Повышение уровня качества физкультурного образования настоятельно требует создания новых средств обучения на основе использования современных информационных технологий. Несмотря на то, что в последние годы появляется значительный интерес к разработке и использованию компьютерных программ в учебно-тренировочном процессе, вопросы их разработки и внедрения остаются весьма актуальными.

Направлениями компьютерных технологий в спорте могут являться:

-Средства для обучения, повышающие качество преподавания. Информационные технологии в физической культуре активно используются в образовательных целях. Существует множество обучающих технологий, с помощью которых, обычный, даже не подготовленный человек может изучать различные спортивные дисциплины, боевые искусства, может получить достаточно полную информацию, необходимую ему для обучения. Большое распространение получили программы, позволяющие визуализировать на экране монитора изучаемый процесс. С помощью таких программных средств пользователь получает возможность изучить объект в деталях, принимая в расчет временное и пространственное движение процесса. Благодаря этим технологиям, можно добиться повышения эффективности тренировок и обучения за достаточно короткий срок.

-Программы, предназначенные для тестирования и контроля тренировочного процесса обучающегося в том или ином спортивном направлении. Человек, использующий данный программный продукт, имеет возможность подобрать для себя оптимальную программу тренировок и даже составить специальную спортивную диету.

-Средства, направленные на рекламную или издательскую деятельность, которые выполняют задачу размещения рекламных материалов, оформленных так, чтобы они могли привлечь наибольшее возможное число представителей основной целевой аудитории.

-Прикладные программные продукты – предназначены для обработки информации различных направлений и областей. Компьютерные технологии активно используются во время проведения различных соревнований.

Процесс внедрения информационных технологий в учебный процесс в области физкультурного образования начался сравнительно недавно и в настоящее время является актуальной. В настоящее время в учебном процессе по физической культуре

используются компьютерные программы, автоматизированные диагностические системы, применение которых позволяет получить высокую эффективность профессионально-ориентированного обучения студентов высших учебных заведений на основе использования средств современных информационных технологий. Также разработаны и используются в учебном процессе компьютерные программы контроля самостоятельной работы студентов, что позволяет в первую очередь индивидуализировать контроль самостоятельной учебной деятельности при любом количестве студентов.

Применение компьютерного контроля позволило:

- Индивидуализировать контроль самостоятельной учебной деятельности при любом количестве студентов.

- Обеспечить активную самоподготовку студентов к занятиям и ее эффективный автоматизированный контроль.

- Создать для каждого студента посильный темп проработки самостоятельно изучаемого материала при постоянном контроле степени его понимания и усвоения.

- Автоматизировать регистрацию результатов контроля подготовленности каждого студента на протяжении всего периода обучения.

- Оперативно получать полную информацию о состоянии академической активности каждого студента.

Разработка проблемы информационно-компьютерного обеспечения подготовки студентов в области физической культуры будет вестись в рамках двух направлений информатизации образования: повышение эффективности педагогической деятельности и совершенствование образовательно-педагогического управления процессом подготовки студентов. Как итог, использование этих технологий в физкультуре несет в себе множество плюсов, а именно быстрота, надежность, возможность оптимизировать накопленные знания, возможность подобрать эффективную программу, рассчитанную на конкретного пользователя.

#### **Литературы:**

1. Валиев А.А. Контроль физического развития студентов на спортивно - оздоровительных занятиях // **Вестник науки и образования**. Часть 2. № 22 (100), 2020. С. 40-43.

2. Самадов А.А. Организация спортивно-оздоровительных занятий среди студентов // **Вестник науки и образования**. Часть 2. № 22 (100), 2020. С. 46-49.

**УЎК (УДК, UDC) 796.093.43**

**БЕЛБОҒЛИ КУРАШ СПОРТ ТУРИГА 9-14 ЁШЛИ БОЛАЛАРНИ САРАЛАШДА МАХСУС  
ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

10.53885/edinres.2021.63.90.072

Педагогика фанлари доктори, профессор  
**Ф.А. КЕРИМОВ<sup>1</sup>**

<sup>1</sup>Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,  
Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон  
Мустақил изланувчи

Белбоғли кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси  
**А.У. ХАМИДЖОНОВ<sup>2</sup>**

<sup>2</sup>Наманган давлат университети,  
Наманган шаҳри, Ўзбекистон

Муаллиф билан боғланиш учун:  
[Abdulaziz19931910@mail.ru](mailto:Abdulaziz19931910@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада белбоғли кураш спорт турига 9-14 ёшли болаларни саралаб олишда уларнинг махсус жисмоний тайёргарлик ҳолатини текшириш ва баҳолаш учун тест натижалари, ўртача арифметик қиймат, ўртача квадрат оғишма, вариация коэффициенти ва студент t-критериясидан фарқларнинг ишончилиги каби математик формула ва амаллардан фойдаланилди.

**Калит сўзлар:** жисмоний тайёргарлик, белбоғли кураш, саралаш, тизим, техник-тактик тайёргарлик, функционал тайёргарлик, маҳорат, такомиллаштириш.

**Аннотация.** В статье рассматриваются особенности отбора детей 9-14 лет для занятия поясной борьбой. Представлены материалы по анализу физической подготовленности борцов. В работе анализируются эти показатели с помощью математических формул, такие как среднее арифметическое значение, среднее квадратичное отклонение, коэффициент вариации и достоверность различий по t-критерию Стьюдента.

**Ключевые слова:** Физическая подготовка, поясная борьба, отбор, технико-тактическая подготовка, функциональная подготовка, спортивное мастерство.

**Annotation.** The purpose of the article the purpose of Belt Wrestling in the selection of children aged 9-14 in sports, mathematical formulas and operations such as test results, mean arithmetic value, mean square deviation, coefficient of variation and reliability of differences from the student t-criteria were used to check and evaluate their specific physical preparation condition. The relevance and purpose of this topic is analyzed the selection system and content of the belt wrestling sport.

**Keywords:** Physical training, Belt wrestling, sorting, system, technical-tactical training, functional training, skill, improvement.

**Мавзунинг долзарблиги:** Бугунги кунда Республикамызда миллий кураш турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 2 октябрдаги “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3306-сонли қарори [1], имзоланиши кураш барчани бирдек қувонтирди. Бунга жавобан белбоғли курашчиларимиз 2017 йилда Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида ёпиқ иншоотларда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида белбоғли кураш спорт тури бўйича 57 та медалнинг қўлга киритилиши ушбу спорт турининг ривожланаётганидан далолат беради. 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони [3] ҳамда “Спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига спортчиларни саралаб олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 мартдаги 122-сон қарори [4] бу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу мақоланинг тадқиқот натижалари ҳам муайян даражада хизмат қилади. Умумий ва махсус тайёргарлик ўртасида ўзаро боғлиқлик хусусан болаларни спорт турларига саралашда асосий фундамент вазифасини бажаради. Сўнгги йилларда нашр этилган жисмоний тарбия ва спортга оид илмий услубий адабиётларда спорт машғулотларига спортчининг жисмоний ҳаракатини бошқариш жараёни сифатида қараш мумкинлиги кўп бора таъкидланган. Бунда бошқариш жараёни бошқариш объекти (спортчи) билан бошқарувчи объекти (тренер, услубчи) орасида алоқа мавжуд бўлган ҳолдагина таъминланиши мумкин. Спорт-педагогика амалиётида тескари алоқанинг ўхшаши сифатида педагогик назоратни кўрсатиш мумкинки, бунда тестлардан кенг фойдаланиш назарда тутилади.

**Тадқиқот мақсади:** Белбоғли кураш спорт турига 9-14 ёшли болаларни саралашда махсус жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларининг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси:** Ф.А.Каримов, М.А.Каримов, Р.Д.Халмухаммедов, И.Ю.Шамсематов, С.С.Тажобаев, Ш. Мирзанов, Ш.Мирзақулов, З.С.Артиқов ва бошқаларнинг фикрларига кўра, умумий жисмоний тайёргарлик организмни функционал имкониятларини кўтаришга, ҳаракат малакалари ҳамда кўникмаларини кенг миқёсда эгаллашга қаратилган.

**Белбоғли кураш спорт турига саралашда иштирок этган 9-10 ёшли болаларни махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари**

**1.1-жадвал**

	9 ёш		10 ёш		9-10 ёш		11 ёш		12 ёш		11-12 ёш		13 ёш		14 ёш		13-14 ёш	
	n=	80	80	80			81	82	84	88			88	13-14 ёш				
Махсус жисмоний тайёргарлиги	x±σ	V	x±σ	V	T	p	x±σ	V	x±σ	v	t	P	x±σ	V	x±σ	V	t	P
Белбоғни қондаси бўйича ушлаш ҳолати (сон.)	10,9±1,24	11,3	10±1,11	11,1	6,99	P<0,01	9,43±0,62	6,65	9,08±2,02	2,2	2,06	P<0,05	8,13±1,26	5,5	7,28±1,49	20,5	5,46	P<0,01
Баланд тик туриш ҳолатида белбоғни қондаси бўйича ушлаш	11,4±0,94	8,27	10,4±1,14	11,0	8,62	P<0,01	9,33±1,13	12,1	8,89±1,88	1,2	2,54	P<0,05	7,66±0,92	1,2	7,17±0,98	13,7	4,64	P<0,01
Паст тик туриш ҳолатида белбоғни ушлаш (сон.)	11,1±1,10	9,93	10,3±0,95	9,18	6,40	P<0,01	9,27±0,95	10,3	8,65±2,13	2,4	3,31	P<0,01	7,72±1,65	2,1	6,82±1,25	18,3	5,47	P<0,01
Ўнг оёқни кўтарган ва тиззаларни буккан ҳолда эгилиб чап оёқ товонларини кўриш (сон.)	10,2±1,71	16,7	11,2±1,49	13,2	5,48	P<0,01	12,3±1,06	8,62	13,0±2,70	2,0	3,27	P<0,01	15,7±2,09	1,3	18,2±1,56	8,57	11,9	P<0,01
Чап оёқни кўтарган ва тиззаларни буккан ҳолда эгилиб ўнг оёқ товонларини кўриш (сон.)	9,53±1,53	16,0	10,9±1,91	17,5	7,14	P<0,01	12,9±0,85	6,57	13,5±3,54	2,6	1,94	P>0,05	17,6±1,32	7,1	19,5±1,88	9,64	10,1	P<0,01
Жипслаштирилган оёқлар учида туриб, кўз юмилган ҳолатда белбоғни ушлаш тақлиди билан мувозанат сақлаш (сон.)	9,67±1,86	19,3	11,3±1,79	15,8	8,17	P<0,01	12,3±0,76	6,15	13,3±2,78	2,0	4,35	P<0,01	18,5±1,33	7,1	20,5±2,13	10,4	10,2	P<0,01

Кўп йиллардан бери мутахассисларнинг изланишлари мусобақа фаолиятининг асосий унсурлари, унинг кечишидаги ўзига хосликлар ўз аксини топадиган махсус тестларни ишлаб чиқишга йўналтирилган эди. Бу вазифанинг ечими учун махсус синовлар тўғри келмайди.

Курашчиларнинг мжтини баҳолашда турли педагогик ва тиббий-биологик тестлар қўлланилиб, уларнинг асосини машғулотда шерикни йиқитишлар (йиқитишларга миқдорий ва сифатий баҳо берилади) ҳамда берилган юкламага организмдаги турли тизимларнинг реакцияси ўзгаришларини ўрганиш ташкил этади. Бир неча йиллар давомида турли мутахассислар спорт курашининг ҳар хил турларида МЖТни баҳолаш бўйича кўплаб тестларни, шунингдек, тестларнинг бажарилиш натижаларини ҳисоблаш формулаларини ишлаб чиқдилар.

Биз ўз тадқиқотимизда белбоғли кураш спорт турига 9-14 ёшли болаларни саралаб олишда махсус жисмоний тайёргарлигини баҳоловчи белбоғли кураш спорт турини ўзига хос хусусиятларига жавоб берувчи синовлар мажмуаси ишлаб чиқилди (1.1-жадвалга қаранг). 9 ёшли болаларни махсус жисмоний тайёргарлик ҳолатини текширишда 6 та тестдан фойдаландик.

**Биринчи тест:** Белбоғни қоидаси бўйича ушлаш ҳолати (сон.)  $10,9 \pm 1,24$  сония, 10 ёшли болаларда ушбу кўрсаткич  $10 \pm 1,10$  сонияни ташкил қилди ( $t=6,99$   $p<0.01$ ). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончилиликни ташкил этди. 11 ёшли болаларда  $9,43 \pm 0,62$  сония, 12 ёшли болаларда  $9,08 \pm 2,02$  сонияни ташкил қилди ( $t=2,06$ ,  $p<0.05$ ). 13 ёшли болаларда  $8,13 \pm 1,26$ , 14 ёшли болаларда  $7,28 \pm 1,49$  ( $t=2,06$ ,  $p<0.05$ ). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончилиликни ташкил этди.

**Иккинчи тест:** Баланс тик туриш ҳолатида белбоғни қоидаси бўйича ушлаш 9 ёшда болаларда  $11,4 \pm 0,94$  сония, 10 ёшли болаларда  $10,4 \pm 1,14$  сонияни ташкил қилди ( $t=8,62$ ,  $p<0.01$ ). 11 ёшли болаларда  $9,33 \pm 1,33$  сония, 12 ёшдаги болаларда  $8,89 \pm 1,88$  сонияни ташкил қилди ( $t=2,54$ ;  $p<0.05$ ). 13 ёшли болаларда ушбу кўрсаткич бўйича  $7,66 \pm 0,92$  сония, 14 ёшли болаларда  $7,17 \pm 0,98$  сонияни ташкил қилди ( $t=4,64$ ;  $p<0.01$ ). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончилиликни ташкил этди.


**Учинчи тест:** Паст тик туриш ҳолатида белбоғни ушлаш (сек.) 9 ёшли болалар ушбу тест бўйича натижалар қуйидагича  $11,1 \pm 1,10$  сония, 10 ёшли болаларда  $10,3 \pm 0,95$  сонияни ташкил қилди ( $t=8,62$ ;  $p<0.01$ ). 11 ёшли болаларда  $9,27 \pm 0,95$  сонияни, 12 ёшли  $8,65 \pm 2,12$  ( $t=3,31$ ;  $p<0.01$ ). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончилилиги аниқланди. 13 ёшли болаларда ушбу синов бўйича  $7,62 \pm 1,65$  сония, 14 ёшлилар ўртасида эса  $6,82 \pm 1,25$  сония ( $t=5,47$ ;  $p<0.01$ ).

**Тўртинчи тест:** Ўнг оёқтизаларни ва кўтарган букган ҳолда эгилиб чап оёқ товонларни кўриш синовида, 9 ёшли болалар кўрсаткичи қуйидагича  $10,2 \pm 1,71$  сония, 10 ёшли болаларда  $11,2 \pm 1,49$  сония, ( $t=5,48$ ;  $p<0.01$ ). 11 ёшли болаларда  $12,3 \pm 1,06$  сония, 12 ёшли болаларда  $13,0 \pm 2,70$  сонияни ташкил этди, ( $t=3,27$ ;  $p<0.01$ ). 13 ёшли болаларда  $15,7 \pm 2,09$  сония, 14 ёшли болаларда  $18,2 \pm 1,56$  сония натижаси қайт этилди, ( $t=11,9$ ;  $p<0.01$ ). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончилилиги аниқланди.

**Бешинчи тест:** Чап оёқ тиззаларини кўтарган букган ҳолда эгилиб ўнг оёқ товонини кўриш (сония) синовида 9 ёшли болалар кўрсаткичи қуйидагича  $9,53 \pm 1,53$  сония, 10 ёшли болаларда  $10,9 \pm 1,91$  сония ташкил қилди ( $t=7,14$ ;  $p<0.01$ ). 11 ёшли болаларда  $12,9 \pm 0,85$  сония, 12 ёшли болаларда  $13,5 \pm 3,54$  сония, ( $t=1,94$ ;  $p>0,05$ ). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончилилиги кузатилди. 13 ёшли болаларда  $17,6 \pm 1,32$  сония, 19,5  $\pm 1,88$  сония ( $t=10,1$ ;  $p<0,01$ ). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончилилиги аниқланди



## Белбоғли кураш спорт турига саралашда 9-14 ёшли болаларни махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари



**Олтинчи тест:** Жипитлаштирилган оёқлар учида туриб, кўз юмилган ҳолатда белбоғни ушлаш тақлиди билан мувозанат сақлаш (сония) тестида 9 ёшли болалар кўрсаткичлари қўйидагича,  $9,67 \pm 1,86$  сония, 10 ёшли болаларда  $11,3 \pm 1,79$  сонияни ташкил қилди ( $t=8,17$ ;  $p<0,01$ ). 11 ёшли болаларда  $12,3 \pm 0,76$  сония, 12 ёшли болаларда  $13,3 \pm 2,78$  сонияни ташкил қилди ( $t=4,35$ ;  $p<0,01$ ). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар кўзатилади. 13 ёшли болаларни кўрсаткичлари қўйидаги натижалар кўрсатди  $18,5 \pm 1,33$  сония,  $20,5 \pm 2,13$  сония ( $t=10,2$ ;  $p<0,01$ ). Кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги аниқланди.

**Хулоса.** Белбоғли курашчиларнинг мусобақа фаолиятининг энг муҳим, лекин энг кам ўрганилган жиҳатларидан бири бу белбоғни тўғри ушлаш ва усулларни бажараётганда мувозанат сақлаш ҳисобланади. Бу эса болаларни белбоғли кураш спорт турига саралаш жараёнидаги энг муҳим ҳаракат фаолиятларидан бири ҳисобланади. Шундай қилиб, курашчиларнинг МЖТини баҳолаш учун ишлаб чиқилган тест, мусобақа беллашувларини ўтказиш вақтидаги алоҳида ҳаракат хусусиятларидан бири ҳисобланади. Белбоғли кураш спорт турига болаларни саралаш тизимини яратишда махсус ишлаб чиқилган тестдан фойдаланиш болаларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги ҳамда келажакдаги техник-тактик имкониятларини башорат қилиш ва баҳолаш қолаверса мураббий педагогалар саралаб олинган болаларни техник ҳаракатларини бошқаришлари учун имконият яратади. Умумий олганда МЖТ даражасини ифодалайдиган юқорида кўрсатилган тестдаги алоҳида кўрсаткичларни модель кўрсаткичлар билан таққослаш, машғулот жараёнини болаларни жисмоний имкониятлари ҳамда ёш хусусиятлари, МЖТ даражасидан келиб чиқиб самарали ташкил этиш имконини беради.

#### Адабиётлар

1. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усуляти ЎзЖТИ нашриёт-матбаа бўлими. 2018.-Б. 198-190 .
2. Керимов Ф.А. Спорт соҳасида илмий тадқиқотлар. Тошкент 2018 й.- 334 б.
3. [Халмухамедов Р.Д. Шин В.Н Абдурасулова Г.Б. Тажибаев С.С Ёш яккакурашчиларни кўп йиллик тайёргарлик жараёнинг турли босқичларида саралашнинг меъёрлари/ ўқув-услубий қўлланма ЎзЖТИ., 2013.- 166 б.](#)
4. Мирзакулов Ш.А., Мирзанов Ш.С., Артиқов З.С., Қирғизбоев М.М., / Белбоғли кураш бўйича спорт педагогик маҳоратини ошириш. - Тошкент, 2018.- 202 б.
5. Нуршин Ж.М. Мирзакулов Ш.А Ёш белбоғли курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги. / Халқаро илмий-амалий анжуман “Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва услубиятининг замонавий муаммолари”, II қисм. Тошкент, 2015, - Б.83-84

#### FUTBOL SPORTIDA MASHG'ULOT JARAYONLARINI BOSHQARISH ASOSLARI

10.53885/edinres.2021.57.22.074

*Mo'minov F.I*

*Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston*

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev va hukumatimiz tomonidan mamlakatda jismoniy tarbiya va ommaviy sportni, jumladan futbolni rivojlantirish masalalariga katta e'tibor qaratilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 15 fevraldagi «Madaniyat va sport sohasida boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-4956-sonli Farmoni, 2017 yil 15 fevraldagi «O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida»gi PQ-2779-sonli, 2017 yil 3 iyundagi «Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-3031-sonli va 2017 yil 9 martdagi «O'zbekiston sportchilarining 2020 yil Tokio shahrida bo'lib o'tadigan XXXII yozgi Olimpiya va XVI Paralimpiya o'yinlariga tayyorgarlik ko'rish to'g'risida»gi PQ-2821 sonli Qarorlari va 2019 yil 4 dekabrda «O'zbekistonda futbolni rivojlantirishni mutlaqo yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-5887-son Farmoni bu fikrlarning yorqin namunasidir.

Yuqorida qabul qilingan xujjatlar mamlakatda yuqori malakali futbolchilar tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish uchun dasturilamal bo'lib xizmat qiladi.

So'nggi yillarda yuqori malakali sportchilarni tayyorlash tizimi ikki yo'l bilan rivojlanayotganligi kuzatilmoqda. Ulardan biri – mashg'ulot va musobaqa yuklamalari hajmi va jadalligini ko'paytirish bo'lsa, ikkinchisi – mashg'ulot va musobaqa yuklamalarini

tuzilishini ularning sportchi organizmiga ko'rsatadigan ta'siri, yuklamalarning turli xil tarkibiy qismlari, yuklamalar tuzilishi dinamikasining mashg'ulot bosqichlarida shug'ullanuvchilarning tayyorgarlik darajasiga ta'siri haqidagi ma'lumotlarga asoslangan holda sifatli takomillashtiradi. Mashg'ulotlarni eng qulay vosita va uslublarini izlab topish ko'p jixatdan musobaqa boshqaruvi haqidagi bizning tasavvurlarimizni biroz bo'lsada haqiqatga yaqinlashtiradi.

So'nggi yillarda jahonning yetakchi jamoalari o'yinlarida bir tomondan o'yinchilarni shug'ullanganlik darajasini o'sganligi, boshqa tomondan ularni o'zaro ta'sir ko'rsatish uslublarini takomillashtirish bilan bog'liq ahamiyatli o'zgarishlar sodir bo'lmoqda. Demak o'yinning keyingi rivoji asosan o'yinchilarning jamoaviy o'zaro harakati tuzilmasini takomillashtirishga bog'liq, chunki jamoaviy o'yinni talab darajasida tashkil etish bilan alohida individumning optimal faoliyatiga erishish mumkin.

Bu holatni bugungi kunda asosan futbolchilarni individual va guruhli harakatlarini sifatli tahlil qilishga imkon yaratuvchi musobaqa faoliyatini ilmiy asoslangan tizimli tahlil etish bilangina baholash mumkin.

Musobaqa faoliyatini ayni vaqtdagi mavjud tizimlari asosan alohida futbolchilarni o'yin harakatlarini qayd qilishdan iborat, bu esa o'z navbatida ularni individual imkoniyatlari doirasidan chetga chiqishga imkon bermaydi. Albatta, o'yin natijasi individual ko'rsatkichlarga bog'liq, biroq bu bog'liqlik alohida o'yinchilarning to'g'ri, yaxshi yoki mukammal harakatlarini jamlashdaemas, balki individumlarning harakati jamoaviy o'yin tamoyillariga mos kelishidadir. Ammo bu holatda, biz jamoaviy emas, individual taktika bilan shug'ullanamiz, chunki jamoada doimo xatto alohida o'yinchilarda topilmaydigan hususiyatlar mavjuddir.

Demak, zamonaviy futbolda jamoaviy daraja faqatgina futbolchilarni o'zaro harakatini aks ettiruvchi ko'rsatkichlar yordamida to'g'ri tashkil etilishi mumkin.

Yuqorida bayon etilganlardan xulosa qilib shuni aytish mumkinki, zamonaviy futbolda musobaqa faoliyati va mashg'ulot yuklamalarini sportchi organizmiga ko'rsatadigan ta'sirini kompleks tahlil qilish tamoyillari va uslublarini ishlab chiqish ayni vaqtda dolzarb hisoblanadi.

Boshqaruv keng ma'noda sportchining oldindan rejalashtirilgan bir holatdan boshqasiga o'tishini nazarda tutadi. Bu tushunchani futbolchilarning mashg'ulot jarayonlarida boshqaruvning yakuniy maqsadi sifatida aks ettirilishi jismoniy holatni barqaror yaxshilash bilan musobaqa mashqlarida yuqori natijalarga erishish hisoblanadi. Bir holatdan boshqasiga o'tishga ta'sir ko'rsatuvchi maxsus vositalar (ustunlik bilan jismoniy mashqlar), ovqatlanish, yashash sharoiti, tashqi muhit va boshqalar bu jarayonda hal qiluvchi omillar hisoblanadi.

Sportchi holatining uch hil turi farqlanadi:

- o'zgaruvchan –uzoq vaqt davomida o'zgaradi, yildan-yilga, mashg'ulotning bir bosqichidan keyingi bosqichga;

- joriy – har kuni o'zgarib turadi va kundalik mashg'ulot yuklamalarining oqibati hisoblanadi;

- tezkor – sportchi organizmning yuklamalarga tezkor ta'sirini aks ettiradi.

Yu.V.Verxoshenskiyning fikricha, boshqaruv quyidagi murakkab irarxik tizimdan tashkil topgan:

- atletning maxsus ishchanlik qobiliyati yoki uning holati darajasiga asoslangan maxsus jismoniy tayyorgarlik kompleksi;

- bir qator tashqi o'zaro munosabatlar;

- mashg'ulot yuklamalari.

N.G. Ozolin o'z navbatida sportchilar tayyorgarligini boshqarish tuzilmasida quyidagi komponentlarni ajratib beradi:

- sportchining individual imkoniyatlari va qobiliyatlarini izlab topish;

- maqsad qo'yish va unga erishish muddatlari;  
- ta'lim, tarbiya, funksional imkoniyatlarni oshirish kabi aniq va to'g'ri vazifalarni aniqlash;

- mashg'ulot vositalari va uslublarini tanlash;

- mashg'ulot va musobaqa yuklamalarini nazorat qilish va hisoblash.

Kompleksni muvaffaqiyatli amalda qo'llanilishi boshqariluvchanlik hisoblanadi.

Asosiy e'tiborni olingan dastlabki axborotlarni to'g'riliga qaratish juda muhim, chunki rejalashtirilayotgan vazifalar va ko'rsatmalar mazmuni aynan uning ishonchligiga bog'liq.

Futbolchilarni musobaqa faoliyati va tayyorgarligining sifat va miqdoriy tomonlari haqidagi ma'lumotlar ham katta ahamiyatga ega, chunki ular model tavsiflarni ishlab chiqish uchun asos bo'lib hizmat qiladi.

Bosqichma-bosqich nazorat tizimlarini ishlab chiqish futbolchilar musobaqa faoliyati va tayyorgarligi haqidagi ma'lumotlar tahliliga asoslanadi. V.N.Platonovning ta'kidlashicha, uning natijalari «...ishning asosiy yo'nalishi va oldinga qo'yilgan vazifalarga erishish yo'llarini aniqlaydi, pedagogik ta'sir vositalari va uslublariga shart qo'yadi».

Olingan ma'lumotlardan foydalanib, mashg'ulot jarayonini mikro-, mezo va makrotuzilmalari rejalashtiriladi.

Belgilangan dasturlarni amalga oshirish jarayonlarida futbolchilarning shug'ullanganlik darajasidagi xaqiqiy o'zgarishlar qanchalik rejalashtirilganligiga mos kelishini doimo taqqoslab borish, mashg'ulot bosqichidan bosqichiga tayyorgarlik ko'rsatkichlarining o'sish tempi hamda yuklamalar dinamikasini hisobga olib borish, bunda albatta doimiy tibbiy-biologik nazorat zarur.

Oliy liga jamoalari zahirasi hisoblangan yosh futbolchilarning tayyorgarlik amaliyotida mashg'ulot jarayonlarining barcha boshqarish komponentlari qo'llanilishi ayniqsa dolzarb hisoblanadi. M.A.Godik tomonidan quyidagi yosh futbolchilarni tayyorgarlik sifatini oshirish vazifalari oldinga suriladi:

- futbolni rivojlantirishning asosiy g'oyalarini aniqlash va 10-15 yil oldinga bashoratlarni amalga oshirish; bu esa o'z navbatida «futbolchiga nisbatan yaqin kelajakka» qo'yilgan talablarni belgilashga imkoniyat yaratadi;

- yosh futbolchilarning harakat imkoniyatlari, shaxs tuzilmasi va boshqa sifatlari darajasini, ayniqsa, tayyorgarlikning boshlang'ich bosqichida, ularni nazorat natijalari va kelgusi natijalari haqida bashoratlarni amalga oshirish bo'yicha toifalanishini aniqlash;

- tayyorgarlikning boshlang'ich bosqichida, testanuvchi yuklamalarni ma'lum tarzda rejalashtirilgan tuzilmalari sharoitida yosh sportchilar tanlovini tashkil etish.

## **СКАНДИНАВЧА ЮРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ МАНИТОРИНГ ҚИЛУВЧИ КОМПЮТЕР ДАСТУРИ "SKAN.XOD"**

10.53885/edinres.2021.88.71.073

**Керимов Ф. А.**

Профессор, педагогика Фанлар доктори УзДЖТСУ

**Азизов М.М.,**

Наманган давлат университети таянч доктаранти

Тел: +998942761303, @mail: mirzohid.azizov@bk.ru

**Anotatsiya:** *Мазкур мақолада умумтаълим мактаби бошлангич синф ўқувчиларига, соғломлаштирувчи Скандинавча юришни ўргатишида, "SKAN.XOD" замонавий компьютер дастурининг ахамияти хақида хақида so`z borgan.*

**Kalit so'zlar:** *Skandinavcha yurish, ilmiy uslubiy tamoyillar, sog`lom xayot, umumiy qoidalar, texnika, jismoniy ko`rsatkich, kompyuter dasturi.*

## **КОМПЬЮТЕРНАЯ ПРОГРАММА, КОНТРОЛИРУЮЩАЯ ФИЗИЧЕСКУЮ ПОДГОТОВКУ ДЕТЕЙ, ЗАНИМАЮЩИХСЯ СКАНДИНАВСКОЙ ХОДЬБОЙ**

Керимов Ф. А.

Профессор, Доктор педагогических наук УзГУФКС  
Азизов М.М. докторант Наманганского государственного университета  
Тел: +998942761303, электронная почта: mirzohid.azizov@bk.ru

**Аннотация:** В работе представлена разработанная компьютерная программа "SKAN.XOD" которая позволяет обучить учащихся начальных классов скандинавской ходьбе в общеобразовательных школах.

**Ключевые слова:** скандинавская ходьба, научно-методические принципы, здоровый образ жизни, общие правила и методика проведения занятий, физическая подготовка, компьютерная программа.

## **A COMPUTER PROGRAM THAT MONITORS THE PHYSICAL FITNESS OF CHILDREN ENGAGED IN NORDIC WALKING**

Kerimov F. A.,

Professor, Doctor of Pedagogical Sciences UzSUPCS  
Azizov M.M., base doctoral student Namangan State of University  
Tel: +998942761303, @mail: mirzohid.azizov@bk.ru

**Abstract:** this article the general public school is teaching primary school students a healthy Scandinavian walk, "SKAN.XOD" spoke about the importance of modern computer software.

**Key words:** Scandinavian walking, scientific methodological principles, healthy life, general rules, technique, physical training, computer program.

Бугунги кунда Ёш авлод тарбияси, саломатлигига берилаётган еътибор ертанги кунимизга берилаётган еътибордир. Мамлакатимизда бу борада мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги "Ёшларни маънавий- ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 3907-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармонлари ижросини таъминлаш ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан ташқари вақтларида соғломлаштирувчи Скандинавча юришни ўргатишда мақсадида, биз томонимиздан мазкур компьютер дастури ишлаб чиқилди.

### **"SKAN.XOD" компьютер дастурининг вазифаси:**

❖ Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларига соғломлаштирувчи скандинавча юришни кўллаш мақсадида, уларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ва баҳолашда фойдаланиш;

❖ Бошланғич синф ўқувчиларининг умумий жисмоний тайёргарлиги, махсус жисмоний тайёргарлигини ҳамда скандинавия таёқчасидан фойдаланган ҳолатда жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ва мониторинг қилиш;

❖ Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги даражаси бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш;

❖ 7-10 ёшли болаларни Скандинавча юриш техникасини ўргатиш мақсадида жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича компьютер дастури орқали тўпланган маълумотлар ёрдамида ўқув-методик тавсияларни ишлаб чиқиш;

### **"SKAN.XOD" компьютер дастурининг ишлаш тартиби:**

Дастурга муофиқ шуғилланувчиларнинг мумуий жисмоний тайёргарлиги, махсус жисмоний тайёргарлиги, скандинав таёқчаси ёрдамида бажариладиган махсус тестлар бўйича баҳолаш шкаласи яратилди. (1 жадвал)

**1 жадвал. 7-10 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш шкаласи**

Жисмоний сифат	Синов	Ёш	Жисмоний тайёргарлик даражаси					
			Юқори кўрсаткич		Ўртача кўрсаткич		Паст кўрсаткич	
			Ўғил	Киз	Ўғил	Киз	Ўғил	Киз
Тезкорлик	30 м югуриш (соғия)	7-8	6,0	6,2	6,7	6,8	6,9	7,1
		9-10	5,8	6,0	6,3	6,5	6,5	6,7
	Арқонда сакраш (1 дақика)	7-8	28	26	24	23	22	21
		9-10	50	45	40	35	30	28
Чакқонлик	Моксимон югуриш 3x10 м (соғия)	7-8	9,2	9,5	10,0	10,4	10,3	10,6
		9-10	9	9,2	9,6	10,1	9,9	10,2
Эгилувчанлик	Полга ўтириб, скандинавия таёқчасини ушлаган ҳолатда олдинга эгилиш (марта)	7-8	8	7	6	4	4	3
		9-10	10	8	8	6	5	4
Куч	Турган жойдан узунликка сакраш (см)	7-8	150	140	140	130	130	120
		9-10	165	155	150	140	140	130
	Полга таянган ҳолатда қўлларни букиб ёзиш	7-8	5	3	4	2	3	1
		9-10	6	4	5	3	4	2
	Турникда тортилиш (кизлар узун паст турникда) (марта)	7-8	4	4	3	3	2	2
		9-10	4	5	3	4	2	3
Чидамкорлик	Скандинавия таёқчасига тайанган ҳолатда ўтириб туриш (марта)	7-8	35	30	30	25	25	20
		9-10	40	35	35	30	30	25
	400 м скандинавча юриш (дақ,соғия)	7-8	5	5,30	5,50	6,10	6,20	6,50
		9-10	4,20	5	5,20	6,30	6,60	7

Баҳолаш шкаласини яратишда “Алпомиш ва барчиной тест меёрлари” ва илмий – услубий адабиётлар асосида тестлар ишлаб чиқилди ва компьютер дастурига киритилди. Мазкур жадвалда боўлангич синф ўқувчилари ҳар бир ёш таифаси учун жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида алоҳида тестлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир тест ўқувчиларнинг жинси ва ёшига қараб тақсимланган.

7-10 ёшли болаларни тезкорлик сифатларини баҳолашда “30 м югуриш” ва “Арқонда сакраш”, Чакқонлик сифатини баҳолашда “Моксимон югуриш 3x10 м” , “Эгилувчанлик” сифатини баҳолашда “Полга ўтириб, скандинавия таёқчасини ушлаган ҳолатда олдинга эгилиш”, Куч сифатини аниқлашда “Турган жойдан узунликка сакраш”, “Полга таянган ҳолатда қўлларни букиб ёзиш”, “Турникда тортилиш”, Чидамкорликни баҳолашда “Скандинавия таёқчасига тайанган ҳолатда ўтириб туриш”, “400 м скандинавча юриш” тестларидан фойдаланилди. (1 расм)

Жисмоний тайёргарлик даражасини аниклаш										
№ИО	Тезкорлик		Чакковлик	Энгилувчанлик	Куч			Чидамкорлик		
	30 м югуриш (сония)	Арқонда сакраш (дақиқа)	Моксимон югуриш 3x10 м (сония)	Полга ўтириб, скандинавия таёқчасини ушлаган ҳолатда олдинга эгиллиш (марта)	Турган жойдан узунликка сакраш (см)	Полга таянган ҳолатда кўллари букиб ёниш	Турникда тортилш (кизлар учун паст турникда) (марта)	Скандинавия таёқчасига таянган ҳолатда ўтириб турши(марта)	400 м скандинавча юриш(дақ.сония)	
1	Abdinazarov Jamshidbek Rustamjon O'g'li	7,15	36	11,8	7	130,6	4	4	27	5,45
2	Abdurashidov Abdurahil Xusanboy O'g'li	5,8	18	9,5	6	147,4	2	2	24	5,09
3	Abduraximov Jaloldin Jaxongir O'g'li	7,04	25	11,5	5	104,7	4	4	25	6,45
4	Adxamjonov Shaxriyov Jasurjon O'g'li	6,13	35	10	6	150,7	3	3	36	5
5	Maxmudjonov Samandar Ma'rif O'g'li	6,11	17	12,1	5	101,3	4	4	23	4,1
6	Raximjonov Abdulloh Azamat O'g'li	7,54	35	11,2	6	155,3	3	3	27	6,2
7	Saloxiddinov Otabek Elmurod O'g'li	6	20	13	5	110,8	4	4	30	6,9
8	Sayfiddinov Imomiddin Xusniddin O'g'li	7,01	39	14,1	7	101,5	2	2	27	7
9	Soxibjonov G'olibjon Zokirjon O'g'li	5,32	38	9	5	144,2	3	3	23	4,13
10	Sultonov Alisher Abdurahmon O'g'li	7,5	18	11,6	7	157,7	4	4	31	6,1
11	Valijonov Muhammaddiyor Alijon O'g'li	5,53	34	10	6	131,9	3	3	23	7,1
12	Valixonov Oybek Bekzod O'g'li	7,05	22	12,5	5	122,6	3	3	33	5,6
13	Vasliddinov Abdumalik Baxromjon O'g'li	5,6	33	13,6	6	109,7	4	4	22	6
14	Valihonov Mahammadsodiq Shukurullohon o'g'li	6,4	39	12	7	141,6	3	3	37	7,15
15	Valiev Abbas Nosirjon O'g'li	7,2	19	9,7	5	158,8	3	3	26	6,12
16	Voxidov Jo'rabek Ilyos o'g'li	7,1	39	12,8	5	131,4	4	4	22	5,54
17	Xamidov Shoxrux Saidmaxmud O'g'li	5,9	35	10,4	6	123,3	3	2	26	5,8
18	Xakimov Jafar Qodirjon O'g'li	7	34	11,3	6	151,4	3	3	36	5,03
19	Yorqulov Shuxrat Rustam O'g'li	5,9	15	10	5	150,7	5	5	26	7,18
20	Abdulxodiyev Azimjon Xamidjon O'g'li	5,14	36	12,1	6	120,7	3	3	37	5,08
21	Abduraxmonov Adshbek G'ofur O'g'li	5,1	19	10,9	7	131,7	3	2	23	7,12
22	Abdurashidov Abdulaziz Abdurahmon O'g'li	6,4	37	11	6	125,2	4	4	31	5,2
23	Adxamjonov Abdulaziz Akmal O'g'li	7,2	35	12,3	5	138,7	3	3	23	5,7
24	Bakirjonov Jasur Mansur O'g'li	7,2	18	9,8	7	150	2	2	38	4,32
25	Ismoiljonov Abdulloh Akmal O'g'li	5,8	35	13,1	5	158,6	3	3	27	5,8

### 1 расм. Жисмоний кўрсаткичларни киритиш саҳифаси

Тажриба-синов ишининг якунида 7-10 ёшли болаларни жисмоний тайёргарлик даражасини аниклаш ва баҳолашда ушбу тест синовлари ва меёрлари замонавий компьютер дастури ёрдамида аниқланиши бошланғич синф ўқитувчилар ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан ижобий баҳоланди. Сабаби юқоридаги тест синовлари натижалари асосида болалар тўплаган балларига қараб учта типга компьютер дастури ўзи ажратади булар энг аъло даражада балли болага “Юқори”, “Ўртача”, “Паст” каби 3 та типга ажратади. (2-расм)

Жисмоний тайёргарлик даражасини аниклаш										
№ИО	Тезкорлик		Чакковлик	Энгилувчанлик	Куч			Чидамкорлик		
	30 м югуриш (сония)	Арқонда сакраш (дақиқа)	Моксимон югуриш 3x10 м (сония)	Полга ўтириб, скандинавия таёқчасини ушлаган ҳолатда олдинга эгиллиш (марта)	Турган жойдан узунликка сакраш (см)	Полга таянган ҳолатда кўллари букиб ёниш	Турникда тортилш (кизлар учун паст турникда) (марта)	Скандинавия таёқчасига таянган ҳолатда ўтириб турши(марта)	400 м скандинавча юриш(дақ.сония)	
1	Abdinazarov Jamshidbek Rustamjon O'g'li	Паст	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Ўртача	Юқори	Паст	Юқори
2	Abdurashidov Abdurahil Xusanboy O'g'li	Юқори	Паст	Юқори	Ўртача	Ўртача	Паст	Паст	Паст	Юқори
3	Abduraximov Jaloldin Jaxongir O'g'li	Паст	Ўртача	Паст	Паст	Ўртача	Паст	Юқори	Паст	Паст
4	Adxamjonov Shaxriyov Jasurjon O'g'li	Юқори	Юқори	Ўртача	Ўртача	Юқори	Паст	Ўртача	Юқори	Юқори
5	Maxmudjonov Samandar Ma'rif O'g'li	Юқори	Паст	Паст	Паст	Ўртача	Паст	Ўртача	Паст	Юқори
6	Raximjonov Abdulloh Azamat O'g'li	Паст	Юқори	Паст	Ўртача	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Паст
7	Saloxiddinov Otabek Elmurod O'g'li	Юқори	Паст	Паст	Паст	Ўртача	Паст	Юқори	Ўртача	Паст
8	Sayfiddinov Imomiddin Xusniddin O'g'li	Паст	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Паст	Паст	Паст	Паст
9	Soxibjonov G'olibjon Zokirjon O'g'li	Юқори	Юқори	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Ўртача	Паст	Юқори
10	Sultonov Alisher Abdurahmon O'g'li	Паст	Паст	Паст	Ўртача	Юқори	Ўртача	Юқори	Ўртача	Ўртача
11	Valijonov Muhammaddiyor Alijon O'g'li	Юқори	Юқори	Ўртача	Ўртача	Паст	Паст	Ўртача	Паст	Паст
12	Valixonov Oybek Bekzod O'g'li	Паст	Паст	Паст	Паст	Паст	Ўртача	Ўртача	Ўртача	Ўртача
13	Vasliddinov Abdumalik Baxromjon O'g'li	Юқори	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Ўртача	Юқори	Паст	Ўртача
14	Valihonov Mahammadsodiq Shukurullohon o'g'li	Юқори	Юқори	Паст	Ўртача	Ўртача	Паст	Ўртача	Юқори	Паст
15	Valiev Abbas Nosirjon O'g'li	Паст	Паст	Юқори	Паст	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Ўртача
16	Voxidov Jo'rabek Ilyos o'g'li	Паст	Юқори	Паст	Паст	Ўртача	Паст	Юқори	Паст	Ўртача
17	Xamidov Shoxrux Saidmaxmud O'g'li	Юқори	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Паст	Паст	Паст	Ўртача
18	Xakimov Jafar Qodirjon O'g'li	Паст	Юқори	Паст	Ўртача	Юқори	Паст	Ўртача	Юқори	Юқори
19	Yorqulov Shuxrat Rustam O'g'li	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Юқори	Юқори	Юқори	Паст	Паст
20	Abdulxodiyev Azimjon Xamidjon O'g'li	Юқори	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Паст	Ўртача	Юқори	Юқори
21	Abduraxmonov Adshbek G'ofur O'g'li	Юқори	Паст	Паст	Ўртача	Паст	Паст	Паст	Паст	Паст
22	Abdurashidov Abdulaziz Abdurahmon O'g'li	Юқори	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Ўртача	Юқори	Ўртача	Юқори
23	Adxamjonov Abdulaziz Akmal O'g'li	Паст	Юқори	Паст	Паст	Паст	Ўртача	Паст	Ўртача	Паст
24	Bakirjonov Jasur Mansur O'g'li	Паст	Паст	Юқори	Ўртача	Юқори	Паст	Паст	Юқори	Юқори
25	Ismoiljonov Abdulloh Akmal O'g'li	Юқори	Юқори	Паст	Ўртача	Юқори	Паст	Ўртача	Паст	Ўртача

### 2 расм. Жисмоний кўрсаткичларни даражаларга ажратиш саҳифаси



Мазкур компьютер дастури Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Наманган тумани, Учқўрғон, Норин, Чортоқ, Чуст туманларида тажриба синов ишлари амалиёт шаклида олиб борилди. Дастур 7-8 ёш ўғил болалар учун алохида 9-10 ёш ўғил болалар учун алохида саҳифаларда ишлайди. Хар бир саҳифа болаларнинг ёши ва жинсига қараб дастурлаштирилган. Скандинавча юриш шуғулланувчи болаларнинг жисмоний тайёргарлигини мониторинг қилувчи “SKAN.XOD” компьютер дастури Электрон хисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлиб мазкур гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳудудидаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан DGU 11872 рақами билан рўйхатдан ўтган.

**Қўлланиш соҳаси** – Ушбу компьютер дастури ёрдамида Бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан ташқари вақтларида скандинавча юриш техникасини ўргатиш ва жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашни замонавий компьютер технологиялар асосида олиб боришга мўлжалланган.

**Хулоса:** Мазкур компьютер дастурини амалётга тадбиқ этиб қўйидаги хулосалар олинди. 7-10 ёшли болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини мазкур компьютер дастури ёрдамида аниқланди ҳамда хар бир шуғулланувчининг жисмоний тайёргарлик даражасиги қараб юкламалар берилди. Натижада болаларнинг тезкорлик сифати 12,3 % га, чидамлик сифати 9,6 % га, чаққонлик сифати 10,7 % га, куч сифати 8,1 % га, Эгилувчанлик сифати эса 11,4 % га яхшиланишига эришилди. Ушбу компьютер дастурини Республикамиздаги бошқа барча таълим муассасаларига тадбиқ этиш режаслаштирилган.

#### ***Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий- ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3907-сонли қарори. <http://lex.uz/471132>
2. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармони. <http://lex.uz/4711327>
3. Керимов Ф.А. Спортда илмий тадқиқотлар. Т.: Илмий техника ахбороти-пресс нашриёти, 2018 -348 б.
4. Қосимов С.С. “Ахборот технологиялари” Тошкент шаҳри “алоқачи” нашриёти 2006 – 32 б
5. Хошимов С. Технология создания программного продукта “OIPAS” на основе СУБД // Ершовская конференция по информатике, труд НПО 2011, 27-июня- 1-июля 2011 года, Академгородок, Новосибирск, Россия.
6. Хамдамов У.Р., Махмонов О.Қ // «Давлат ва жамият бошқарувида замонавий ахборот технологияларини жорий этишининг долзарб муаммолари» Республика илмий амалий конференция материаллари, 17 апрел 2015 й. – Тошкент, 2015. – Б. 32-34.

**МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ YOSHIDAGI BOLALARNI O'YINLAR  
YORDAMIDA JISMONIY JIHATDAN  
TARBIYALASHNING MUHIM VAZIFALARI**  
10.53885/edinres.2021.85.83.077

***N.M.Muxitdinova***

*Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston*

***D.T. Olloyorova***

*Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston*



# ВАЖНЫЕ ЗАДАЧИ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ПОСРЕДСТВОМ ИГР

*Н.М.Мухитдинова*

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

*Д.Т.Оллоёрова*

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

## PRESCHOOL CHILDREN PHYSICALLY THROUGH GAMES IMPORTANT TASKS OF EDUCATION

*N.M.Muxitdinova*

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

*D.T. Olloyorova*

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarni o'yinlar yordamida jismonan rivojlantirishning o'ziga xos yo'llari hamda vazifalari ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** maktabgacha ta'lim, sport, jismoniy tarbiya, jismoniy rivojlanish, jismoniy sifatlar.

**Аннотация:** В данной статье описаны конкретные способы и задачи физического развития дошкольников с помощью игр.

**Ключевые слова:** дошкольное образование, спорт, физическое воспитание, физическое развитие, физические качества.

**Annotation:** This article describes specific ways and tasks of physical development of preschoolers with the help of games.

**Key words:** preschool education, sports, physical education, physical development, physical qualities.

### **Dolzarblik**

Umuminsoniy qadriyatlarining milliy mohiyati bo'lmish sport va jismoniy tarbiya davlat siyosatiga aylangan istiqbol zamonida sog'lom avlodni tarbiyalash va shakllantirish bosh vazifalardan hisoblanadi. Bu jismoniy tarbiya va sport borasidagi milliy konsepsiyasining asosiy mohiyatidir. Respublikadagi jismoniy madaniyat jamoalari sport klublari, sport jamiyatlari va turli vazirliklar, davlat idoralaridagi jismoniy tarbiya va sport ishlarini tashkil qilish, qiziqarli sport musobaqalarini uyushtirish, yuqori sport natijalariga erishishda alohida o'rin tutadi.

Mamlakatimizda shaxsni har tomonlana va garmonik rivojlantirish, shu jumladan yosh avlodning jismoniy jihatdan baquvvat bo'lib o'sishi uchun barcha sharoitlar yaratib berilgan. Moddiy farovonlik darajasining oshayotgani, tibbiy muassasalari, dam olish uylari, sanatoriyalar, bolalar oromgohlarni tashkil etilganligi O'zbekiston aholisining sog'ligini mustahkamlash va ularning jismoniy tomondan rivojlantirish yo'lida qilinayotgan ishlarning bir bo'lagidir.

**Tadqiqot maqsadi:** Bolalar organizmini jismoniy o'yinlar hamda mashqlar yordamida jismoniy va aqliy jihatdan rivojlantirish maqsadida turli mashq va o'yinlar kompleksining asosiy vazifalarini belgilash.

### **Tadqiqot o'z oldiga quyidagi vazifalarni qo'yadi:**

- maktabgacha yoshdagi bolalarni jismoniy mashqlar hamda o'yinlar yordamida intellektual rivojlantirish mexanizmlarini ishlab chiqish ijtimoiy pedagogik zaruriyat ekanligini asoslash;

- jismoniy mashqlar yordamida bolalarni psixologik yo'nalishlari jismoniy va aqliy xususiyatlarini aniqlash;

- jismoniy tarbiya mashg'ulotlari jarayonida qo'llanadigan jismoniy mashqlar hamda o'yinlarning metodik imkoniyatlarini belgilash

- jismoniy tarbiya mashg'ulotlari jarayonida bolalarni intellektual jihatdan rivojlantiruvchi jismoniy mashqlarning samadorligini aniqlash hamda zamonaviy mexanizmlar asosida ilmiy metodik tavsiyalar ishlab chiqish.

**Tadqiqot metodi:** maktabgacha yoshdagi bolalarni mashq va o'yinlar yordamida intellektual rivojlanishini o'rganish maqsadida turli xorij hamda mahalliy adabiyotlarni nazariy tahlil qilish hamda umumlashtirish

**Tadqiqot natijasi hamda muhokamasi:** Bola organizmining mustahkam bo'lishi va rivojlanishi uning ya'ni organizmini chiniqtirish bilan chambarchas bog'liqdir. Jismoniy tarbiya tizimining barcha bo'g'inlaridagi yagona maqsad: bolalarni hayotga, mehnat va Vatan himoyasiga tayyorlash ishini amalga oshirishdir. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni jismoniy tarbiyalashning vazifalari ularni yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda beriladi. O'yinlar bolalarning harakat faoliyati jismoniy rivojlanishiga, harakat ko'nikmalari va jismoniy sifatlarining shakllanishiga, organizmning funksional faoliyatini oshirgan va emotsional quvnoqlik tuyg'ularini kuchaytirgan holda salomatlikni mustahkamlashga ijobiy ta'sir etadi. Ular bolalarda muayyan aqliy va jismoniy kuchini va shu bilan birga o'yinga nisbatan ortib boruvchi qiziqishini talab qiladi. Bolalarning o'yinlari va mashqlariga katta ahamiyat beriladi. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari bolalarni jismoniy mashqlarga muntazam o'rgatishning asosiy shaklidir. Bolalarning kundalik hayotida jismoniy tarbiya bo'yicha ishni tashkil etishda harakatli o'yinlar maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarning asosiy harakat faoliyatini tashkil etadi.

Mamlakatimiz rahbari Sh.M.Mirziyoyevning "Maktabgacha ta'lim tizimini boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida maktabgacha ta'lim tizimini yaxlit uzluksiz ta'lim tizimining muhim bo'g'ini sifatida yanada takomillashtirish, maktabgacha ta'lim muassasalari tarmog'ini kengaytirish hamda moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, ularni malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash, bolalarni har tomonlama intellektual, ma'naviy-estetik va jismoniy rivojlantiruvchi zamonaviy ta'lim dasturlari va texnologiyalarini ta'lim-tarbiya jarayoniga joriy etish, ularning maktabga tayyorgarlik darajasini tubdan oshirish masalalari nazarda tutilgan. Shu o'rinda Respublikamizda bolalarni jismoniy tarbiyalashning ilmiy asoslangan zamonaviy tizimlari, shakl va uslublari joriy etilgan bo'lib, bu sohada muhim vazifalar belgilab berilgan. [1]

Organizmga har tomonlama tanlab ta'sir ko'rsatuvchi mashqlar hamda o'yinlarning turli- tumanligi bog'cha bolalarining yosh o'zgarishiga, sog'ligiga va jismoniy tayyorgarligiga, rivojlanishiga, jinsiga qarab tuzilmog'i kerak. Bog'cha yoshidagi bolalarning har tomonlama rivojlanishiga e'tibor berar ekanmiz, albatta, ularning harakatlariga, ya'ni oddiy yurish, yugurish o'tirish, uloqtirish, tepish, sakrash, tirmashish kabi harakat malakalarini hisobga olish kerak. Harakat malakalari bolalarning kundalik harakatlarida seziladi. Salomatlik poydevorini aynan yoshlik chog'idan ko'rilishi kerak. Salomatlikka ham faol harakatning ta'siri kattadir. Ma'lumki, bola kattalarning, ya'ni otionalarning, tarbiyachilarning bevosita ta'siri natijasida, mustaqil harakat jarayonida va uni qamrab olgan muhitdan oladigan axborot ta'sirida katta bo'la boshlaydi.

Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda harakatlar yanada aniqlashadi, o'zaro harakatlarning moslashuvi tiklanadi. 5-6 yoshli bolalar ko'proq harakat qiladilar, o'zini-o'zi tuta biladi. Shuning uchun o'z harakat a'zolaridan mohirlik bilan foydalanadilar. Ularning harakatlari yetarli darajada uyg'unlashgan hamda aniq bo'ladi. Ular bu harakatlarni tevarak-atrofdagi sharoitga qarab bir-biriga muvofiqlashtira oladilar. Kichik yoshdagi bolalarda ya'ni 3 yoshli bolalarda bilim doirasi tor bo'lganligi sababli, diqqati doimo chalg'ib turadi. Shuning uchun bolalarga oddiy va ular tushunadigan o'yinlarni o'rgatish lozim bo'ladi. Bunday o'yinlarda qush va hayvonlar yoki ularning rasmlari, o'yinchoqlar, ertaklardan foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi. Shu yoshdagi bolalarni o'yinlarga o'rgatishda mashqlar katta ahamiyatga egadir. Bunday o'yinlarda bolalarga oddiy topshiriqlar, harakatlar masalan bayroqchani olib kelish, koptokga yetib olish kabi

topshiriqlar beriladi. Harakatlar esa (yurish, yugurish va boshqalar) bolalarga tanish hamda qiynalmasdan bajariladigan bo'lishi lozim. Mazmuni bolalarga tanish va harakatlarga singdirib yuborilgan o'yinlarni kichkintoylar qiziqish bilan o'ynaydilar. Bu esa kichkintoylarning harakat faoliyatini rivojlantirish ularni ochiq joyda to'g'ri yurishga o'rgatishga katta ahamiyatga ega bo'ladi, faollik va mustaqillikni tarbiyalashga yordam beradi. Bu o'yinlar albatta bolaning ma'naviyatiga jismoniy rivojlanishiga ta'siri bo'lmog'i lozim.

Bolalarda harakat qilib borayotgan buyumlar havoda qanday joylashganligini, shu jumladan bir joydan ikkinchi joyga o'tayotgan kishining gavdasi qanday holatda turganligini farqlay olish imkoniyati o'sib boradi. Bolalar sheriklari yugurib borayotganda uning gavdasi qay holatda ekanini, bolalar muvozanat saqlash mashqni bajarayotganda, velosipedda yurib ketayotganda va hokazo harakatlarni bajarish jarayonida gavda a'zolarining o'zaro nisbati qanday o'zgarib borishi haqida tushuntirib bera oladilar. Ular tezlikni, harakat yo'nalishini, tezligini marom o'zgarishlarini farqlay oladilar. Bola harakatini izchillik bilan kuzatib (tarbiyachining yordami bilan) harakatning turli-tuman bosqichlarini ajrata oladi, harakatning sifati va miqdori natijasi uchun bu bosqichlarning ahamiyatini tushuntirishga intiladi. Ular harakatlar to'g'risida aniq-yorqin tasavvur hosil qilishga yordam beradi, moslik va uyg'unlik jihatdan murakkab bo'lgan harakatlar qoidasini bolalar tomonidan o'zlashtirishga olib keladi. Masalan bolalar yugurib kelib uzunlikka va balandlikka sakrab, oyoq uchida yugurish chog'ida burilish mahoratini va hokazolarni egallab oladilar. [2]

Bunda shuni hisobga olish kerakki, bolaning yaxshi natijalarga erishishiga intilib qilgan harakatlari hamisha ham uning imkoniyatlariga mos kelavermaydi. Shuning uchun jismoniy tarbiya yo'riqchisi juda xushyor, sezgir bo'lishi va me'yoridan ortiq zo'riqishga yo'l qo'ymasligi kerak.

Xulosa qilib aytganda yurtimiz qudrati, jamiyat ravnaqi kelajagimiz egalari bo'lgan bolalarning ham jismoniy, ham ma'naviy jihatdan sog'lomligiga bog'liqdir.

Bugungi kunda Vatan taraqqiyoti, yurt tinchligi, farovon hayotga erishish, xalqaro maydonda munosib o'rin egallashdek ezgu maqsadlarga yetishish yo'lida biz tayanchimiz va suyanchimiz bo'lmish yoshlarimizni beqiyos orzu - umidlar bilan qaraymiz. Biz uchun davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan ustuvor vazifa- nafaqat ma'naviy yetuk, zukko va bilimdon, shu bilan birga sport va kurash maydonlarida toblangan, qiyinchiliklarni yengishga qodir, iroda va e'tiqodi baquvvat, bellashuvlarda chiniqqan mard farzandlarni tarbiyalash- bu bir- birini to'ldiradigan, bir-biridan ajralmas yagona maqsaddir. Jismoniy tarbiya va sport yurtimizning har qaysi shahar va qishlog'iga, har bir xonadonga kirib borishiga erishish, shu asosida hayotimizda sog'lom turmush tarzini qaror toptirish bizning oliyjanob intilishlarimizning uzviy bir qismiga aylanishi zarur.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. "Maktabgacha ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 30.09.2017 y. PF 5198 sonli Farmoni
2. Muxitdinova N.M. "Bolalar jismoniy tarbiyasi" Buxoro "Sharq durdona" O'quv qo'llanma 2021 y 334 bet
3. Davronov N. I. Development of physical qualities of children in the heritage of our ancestors //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – T. 8. – №. 3.

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ТАЪЛИМ –ТАРБИЯ  
ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИ  
ҚЎЛЛАШ КОМПИТЕНЦИЯЛАРИ.**

10.53885/edinres.2021.39.24.078

**Арслонов Қахрамон Полвонович**

*Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон*

**Музафарова Феруза Бахридиновна**

*Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон*

**КОМПЕТЕНЦИИ УЧИТЕЛЯ ФИЗКУЛЬТУРЫ В ПРИМЕНЕНИИ СОВРЕМЕННЫХ  
ПОДХОДОВ И ИННОВАЦИЙ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ.**

**Арсланов Кахрамон Палванович**

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

**Музафарова Феруза Бахридиновна**

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

**THE COMPETENCE OF A PHYSICAL EDUCATION TEACHER IN THE APPLICATION OF  
MODERN APPROACHES AND INNOVATIONS IN THE EDUCATIONAL PROCESS.**

**Arslanov Kakhramon Palvanovich**

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

**Muzafarova Feruza Bakhridinovna**

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

**Аннотация:** Бугунги кунда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида фаолият юритиб келаётган жисмоний тарбия педагогларининг инновацион фаолитдан унумли фойдаланиш зарурати ва унинг истиқболлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** узлуксиз таълим, инновацион фаолият, интерфаол методлар, ноананавий таълим, ананавий таълим, Замонавий ўқитиш технологиялари, замонавий таълим, модернизация, бошқарувчанлик, самарадорлик, тизимлилик, илмий асос, технологик схема

**Аннотация:** В настоящее время в учебном процессе широко используются современные методы обучения. Использование современных методов обучения приводит к высокой эффективности учебного процесса. При выборе методики обучения целесообразно выбирать исходя из дидактической функции каждого урока. В статье обсуждается необходимость эффективного использования инновационной деятельности и перспективы учителей физического воспитания, работающих в системе непрерывного образования.

**Ключевые слова:** непрерывное образование, инновационная деятельность, интерактивные методы, нетрадиционное образование, традиционное образование, современные технологии обучения, современное образование, модернизация, управление, эффективность, систематизация, научная база, технологическая схема.

**Abstract:** Currently, modern teaching methods are widely used in the educational process. The use of modern teaching methods leads to a high efficiency of the educational

process. When choosing a teaching methodology, it is advisable to choose based on the didactic function of each lesson. The article discusses the need for effective use of innovative activities and the prospects for physical education teachers working in the system of lifelong education.

**Key words:** lifelong education, innovation, interactive methods, non-traditional education, traditional education, modern teaching technologies, modern education, modernization, management, efficiency, systematization, scientific base, technological scheme.

Жаҳон таълим тизимида янги инновацион педагогик технологиялар ва замонавий ёндашувлар асосида таълим субъектларида ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш, юқори даражада ижтимоийлаштириш, билимнинг мустақкам пойдеворини яратиш, умуммаданий, шахсий, касбий компетенцияларни ривожлантириш ҳамда меҳнат бозорида рақобатбардошликни ошириш мақсадида интеллектуал, ҳар томонлама комил, малакали кадрларни етқазиб беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бутун жаҳон олимлари томонидан жисмоний салоҳият, яратувчанлик қобилияти, билим, кўникма, маҳорат, ҳаракатчанлик каби инсон капиталини бойитиш мақсадида узлуксиз таълим тизимини, шу билан бирга жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини замонавий ёндашув ҳамда инновациялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ўқувчиларда фанга доир билим, кўникма, малакаларнинг жадал ривожланиши эътироф этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Мустақил ўйлай оладиган тафаккур юритиб тўғри маъқул ва мақбул иш тута оладиган ватанпарвар шахсларни шакиллантириш ва тарбиялаш керак” [2] лигига алоҳида эътибор қаратиб, шунга кўра ислохотлар амалда. Айниқса, мамлакатимизда таълим тизимини ислох қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари таълим тизимини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган. Шу ўринда Республикаимизда таълим тизимини миллий кадриятлар ва жаҳон таълим андозаларига мос ҳолда ташкил этиш мақсадида 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш давр талабига айланиб бормоқда. Шундай экан замонавий ўқитиш технологиялари, инновацион фаолият тушунчаларига тўхталиб, улардан махсус таълим, яъни жисмоний тарбия машғулотларида қўлланилишини кўриб чиқсак.

Замонавий ўқитиш технологиялари - мажмуавий интеграл (бутун, узвий боғлиқ) тизим бўлиб, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган кўникма ва малакалар ўқувчилар томонидан назарий билимларни ўзлаштириш, уларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолият элементларининг маълум тартибга солинган тўплами сифатида акс этади.

Замонавий таълимнинг энг муҳим таркибий элементлари қадимдан шаклланиб, таълим мақсади, мазмуни, шакл, услуб ва воситалари таълим жараёнлари мазмунини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган анъанавий категориялар бўлиб, айнан шу категориялар маълум предмет, мутахассислик ёки

ихтисослик бўйича ўқув-тарбиявий жараёни ташкил қилувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чиқади. Қайд этилган педагогик категорияларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтирилган педагогик фаолиятнинг қонуният ва мезонларини тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради. Замонавий жисмоний тарбия ўқитувчиси дарс жараёнида «актёр» эмас, аксинча «режиссёр» бўлиши кераклигини англаб, бунинг учун эса у бир неча янгича таълим усулларини яхши билиши керак. Ёш авлодни замонавий фан-техниканинг, умуман, илм-фаннинг ютуқлари орқали таълим-тарбия бермасдан, уларни ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишишларига замин ярата олмаймиз.

**5.INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM**, part 1, December 2020, COLLETIONS OF SCIENTIFIC WORKS Washington USA 25<sup>th</sup> Desember 2020, Баймурадов Раджаб Сайфитдинович, Бахшуллаева Малохат, Жамилова Гульчеҳра «Роль учителя-наставника в становлении молодого специалиста», стр 37-45.

**6.SCIENCE AND EDUCATION**, SCIENTIFIC, ISSN 2181-0842, VOLUME 1,ISSUE 9, Desember 2020, Раджаб Сайфитдинович Баймурадов, Малохат Бахшуллаева, Гульчеҳра Жамилова «Индивидуальная работа-залог успеха в работе учителя» стр.452-458.

**7.AJMR:Asian Journal of Multidimensional Research** (A Double Blind Refereed & Peer Reviewed International Journal ) ISSN 2278-4853, Vol 9, Issue 11,November, 2020, Impact Factor: SJIF 2020,= 6.882, Baymuradov Radjab Sayfitdinovich «THE ROLE OF A MENTOR IN THE FORMATION OF A YOUNG PHYSICAL TRAINER».

**8.«МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ** » Сборник статей по материалам CL XXXVII международной научно-практической конференции № 40 (187) Октябрь 2020г, Бахшуллаева М., Баймурадов Р.С., Попов В.А. «Развитие силы в подготовке метателей копья» стр.30-34.

**O'QUVCHILARDA JISMONIY TARBIYA VA SPORT MASHG'ULOTLARGA QIZIQISH VA KO'NIKMALARNI TARBIYALASH**  
10.53885/edinres.2021.60.66.058

**Gafurova Moxira Yunusovna**

*Buxoro davlat universiteti*

*"Fakultetlararo jismoniy madaniyat va sport" kafedrasi o'qituvchisi*

*Maqolada o'quvchilarida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarga qiziqish va ko'nikmalarni tarbiyalash maktab yoshidagi o'quvchilar bilan mashg'ulotlarni tashkil qilish, mavzuga oid tadqiqotlar to'g'risida fikrlar yuritilgan.*

**Tayanch tushunchalar:** *Физическое воспитание, спорт, тренировки, навыки, методы, дидактика*

*В статье рассматриваются вопросы организации занятий с учениками школьного возраста, развития интереса и навыков к занятиям физкультурой и спортом, а также исследования по теме.*

**Ключевые слова:** *Школа, школьник, физическое воспитание, спорт, обучение, навыки, методология, дидактика*

*The article discusses the organization of classes with school-age students, the development of interest and skills in physical education and sports, and research on the topic.*

**Key words:** *School, pupil, physical education, sports, training, skills, methodology, didactic*

Ta'lim metodlari o'quv predmeti, konkret didaktik vazifalar, real vositalar va ta'lim shartlarining o'ziga xos xususiyatlariga bog'liq usullar tizimlarining turli birikmalaridan iboratdir. Jismoniy tarbiya sohasida barcha metodlarning asoslaridan biri "nagruzkalarni tartibga solish va ularni dam olish bilan birga qo'shib olib boruvchi tanlangan usul hisoblanadi".

Maktab o'quvchilarining nerv sistemasi va butun organizmi nihoyatda plastik va tashqi ta'sirga beriluvchi bo'ladi. Shuning uchun nagruzka hajmi va intensivligini oqilona taqsimlash, uni dam olish bilan muntazam almashtirib turish o'quvchi organizmi dinamikasining optimalligini belgilaydi, tiklanish jarayonlarining o'z vaqtida kechishini ta'minlaydi va ish qobiliyatini mustahkamlaydi. Nagruzka bir tomondan jismoniy mashqlarning organizmga ta'sir etish ko'lamida va ularni bajarish intensivligida ifodalandi, bu organizmdagi funktsional jarayonlarni tezlashtiradi, ikkinchi tomondan esa nagruzka o'quvchining aqliy faoliyatida namoyon bo'ladigan psixik funktsiyalari dinamikasiga ta'sirida, mashqlarni tushuntirish va namoyish qilishda, diqqat va idrokni jamlashda, vazifalarni anglab olishda, javob reaksiyasining aniqligida va hokazolarda ifodalanadi. Maktab yoshidagi o'quvchilar bilan mashg'ulot olib borganda psixik va jismoniy kuchni sarflanadigan to'g'ri vaqt nisbati va undan so'nggi dam olish o'qituvchining muhim vazifalaridan biri bo'lishi lozim. Didaktikaning asosiy maummosi muvaffaqiyati ta'limning qonuniyatlarini ochishdan iboratdir.

Didaktik komponentlari hissiy idrok, abstrakt tafakkur va praktikadan iborat bo'lmish bilish nazariyasiga tayanadi. Shu maqsadda maktab yoshidagi o'quvchilarga ta'lim berishda ularning yosh xususiyatlari va imkoniyatlarini hisobga olgan holda ta'limning ko'rgazmali, og'zaki va amaliy metodlaridan o'zaro aloqadorlikda foydalaniladi. Kishi (o'quvchi) shaxsi asta-sekin shakllanadi, insoniyat to'plagan ijtimoiy tajribani o'zlashtirish (bilimlar, faoliyat usullari, ijodiy faoliyat va dunyoga emotsional munosabat) xususiyatlari bilan belgilanadi. Ularni shakllantirishda ta'limning quyidagi umumdidaktik metodlari qo'llaniladi: axborot-retseptiv reproduktiv metod va problemali ta'lim hamda o'quvchilar ijodiy potentsialini shakllantirish metodi.

Maktabda o'quvchilarning bunday faoliyatini tashkil etar ekan, o'qituvchi muammoli ta'lim metodiga murojaat qiladi. U o'quvchilarni asta-sekin jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida va harakatli o'yinlarda muammoli vazifalarni hal etishga tayyorlaydi. O'qituvchi vazifa qo'yar ekan, uni hal etishgacha bo'lgan butun jarayonni va natijani oldindan o'ylab oladi. Pedagog o'quvchilarni oldin o'zlashtirilgan malaka va ko'nikmalardan foydalangan holda vazifani hal etishga undaydi. Tarbiyachi bunda muammoli vaziyatdan foydalanadi va uni konkret sharoitdagi harakatlar bilan hosil qiladi. Masalan, "quyonlar polizda" degan tanish o'yinni o'tkazishdan oldin o'quvchilarga quyidagi vazifani jamoa ravishda hal etish taklif etiladi: ya'ni quyonlarning polizdan qochishini qiyinlashtirish va qorovul ularni darrov tutib olmasligi uchun o'yinni qanday o'zgartirish mumkin. O'quvchilar turli variantlarni tanlab qaror qiladilar: qorovul polizda emas, minora (gimnastika devori) ustida turishi kerak, - u erdan quyonlar yaxshi ko'rinadi, biroq ularni quvib etish qiyin; buning uchun pastga tushish kerak; quyonlarga ham qochish oson bo'lmaydi, chunki ular qochmoqchi bo'lsalar yo devordan sakrab o'tishlari, yoki uning ostidan o'tishlari kerak. O'quvchilarni jismoniy mashqlarga o'rgatish jarayonida (ularni o'zlashtirish darajasida) ijodiy izlanishga tayyorlash ishini o'qituvchi ular bilan birgalikda harakat qilishdan boshlaydi. U harakatlarni o'zlashtirish, ularni birini ikkinchisi bilan almashtirish, yangi variantni o'ylab topish imkoniyatlarini ko'rsatadi va o'quvchilarga ularni to'ldirish hamda o'zgartirishni taklif etadi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki (L.M.Korovina), boshlang'ich sinf o'quvchilari bu usullarni (muntazam rahbarlik qilish sharoitida) ijodiy vazifalarni hal etishda turli individual imkoniyatlar, qobiliyatlar namoyon qilgan holda muvaffaqiyatli o'zlashtiradilar. Keyinroq ular mashq variantlarini o'ylab topgan holda o'zlari o'zlashtirgan harakat ko'nikmalaridan foydalanadilar. Shundan so'ng

o'qituvchi ularning izlanishlarini murakkablashtiradi va ijodiy topshiriq beradi-yangi mashq o'ylab topishni taklif etadi. O'quvchilar bu vazifalarni ham asta-sekin individual va kollektiv ravishda bajaradilar. Harakatli o'yinlarda ham ijodiy qobiliyatlarni shakllantirish yuqoridagicha kechadi. O'quvchilar dastlab o'yinda signallarni turlicha qo'llaydilar, o'yin obrazlarini almashtiradilar, o'yin sjojetini o'zgartiradilar. O'qituvchi o'quvchilarda xayolni rivojlantirib, tasavvurlar doirasini kengaytira borib, o'yin uchun ertak va hikoyalardan ayrim epizodlarni tanlashga o'rgatib, ularni tanish ertaklar sjojetlari asosida o'yinlar o'ylab topishga tayyorlaydi. Ishning 3-bosqichida o'quvchilar ijodiy vazifalarni bajarishlari va "katta ishtiyoq bilan o'zlari qiziqarli harakatli o'yinlarni o'ylab topishlari mumkin". Ma'lumotlarga ko'ra, ilk ijodiy faollik maktab kichik yoshda namoyon bo'ladi. U sjojetli o'yinda, o'quvchi imkoniyatiga yarasha o'yin obrazi-qushchalar, quyonchalar, avtomobil va hokazolar jarayonida ko'rinadi. O'quvchining o'yin rolini bajarishi hali jo'n, biroq ijodiy xarakterga ega bo'ladi. O'quvchidagi ijodiy faollik ko'pincha tarbiyachining butun o'yin jarayoniga emotsional rahbarligi sharoitida namoyon bo'ladi va rivojlanadi. Bu o'yin qisqa hikoya shaklida ifodali, obrazli qilib tushuntirishdan boshlanadi (1-2 daqiqa). O'yin jarayonida bolalarda asta-sekin xayol rivojlanadi, o'zlari quyuncha va qushchalar deb his qiladigan bolalarning o'yin harakatlari bilan mustahkamlanadigan tasavvur aniqlashadi va bu quyunchli emotsiyalar bilan kechadi. Bularning barchasi keyingi ijodiy imkoniyatlarni rivojlantirish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Maktab yoshidagi bola emotsiyalarining rivojlanishi uning ehtiyojlariga muvofiq faoliyatni tashkil etish bilan bog'liqdir. Bola uchun muhim hisoblangan faoliyat faqat uni o'zlashtirishnigina emas, balki unga nisbatan emotsional kechinmalarda namoyon bo'ladigan munosabatni shakllantirishni ham shart qilib qo'yadi. Ahamiyatli faoliyat o'zida biror-bir ehtiyojni aks ettiradi". Maktab yoshidagi bolalarni jismoniy tarbiyalash nazariyasi va metodikasida yuqoridagi ta'limning umumdidaktik metodlari bilan birlikda dasturning bu bo'limiga xos ko'rgazmali, og'zaki, amaliy o'yin, musobaqa kabi metodlardan qonuniy tarzda foydalaniladi. Shunday qilib, "ta'lim metodlariga konkret sohaning o'ziga xosligini hisobga olgan holda umumdidaktik tarzda yondashiladi".

Amaliy metodlar to'la yoki juz'iy reglamentatsiya, mashqlarni o'yin formasida o'tkazish, musobaqa elementlaridan foydalanish bilan xarakterlanadi. Amaliy metodning xilma-xil turlaridan biri o'yin metodidir. Bu metod maktab yoshidagi bolalarning yetakchi faoliyatiga yaqin, ular bilan ishlashda juda o'ziga xos va samarali bo'lib, ko'rgazmali obraz va ko'rgazmali amaliy tafakkur elementlarini hisobga oladi. U turli harakat ko'nikmalarini, harakatlarning mustaqilligini, o'zgaruvchan sharoitga nisbatan tezkor javob reaksiyasini bir vaqtda takomillashuviga, ijodiy faollik ko'rsatishga imkon yaratadi. O'yin harakatlari jarayonida bolalarda ahloqiy-irodaviy sifatlar shakllanadi, bilishga intilish o'sadi, hatti-harakat va jamoada o'zini tutish tajribasi hosil bo'ladi. Bolalarni harakatlarga o'rgatishda harakatlar xarakteri haqida emotsional obrazli tasavvur (masalan, "Sichqonlardek engil va sokin yugurasiz", "Quyunchalarga o'xshab sakrash kerak") ni oydinlashtirishga yordam beruvchi o'yin usullari qo'llaniladi. Musobaqa metodi ham amaliy metodga kiradi. Maktab yoshidagi bolalarga ta'lim berishda u faqat pedagogik rahbarlik sharoitida qo'llanilishi mumkin. Bu metod ko'proq bolalar avval egallangan harakat ko'nikmalarini (biroq birinchilik uchun musobaqani emas) takomillashtirish maqsadida qo'llaniladi. Bolalar kuchiga mos bo'lishi, ahloqiy-irodaviy fazilatlarini tarbiyalash, shuningdek, o'z ixtiyorlarini va boshqa bolalarning muvaffaqiyatlarini talablarga ongli munosabatda bo'lish asosida to'g'ri baholash musobaqaning majburiy shartidir. Ayniqsa jamoa hisni, boshqalar muvaffaqiyatidan hasad va g'arazgo'yliksiz shodlanish kabi fazilatlarini tarbiyalash muhimdir. Sifat yoki tezkorlik bo'yicha musobaqa jarayonida topshiriqni o'yin yoki mashq tarzida bajarayotgandagi muvaffaqiyatsizlik bolani xafa qilib qo'yishi mumkin. Bunday paytda o'qituvchining roli, salbiy emotsiyani ijobiy emotsiyaga aylantira olish mahoratining ahamiyati nihoyatda katta. Hulosa o'rnida umumta'lim maktab o'quvchilarini jismoniy



tarbiya va sportga barqaror qiziqish va ko'nikma hosil qilish uchun, jismoniy tarbiya o'qituvchilari yoshlarning sog'lom va kuchli bo'lishlari uchun jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug'ullanishlari kerakligi haqida uzluksiz targ'ibot va tashviqot qilib borishlari lozim bo'ladi.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти. 2000 й. Тошкент.
2. Ахматов М.С. Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш ишларини самарали бошқариш. 2001й. Тошкент.
3. Саломов Р.С., Керимов Ф.А. Жисмоний тарбияда педагогик технологиялар. 2002 й. Тошкент.
4. Шарипов Т.Ю., Усмонходжаев Т.С. Жисмоний тарбия. Дарс ишланмалари ва ҳаракатли ўйинлар.2005 й.

#### **СПОРТЧИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ КОРРЕКЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ** 10.53885/edinres.2021.50.17.061

***Р.Х. Кадиров***

Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси доценти, п.ф.н.,  
Бухоро давлат университети  
Elektron pochta: [rkadirov587@gmail.com](mailto:rkadirov587@gmail.com). tel.: (99899) 704 05 62

***М. Тўраев***

Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси ўқитувчиси  
Бухоро давлат университети

**Аннотация:** Мақолада, спортчининг функционал ҳолатини оптималлаштиришнинг коррекцион ёндашувлари, жумладан, яқин ҳамдўстлик давлатлари тажрибаларига асосланган педагогик, тиббий-биологик диагностик назоратларни амалда қўллашнинг эмпирик натижалари, спортчи атлетларнинг ўқув-машғулот жараёни ва функционал ҳолатини, юрак-томир ва асаб тизими ишчанлигини чекловчи захиравий имкониятларни диагностик назорат ва коррекция қилишнинг методологик ёндашувлари тақдим этилади.

**Калит сўзлар:** тезкор назорат, индекс, спортчининг функционал ҳолати, ишчанлик, жисмоний юклама, диагностик назорат, коррекцион ёндашув.

#### **ДИАГНОСТИКА И КОРРЕКЦИЯ ТРЕНИРОВОК СПОРТСМЕНА**

**Аннотация:** В статье представлены корректирующие подходы к оптимизации функционального состояния спортсмена, в том числе, эмпирические результаты практического применения средств педагогического, медико-биологического диагностического контроля, методические подходы к диагностическому контролю и коррекции резервных возможностей ограничивающих тренировочный процесс и функциональное состояние спортсменов, сердечно-сосудистой системы и функция нервной системы на основе экспериментальной практики стран ближнего зарубежья.

**Ключевые слова:** оперативный контроль, индекс, функциональное состояние спортсмена, работоспособность, физическая активность, диагностический контроль, корректирующий подход.

## DIAGNOSTICS AND CORRECTION OF ATHLETE'S TRAINING

**Abstract:** The article presents corrective approaches to optimizing the functional state of an athlete, including empirical results of the practical use of pedagogical, medical and biological diagnostic control, methodological approaches to diagnostic control and correction of reserve capabilities that limit the training process and functional state of athletes, the cardiovascular system and the function of the nervous system based on the experimental practice of the neighboring countries.

**Key words:** operational control, index, athlete's functional state, working capacity, physical activity, diagnostic control, corrective approach.

**Кириш.** Юқори натижалар спортининг жисмоний ва психоэмоционал юкламаларининг доимий ўсиб бориши инсон фаолиятининг экстремал турига айлантириб улгурди. Ҳар қандай янги рекорд ва тайёргарлик вазифалари спортчилардан организм тизимларининг максимал чегаравий функционал сафарбарлигини талаб этади. Спорт турларининг организм имкониятларига адекват бўлган оғирлик машқлари натижасида, гавда қисмларининг муттаносиб ва тўғри ривожлантириш, спортчи организмнинг орган ва тизимларини экстремал фаолиятга тайёрлайди. Шиддат билан ривожланиб борувчи замонавий спорт аренаси, хусусан, спортчи атлетларнинг функционал ҳолати билан боғлиқ бўлган, юқори спорт ютуқларига муносиб техник ва жисмоний (куч) тайёргарликсиз эришиб бўлмаслиги эътироф этилмоқда [1,2].

**Тадқиқот методлари ва маълумотлари.** Педагогик экспериментни режалаштириш ва ўтказишда: биринчидан, спортчи атлетларнинг функционал имкониятларини тезкор аниқлашнинг диагностик усулларини қўллаш; иккинчидан, спортчи атлетлар организмнинг ҳолати тўғрисида диагностик маълумотларни ўз вақтида аниқлаш асосида ўқув-тренировка жараёнини коррекциялаш орқали, улар саломатлигини мустаҳкамлаш ва спорт натижаларини ошириш вазифалари белгиланган.

Тадқиқот жараёнида, спортчининг функционал ҳолатини баҳолашга қаратилган тезкор диагностик назорат тизимини қўллаш орқали тренировка юкламаларини бошқаришнинг ўзига хос коррекцион ёндашувлари амалда қўлланган. Тренировка юкламаларини коррекциялаш учун спортчининг функционал ҳолат индекси (*кейинги ўринларда СФҲАИ*) ишлаб чиқилган ва объектив асос сифатида қабул қилинган. Педагогик эксперимент жараёнида СФҲАИ га асосланган, коррекцияланган тренировка юкламаларининг экспериментал гуруҳ спортчилари томонидан таянч мусобақа машқлари (штангани елкада олиб ўтириб-туриш, мосламада ётган ҳолатда штангани кўтариш, турган жойда гавда билан штангани тортиш) натижаларига таъсирини ўрганишдан иборат. Эксперимент режасига кўра, таёрлов даврининг барча тренировкалари боши ва охирида спортчилар функционал ҳолатининг тезкор назоратларини амалга ошириш, тренировка юкламаларини мақсадли коррекциялашнинг кенг имкониятларини яратди.

СФҲАИ га асосланган тезкор назорат жараёнларида беш турдан иборат тиббий диагностик тестлар қўлланилган: ортостатик, клиностатик, ашнер, ҳаракат аниқлиги ва тезкорлигини аниқлаш синамалари ва артериал қон босим даражаси (юрак томир тизимининг систолик компоненти) аниқлаш методикаси [3]:

1. Ортостатик синама (вегетатив асаб тизимининг ҳолати) методикаси:

Атлетнинг горизонтал ҳолатдан вертикал ҳолатга ўтишида юрак-томир қиқсқариши (ЮТҚ) ва артериал босим ўзгаришини таҳлил қилиш. Икки-уч дақиқали дам олишдан кейин 15 сония ичида юрак-томир қиқсқариш сони ҳисобланади. ЮТҚ

нинг 8-12 мартагача ўсиши - синаманинг меъёрий кўрсаткичи. Индекс баҳосини балларда ифодалаш қулайлиги учун 0,8 дан 1,2 меъёр мувофиқликда олинади.

2. Клиностатик синама (вегетатив асаб тизимининг ҳолати) методикаси:

Атлетнинг вертикал ҳолатдан горизонтал ҳолатга ўтишида юрак-томир қиқсқариши (ЮТҚ) ва артериал босим ўзгаришини таҳлил қилиш. Икки-уч дақиқали дам олишдан кейин 15 сония ичида юрак-томир қиқсқариш сони ҳисобланади. ЮТҚ нинг 4-12 мартагача пасайиши - синаманинг меъёрий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Индекс баҳосини балларда ифодалаш қулайлиги учун 0,4 дан 1,2 меъёр мувофиқликда олинади.

3. Ашнер синамаси (вегетатив асаб тизимининг ҳолати) методикаси:

ЮТҚ дастлабки ва қайта 15 сониядан кейин (2-3 дақиқали интервал ва кўз қобиғини оҳиста босиш билан) ўлчовлари амалга оширилади. ЮТҚ нинг 5-12 мартагача секинлашуви - синаманинг меъёрий кўрсаткичи. Индекс баҳосини балларда ифодалаш қулайлиги учун 0,5 дан 1,2 меъёр мувофиқликда олинади.

4. Ҳаракат аниқлиги ва тезкорлигини аниқлаш синама (асаб-мушак аппаратининг периферик сенсомоторикаси) методикаси: Бир дақиқали дам олишдан кейин, 15 сония давомида, қоғозда ўзаро тенг масофали айлана шакллари чизишдан иборат. Натижани баҳолаш учун чизилган шакллар сони ҳисобланади. Айланалар сони 12 дан 15 тагача синаманинг меъёрий кўрсаткичи. Индекс баҳосини балларда ифодалаш қулайлиги учун 1,2 дан 1,5 гача меъёр чекланиб олинади.

5. Артериал қон босим даражаси (юрак томир тизимининг систолик компоненти) аниқлаш методикаси: Тестлашда монометр ўлчов асбоби воситасида тренировкагача ва ундан кейин (2-3 дақиқадан кеч қолмасдан) дарҳол систолик босим аниқланади. Тренировка олди ва кейинги систолик босим кўрсаткичлари орасидаги фарқ 10-20 мм.сим.уст. дан ошмаслиги керак. Индекс баҳосини балларда ифодалаш қулайлиги учун 1,0 дан 2,0 меъёрий кўрсаткичга мослаштирилади.

Педагогик экспериментнинг СФХАИ га асосан ўтказилган дастлабки назорат ўлчовларида юрак-томир, кардио-респиратор ва асаб-мушак тизимлари ҳолатини ва бевосита эмоционал ва жисмоний юкламаларнинг қайтар алоқа механизмларини таҳлил этиш мақсадида синамалар бўйича баллар йиғиндиси ҳосил қилинди.

**Тадқиқот натижалари ва уларни таҳлил қилиш.** Ишлаб чиқилган СФХАИ синамалари (тиббий-педагогик тестлар: ортостатик, клиностатик, кўз-юрак ва праксимал (ҳаракат аниқлиги ва тезкорлиги, артериал босим (систолик)) га асосланган тезкор назорат тизимини тренировка боши ва охирида қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилади.

Таклиф этилаётган индекс меъёри 3,9-7,1 чегарани (юкламага адекват мослашув) ташкил этади. 7,1 дан юқори индекс (балл) атлетнинг паст тайёргарлик даражаси, ёки олдинги ҳаддан зиёд юклама таъсири, вегетатив асаб тизимининг ўта кўзғалувчанлигини кўрсатади ва тренировка жараёнида камайтирилган индивидуал юклама тавсия этилади. Агар СФХА индекси 3,9 баллдан паст бўлиши, спортчи организмнинг соматик касалликлари, ёки вегетатив асаб тизимидаги жиддий чекинишларини кўрсатади ва юкламали машғулотларни дарҳол тўхтатиб қўшимча текширувларни тақозо этади.

Педагогик тажриба даврининг эксперимент ва назорат гуруҳларида СФХАИ кўрсаткичлари йиғиндисидеги ўзгариш хусусиятларини таҳлил қилишдан маълум бўлди-ки, экспериментал гуруҳ спортчилари организмга коррекцион машғулот юкламаларининг етарлича юқори таъсир самарадорлиги билан максимал ва субмаксимал юкламанинг салбий таъсирларини юмшатишга имкон яратилди. Экспериментал ўзгарувчанлик таъсирида спортчилар организмнинг тренировка ва мусобақа юкламаларига барқарорлиги ошганлиги сабабли, жисмоний, функционал

ва техник кўрсаткичларининг ривожланиши таъминланди. Экспериментал гуруҳ спортчиларининг функционал ҳолат кўрсаткичлар статистик ишончли яхшиланди ( $p < 0,01$ ).

Жадвал 1

**Экспериментал ва назорат гуруҳ спортчиларининг тажриба охиридаги тиббий-педагогик тест кўрсаткичлари йиғиндиси**

№	Тест	n	Гуруҳлар	$M \pm m$	W	T	Статистик хулоса
1	Ортостатик синама, баллар	17	Назорат	$1,41 \pm 0,03$	136	-	$P \leq 0,001$
		17	Эксперимент	$0,98 \pm 0,02$			
2	Клиностатик синма, баллар	17	Назорат	$1,38 \pm 0,03$	140	-	$P \leq 0,001$
		17	Эксперимент	$0,87 \pm 0,04$			
3	Кўз-юрак синма, баллар	17	Назорат	$0,82 \pm 0,03$	21	-	$P > 0,05$
		17	Эксперимент	$0,78 \pm 0,05$			
4	Ҳаракат аниқлиги ва тезкорлиги, баллар	17	Назорат	$1,14 \pm 0,07$	50	-	$P > 0,05$
		17	Эксперимент	$1,29 \pm 0,03$			
5	Артериал босим, баллар	17	Назорат	$3,0 \pm 0,08$	139	-	$P \leq 0,001$
		17	Эксперимент	$1,58 \pm 0,12$			
6	Спортчининг функционал ҳолати (СФҲИ), баллар	17	Назорат	$7,75 \pm 0,12$	144	-	$P \leq 0,001$
		17	Эксперимент	$5,47 \pm 0,18$			

Ўтказилган педагогик тадқиқот натижасида экспериментал гуруҳ спортчиларининг барча мусобақа шартлари бўйича тажрибадан кейинги ҳолат юзасидан статистик ишончли ўсиш тенденцияси содир бўлди. Назорат гуруҳида аксинча, бошқача ўсиш тенденцияси кузатилди. Жумладан, назорат гуруҳининг беш нафар спортчисида тажрибадан олдинги ҳолатга нисбатан натижаларнинг пасайиш тенденцияси маълум бўлди. Тезкор назоратга асосланган коррекцион машғулот юкламаларисиз тайёргарлигини самарали ташкил этиш иложсиз, бундан ташқари, спортчилар организмга максимал ва субмаксимал юкламаларнинг салбий таъсири, атлетлар саломатлигига нохуш асоратлари билан спорт натижаларининг беқарорлашувига олиб келади. Тезкор назоратларнинг объектив маълумотларига асосланган адекват коррекцион машғулот юкламаларисиз нохуш травматик вазиятлар, ёки спортни тарк этиш ҳолатлари содир бўлиши мумкин.

**Хулоса.** Умуман, ўтказилган педагогик тажриба, тадқиқот ишчи фаразини тасдиқлайди. Спортчиларининг тайёргарлик жараёнида махсус тиббий-педагогик тестлар мажмуаси кўринишидаги таклиф этилган диагностик назоратларнинг СФҲИ лари ҳисобидан, яхлит ўқув-машғулот жараёни ва алоҳида олинган тренировка мазмунига жисмоний юкламаларни бошқаришнинг адекват коррекцион ёндашувлари сабаб, спортчилар саломатлигини яхшилаш ва спорт натижаларини ошириш имкониятлари ҳосил бўлади.

Тажрибавий маълумотларнинг кўрсатишича, СФҲАИ га асосланган машғулот юкламаларини коррекциялаш, тезкор назорат маълумотларидан фойдаланган ҳолда спортчи атлетларнинг тайёргарлик жараёнини такомиллаштиришнинг юқори самарадорликка эга бўлган воситаси ҳисобланади. Таклиф этилаётган коррекцион ёндашувга тизимли амал қилиш орқали, тренировканинг восита ва усулларини рационал режалаштириш, пауэрлифтингчилар тайёргарлигини бошқариш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек касбий касалликларни олдини олиш ва ушбу спорт турининг физиологик асослари яратилади.

### Адабиётлар рўйхати

1. Башкин В.М. Системный подход к оценке и коррекции тренировочного процесса на основе функционального состояния организма спортсмена: монография / В.М. Башкин. - СПб.: Изд-во Гос. ун-та аэрокосмического приборостроения, 2009. - 108 с.

2. Науменко Э.В. Оптимизация тренировочных нагрузок пауэрлифтеров как профилактика профессиональных заболеваний на основе восстановительных методик/Э.В. Науменко, Л.Н. Платонова, А.Ю. Бутов, Д.Д. Дальский//Теория и практика физ.культуры.– 2012.– №7.– С.62–64.

3. Дальский Д.Д. Некоторые физиологические особенности занятий пауэрлифтингом // Спортивно-оздоровительный атлетизм: сб. науч. тр./ С.-Петербург. гос. ун-т физ. культуры им. П.Ф. Лесгафта; под ред. Г.П. Виноградова.– СПб., 2006.– С. 15–20.

4. Pogossov A.V., Ilesnikov O.I. THE CLINICO-DYNAMICS MANIFESTATIONS OF ACUTE ALCOHOL PSYCHOSIS DEPENDING ON A VARIETY OF USING ALCOHOL. Kursk State Medical University Tula Regional Narcological Dispensary3. ВЕСТНИК НОВЫХ МЕДИЦИНСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ– 2012 – Т. XIX, №4 – С.203.

### СПОРТ ТАЙЁРГАРЛИГИ АМАЛИЁТИДА ДИАГНОСТИК ТЕСТ ИШОНЧЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ

10.53885/edinres.2021.91.83.062

*Кадиров Рашид Хамидович*

Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси доценти, п.ф.н., Бухоро давлат университети

Elektron pochta: [rkadirov587@gmail.com](mailto:rkadirov587@gmail.com). tel.: (99899) 704 05 62

**Аннотация:** Мақолада, спорт тайёргарлиги жараёнида диагностика тест ишончилигини аниқлашнинг умумий талаблари қаторида, ишончлик коэффициенти кўринишига эга бўлган икки методологик усул моҳияти ва амалий тавсиялар тақдим этилган.

**Калит сўзлар:** тест ишончилиги, ишончилилик коэффициенти, тест натижалари вариативлиги, ретест, дисперсион таҳлил, корреляция коэффициенти.

### МЕТОДЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ДОСТОВЕРНОСТИ ДИАГНОСТИЧЕСКИХ ТЕСТОВ В ПРАКТИКЕ СПОРТА

Кадиров Рашид Хамидович доцент кафедры Теории и методики физической культуры, к.п.н., Бухарского государственного университета

Elektron pochta: [rkadirov587@gmail.com](mailto:rkadirov587@gmail.com). tel.: (99899) 704 05 62

**Аннотация:** В статье представлены сущность и практические рекомендации двух методических приемов вычисления коэффициента надежности в среди общих требований к определению достоверности диагностических тестов в процессе спортивной тренировки.

**Ключевые слова:** надежность теста, коэффициент надежности, вариативность результатов тестирования, ретест, дисперсионный анализ, коэффициент корреляции.

### METHODS FOR DETERMINING THE RELIABILITY OF DIAGNOSTIC TESTS IN SPORT PRACTICE

Kadirov Rashid Khamidovich Associate Professor of the Department of Theory and Methods of Physical Culture, Ph.D., Bukhara State University

Elektron pochta: [rkadirov587@gmail.com](mailto:rkadirov587@gmail.com). tel.: (99899) 704 05 62

**Abstract:** The article presents the essence and practical recommendations of two methodological methods for calculating the reliability coefficient and among the general requirements for determining the reliability of diagnostic tests in the process of sports training.

**Key words:** test reliability, reliability coefficient, variability of test results, retest, analysis of variance, correlation coefficient.

**Кириш.** Кўп ҳолларда, тренерлар фаолиятида қўлланиладиган мажмуавий назорат тестларининг ишончлиги спорт метрологияси фани мутахассислари томонидан олдиндан аниқлаб берилган. Махсус манбааларда, тестларнинг ишончлик аҳамиятига кўра, доим ҳам спорт тайёргарлиги назоратларининг барча вазиятларига мос тушувчи моделлари умумлаштирилмаган, чунки ҳар қандай назорат ўлчовлари муайян спортчилар (гуруҳи, спорт турлари) ва ўзига хос шароитларида ўтказилган. Муаммоли саволга жавобан: 30 метрга югуриш каби энг оддий тестнинг ишончлилик кўрсаткичи – малакали спортчиларда, ҳар бир спорт турларида (баскетболчи, гимнастлар), мактаб ўқувчилари ва жисмоний маданиятчида ҳар хил бўлиш эҳтимоллиги юқори [2].

Баъзида тренернинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган (мумкин, методикаси ўзгартирилган) тест орқали спортчининг тайёргарлик томонларини текшириб кўриш ғояси келиб чиқиши мумкин. Замонавий, янги спорт турлари, асосан яккакураш ва спорт ўйинларининг мажмуавий назорат тизими тўлиқ ривожланмаган йўналишларда бундай вазиятлар учраб туради. Бу вазиятда тест ишончлигини текшириш талаб этилади.

**Текширувнинг энг оддий усули** – ҳар бир спортчининг биринчи ва иккинчи уриниш кўрсаткичларини визуал қиёслаш. Гуруҳда спортчиларнинг 20 тадан ортиқ бўлмаслигини эътиборга олган ҳолда, ушбу қиёслаш амали кўп вақт талаб этмайди. Қайта ўлчов натижалари ўзаро тўлиқ мос тушса, қўлланилган тестнинг юқори ишончлик хусусиятига эга эканлиги маълум бўлади. Амалда бундай вазиятлар камдан-кам учрайди: бундай ташқари визуал қиёслаш орқали “ишончли” ёки “ишончсиз” категорияларида ҳодисани сифатига кўра баҳолаш мумкин. Стандарт вазият тақозо этувчи назоратларда бир нечта тест қўлланилади ва ҳар бирининг натижавий ҳаққонийлиги, айнан тестларнинг ишончлик даражасини ҳисоблаш орқали ечими топилади. Демак, бу вазиятнинг миқдорий меъёрларини ишончлик коэффициенти кўринишида аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун методологик икки усул мавжуд [1].

**Биринчи: дисперсион таҳлил.** Усул моҳиятида нафақат ишончлик коэффициенти катталигини ҳисоблаш, шу қаторда тест натижасининг вариативлигига турли омиллар таъсирини ҳам белгилаш мумкин. Қуйидаги мисол билан ҳодисани тўлиқ тушунишга уринамиз. Гимнастлар гуруҳининг ҳар бир тренировка микроцикларининг охирида, уларнинг координацион ва кучланиш қобилиятларини характерловчи мажмуавий назорат тестлари бўйича натижа ўлчовлари ўтказилди. Олинган натижаларнинг вариативлиги қуйидагича намоён бўлиши мумкин:

- ҳар бир спортчида (индивиднинг ўзидаги тебранувчанлик);
- спортчилар-аро (индивидлар-аро тебранувчанлик);
- турли кунларда ўтказиладиган тестлашда.

Дисперсион таҳлил воситасида юқоридаги омилларнинг ҳар биридаги тебранувчанлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш мумкин. Тахмин мисоллари билан дисперсион таҳлил моҳиятини баён қиламиз. Баскетболчилар гуруҳига “уч уринишдан иборат 10 мартали коптокни халқага ташлаш” тести таклиф этилади. Тестнинг мақсади – вазифа аниқлиги (тест ишончлиги)ни текшириш (1-жадвалга қаранг).

Жадвал 1

## Уч уринишли баскетбол тўпини улоқтириш натижалари

Спортчилар	Уринишлар			$\Sigma_{x_j^2}$	$\bar{X} \pm \sigma$
	1	2	3		
1	7	9	8	24	8,00 ± 0,81
2	10	8	8	26	8,66 ± 0,94
3	7	8	9	24	8,00 ± 0,82
4	7	5	7	19	6,33 ± 0,94
5	8	8	7	23	7,67 ± 0,47
6	6	6	8	20	6,67 ± 0,94
	45	44	47	136	7,56 ± 1,16

Экспериментал кўрсаткичларга ишлов бериш учун математик статистика қўлланмаларида баён этилган дисперсион таҳлил алгоритмидан фойдаланилади:

1. Ҳар бир қатор ва устунлар йиғиндиси, ҳар бир спортчи учун алоҳида ва спортчилар-аро ўртача арифметика қиймати ҳисобланади.

2. Умумий кузатувлар сони:  $nm=18$  (3 уринишдан 6 нафар спортчи), бунда  $m$  - уринишлар сони;  $n$  - спортчилар сони.

3. Умумий тўпларнинг йиғиндиси аниқланади:  $G = 136$ .

4. Тузатувчи омилни ҳисоблаймиз:

$$G = G^2/n \cdot m = 136^2 : 18 = 1027,55.$$

5. Ўртача қийматдан оғиш квадратларининг умумий йиғиндиси:

$$\Sigma x_{ij}^2 - G = 7^2 + 10^2 + \dots + 8^2 - 1027,55 = 18,45.$$

6. Спортчилар учун квадратлар йиғиндисини ҳисоблаймиз:

$$\Sigma n_i^2/m - G = \frac{1}{3}(24^2 + \dots + 20^2) - 10,27 = 11,78.$$

7. Уринишлар бўйича квадратлар йиғиндисини ҳисоблаймиз:

$$\Sigma n_j^2/n - G = \frac{1}{6}(45^2 + 44^2 + 47^2) - 1027,55 = 0,78.$$

8. Қолдиқ тебранувчанликни ҳисоблаймиз:

$$18,45 - (11,78 + 0,78) = 5,89.$$

Навбатда дисперсион таҳлил натижалари билан жадвални шакллантирилади (2-жадвалга қаранг).

Жадвал 2

## Дисперсион таҳлил ҳисоблашларининг натижалари

№	Тебранувчанлик	Квадратлар йиғиндиси	Эркинлик даражавий кўрсаткич	Дисперсия	Дисперсия нисбати	F
1	Спортчилар-аро	11,78	5	2,36	4,00	2,80
2	Уринишлар-аро	0,78	2	0,39	0,66	-
3	Қолдиқ	5,89	10	0,59	-	-
	Умумий	18,45	17	1,08	-	-

Жадвалдан кўришиб турибдики, спортчилар ўртасидаги фарқ ( $F_{\text{ҳисобланган}} = 4$ ,  $F_{\text{назарий}} = 2,8$ ) яққол намоён бўлган, уринишлар ўртасида фарқ йўқ.

Тест ишончилигининг хусусиятини кўрсата олувчи индивид-ичра корреляция коэффициентини ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун аввал биргаликдаги дисперсия ҳисобланади:

$$\sigma_{\text{биргал.}}^2 = \frac{0,78 + 5,89}{2 + 10} = 0,56.$$

Шу асосда, индивид-ичра коэффициент ҳисобланади:



$$\mu = \frac{2,36 - 0,56}{2,36 + \left(\frac{2}{3} - 1\right) \cdot 0,56} = 0,76.$$

Ҳисобланган қийматга кўра, уч уринишли тестнинг ишончилиги унчалик юқори эмас. Агар уринишлар олти мартагача кўпайтирилса тестнинг ишончилиги қуйидагича ошади:

$$\mu = \frac{2,36 - 0,56}{2,36 + \left(\frac{2}{6} - 1\right) \cdot 0,56} = 0,87.$$

**Тест ишончилигини аниқлашнинг иккинчи усули** анчагина соддароқ, фақат икки уринишли ва уринишдан-уринишгача тест натижасининг ўсиб бориш ёки камайиб бориш хусусиятига эга тестлаш вазиятларида қўллаш мумкин. Бунда, оддий корреляция коэффицентини ҳисоблаш мумкин (фақат бирта уриниш ишончилиги баҳоланади). Мисол, олдинги жадвал (4) маълумотларига кўра, биринчи ва иккинчи уринишлар ўртасида - 0,43; иккинчи ва учинчи уринишлар ўртасида - 0,48 корреляция коэффицентига тенг.

Коэффицент қийматининг салмоғига нисбатан ишончилиқни баҳолаш мезонлари жадвалда келтирилган (3-жадвалга қаранг).

**Жадвал 3.**

**Тестлар ишончилигининг даражавий градацияси**

№	Коэффициент қийматлари	Ишончиқ
1	0,99 – 0,95	Аъло
2	0,94 – 0,90	Яхши
3	0,89 – 0,80	Ўрта
4	0,79 – 0,70	Ўртадан паст
5	0,69 – 0,60	Паст

Жадвалда кўрсатилган қийматлардан паст ишончиқка эга тестларни қўллаш тавсия этилмайди.

**Тестлаш ишончилигини ошириш бўйича тавсиялар.** Кам ишончиқка эга диагностик назорат тестлари – спортчининг ҳолатини нотўғри баҳолашга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, юкломани режалаштириш асоси сифатида эътиборга олинса, жиддий адашишларга йўл қўйилади. Шу сабабли, спортчининг тайёргарлик томонларини ахборотлилигига кўра ишончиқ даражасини оширишга эътибор қаратилади. Бунинг учун, мумкин қадар тест ўлчовларининг тебранувчанлиги оширишга сабаб бўлувчи омиллар таъсирини бартараф этиш зарур. Тест уринишларини кўпайтириш ва кўпроқ экспертлар (ҳакам, баҳоовчилар) жалб этилса яхши самара беради. Назорат кўрсаткичларини баҳолаш ишончилиги, қўлланиладиган тестларнинг эквивалентлиги билан боғлиқ.

Назорат тестларининг барқарорлиги, ундаги ишончилиқнинг бир кўриниши сифатида, қайта тестлашлар оралиғида маълум вақт интервалининг мавжудлиги ва натижаларнинг ўзаро мос келиш даражасида намоён бўлади. Такрорий тестлаш “ретест” деб номланади. Тайёргарлик машғулоти даврида (бир йил) ҳаракатланиш ва психологик сифатлари бўйича эгалланган техник-тактик маҳоратни сақлаб туриш тестнинг юқори барқарорлигини кўрсатади. *Мисол, кучли футболчиларининг мусобақа даврида уларнинг ишчанлиқ қобилиятини баҳолашга қаратилган МКИ кўрсаткичи икки йил давомида барқарор сақланиб қолинган.*

Тестларнинг барқарорлиги тренировка жараёнининг мазмуни билан алоқадорлиги мавжуд, мисол кучланишли машқлар, вақт интервал давомийлиги ва тестнинг мураккаблиги “ретест” натижасини пасайтиради. Бундан ташқар, барқарорлик ҳодисасига миқдорий баҳо бериш учун олдинги мавзуларда келтирилган алгоритм бўйича дисперсион таҳлилнинг математик амалларидан фойдаланиш мумкин.



## Адабиётлар

1. Годик М. А. Спортивная метрология: Учебник для институтов физ. культ. — М.: Физкультура и спорт, 1988.— 192 с.
2. Трифонова, Н. Н. Спортивная метрология: [учеб. пособие] / Н.Н.Трифорова, И.И.Еркомашвили; [науч. ред. Г.И.Семенова]; М-во образования и науки рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. — Екатеринбург: изд-во урал. ун-та, 2016. — 112 с.

### **XOTIN-QIZLAR SPORTNING RIVOJIDA JISMONIY TAYYORGARLIK VA UNING O'RNI.**

10.53885/edinres.2021.57.16.070

**G'afurov N.M**

*Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston*

Mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish ijtimoiy siyosatning muxim yunalishlaridan biri etib belgilangan. Chunki sport axoli salomatligini mustaxkamlaydi, yosh avlodni soglom va barkamol etib tarbiyalash orkali jamiyatda soglom turmush tarzini karor toptiradi. Turli kasalliklar, yoshlar urtasida zararli odatlarning oldini oladi. Sport yuksak madaniyat, vatanparvarlik tuygularini shakllantirishda xam muxim urin tutadi. Bu soxada erishilgan yutuklar mamlakatni dunyoga tanitadi, barcha yurtdoshlarga guruh-iftixor bagishlaydi.

Yosh sportchilarni dastlabki boskichda tayyorgarlik ishlarini urgatish kunikma xosil qilish, sport mashgulotlarini tashkillashtirishning eng muxim tarkibiy kismalaridan xisoblanib, organizmni xar tomonlama rivojlantirish, soglikni mustaxkamlash, jismoniy kobilyatlarni

Uzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 31 oktyabrdagi jismoniy tarbiya va sport soxasida boshqarish tizimini takomillashtirish, ommaviy sportni rivojlantirish, uqtdorli sportchilarni tanlash va tarbiyalash, soxani malakali kadrlar bilan mustaxkamlash xamda zamonaviy sport inshootlarini barpo etish masalalariga bagishlangan videoselektordagi ma'ruzasi takomillashtirish va tayyorgarlikning boshka boskichi uchun mustaxkam funksional baza yaratishga yunaltilgan jarayon sifatida tushuniladi [1].

Insonning sportga oid faoliyati kanday maksad va mazmun yoki kaysi yunalishda amalga oshirilmasin, uning pirovard unumdorligi va xarakat samaradorligi, uz navbatida muvofik jismoniy sifatlar, xarakat malakalari, kunikmalari va albatta organizmning funksional imkoniyatlariga tayaniladi.

Ayollarning organizmi erkaklarnikidan bir kator morfologik va funksional, anatomik-fiziologik xususiyatlari bilan ajralib turadi. Jumladan ayollarda balogat yoshi - 34 yoshgacha, urta yosh - 35-54 yosh, keksa yosh 5574 yoshgacha xisoblandi. Bunday yoshga doir xususiyatlar birinchi navbatda eng muxim biologik vazifa - onalik funksiyalari bilan xam boglik [2].

Kundalik xarakat xajmi va shiddati inson salomatligi, uning jismoniy va funksional shakllanishida muxim axamiyatga egadir. Lekin barcha xarakat turlari, jumladan sport tugaraklarida ijro etiladigan jismoniy va texnik-taktik mashklar xajmi xamda shiddati shugullanuvchining funksional imkoniyatlariga mos kelishi yoki yukori bulishi lozim.

Chunki biologiya fanida azaldan uz isbotini topgan konuniyatlarga kura, ontogenetik tarakkiyotning muayyan boskichlarida bajariladigan kundalik jismoniy yuklamaning kisman ta'sir "kuchi" organizmning funksional imkoniyatlaridan doimo yukori bulsa, shu organizmda (organlar, mushaklar, tomirlar, xujayralar, tukimalar, yurak, upka, talok, jigar va x.k) zurikish yoki tez tolikish alomatlari paydo buladi. Bunday salbiy "izlar" odamning ayniksa yosh kizlarning odatiy funksional faoliyatini izdan chikaradi, kayfiyatini tushiradi, uykusini buzadi, pirovard ish kobilyatini susaytiradi va uning tulik tiklanishiga tuskinlik kiladi. Agar shunday yuklamalar xotin-kizlar faoliyatida surunkali kaytarilib tursa, organizmning normal usishiga ta'sir etibgina kolmay, balki turli funksional "ob'ekt"larga lokal yoki global patalogik asoratlarning yuzaga kelishiga sababchi bulishi extimoldan xoli emas. Kundalik yoki yalpi mashgulot yuklamalari xajmi va shiddati funksional imkoniyatdan past bulsa jismoniy sifatning shakllanishi susayadi, ish kobilyati oshmaydi [3].

Binobarin, kundalik yoki yalpi yuklamalar, shu jumladan, jismoniy tarbiya darslari va trenirovka mashgulotlariga oid yuklamalarni shugullanuvchilarning yoshi, jismoniy va funksional imkoniyatlariga karab "tulkinsimon" prinsipda oshirib borish darkor. Demak, xotin-kizlar sportiga oid mashgulotlarni tashkil kilishda pedagogik va tibbiy nazoratga asoslanish soglom barkamol avlodni tarbiyalash jarayonining ajralmas kismidir [4].

Shunday ekan jismoniy tarbiya va sport buyicha utkaziladigan mashgulotlar (jismoniy tarbiya darslari, trenirovka mashgulotlari, sport musobakalari) mazmunini maksadli rivojlantirish va boshkarish xar bir mutaxassis (ukituvchi, murabbiy, tashkilotchi, uslubchi, yurikchi) va raxbar shaxslarga katta mas'uliyat yuklashi, ularning jismoniy madaniyat, jismoniy tarbiya, jismoniy rivojlanish, jismoniy tayyorgarlik va sport moslamalariga oid bilimlarni uzlashtirishlari, muvofik kasbiy-pedagogik malaka va kunikmalarni puxta egallashlari zarur ekanligi isbot talab kilmaydi. Aloxida e'tibor karatish muximki, xotin-kizlar sportini samarali tashkil kilish, kup yillik sport trenirovkasi jarayonida shugullanuvchilar sogligi va ularning sport maxoratini shakllantira borish ustivor jixatdan jismoniy tayyorgarlik kursatkichlariga boglikdir.

Sport amaliyotida jismoniy tayyorgarlik, odatda, ikki bir-biriga chambarchas boglik bulgan umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlik turlariga bulinadi. X,ayot davomida inson sogligi, uning akliy va jismoniy faolligi, kup yillik sport trenirovkasi davomida sport maxoratining shakllana borishi ustivor jixatdan shu ikki tayyorgarlik turlari mazmuni va darajasi bilan boglik. Jismoniy tarbiya va sport mashgulotlari oldiga kuyiladigan asosiy maksad soglikni mustaxkamlash xamda yukori sport natijalariga erishishdir.

Aksariyat olimlarning ta'kidlashicha, muayyan sport turi buyicha muntazam utkazib boriladigan, xajm, shiddat va mazmun jixatdan tugri tashkil kilingan mashgulotlar organizmga ijobiy ta'sir kilar ekan. Lekin umumiy jismoniy tayyorgarlikka asoslanmagan va tor doirada ixtisoslashtirilgan mashgulotlar salbiy okibatlariga olib kelishi kuzatilgan.

Darxakikat, jismoniy tayyorgarlik malakali sportchi xotin-kizlarni tayyorlashda eng muxim poydevor sifatida sport maxoratining samarali shakllanishida bekiyos omil bulib xisoblanadi. Shu bilan bir katorda ilmiy-metodik adabiyotlarning taxliliga kura xar kanday jismoniy tayyorgarlik jarayoni xam jismoniy sifatlarning samarali ravishda rivojlanishiga olib kelavermaydi va texnik-taktik maxoratning shakllanishiga ijobiy ta'sir etmasligi mumkin. Kup xollarda sport maxoratiga salbiy ta'sir etishi xam extimoldan xoli emas. Xotin-kizlar sportini rivojlantirish kelajakda soglom farzandlarning tugilishiga olib keladi. Zero, farzandlarimizning soglom bulishi yurtimizning farovon, gullab yashnashini ta'minlaydi. Chunki, kelajagimiz bu bizning farzadlarimizdir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Goncharova O.V. "Yosh sportchilarning jismoniy kobiliyatlarini rivojlantirish". T.: 2016y. UzDJTI, 150b.
2. Bube X., Shtyubler X., Trogsh F. Testы v sportivnoy praktike - M.: Fizkultura i sport, 1968, 238s.
3. Abduraxmonov M., Maxmudov A. Jismoniy tarbiya va sport. Sport tibbiyoti. T.: 2016y. Ilmiy texnika axboroti-press nashriyoti, 83b.
4. "Ayollarning fan va sportdagi urni". Ilmiy amaliy anjuman tezislari tuplami. 2007 yil 14 aprel.

**ЎҚУВЧИЛАР ЎЗ-ЎЗИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАБ, СОҒЛИҒИНИ  
МУСТАҲКАМЛАШИ УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЖИСМОНИЙ  
РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ**

10.53885/edinres.2021.16.47.083

**И.И.Саидов**

**Жисмоний маданият назарияси ва  
услугиёти кафедраси доценти,**

**М.Ш.Турсунов**

**Жисмоний маданият  
факултети 3-курс талабаси**

**Abstract.** In this article enlightened the ways of directing to health and fitness of children in the activities of physical instruction and elementary education.

**Key words:** Health and fitness, pupils' physical preparation levels, physical instruction which makes health and fitness, approaching differential, pupils who acquire well and fast, pupils who acquire slowly.

**Аннотация.** Ушбу мақолада мактабгача ва бошланғич таълимда ўқувчилар ўз-ўзини жисмоний тарбиялаб, соғлиғини мустаҳкамлаши уларни жисмоний ривожлантиришдаги роли жисмоний тарбия машғулотларини болаларни соғломлаштиришга йўналтириш асосида ташкил қилиш усуллари баён этилган.

**Таянч сўзлар:** Соғломлаштириш, соғломлаштирувчи жисмоний тарбия, ўз-ўзини жисмоний тарбиялаш, ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси, дифференциал ёндашув, яхши ва тез ўзлаштирувчи ўқувчилар, секин ўзлаштирувчи ўқувчилар.

Шахсни у ёки бу жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган ижтимоий омиллар мажмуасида жисмоний тарбияга алоҳида ўрин ажратилади. Тарбиянинг умумий тизимида индивиднинг жисмоний ривожланишдаги миқдорий ва сифат ўлчовлари яхшиланишида айнан жисмоний тарбиянинг ҳиссаси катта. Айнан шу йўл билан индивидуал жисмоний сифатларга, мақсадга йўналтирилган жараён жиҳатлари етказилди. Тарбия масаласига замонавий ёндашиш орқали “жисмоний мукамаллик” атамасини биз жисмоний тарбияга, соғлом турмуш тарзи, шахснинг жисмоний ҳаракатланишининг асоси бўлган эҳтиёж, деб тушунамиз.

Тарбия ва таълим шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаш шахсни ривожлантириш баробарида уни рақобатга бардошли, билими, малака ва кўникмаси билан жамиятда муносиб ўрин эгаллашга интилиш имконини беради. Шахснинг рақобатга бардошлилигини тавсифловчи сифатларнинг руҳий педагогик таҳлили орқали шахснинг юқори даражадаги рақобат бардошлилигини белгилаб берувчи бир нечта тизимни ишлаб чиқди: мақсаднинг аниқлиги, ишчанлик, ишга ижодий ёндашув, таваккал қилишга қодирлик, мустақиллик, стрессга бардошлилик, касбий парвозга интилиш. Буларнинг бари шахснинг жисмоний тарбия даражасининг ривожланганлиги, иккинчи томондан унинг соғлом турмуш тарзини кечиршига боғлиқ.

Жисмоний ўз-ўзини тарбиялаш бу аниқ мақсадга йўналтирилган, шахснинг онгли ва режага мувофиқ ўз соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида ўз устида ишлаши, жисмоний маҳоратнинг ошиши, ҳамма томонлама жисмоний ривожланганлик, профессионал фаолиятда шахсий сифат ва муваффақиятларнинг мукамаллигидир. Ўз-ўзини жисмоний тарбиялашнинг асосий мақсади жисмоний тарбиянинг маънавий, ижтимоий, моддий қий-матларидан мустақил фойдалана олишни шакллантириш орқали жисмоний мукамалликка эришиш мумкинлиги қайд этилган. Буни амалга ошириш учун қуйидаги топшириқларни бажариш лозим:

- саломатликни таъминлаш, жисмоний ўз-ўзини тайёрлаш, ўз-ўзини тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини кечиршишга оид билимларни, кўникмаларни шакллантириш орқали ўзлаштириш ва жисмоний тарбия воситаларидан фойдаланишга ўргатиш;

- организмнинг ривожланиш босқичларини инобатга олган ҳолда унинг жисмоний салоҳият ва ишчанлигини оширишда организмни табиий, самарали ривожлантиришга кўмаклашувчи форма ва функциялар;

- яқка жисмоний риважланишни инобатга олган ҳолда спорт ўйинлари асосида ҳаракатланиш қобилиятини тарбиялаш;

- ҳаракатлантирувчи кўникма ва малакаларни, жисмоний ўз-ўзини камолга етказиш, ҳаёт учун муҳим бўлган фаолиятда талаб этиладиган мустақил дарсларнинг кўникмаларини тарбиялашни шакллантириш.

Шахснинг тарбиялилиги унинг нафақат айтилган ишни вақтида бажариши билан белгиланади, балки маълум бир ишлардан ўзини тийиб туриши лозимлигини онгли англашида ҳам кўринади. Жисмоний тарбия дарслари, спорт машғулотлари жараёнлари ва мусобақаларда қатнашиш ўқувчилардан онгли равишда топшириқлар, буйруқ, ўқитувчининг вазифасини бажаришни, тарбияли бўлишни, мустақил қарор қабул қилиш ва ташаббускор бўлишни талаб этади. Жисмоний машқларни бажариш маълум таҳлика ва жасорат кўрсатиш билан боғлиқ. Машқларни бажариш жараёнида ўқувчи ташқи таъсирларга эътибор бермасликка ўрганади, ўзидаги ўз-ўзига ишонч кайфиятини кучайтириб, мардликни ривожлантиради. Ўз-ўзини жисмоний тарбиялаш жараёнида қатъиятлилиқ ва жиддийлик каби шахс хислатлари ривожланади ва янада мустаҳкамланади. Бу нарса ўқувчиларнинг узоқ вақт мобайнида ўз олдларига қўйган мақсадларига эришиш йўлида онгли равишда иш олиб боришларида намоён бўлади.

Ўқувчининг феъл-атвори ишчанлик, қатъиятлилиқ каби сифати билан белгиланади. Мусобақалар вақтида жисмоний машқларни бажариш доимо кучли ҳаяжон билан ўтади: мусобақа олди ҳаяжони, рақиб билан беллашишдан олдинги ҳавотир, ғолиблиқ нашидаси, ютқазгандаги мағлубият алами ва бошқалар. Қаттиқ ҳаяжонни бошидан ўтказиш туриб ўқувчилар турли вазиятларга тайёр туришни, ўз устидан назорат ўрнатишни, ўйлаб аниқ ҳаракатга киришишни ўрганадилар. Турли ноҳуш ҳолатлар, кучли ҳаяжонланишдан қутулиш учун педагог ўқувчиларга маълум махсус машқларни бажаришни таклиф этади. Бу машқлар ўз-ўзини тарбиялашга хизмат қила олади. Буларга қуйидаги машқлар киради: аутоген машқлар бажариш, нафас олиш машқлари, ўз-ўзини массаж қилиш. Шу йўл билан ўқувчиларнинг ҳар томонлама ва тўлиқ ривожланиши унинг ўз устида тинимсиз фаол иш олиб бориши, доимий равишда ўзини тарбиялаши, жисмоний мукамалликка эришиши орқали амалга ошади.

Ўз-ўзини тарбиялашга ўтишни иш, мулоқот, жисмоний тарбия дарсларидан ажралиб турадиган махсус фаолият, деб қараш керак эмас. Инсон ўзини жамиятнинг фойдали меҳнатида иштирок этиш орқали тарбиялайди. Агар ўқувчи спорт зали, ўйин майдончаси, спорт майдонига келса, эрталабки гимнастикани бажарса, у ўз-ўзини тарбиялашга киришган бўлади.

Олимлар ўз-ўзини тарбиялашнинг бир нечта турларини ишлаб чиқишди:

- ўқувчиларнинг ўз ютуқ ва камчиликлари, ўз ҳаёт йўлларини англаб етишлари;

- ўзига нисбатан талабчанлик, ўзидан норозилик, энг яхши бўлишга интилиш;

- ўз олдига маълум бир мақсад ва вазифаларни қўя билиш ва уларга эришиш;

- мақсадга интилиш, қатъий ишонч, тамойиллик, мустақиллик, фаоллик;

- олдига қўйилган мақсад ва вазифалар йўлида ҳеч нарсадан оғишмай режа асосида олдинга интилиш;

- ўз устида ишлаш йўллари ва услубларини билиш;
- ўзини бир нечта йўналишда камол топтиришга қаратилган аниқ фаолият.

Ўзини жисмоний тарбиялаш ўқувчи шахсининг ўз хатти-ҳаракатини баҳолай олишини шакллантириш учун етарли асосдир. Ўз-ўзини баҳолаш ўз фаолияти ва ҳаракатини ўзи назорат қилишнинг психологик механизми. У ўз мақсадлари, уларни амалга ошириш имконияти, мустақил фаолиятининг натижаларини баҳолаш муносабатларида намоён бўлади. Ўз имкониятларини тўғри баҳолай билиш, ҳақиқий ҳолат билан, ўзининг ҳаракатлари билан мутаносиб равишда таққослаш, эришган ютуқларини бўрттирмаслик ёки омадсизликка учраганда руҳан тушқунликка тушмаслик, яъни ўзини ҳар қандай ҳолатда назорат қилиш ўз-ўзини адекват баҳолаш деб аталади.

6-10 ёшли ўқувчиларда ўз-ўзига адекват баҳо бериш даражаси ўсиб бораверади. Бу даврда ўзлари учун муҳим бўлган кўрсаткичларнинг баҳосига қараб ўзларини паст баҳолайдилар. Бундай пасайиш бор ҳолатни келтириб чиқаради, яъни энди ўқувчилар кўрсаткичларини мустақил ҳаракатлари билан кўтаришга ҳаракат қиладилар. Ташқи кўринишдаги ўзгаришлар, шунингдек, унда бир нечта сифатлар шаклланишига таъсир кўрсатади (масалан, ўзига ишонч, хушчақчақлик, одамохунлик). Юқори синфдаги қизлар-нинг ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичи пастлигининг сабаби ҳам эҳтимол шундандир. Ўзига адолатли баҳо бермаслик ўсмирда ўз-ўзини тарбиялашда талайгина муаммоларни келтириб чиқаради. Ўзига юқори баҳо қўйган ўқувчилар ўз имкониятларини бўрттириб, ҳаддан ташқари ўзларига ишонидилар, бундайлар ўз-ўзини танқид қила олмайди, уларда эришган ютуқлари билан қониқишга мойиллик бўлади. Бундайларни ўз устида ишлашга ўргатиш, ўз камчиликларини тўғрилашни тушуниб етишларини англаш муҳимлигига кўндириш мушкул. Ўқувчиларнинг ўз устида ишлашини фаоллаштиришда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг меҳнати ниҳоятда муҳим.

**Аннотация:** В основном в данной статье перспективы развития физической культуры и спорта включают включение Республики Узбекистан в список развитых стран, формирование здорового образа жизни, чтобы население дорожило своим здоровьем не только на словах, но и в мире. дела и сохранить его как национальную ценность.

**Annotation:** Basically, in this article, the prospects for the development of physical culture and sports include the inclusion of the Republic of Uzbekistan in the list of developed countries, the formation of a healthy lifestyle, so that the population values their health not only in words, but also in the world. business and preserve it as a national value.

**Kalit so'zlari:** Sog'lom turmush tarzi, jismoniy tayyorgarlik, an'anaviy , sport, ma'naviy kamolot.

**Ключевые слова:** здоровый образ жизни, физическая культура, традиции, спорт, духовная зрелость.

**Key words:** Healthy lifestyle, physical training, traditional, sports, spiritual maturity.

Mamlakatimiz rivjlanish ostonasiga qadam qo'yar ekan, mustaqillik yillarida sport bilan ommaviy tarzda shug'ullanishni, aholining, ayniqsa o'quvchi yoshlarning bo'sh vaqtlarini tashkil qilishning faol shakllarining ta'minlovchi amaliy tadbirlar bosqichma-bosqich amalga oshirib kelinmoqda. O'zbekistonning davlat siyosati mamlakatda jismoniy tarbiya va sportning yanada yuksalish, rivojlanishi sog'lom avlod ham jismonan va ma'naviy kamolot ruhida tabiiyalash ustuvor yo'nalishga aylandi. Shuningdek, qachonki sport sohasiga bo'lgan qiziqishi yoshlar o'rtasida ilg'or sura olsak, jamiyatda sog'lom turmush tarzini qo'llab-quvvatlagan bo'lamiz.

Bugundan tashqari ya'niki milliy g'oya asosida ulg'ayib kelayotgan yosh avlodning ma'naviy-ma'rifiy tarbiyasi, shubhasiz jismoniy va psixik salomatlikni, sog'lom turmush tarzi asoslarini gumanizm g'oyalarini tarbiyalash jarayonida jismoniy tarbiya va sport vositalari uning shakllari hamda usublaridan foydalanish ustuvor maqsadlardan biriga aylanishi, o'ylangan rejalar amalga oshishiga sababchi bo'ladi.

Bolalar va o'smirlar sport turini rivojlantirish uchun majburiy jismoniy ta'lim tizimida o'smirlarning yuqori salomatlik darajasida hamda bazaviy jismoniy tayyorgarligi



texnologiyalardan foydalanish, ayniqsa sport sohasida iqtidorlilarni aniqlash va ular iqtidorini rivojlantirishning yanada mukammal uslublaridan foydalanish, sport turlarini individual tarzda tanlashda hamda uni albatta milliy qadriyat sifatida asrab-avaylash albatta alohida o'rin kasb etadi.

Hozirgi paytda jahonda yirik miqyosda aholini sport – sog'lomlashtirish harakatini yaratishda bo'lgan ehtiyoj shakllanadi. Masalan, Prezidentimizning yoki bo'lmasa turli xil davlat prezidentlarining maxsus dasturlar ishlab chiqish va ularning amaliyotda joriy qilinishi unng isboti bo'lib xizmat qiladi. O'zbekistonda ham vazifalarni amalga oshirishdafaol va albatta maqsadli ishlar olib borilmoqda.

Prezidentimizning 2017-2021-yillarda O'zbekistonning rivojlanishi uchun beshta ustivor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasini tasdiqladi. Sport sohasida chiqarilayotgan qarorlar ham shular jumlasidandir.

O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport davlat raisi R.Quronov O'zbekiston Milliy Olimpiya qo'mitasi raisi A.Sultonov va boshqalar mamlakatimizda istiqloq yillarida jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish yoshlar salomatligini mustahkamlash, aholi o'rtasida sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish, iqtidor va salohiyatini yuzaga chiqarishga qaratilayotgan doimiy e'tibor o'z samaralarini berib kelayotganini ta'kidladi. Birinchi prezidentimiz I.A.Karimov tashabbusi bilan mamlakatimizda O'zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasining tashkil etilishi va ta'lim tizimida uch bosqichli uzluksiz sport musobaqalarini – “Umid nihollari” , “Barkamol avlod” va “Universiada” musobaqalarining joriy qilinishi yoshlar o'rtasida jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish, shahar va qishloqlarda zamonaviy sport majmualari bolalar va o'smirlar sport maktablarini barpo etish, ularni albatta zarur jihozlar bilan yoshlarning sport bilan shug'ullanishi o'z salohiyatini namoyon etishi uchun zarur barcha sharoit va imkoniyatlarni yaratishda muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya ommaviy sportni yanada rivojlantirish dasturida jismoniy tarbiya va sportga ixtisoslashtirilgan ta'lim muassasalarida va sport klublari faoliyatini yaxshilash olimpiya milliy va boshqa sport turlari kesimida reyting baholash tizimini joriy etilganligi ham ular faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish uchun alohida asos bo'lib xizmat qiladi. Shu dastur doirasida ham 201-2021-yillarda jami 995,2 milliard so'mdan ziyod mablag' sarflanishi nazarda tutilib amalga oshirilmoqda. Shundan 706,2milliard so'mdan ortiq qismi 167 ta sport inshooti, jumladan 90 ta sport majmuasi, 77 ta suzish havzasini qurish, rekonstruksiya qilish va kapital ta'mirlash jihozlash va qayta jihozlashga yo'naltirish ishlari amalga oshirilmoqda. Mana shunday qarorlar amalda o'z ifodasini topar ekan, yosh avlodning sportga bo'lgan qiziqishini amalda oshirish uchun birinchi qadam desak yangilishmagan bo'lamiz. Davlatimiz rahbari tomonidan sport sohasida olib borilayotgan islohotlar mazmuni shundan iboratki, mamlakatimizda jismoniy tarbiya va ommaviy sportni rivojlantirish, yosh avlodni har tomonlama barkamol qilib tarbiyalash , voyaga yetkazish, xalqaro sport maydonlarida madhiyamiz baralla yangragan holda vatanimiz sharafini munosib himoya qilishga qodir kelajagi buyuk yoshlarni kamol toptirish vazifasi yotadi. Asosan, jismoniy tarbiya va sport sohasi vakillarining jismoniy va ma'naviy kamolotining muhim omili sifatida mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining ustuvor yo'nalishiga aylanmoqda. Jismoniy tarbiya jarayonida har bir o'quvchining salomatlik holati jismoniy tayyorgarligi va ehtiyojlarini qat'iy e'tiborga olish zarur. Bu talablarning buzilishi salomatlikka putur yetkazadi, mashg'ulotlar samarasini kamaytiradi. Jismoniy tarbiya o'quvchilar organizmiga o'z tanasiga nisbatan noto'g'ri munosabatda bo'luvchi, irodaviy va axloqiy sifatlarni tarbiyalashda ko'maklashuvchi sog'liqni mustahkamlashga bo'lgan ehtiyoj shakllantiruvchi yagona o'quv jarayondir.

Maqsadli jismoniy tarbiya jarayoni o'quv mashg'ulotlari jarayoninig maqsadli rejalashtirishga bog'liq. O'quvchilarga asosan jismoniy tarbiya va sportga ijobiy

munosabatni shakllantirish o'quv jarayonini samarali tashkil qilinishida va aniq qo'yilgan pedagogik vazifalarga yondashadi.

So'z oxirini birinchi prezidentimiz I.A. Karimovning so'zlari bilan tugatmoqlikni lozim deb topdik. "Hech bir narsa mamlakatni sport kabi mashhur qila olmaydi"-bu so'zlar vaqt o'tsa hamki o'z qudratini yo'qotgan emas.

### **Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. Rasulovna, S. N. (2021). THE PLACE OF PHYSICAL TRAINING AND SPORTS IN THE LIFE OF SCHOOL STUDENTS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(04), 306-312.
2. Rasulovna, S. N. (2021). STAGES OF MODELING AND AGE INDICATORS IN THE OPTIMIZATION OF THE PROCESS OF SPORTS ACTIVITIES. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 75-86.
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-fizkultury-v-formirovanii-zdorovyh-privychek-u-molodyh-lyudey>
4. <https://scienceproblems.ru/images/PDF/2021/63/pn-4-63-a.pdf#page=64>

### **QUDRATLI YURTNING FARZANDLARI SOG'LOM BO'LADI**

10.53885/edinres.2021.77.48.035

**A.T.Gulboyev**

**Bux.DU Pedagogika kafedrası dotsenti**

Har qanday insonning eng mo'tabar orzusi, astoydil intilgan asosiy maqsadi — sog'lom, barkamol avlodni tarbiyalash, har tomonlama komil insonni voyaga yetkazishdan iborat. Darhaqiqat, sog'lom avlod deganda nimani tasavvur qilamiz? Sog'lom avlod g'oyasi orqali biz oldimizga qanday maqsadlarni qo'yamiz?

Sog'lom avlod deganda, eng avvalo, sog'lom naslni, faqat jismonan baquvvat, shu bilan birga ruhi, fikri sog'lom, imon-e'tiqodi butun, bilimli, ma'naviyati yuksak, mard va jasur, Vatanparvar avlodni tushunamiz. Bu davlatni faqatgina sog'lom millat, sog'lom avlodgina qura oladi.

CHunki sog'lom avlod orzusi ajdodlarimizdan bizga o'tib kelayotgan, qon-qonimizga singib ketgan muqaddas intilishdir. Agar ota-bobolarimizning turmush tarziga, tafakkuriga nazar solsak, ular nasl-nasabi, etti pushtining tozaligiga, avlodning sog'lig'iga juda katta e'tibor berganini ko'ramiz.

Ammo sog'lom avlod tarbiyasi oson ish emas. U har bir inson, har bir oila, butun jamiyatdan jiddiy e'tibor va uzluksiz mehnat talab qiladi.

Vatan uchun, o'z farzandlari va kelgusi nasllar uchun har bir kishi savobli ishlar qilib ulgurishi kerak. Olijanob xalqimizning ezgu tasavvur va tushunchasiga ko'ra, har bir odam dunyoga kelib, uchta xayrli ishni ado etishi lozim.

Birinchi, sog'lom va oqil farzand tarbiyalab voyaga etkazish. Ikkinchisi, o'z oilasi, farzandlari uchun imorat qurish. Uchinchi, kelajakni o'ylab, yaxshi niyat bilan daraxt o'tqazish.

CHunki bu insoniy intilishlarda millatimizning barkamol avlod haqidagi orzu-umidlari aks etadi.

O'zbekning hamma orzu-havaslari, hayoti mazmunida farzandlarining kelajagi, baxtu saodati bilan bog'liq maqsadlarni ko'ramiz.

Sohibqiron Amir Temur bobomiz «Askarlari baquvvat el qudratli bo'lur, qudratli elning askarlari baquvvat bo'lur» degan. SHu fikrni davom etgarib, I.Karimov «Farzandlari sog'lom yurt qudratli bo'ladi, qudratli yurtning farzandlari sog'lom bo'ladi» deb aytganlar.

Agar farzand sog'lom, oqil, imon-e'tiqodli bo'lsa, ota-onasiga faqat rahmat keltiradi, odamlarga naf keltiradi, el-yurt nazaridan hech qachon qolmaydi.



Sog'lom avlod tarbiyasi har bir inson, har bir oila, butun jamiyatdan jiddiy e'tibor va mehnat talab qiladi. Sog'lom ruh va sog'lom tanaga ega kishilardan sog'lom fikr chiqishi tabiiydir. Keng fikrli, o'tkir zehni va iste'dodli kishilar daho ataladilar.

Daholar, ya'ni komil insonlar yaratgan asarlar, kashfiyotlar, ezgu ishlar butun insoniyatga tegishli bo'ladi va ular o'z sohalaridagi etuk ishlari bilan dunyo taraqqiyotiga ta'sir ko'rsata oladilar.

Ota-bobolarimiz, momolarimizning biz uchun ibratli jihatlaridan biri ularning o'ta ishchan, mehnatsevar bo'lganligidir. Ajdodlarimiz farovon va to'kin turmush sirini halol mehnatda deb bilganlar. Farzandlarini ham mehnat qilishga, peshona teri evaziga kun kechirishga undaganlar.

Inson bu dunyoda yasharkan, nimalargadir erishishga, nimalarnidir topishga intiladi. Kimdir baxt izlaydi, kimdir esa taxt. Kimdir boyluk izlaydi, yana kimdir shon-shuhurat.

Albatta, bu har kimning o'zi istagan yashash uchun kurash yo'lidir: Biroq kishilar harakatlari davomida nimadir topmoq istaydi-yu, yo'qotishlarga ham duch keladi.

Ro'zg'ordagi tinchlik-osoyishtalik asosan ota-onasining o'zaro munosabatiga bog'liq. Ota-ona inoq bo'lsa, bu o'z-o'zidan bolalarga ibrat vazifasini o'taydi, ahil oilada voyaga etgan yoshlar ham ota-onalari kabi shirin hayot kechirishadi.

Oila jamiyatning asosi. Oila sog'lom bo'lsa, millat ham sog'lom bo'ladi. Kelgusi avlodning sog'ligi, jismoniy va ruhiy barkamol bo'lishiga ham oilada poydevor qo'yiladi. Xalqimiz odatiga ko'ra, har bir inson o'z umri davomida uchta xayrli ishni amalga oshirishi kerak, ya'ni sog'lom va barkamol farzand tarbiyalash, oilasi uchun boshpana qurish hamda yaxshi niyat bilan ko'chat o'tqazishdek burch qon-qonimizga singib ketgan.

Har bir ota-ona farzandi komil bo'lib voyaga etishini, Vatani oldidagi burchini munosib bajarishini orzu qiladi. Ma'naviy barkamollikning ilk bosqichi esa yuqori darajadagi jismoniy madaniyat va sportga e'tibor bilan boshlanadi.

Prezidentimiz I.Karimovning quyidagi so'zlarida buni yanada chuqurroq anglab etish mumkin: «Sport orqali bolaning dunyoqarashi o'zgaradi. Kecha ko'chada nima qilishini bilmay yurgan bola biron-bir hunar o'rganib ish, sport mashg'ulotlari bilan band bo'lsa, ota-onasiga ham boshqacha ko'z bilan qaraydi. Oilada mehr-oqibat, ahlik kuchayadi. Ayniqsa, o'g'il bolalar sport maydonlarida mardlik maktabini o'taydi».

Barkamol avlodni tarbiyalash va voyaga etkazish uchun avvalo ularda sportga bo'lgan mehr-muhabbatni shakllantirish lozimligi bugun barchaga ma'lum va bu ezgu maqsadlar yo'lida Prezidentimiz barcha imkoniyatlarni yaratib bermoqda.

Ijtimoiy hayotning barcha jabhalarida tub isloxotlar amalga oshirilayotgan hozirgi davrga kelib cog'lom avlodni voyaga etkazishda sport va jismoniy tarbiya yoshlar hayotining ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Mustaqil O'zbekistonimizning kelajagi bo'lgan yoshlarga keng imkoniyatlar, sharoitlar yaratib berish, ularga to'g'ri yo'l ko'rsatish, manaviyatli, jismoniy baquvvat qilib tarbiyalash bugungi kunning dolzarb muommolari hisoblanadi. Xalqimizning jismonan barkamol, baquvvat, oilasi, farzandlariga mehr ko'rsatadigan kerak bo'lsa, el-yurt, millat ozodligi yo'lida jon olib, jon berishga qodir fidoiy farzandlarini sanab sanog'iga etib bo'lmaydi. Dostonlarimizdan o'rin olgan Alpomish, Barchinoy, To'maris, Farhod kabi jasur qahramonlarimiz milliy g'ururimizga aylanib ulgurishgan. Albatta, bunday alpomat yigit-qizlar birdaniga o'z-o'zlaridan baquvvat, jasur bo'lib qolmaydilar. Mutaxassislarining fikricha, insondagi jasurlik, mardlik tug'ma xarakterga ega bo'lishi mumkin. Lekin, kuchlilik, tezlik, chidamlilik kabi sifatlar mashqlar orqali tarbiyalanishi tadqiqotlarda ko'rsatib o'tilgan. Jahonga mashhur buyuk davlat arboblari va sarkardalar Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur, Bobur, Mirzo Ulug'bek nafaqat o'zlari pahlavonlik, mardlik, adolatparvarlik, insonparvarlik, ilm-fan bobida o'rnak bo'lganlar, balki o'z askarlari, bo'lajak el-yurt himoyachilarini yoshlikdan tarbiyalab borish kerakligiga alohida e'tibor qaratganlar.

Bashariyat sivilizatsiyasi va uning porloq kelajagiga beqiyos hissa ko'shgan Beruniy, Ibn Sino, Forobiy, Navoiy kabi ko'pdan-ko'p olimu-allomalarimiz hamda din ilmida dong taratgan olamga mashhur Al-Buxoriy, N.Kubro, A.YAssaviylar ham yoshlarga ma'naviy va jismoniy tarbiya bo'yicha saboq berish kerakligini ta'kidlaganlar. O'zbekiston Respublikasi Xalq talimi vazirligi xuzuridagi bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi mamlakatimizning barcha xududlarida, birinchi navbatda qishloq joylarida bolalar jismoniy tarbiya va sportning moddiy bazasini shakllantirish va mustahkamlash, umumtalim maktablari qoshida va aholi yashash joylarida zamonaviy bolalar sport komplekslari tarmog'ini barpo etish, ularni zamonaviy sport uskunalari, hamda anjomlari bilan jihozlash, ulardan samarali foydalanishni ta'minlashning asosiy faoliyat yo'nalishlaridan biri bo'lib xizmat qiladi. SHu nuqtai-nazardan qaraganda, jismoniy va ma'naviy jihatdan etuk avlodni tarbiyalash bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi faoliyatining asosiy maqsadidir. Bugun bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi faoliyati joylarda qanday samara berayapti degan savolga aynan qishloq maktablarida yoshlarni sportga jalb qilish masalasi nazaridan baho berilishi kerak. Xaqiqatdan ham sportning inson va oila hayotidagi roli, uning jismoniy sog'lomlikning asosi ekanligi, hayotga mustaqil qadam tashlayotgan yoshlarga o'z qobiliyat va iste'dodini ro'yobga chiqarishdagi ahamiyati kattadir.

O'tgan vaqt mobaynida jamg'arma o'z oldiga qo'ygan maqsad va vazifalarning ahamiyatini nafaqat joylarda sportni rivojlantirish timsolida, balki muayyan ijtimoiy muammolarni hal etish yosh avlodni komil insonlar etib tarbiyalash farzandlarimizning imon irodasini mustahkamlash, mustaqil dunyo qarashini shakllantirish, ularning dunyoqarashida vatanga sadoqat va el-yurtga mehr-muhabbat tuyg'ularini qaror toptirishdek yuksak maqsadlarimizni ro'yobga chiqarishda ko'maklashib turibdi. Sport farzandlarimizning xarakterini toblaydi, qalbida o'z xalqi, yurti bilan faxrlanish tuyg'ularini shakllantiradi. Sportga yoshlikdan ixlos qo'yib, uning sir-asrorlarini o'rganish, mashaqqatli mashg'ulotlarda o'zini chiniqtirish, irodasini toblash, mardlik va matonat, o'z-o'zini engish, o'z oldiga qo'ygan maqsadlarga erishish uchun bor kuch-g'ayratini safarbar etish kabi xususiyatlarni kamol toptirishda boalar sportini rivojlantirish millionlab yoshlarimiz uchun imkoniyatlar ochmoqda.

Sog'lomlashtirishga yo'naltirish prinsiplari bolalar sog'lig'ini mustahkamlashga qaratilgan vazifani bajarishdan iboratdir. SHu munosabat bilan jismoniy mashqlarni tanlash vaqtida profilaktika maqsadida emas, bola organizmini har tomonlama sog'lomlashtirish, ayniqsa uning jismoniy sifatlarini rivojlantirish maqsadi nazarda tutiladi. Bu vazifalar boladagi ijobiy his-xayajon va hayotdan zavqlanish tuyg'ularini qo'llab-quvvatlash tadbirlari bilan birga qo'shib olib boriladi. SHunday ekan, yuqoridagi fikrlarni jamlab, xulosa qiladigan bo'lsak, barchamiz sport sohasini, jumladan bolalar sportini rivojlantirishga o'z hissamizni doimiy ravishda qo'shib, sog'lom kelajak poydevorini yaratish maqsadida birlashib xarakat qilmog'imiz kerak. CHunki, kelajak avlodimiz sog'ligi yo'lidagi ishlarimiz rivojini yanada kamol toptirish uchun barchamiz birdek ma'sulmiz.

**TA'LIM JARAYONINI TASHKIL ETISHDA BASKETBOL SPORTNING INTERAKTIV  
BAZAVIY TA'LIM TEXNOLOGIYALARI**

10.53885/edinres.2021.23.77.040

*Farmonov O'tkir Alimovich*

**BuxDU katta o'qituvchisi**

**"Fakultetlararo jismoniy madaniyatva sport" kafedراسi.**

**[Farmonov2017@mail.ru](mailto:Farmonov2017@mail.ru) sot: 90.710-35-39**

**ИНТЕРАКТИВНЫЕ БАЗОВЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ  
БАСКЕТБОЛЬНОГО ВИДА СПОРТА В ОРГАНИЗАЦИИ  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА**

**Фармонов Уткир Алимович старший преподаватель БухДУ  
кафедрой «Межфакультетская физическая культура и спорт».  
Farmonov\_2017@mail.ru сот: 90.710-35-39**

## **INTERACTIVE BASIC EDUCATIONAL TECHNOLOGIES OF BASKETBALL SPORTS IN THE ORGANIZATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS**

**Farmonov Utkir Alimovich senior lecturer at  
the Department of "Interfacult physical culture and sport".  
Farmonov\_2017@mail.ru sot: 90.710-35-39**

**Annotatsiya:** *ishda professor-o'qituvchilarning basketbol va talabalar uchun interaktiv ta'lim shakllarini o'quv jarayonida qo'llash imkoniyati bo'yicha so'rovnmalarini tahlil qilish ko'zda tutilgan*

**Аннотация:** *работа предусматривает анализ анкет профессорско-преподавательского состава о баскетболе и возможности использования интерактивных форм обучения студентов в учебном процессе*

**Annotation:** *the work provides an analysis of the questionnaires of the teaching staff about basketball and the possibility of using interactive forms of teaching students in the educational process*

**Kalit so'zlar:** *basketbol, interaktiv shakllar va o'qitish usullari.*

**Ключевые слова:** *баскетбол, интерактивные формы и методы обучения.*

**Keywords:** *basketball, interactive forms and teaching methods.*

Interaktiv ta'lim shakllari va usullari davlat ta'limining shakli quyidagilarni amalga oshirishda o'quv jarayonining ajralmas qismidir, chunki ular innovatsiya hisoblanadi va o'quvchilarning bilim faoliyatini faollashtirishga, o'quv materiallarini mustaqil tushunishga yordam beradi. Interaktiv ta'lim usullarining asosiy turlari quyidagilardan iborat:


- o'qitishning faol shakllari (ma'ruzalar, munozaralar, ma'ruzalar konferentsiyalar, miya bo'roni, talabalarning tezislari va ijodiy ishlari tanlovi);
- ta'limni rivojlantirish usuli;
- o'quv jarayonining shaxsiy yo'naltirilganligiga asoslangan texnologiyalar;
- muammoli ta'lim;
- loyiha o'qitish usullari;
- treningda tadqiqot usullari;
- o'yin uslublarini o'rganishda foydalanish texnologiyasi;
- hamkorlik bo'yicha trening (jamoalari, guruh ishi);
- axborot-kommunikatsiya texnologiyalari.

Keling, miya bo'roni, biznes o'yinlari, rol o'yinlari, simulyatsiya o'yinlari (o'yin simulyatsiyasi), munozaralar, muayyan vaziyatlarni tahlil qilaylik. Interaktiv ta'lim usullarini tahlil qilib, biz ularning ta'lim faoliyatida shaxsni o'z - o'zini anglash uchun shart bo'lib, basketbol uchun muhim omil-hamkorlikdir [1; 2].

Bugungi kunda o'quv-mashg'ulot jarayonini amaliyotga joriy etish ta'limning yangi shakllari va usullari faqat texnik vositalardan keng foydalanish bilan amalga oshirilishi mumkin. O'quv mashg'ulotlariga bo'lgan qiziqishni oshirishga yordam beradigan eng samarali vositalar zamonaviy yoshlar uchun kompyuter texnologiyalari bo'lib, ular qidiruv faoliyatini rivojlantirish va sportchilarning intellektual salohiyatini oshirishga yordam beradi. Basketbol bo'yicha o'quv jarayonida kompyuter texnologiyalari bilimidan kam foydalanish sabablarini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, eng muhim omillar respondentlarning kompyuter tayyorgarligining past darajasi (36,0%-43,8%) va ushbu bilimlarni o'quv-mashg'ulot jarayonida (22,0% -21,3%) amalga oshirish imkoniyati mavjud emas. Qizig'i shundaki, respondentlarning aksariyati (93,3% -98,4%) basketbol bo'yicha o'quv jarayonida kompyuter texnologiyasidan foydalanish imkoniyati haqida deyarli hech narsa bilmasligini ko'rsatmoqda. Kompyuterdan foydalanish imkoniyati haqida ma'lumot


berish kerak texnologiya nafaqat sportchilar, balki murabbiylar tomonidan ham ma'lum emas [3].

Bu yerda so'rovnomalardan ayrim diagnostika materiallari mavjud. Savolga: "Sizning fikringizcha, tarmoq texnologiyasini qo'llash kerakmi pedagogik hamkorlikni amalga oshirish uchun elektron resurslar ta'lim jarayoni?" 46% murabbiylar ha deb javob berishdi, elektron resurslar va ta'lim texnologiyalaridan foydalanish kerak, murabbiylarning 54% salbiy javob berdi. Basketbolchilar mutlaqo teskari natijaga ega – 87% – ha, 13% – yo'q (rasm-1)



**Rasm-1. Savolga murabbiylar va sportchilarning javoblarini tahlil qilish elektron resurslardan foydalanish imkoniyati haqida**


Ikkinchi savol natijalari birinchi natijalar bilan bir xil: 50% murabbiylar kompyuter texnologiyalari hech narsa bermayapti, deb hisoblashadi, 23% sportchilar ham ishonishadi; 42% trenerlar texnologiya o'zaro muloqot qilishda yordam beradi (bu, asosan, yaqinda o'zlari talabalar bo'lgan murabbiylarning yosh kontingenti) va faqat 8% texnologiyalarning zararlanishini qayd etadi. Asosiy vazndagi sportchilar kompyuter texnologiyalaridan ijobiy foydalanish imkoniyatlariga ega (rasm- 2).



**Rasm- 2. Savolga murabbiylar va sportchilarning javoblarini tahlil qilish kompyuter texnologiyasidan foydalanishning foydasi haqida**


Uchinchi va to'rtinchi savollarga murabbiylar va sportchilar taxminan bir xil javob berishdi – 76% ta'lim sohasidagi o'zaro hamkorlik texnologiyalari haqida hech narsa

bilishmaydi, 34% ta'lim forumlaridan foydalanadi, virtual makonda muloqot qilish uchun suhbatlashadi, lekin faqat 10% ularni o'quv jarayoni bilan bog'laydi (rasm 3, 4)



**Rasm- 3. Savolga murabbiylar va sportchilarning javoblarini tahlil qilish kompyuter texnologiyalarini qo'llash bo'yicha bilimlar haqida**

Hech narsa bermaydigan    Aloqa uchun foydalaning    Ta'lim jarayoni bilan bog'laydi    savol va javoblar



**Rasm- 4. Savolga murabbiylar va sportchilarning javoblarini tahlil qilish ta'lim sohasidagi o'zaro hamkorlik texnologiyalarini bilish**

So'rovda qatnashgan murabbiylar va sportchilarning 94% da tajriba yo'q, istisno elektron pochta, 97% o'z xizmatlaridan foydalanadi. Serverda ta'lim resurslarini joylashtirish uchun respondentlarning asosiy qismi mutaxassislar xizmatlaridan foydalanadi [4]. Shunday qilib, olib borilgan tadqiqotlar bizni kompyuter texnologiyalarini joriy etish, elektron resurslarni ishlab chiqish va qo'llash basketbol bo'yicha o'qituvchilarni o'z faoliyatining yangi yo'nalishini o'z ichiga oladi. Shunday qilib, ushbu yangi faoliyat turi resurs ta'minotining barcha kanallari bilan jihozlangan bo'lishi kerak: iqtisodiy, axborot, moddiy-texnik va ilmiy metod.

### **Adabiyotlar ro'yxati**

1. L.B. Andryushenko Basketbolchilarni texnik va taktik tayyorlash universitetdagi raqobat faoliyati [matn] / L. B. Andryushenko [va boshq.]. TR-bosma, 2015. – 170 b

2. S.Yu. Vit'ko Jismoniy tarbiya taraqqiyotning asosi sifatida, texnologik taraqqiyot sharoitida insonni takomillashtirish va uyg'unlashtirish [matn] / S.Yu. Vit'ko [va boshq.] ilmiy tadqiqotlarning dolzarb yo'nalishlari: nazariyadan amaliyotga: VII xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. – Cheboksary: CNS "Interaktiv plus", 2016. – №1 (7). – P.103-106 b.

3. A.G. Burov talabalar sport klubini boshqarish modelini loyihalash (G. V. Plexanov nomidagi REU misolida) [matn] / A.G. Burov // Iqtisodiyot va tadbirkorlik. – №12–4 (53–4). – P.712-716 b.

4. Yu.V. Podoruev otishni o'rganish texnikasining vosita belgilarini tuzatish dzyudo va uning shakllanish xususiyatlari erta mutaxassislik sharoitida: Dis. .... ped. fanlar. nomzod. – Krasnodar 2009. – P. 181.

### **BARKAMOL SHAXS TARBIYASIDA SPORTNING O'RNI**

10.53885/edinres.2021.72.62.041

**Elibaeva L.S.**

**BuxDU katta o'qituvchi**

Jismoniy tarbiya va sportga mehr uyg'otish bolalikdan boshlanadi. Sog'lom avlod – sog'lom yurt demakdir. Jismoniy tarbiyaning maqsadi – o'quvchilar tanasidagi barcha a'zolari sog'lom o'sishini ta'minlash barobarida ularni aqliy va jismoniy mehnatga, shuningdek, Vatan mudofaasiga tayyorlash yotadi. Abdulla Avloniyning fikricha, sog'lom fikr, yaxshi axloq va ilm-ma'rifatga ega bo'lmoq, uchun badanni tarbiya qilish zarurdir. Jismoniy tarbiya kishilarga katta ta'sir ko'rsatib, salomatligini mustahkamlaydi, ishlash qobiliyatini oshiradi, uzoq umr ko'rishga yordam beradi. Sport - har qanday yoshda ham qaddi-qomatni tarbiya qilish, kuch-quvvatni saqlab turishning vositasi hisoblanadi.

Sog'lom avlod deganda ham jismoniy, ham ma'naviy yetuk, bardam, har ishga qodir, ilg'or madaniyatli kishilarni ko'zda tutiladi. Shunday noyob fazilatlarga ega avlodni tarbiyalab voyaga yetkazayotgan xalq, kelajakka ochiq ko'z, yorug' yuz, katta ishonch bilan qaraydi.

Bugun mustaqil mamlakatimizda, respublikamiz sportini jahonga ko'z-ko'z qilayotgan vatandoshlarimiz ham kundan-kunga ko'paymoqdalar. Mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishga, shu bilan birga sog'lom avlodni shakllantirishga to'laqonli zamin yaratildi. Sog'lom bola ota-onaning quvonchi. O'z farzandining sihat-salomat, baquvvat, chidamli, chiniqqan bo'lishini orzu qilmaydigan birorta ham ota-ona bo'lmasa kerak dunyoda! Bola o'z-o'zidan sihat-salomat, baquvvat, chidamli, chiniqqan bo'la olmaydi. O'sayotgan organizmda tashqi muhitning o'zgarayotgan sharoitlariga o'z vaqtida moslasha olishni o'rganishni ishlab chiqish kerak, bolani shamollashdan qo'rqmaydigan, har qanday ob-havoda sayr qiladigan qilib tarbiyalash lozim. Chiniqqan bolalar issiq va sovuqni oson ko'taradilar, shamollash kasalliklariga, o'pka yallig'lanishiga ancha kam chalinadilar, raxit bilan og'rimaydilar. Chiniqish ta'sirida yurak baquvvat bo'ladi, nafas organlari va asab tizimi faoliyati, moddalar almashinuvi yaxshilanadi.

Oilada bolalarga jismoniy tarbiya berishning oddiy (ertalabki gimnastika) hamda murakkab (sportning tanlangan turlari bo'yicha mashg'ulot) shakllari mavjud. Oilada bolalarni jismoniy tarbiyasini to'g'ri va samarali tashkil etish uchun mashqlarning quyidagi shakllaridan foydalanishni tavsiya qilinadi.

1. Ertalabki gimnastika
2. Ertalabki maxsus gimnastika
3. Jismoniy daqiqalar

4. Umumiy jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlari
5. Musobaqalarga qatnashish
6. Sayr
7. Chiniqtiruvchi mashqlar
8. Gigena
9. Harakatli o'yinlar
10. Sport o'yinlari

Ko'rsatilgan mashg'ulotlarning qaysi shakllaridan foydalanish, bolaning sog'ligi, yosh hamda individual xususiyatlari, jismoniy tayyorgarligi hamda moyiligga bog'liq holda olib borilishi lozim.

**Ertalabki gimnastika:** Ota-onalar kunning dastlabki qismini ertalabki gimnastikadan boshlashlari zarur. Bundan ko'zlangan maqsad bolaning uyqu holatidan bardamlik holatiga o'tishini ta'minlash, organizmning nerv hamda muskul tizimining ishchanligini oshirish, kun davomida uning tetikligini saqlash imkoniyatini oshirishdan iborat. Ertalabki mashqlarni boshlashdan oldin xonaning gigienik holatiga e'tiborni qaratish lozim. Xona havosining musaffoligi, tozaligi va mo'tadil harorat jismoniy mashqlarining samarali va bola organizmi uchun foydali bo'lishiga xizmat qiladi. Ertalabki gimnastika mashg'ulotlarini 10-15 daqiqa davomida bajarish maqsadga muvofiq. Bu vaqt ichida 7-8 ta mashqlar bajarilib, barcha muskul guruhlarini (qo'l, gavda, oyoq) ishtirok etishi ta'minlanadi. Yuqori samaraga erishish uchun albatta oilaning barcha a'zolari (ota-ona va bolalar) mashg'ulotlarni birgalikda doimiy bajarib borishlari zarur.

Ertalabki gimnastikaning asosiy tarkibiy qismlari quyidagilardan iborat bo'lishi lozim:

- A) Turgan joyda oyoq uchida yurish ( 1-1,5 daqiqa)
- B) Turgan joyda yengil yugurish ( 3-5 daqiqa)
- V) Bo'yin, yelka va qo'l muskullari uchun mashqlar.
- G) Gavda muskullari uchun mashqlar
- D) Sakrash harakatlari va yurish.

Har bir mashqni kamida 10 marta takrorlash tavsiya etiladi.

Mashqlar bir maromda hamda engil nafas olish orqali bajariladi.

Bahor, yoz va kuz oylarida mashqlarni ochiq havoda, sport maydonchalarida o'tkazish mumkin. Jumladan, yugurish mashqlarining davomiyligi ochiq havoda 8-10 daqiqa davom etadi. Mashq bajarilgandan keyin 1-2 daqiqa yurish va umumiy harakatlantiruvchi mashqlar bajariladi.

So'ngra ertalabki maxsus gimnastika nafas olishni tartibga solish mashqlari bilan boshlanadi. Oilada ertalabki maxsus gimnastika maqshlarini bajarishda bolalarning yosh va individual xususiyatlari hisobga olinadi. Ilk yoshdagi bolalarning jismoniy rivojlanishi va tarbiyasida quyidagilarga e'tibor qaratiladi: bolaning sog'lig'ini mustahkamlash, ularning tana a'zolarini chiniqtirish, asosiy harakat turlarini rivojlantirish, bolalarni tetik tutuvchi, toliqishlarining oldini oluvchi harakatlarini rivojlantirish uchun shart-sharoit yaratish. Barmoqlarining mayda muskullarini rivojlantirish, yurish va harakat qilishning ayrim ko'nikmalarini rivojlantirish.

Maxsus gimnastika shakli sifatida quyidagilarni tavsiya etiladi:

**1.Emaklash.** Kerakli masofaga, o'rindiq va halqaning tagiga emaklash, 1m. uzunlikdagi zinaga kattalarning yordamida chiqish va undan tushish.

**2.Yurish.** Tayanchsiz to'g'ri yo'nalishda erda yotgan taxtacha ustidan, yo'lkachadan, qiya (10-15 sm yuqoriga ko'tarilgan) taxtachadan yurish, 10sm balandlikdagi sath ustiga chiqish va undan tushish. Pol, erdagi yoki 5-10sm balandlikda joylashgan arqon, xoda yoki taxtacha ustidan o'ta olish.

**3.Yugurish.** To'g'ri yo'nalishda yugurish.

**4.Sport anjomlaridan foydalanish :**Uncha katta bo'lmagan tepalikdan shar va koptokni dumalatish, uni oldinga, yuqoriga irg'itish.

Jismoniy daqiqalar odatda uy sharoitida 5-6 minut davom etib, statik yuklamani ko'taradigan mushaklar guruhiga yo'naltirilgan 4-5 ta mashqlarni amalga oshirish bilan yakunlanadi. Shuningdek, jismoniy daqiqalar tayanch-harakat tizimidagi toliqqan mushaklar holatini yaxshilash va funkstional holatini tiklashga qaratiladi.

**Umumiy jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlari** ota-onalar rahbarligi yoki mustqil tarzda bajarilib, ma'lum bir qoida, ko'rsatmaga asoslanishi shart emas. Ma'lum bir jismoniy tayyorgarlikka ega bo'lmasdan turib, darhol yugurib kelib uzoqlikka sakrash, 100 m ga yugurish yoki akrobatik mashqlarni bajarish tavsiya etilmaydi. Har qanday jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlari 3 qismdan iborat.

1. Tayyorgarlik
2. Asosiy
3. Yakunlovchi

Tayyorgarlik bosqichida qon aylanish va nafas olish organlari hamda tayanch-harakat tizimini muvofiqlashtirishga yordam beradigan mashqlar amalga oshiriladi. Dastlabki tayyorgarlik vaqtida suyak bo'g'inlari, mushaklar va bog'lamlarning elastikligi hamda cho'ziluvchanligi o'zgarib, tana harorati oshadi.

Mashg'ulotlarning asosiy qismi bir qator vazifalarni hal etishga qaratiladi. Jumladan: kuch, chidamlilik, tezlik, epcillik, egiluvchanlik kabi jismoniy sifatlar hamda yugurish texnikasi, yurish, sakrash, uloqtirish va boshqa ko'pgina harakat malakalari va ko'nikmalarini egallashga doir mashqlar bajariladi. Yakuniy qismdagi mashg'ulotlar organizmni tinch, ish oldi holatiga keltirishga qaratiladi. Bunga erkin yurish, sekin yugurish, bo'shashtiruvchi mashqlar yordam beradi.

Demak, jismoniy madaniyat va sport, bolalarning o'qish, mehnat va dam olish tartibotida katta o'rin egallaydi. Jismoniy tarbiya insonning aqliy, jismoniy, ruhiy rivojlanishining uyg'unligi uchun zarur. Jismoniy tarbiya orqali milliy iftixor, g'urur kabi his-tuyg'ularni xalq hayotiga yanada ko'proq singdirishga yordam beradi va har tomonlama jismoniy tayyorgarlik uchun zarur imkoniyatlar yaratadi. Zero, sog'lom bola ota-onaning quvonchi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Mirziyoev SH.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekistan davlatini birgalikda barpo etamiz. - Toshkent: O'zbekistan. 2017.
2. Ma'murov B.B. Bolalar rivojlanishida jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi. T., «Turon Zamin Ziyoyi» 2014.
3. Usmonxo'jaev S.B., Aliev M.B., Sagdiev N.N. Bolalar va usmirlar sporti mashg'ulotlari nazariyasi va uslubiyoti.- T.: «ILM ZIYO» .2006
4. «Maktabgacha ta'lim muassasalarida jismoniy tarbiya» Tuzuvchi- mualliflar: T.S.Usmonxo'jaev, S.T.Islomova. T.: «ILM ZIYO» .2006
5. «Maktabgacha yoshdagi bolalarning umumiy va kengaytirilgan jismoniy tarbiyasi».Tuzuvchi-mualliflar.: K.M.Maxkamjonov, M.Sh.Rasulova va boshq. T.: «ILM ZIYO» .2006
6. «Agar bolam sog'lom bo'lsin desangiz» D.Sharipova va boshq. (Ota-onalarga maktabgacha yoshdagi bolalarning gigienik tarbiyasi ha'ida) metodik qo'llanma. T.: 2006

#### **SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR.**

10.53885/edinres.2021.23.38.042

***O'roqova S.***  
**BuxDU o'qituvchi**

Jamiyatimizda sog'lom turmush tarzini qaror toptirish davlat siyosati darajasiga ko'tarilib, ayni vaqtda Respublikamizda jismoniy jihatdan yetuk, sog'lom avlodni tarbiyalash borasidagi tub islohotlar bosqichma-bosqich amalga oshirilib kelmoqda Inson



dunyoga kelar ekan, baxtli bo'lishni orzu qiladi va unga intiladi. Baxt - keng qamrovli tushuncha bo'lib, inson hayotining mazmuni hisoblanadi. Insonning baxtli hayot kechirishini ta'minlovchi omil - bu uning sog'lom turmush tarzidir.

Turmush tarzining o'zi nima? Sog'lom turmush tarzi nosog'lom turmush tarzidan qanday xususiyatlariga ko'ra farq qiladi?

Turmush tarzi- bu insonning ma'lum maqsad asosida o'zining yashashi, hayot kechirishi uchun zarur bo'lgan turmush sharoitlarini o'zlashtirish usuli.

Turmush tarzini insonning ayrim odat, ko'nikma va malakalarni o'zlashtirish usuliga ko'ra sog'lom va nosog'lom turmush tarzi sifatida ikki guruhga ajratish mumkin.

Sog'lom turmush tarzi deganda quyidagilarni e'tiborga olish zarur:

- faol jismoniy harakat qilish, chiniqish, jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanish;
- kun tartibini oqilona rejalashtirish va unga doimo amal qilish; jismonan va ruhan toliqishga yo'l qo'ymaslik; aqliy va jismoniy mehnatni gigienik talablar asosida to'g'ri rejalashtirish;

- to'g'ri va sifatli ovqatlanish;

- shaxsiy va umumiy gigiena talablariga rioya qilish;

- atrof-muhitni muhofaza qilish, ekologik madaniyatga erishish;

- yuqumli kasalliklar, jarohatlanish va baxtsiz hodisalarning ro'y berishini oldini olish;

- to'g'ri jinsiy tarbiya olish;

- psixogigiena talablari(haddan tashqari asabiylashish va hayojonlanishning oldini olish)ga amal qilish;

- zararli odatlarga berilmaslik (tamaki mahsulotlarini iste'mol qilmaslik, ichkilikbozlik va giyohvandlikka yo'l qo'ymaslik va h.k.).

YUqoridagi mezonlarga asoslanib, quyidagi to'xtamga kelish mumkin: sog'lom turmush tarzi - bu insonning hayoti va salomatligi xavfsizligini ta'minlashga xizmat qiluvchi ko'nikmalarga ega bo'lish asosida hayotiy faoliyatni yo'lga qo'yish hamda salomatligini yuqori darajada bo'lishiga erishishni ta'minlovchi ijtimoiy hodisadir.

Sog'lom turmush tarzini belgilovchi asosiy ko'rsatkich va uni aniqlash mezonlari

*Turmush tarzi* - insonlarning o'zida ma'lum g'oyani ifoda etuvchi hamda turg'un, barqarorlik xususiyatga ega bo'lgan hayotiy faoliyatining muayyan shakli sanaladi.

Insonlarda sog'lom turmush tarzining qaror topishi, uning sog'lom turmush tarzi borasidagi asosiy nazariy bilim va ko'nikmalar bilan qurollanish darajasiga bog'liq.

Sog'lom turmush tarzi ko'nikmalarining shakllanganlik darajasiga muvofiq ular: A, B, V tarzda guruhlarga ajratiladi.

A	B	V
Faol harakat qiladigan, turli mashqlar yordamida organizmni chiniq-tiradigan, ertalabki badantarbiya, shuningdek sport-ning muayyan turi bo'yicha maxsus sport seksiyalarida doimiy shug'ullanadigan shaxs	Faol-harakat qiladigan, turli mashqlar yordamida organizmni chiniqtiradigan, shuningdek, faqat ertalabki badantarbiya mashg'ulotlarini bajarish bilan chegaralangan shaxs	Sust harakatli, qulay sharoitga qarab chiniqish va badantarbiya mashqlarini bajaradigan yoki bajarishga loqayd shaxs
Kundalik rejimni oqilona rejalashtira oladigan va unga qat'iy rioya etadigan, shuningdek, kundalik rejim inson STT ko'nikmalarini shakllantirishda muhim ahamiyatga egaligi xususida	Kun tartibiga izchil ravishda rioya qilmaydigan shaxs	Kun tartibiga befarq qaraydigan shaxs

batafsil tushunchaga ega shaxs		
To'g'ri va sifatli ovqatlanish qoidalaridan xabardor va unga doimiy ravishda amal qiladigan shaxs	To'g'ri va sifatli ovqatlanish qoidalaridan xabardor, biroq unga izchil ravishda amal qilmaydigan shaxs	To'g'ri va sifatli ovqatlanish qoidalariga haqida etarli darajada tushunchalarga ega bo'lmagan shaxs
SHaxsiy va umumiy gigiena qoidalarini borasida to'la ma'lumotga ega hamda ushbu qoidalarga qat'iy amal qiladigan shaxs	SHaxsiy va umumiy gigiena qoidalariga haqida etarli darajada tushunchalarga ega bo'lgan, biroq unga ayrim hollardagina amal qiladigan shaxs	SHaxsiy va umumiy gigiena, uning qoidalariga amal qilish shartlari haqida muayyan tushunchalarga ega, biroq mazkur qoidalarga mutlaqo amal qilmaydigan shaxs
SHaxsda STT ko'nikmalarining shakllanishida atrof-muhitning muhim ekanligi, shu bois uni muhofaza qilish zarurligi borasidagi tushunchalari etarli bo'lgan hamda bu yo'lda o'zi ham amaliy faoliyat olib boradigan shaxs	Atrof-muhitning inson salomatligini saqlashdagi muhim o'rni haqidagi tushunchaga ega, biroq atrof-muhit muhofazasini ta'minlash yo'lida amaliy faoliyat olib bormagan, ayni vaqtda ana shunday harakatni tashkil etishni rejalashtirgan shaxs	Inson hayoti va uning salomatligini saqlashda atrof-muhitning beqiyos ekanligi haqida muayyan tasavvurga ega bo'lmagan yoki uni anglashni istamaydigan shaxs
Turli xildagi jarohatlanish va baxtsiz hodisalaridan saqlanish qoidalaridan xabardor hamda favqulodda vaziyatlarda birinchi tibbiy yordamni ko'rsata oladigan shaxs	To'satdan ro'y beradigan hodisalar haqida etarli darajada tushunchalarga va shunday vaziyatlarda amaliy yordam ko'rsatish huquqiga ega bo'lmagan shaxs	Turli xildagi jarohatlanish va baxtsiz hodisalar ro'y berganda jabrlanuvchiga birinchi tibbiy yordamni ko'rsatish borasida muayyan ma'lumotga ega bo'lmagan shaxs
Zararli odatlarning inson salomatligiga salbiy ta'sir ko'rsatishi haqida tasavvurga ega, tamaki mahsulotlarini chekmaydigan, spirtli ichimlik va giyohvand moddalarni iste'mol qilmaydigan shaxs	Zararli odatlarning inson salomatligiga ta'siri borasida tushunchalari etarli bo'lmagan, tamaki va spirtli ichimliklarni iste'mol qilmaydigan shaxs	Zararli odatlar va uning inson salomatligiga salbiy ta'siri xususida muayyan tushunchalarga ega bo'lmagan hamda ma'lum zararli odatlarni o'zlashtirgan shaxs

Kun tartibi – inson tomonidan tashkil etiladigan turli faoliyat: mehnat qilish, dam olish, ovqatlanish, faol harakat qilish, sport bilan shug'ullanish va hokazolarning ma'lum vaqtlarda tartib bilan ketma-ket bajarilishidir. Tabiiyki, kun tartibi hamma uchun bir xil bo'la olmaydi. U kishining yoshi, kasbi, sog'ligi, ish qobiliyati va turmush sharoitiga qarab belgilanadi. Biroq, barchaning bajarishi zarur bo'lgan umumiy talablar borki, bularga quyidagilar: kun tartibida aqliy hamda jismoniy mehnatning mutanosibligiga erishish, mehnatning o'z vaqtida dam olish bilan almashtirilib turishi, vaqtda ovqatlanish, barvaqt uyquga yotish va o'rindan turishga odatlanish kabi harakatlar kiradi. Kun tartibi insonning butun umri davomida amal qilinishi talab etiladigan murakkab jarayon. Insonning sog'lom yoki nosog'lom turmush tarziga ega bo'lishi ham kun tartibining to'g'ri yoki noto'g'ri uyushtirilishiga bog'liq.

To'g'ri, oqilona uyushtirilgan kun tartibi organizmning har tomonlama

-to'g'ri rivojlanishi;

-irodaning mustahkamlanishi;

-mehnat unumdorligining oshishi, ishchanlik qobiliyatining uzoq vaqt saqlanishi;

-kasallanishning oldini olishi (va hokazo)ga ijobiy ta'sirini ko'rsatadi.

Aksariyat bolalar vaqtlarini noto'g'ri o'tkazadilar, natijada ular doimiy ravishda vaqt tanqisligidan aziyat chekadilar, har bir ishni shoshilib bajaradilar, ovqatni yaxshi chaynamay iste'mol qiladilar, uyquga kech yotadilar, ertalab barvaqt turmaydilar va toza havoda sayr qilish o'rniga 5-6 soatlab televizor ko'radilar. Bunday bolalar kun tartibi borasida tushunchalarga ega emasliklari yoki noto'g'ri tuzilgan kun tartibiga amal qilishlarini e'tirof etadilar.

Biroq qat'iy aytish mumkinki, har bir o'quvchi kun tartibiga amal qilsa, uyqu, mehnat, ovqatlanish, televizor ko'rish, sport bilan shug'ullanish, dars tayyorlash, shuningdek, o'y ishlarini bajarishga yordamlashish uchun ham vaqt topa oladi. Faqatgina kundalik faoliyatni to'g'ri rejalashtira olishi lozim.

Kun tartibini tuzishda quyidagi qoidalarga amal qilish tavsiya qilinadi:

-turli faoliyatni tashkil etish vaqti, ularning eng ma'qul davomiyligi, bir-biri bilan navbatlashuvi va vaqtini aniqlash;

-dam olish vaqtini iloji boricha ochiq havoda o'tkazish;

-o'z vaqtida sifatli ovqatlanish;

-to'laqonli uyqu, gigienik madaniyatning shakllanishi.

Inson uzoq va tinch hayot kechirish maqsadida sog'lom, tetik va baquvvat bo'lishi, o'z yoshligi, husni hamda ishchanlik qobiliyatini saqlashga harakat qiladi. Bunga erishishning asosiy omillaridan biri - jismoniy harakat sanaladi.

A.Avloniyning «Badanning salomat va quvvatli bo'lmog'i insonga eng kerakli narsadir. Chunki o'qimoq, o'qitmoq, o'rganmoq va o'rgatmoq uchun insonga kuchli, kasalsiz jasad lozimdir» degan qarashlari jismoniy tarbiya insonning sog'lom turmush kechirishida asosiy omil ekanligini asoslovchi dalildir.

#### **Adabiyotlar :**

1.Mirziyoyev SH.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. T. - Toshkent:O'zbekistan.. 2017.

2.Mirziyoyev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Toshkent: O'zbekistan. 2017.

3.Ma'murov B.B. Bolalalar rivojlanishida jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi.Toshkent,2014

4.Саломов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари — Тошкент., Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти. 2005 йил - 238 бет

5.Гончарова О.В. Ёш спортчиларни жисмоний қобилиятини ривожлантириш .Тошкент., Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти. 2005 йил - 171 бет

## **РОЛЬ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА В СИСТЕМЕ ОЗДОРОВИТЕЛЬНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ**

10.53885/edinres.2021.17.43.051

**Баймуратов Раджаб Сайфитдинович**

*Бухарский государственный университет,  
Бухара, Узбекистан,*

**Бахшуллаева Малохат**

*Бухарский государственный университет,  
Бухара, Узбекистан,*

**Аннотация:** В статье изложено что о укреплении здоровья, необходимо с детства закалять свой организм, соблюдать основные положения и требования личной и общественной гигиены, многих других слагаемых здоровья. Особое место в структуре оздоровительных мероприятий, осуществляемых в системе народного образования, занимает двигательный режим - физическая культура, спорт, активный досуг

**Аннотация:** Maqolada, salomatlikni mustahkamlash uchun bolalikdan o'z tanangizni tinchlantirish, shaxsiy va jamoat gigienasining asosiy qoidalari va talablariga va sog'likning boshqa ko'plab tarkibiy qismlariga rioya qilish kerak. Xalq ta'limi tizimida o'tkaziladigan ko'ngilochar tadbirlar tarkibida motorli rejim - jismoniy madaniyat, sport, faol dam olish alohida o'rin tutadi.

**Аннотация:**The article states that about health promotion, it is necessary to temper your body from childhood, to comply with the basic provisions and requirements of personal and public hygiene, and many other components of health. A special place in the structure of recreational activities carried out in the system of public education is occupied by the motor regime - physical culture, sports, active leisure

**Ключевые слова:** двигательный режим, физическая культура, спорт, активный досуг, самочувствие и работоспособность

Здоровье - самый драгоценный дар, который человек получает от природы. Но чтобы укрепить его, необходимо с детства закалять свой организм, соблюдать основные положения и требования личной и общественной гигиены, многих других слагаемых здоровья.

Особое место в структуре оздоровительных мероприятий, осуществляемых в системе народного образования, занимает двигательный режим — физическая культура, спорт, активный досуг. И это понятно! Известно, например, благотворное влияние на организм детей такого популярного вида спорта, как плавание. Систематические тренировки на «голубых дорожках» улучшают функциональное состояние сердечно-сосудистой и дыхательной систем детей и подростков, способствуют совершенствованию координации движений, деятельности внутренних органов, т. е. позволяют существенно укрепить здоровье, улучшить самочувствие и работоспособность учащихся.

Уместно особо подчеркнуть, что травмоопасность физических упражнений далеко не всегда вполне очевидна. Возьмем хотя бы притягательный для молодежи любительский бокс. Казалось бы, сам характер единоборства на ринге — удары кулаками (пусть даже и в перчатках) по туловищу и голове соперника — обуславливает негативный потенциал в отношении здоровья спортсменов. Между тем, по наблюдениям европейских страховых агентов, бокс по уровню травматизма занимает среди различных видов спорта лишь 15—16-е место. В «лидерах» же оказались легкая атлетика, теннис, настольный теннис и кегли.

В содержание физкультурного комплекса «Алпомиш» и «Барчиной» аргументированно включены вопросы, напрямую связанные с обеспечением необходимых мер безопасности и предупреждением несчастных случаев. Важность их очевидна, ведь речь идет о главном — сохранении жизни и здоровья людей. Учителям физической культуры, классным руководителям, наставникам спортивных секций, родителям учащихся — всем, кто причастен к воспитанию подрастающего поколения, необходимо настойчиво и

квалифицированно разъяснять школьникам основные положения соответствующих требований комплекса «Алпомиш» и «Барчиной», воспитывать у них устойчивую привычку к соблюдению этих правил и рекомендаций.

Заповеди физкультурного благополучия — тема многосторонняя. Сегодня мы размещаем о гигиенических аспектах занятий физическими упражнениями.

**Искусство быть здоровым.** Утонуть, как известно, можно и в блюдце с чаем. Не случайно поэтому в любом деле есть особый кодекс безопасности, сводящий уровень риска к минимуму. Комплекс таких мероприятий разработан и в сфере физической культуры.

Первостепенная заповедь — систематический медицинский осмотр. Врачебное заключение о допуске к занятиям любимым видом спорта имеет основополагающее значение. И дело не только в том, что в организме могут быть скрытые отклонения от нормы. Допустим, что вполне здоровый подросток принял решение заняться плаванием. В этом случае даже самые незначительные повреждения зубов доставят ему немало неприятностей во время нахождения в прохладной воде. А некоторые абсолютно здоровые люди плохо переносят попадание воды в уши: капли жидкости вызывают раздражение вестибулярного анализатора. Вот почему, Прежде чем приступить к любым тренировочным занятиям, следует обязательно получить «добро» медиков. И в дальнейшем, естественно, не порывать с ними дружбу, посещать школьный врачебный кабинет либо поликлинику не реже двух раз в год.

Другое правило — четкое соблюдение главных законов физического воспитания. Безрассудно, к примеру, приобщаться к закаливанию путем «моржевания», познавать азы легкой атлетики в марафонском пробеге, подниматься на вишку для прыжков в воду, не умея плавать. В каждом деле надо соблюдать логическую последовательность и преемственность. Новый элемент, более сложное упражнение должно опираться на уже достигнутое, прочно усвоенное. Темп и ритм можно увеличивать лишь без перегрузки организма. А начинать физкультурные занятия следует непременно с малых объемов. Более того: лучше тренироваться 3—4 раза в неделю по 15 мин., чем один раз по часу. Нерегулярными занятиями многого не добьешься!

Перед физическими упражнениями необходимо позаботиться о надлежащей экипировке — одежде, обуви, защитном снаряжении. Все компоненты спортивной формы должны быть подогнаны по фигуре, чистыми, опрятными, Пренебрегать специальными средствами безопасности совершенно недопустимо. Никому не нужная бравада, переоценка своего спортивного мастерства, ошибочная убежденность в том, что страховочное оснащение тяжело и неудобно, что оно создает впечатление отсутствия истинного мужества, провоцируют юных физкультурников на трагические поступки. Велосипедисты, например, иногда вместо шлема надевают на голову лишь легкую кепочку. В то же время скорости на отдельных участках трассы достигают 40 км/час. В таком случае удар головой о землю при случайном падении неизбежно приведет к тяжелой травме, а то и к смерти. Защитный шлем же уменьшает силу удара в 3—5 раз.

Следующее правило — качественная разминка. И это не унылая формальность, как часто кажется ребятам. Подготовительные упражнения, мысленное представление структуры предстоящих движений помогают привести в оптимальное состояние нервную систему, активизировать дыхание и кровообращение, «прогреть» мышцы и «прокрутить» суставы. Человек начинает лучше ориентироваться в пространстве, его движения становятся более четкими, экономными, внутренние органы и системы обретают способность выдерживать самый «жесткий» режим физических и нервно-эмоциональных нагрузок. Если же

включиться в занятие и тем более принять старт без разминки — быть беде! Школьник как бы заранее обрекает себя на ссадины, ушибы, повреждения мышц и сухожилий, более серьезные травмы.

Ногирон болалар ва уларнинг тенгдошларини битта гуруҳга бирлаштириш ривожланишда меъёрдан четлашиш кузатиладиган болаларнинг ижтимоийлашуви,

уларнинг жамиятга интеграциялашуви учун қулай шароитлар яратади, психологик комплексларни бартараф этишга хизмат қилади.

**Адаптив жисмоний реабилитация** – *адаптив жисмоний маданиятнинг саломатлиги меъёрда бўлмаган шахснинг даволаниш, вақтинчалик йўқотилган функцияларни тиклаш (асосий касаллик, масалан, ногиронлик сабабчиси саналган касаллик туфайли узоқ муддатга ёки умрбод йўқотилган функциялардан ташқари) эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган таркибий қисми (тури).*

**Хулоса.** Адаптив жисмоний реабилитациянинг асосий мақсади ногиронларнинг у ёки бу касалликка мос руҳий реакциясини шакллантириш, уларни организмнинг тезроқ тикланишини рағбатлантирадиган табиий, экологик жиҳатдан оқланган воситалардан фойдаланишга; мос келувчи жисмоний машқлар комплекси, гидровибромассаж ва ўзини уқалаш усуллари, чиниқтирувчи ва термик жараёнлар ва бошқа воситалардан (Су-Джок акупунктура ва ҳ.к.) фойдаланиш кўникмаларини ўрганишга йўналтириш ҳисобланади.

#### **Адабиётлар**

1. Джозеф Винник (Joseph Winnick). Адаптивное физическое воспитание и спорт (Adapted Physical Education and Sport). – Киев: Олимпийская литература, 2010. – 608 с.
2. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. – Т.: Иқтисодиёт, 2014. – 84 с.
3. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т.1. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2005. – 296 с.
4. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т. 2. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2007. – 448 с.
5. Частные методики адаптивной физической культуры: учебник / Под общ.ред. Л.В.Шапковой. – М.: Сов.спорт, 2007. – 608 с.

### **11-13 ЁШЛИ БОКСЧИЛАРНИНГ СПОРТ МОТИВАЦИЯСИ**

10.53885/edinres.2021.15.41.053

**“ЎзДЖТСУ-БГУФК” 2-босқич магистранти  
Ж.М.Эргашев**

Жахонда барча спорта турларида рақобатнинг кескин ортиб бориши кузатилиб турган айни дамда, барча спорт турлари қатори бокс спорт турида ҳам мурасасиз рақобат кузатилмоқда. Рақобат давом этаётганлиги эса соҳа мутахасислари олдида аввало аҳоли саломатлигини мустахкамлаш, аҳоли генафондини яхшилаш ва албатта рақобатбардош, халқаро ареналарда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладигин руҳам ва жисмонан бақувват, миллий терма жамоа таркибига кира олиш имкониятига эга спорчиларни етказиб беришдек вазифаларни юкламоқда.

Албатта ушбу вазифаларни амалга оширишда зарур имкониятларни яратиб беришда ҳукуватимиз томонидан қаратилаётган этиборни ҳам алоҳида такидлаш зарур. Хусусан, Ўзбекистон республикаси президентининг Боксни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги, ПҚ-5099 сонли 29.04.2021 йилдаги қарори бунга яққол далилдир.

Ушбу қарорда мамлакатимизда ёшларнинг боксга бўлган оммавий қизиқишини инобатга олиб, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) тизимини янада такомиллаштириш, соҳа мутахасисларини тайёрлаш ва уларнинг моддий рағбатлантирилишини яхшилаш, шунингдек, ўзбек боксининг дунёдаги етакчилигини сақлаб қолиш ва давом эттириш мақсадида бир қатор масалалар ўз ечимини топган.

Келажак авлодни спортга бўлган қизиқишини шунингдек, болаларнинг спортга бўлган интилишларини янада қўллаб қувватлаш борасидаги кенг қўламли

ислоҳатлар амалга оширилди. Ёшларни спортга кенг жалб қилиш юзасидан ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари ўз самарасини беряпти деб ҳеч иккиланишларсиз айта оламиз ва бунга жавобан юртдошларимиз томонидан, баркамол етук келажак авлодни тарбиялашда ва вояга етазишда спортнинг ўрни беқиёслигини, бугунги кунга келиб аҳолимиз тўла тушуниб етди десак муболаға бўлмайди.

Олиб борилаётган ислоҳатларга қарамадан саҳаларда баъзи бир камчиликлар кўзга ташланиб тургани ҳам айна ҳақиқатдир. Р.А.Пилюян,[1984]; А.В.Радионон,[2008]; А.Н.Блеер,[2009]; З.Г.Гаппаров,[2010]; С.С.Тажобаев,[2017] УсманходжаевТ.С.[2018]; томонидан спорт мотивациясини ривожлантириш ва шакллантириш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилган. Ўтказилган тадқиқот ишларида спорт мотивациясини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ҳаракатли ўйинларни таъсири етарли даражада ўрганилмаганлиги тадқиқот ишимизнинг долзарблигини белгилаб беради.

Ҳозирги кунда бокс спортининг энг долзарб муаммоларидан бири, бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11-13 ёшли боксчиларнинг психологик тайёргарлик ҳолатларига етарли даражада эътибор берилмаслиги, боксчиларнинг юқори натижаларни қайд этишига тўсқинлик қилаётган долзарб муаммолардан биридир.

Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11-13 ёшли боксчиларнинг психологик ҳолатларига етарли даражада эътибор берилмаслиги ва болаларнинг фикрлари билан қизиқиб кўрмаслик баъзи ҳолларда контингентни кескин даражада тушиб кетишига сабаб бўляпти десак муболаға бўлмайди.

Ушбу ҳолат эса соҳа мутахасислари ва тадқиқотчи мутахасислар олдида боксчиларнинг психологик тайёргарлигини аниқлашда замонавий, талаб даражасидаги технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг тадбиқ этишдек вазифани юклайди.

11-13 ёшли бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи спортчиларга “Сиз машғулот жараёнинг боришидан қониқаяпсизми” деб берилган саволга респондентларимизнинг 65,2%и ўзлари айтган фикрларига қатъий ишонч билан, “ҳа тўғри мен машғулотлар, ва унда берилаётган юкламаладан мамнунман” дея фикрларини айтиб ўтишди. 21,7% машғулот жараёнинг боришидан қониқмаётганлигини, 13,04%и эса ўзлари айтган фикрларига унчалик ишонч билан бўлмасда машғулотлардан қониқётганлигини айтиб ўтишди.

Тадқиқотда иштирок этаётган респондентларимизга Анкета сўровномасидан, тақдим этилган кейинги савол қуйдагича эди. “Сиз машғулот усулларида айрим нарсаларни ўзгартиришни истайсизми?”. Бу саволга ҳам барча иштирокчилар турлича жавоб беришди. Қуйида берилган жавобларни таҳлил қиламиз.

34,78%ли натижа кўрсаткич “йўқ машғулот жараёнидаги усул ва воситаларга ҳеч қандай ўзгартириш киритиш керак эмас” деган бўлса, 39,13%и эса ўз фикрларига қатъий ишончсизлик билан “ҳа шундайга” ўхшайди деб айтиб ўтишди.

17,39% иштирокчилар машғулотлар жараёнидаги баъзи бир қисмларни ўзгартирилишини тўғри деб билсалар, 8,69% бошланғич тайёргарлик босқичидаги спортчилар машғулотлар жараёнидаги айрим қисмларга ўзгартириш киритиш орқали натижаларни янада оширишларига этишиш мумкинлигини такидлаганлар.

11-13 ёшли бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи боксчиларга “Сиз бу мавсумда муваффақият қозонишингизга ишонасизми?” деб берилган анкета сўровномасидаги саволга қуйдагича жавоб беришди (1-жадволга қаранг).

Бу мавсумда муваффақият қозонишларига юқори натижа қайт этишларига тўла ишонишмаганлар сони фоизлар кесимида ҳисобланганда 17,39%ни ташкил қилади.

17,39% иштирокчилар машғулотлар жараёнидаги айрим қисмларни ўзгартирилишини тўғри деб билсалар, 8,69% 11-13 ёшли бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи боксчиларга машғулотлар жараёнидаги айрим қисмларга ўзгартириш киритиш орқали натижаларни янада оширишларига ишонишларини такидлаган.

11-13 ёшли бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи боксчиларга тақдим этилган навбатдаги яъни, “Сиз бу мавсумда муваффақият қозонишингизга ишонасизми?” деб берилган саволга қуйдагича жавоб беришди. Бу мавсумда муваффақият қозонишларига тўла ишонишмаганлар ва эришишлари кутилаётган натижага ишончсизликда бўлганлар 17,39%ни ташкил қилди.

Муваффақият қозонишларига ва юқори натижаларни қайт қилишларига умид қилаётганлар кўрсаткичи, 30,43%ни ташкил қилган бўлса, муваффақият қозонишларига ишончлари комил, қаттият билан жавоб берганлар сони аксарият қисимини яъни 52,17%ни ташкил қилди.

Боксчилардан машғулот жараёнида “ўзингизни ҳар тарафлама фаолман деб ҳисоблайсизми?” мазмунидаги саволга олинган жавоблар фоизлар ҳисобида қуйдагича бўлди.

Боксчилар тамонидан бизга тақдим этилган жавобларни таҳлил қилиб шу нарсани кузатиш мумкинки, машғулот жараёнида ўзларини фаол эмаслигини такидлаганлар ҳам бўлди ва булар, 13,04%ни, машғулот жараёнида ўзларининг фаол ёки фаол эмасликлари ҳақида аниқ бир тўхтамга келаолмаганлар 17,39%ни ташкил қилган бўлса, машғулот жараёнида “мен фаолман” деб жавоб берганлар ҳам топилди ва бу шуғулланувчилар фози, 39,13%ни ташкил қилдилар. Бу масалани салбий тарафлари ҳам аниқланди, ва бу салбий жихати шундан иборатки, машғулот жараёнида ўзларини ҳар тарафлама фаолман деб ҳисоблайдиганлар нисбатан кам, яъни 30,39%га тушганликларини кўришимиз мумкин.

11-13 ёшли бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи боксчиларга “Сиз машғулот жараёнинг боришидан қониқаяпсизми?” деб берилган саволга респондентларимизнинг 21% машғулот жараёнинг боришидан қониқмаётганлигини, 25%ни ўзлари айтган фикрларига қатъий ишонч билан “Ҳа тўғри мен машғулотлар, ва унда берилаётган юкламаладан мамнунман” дея фикрларини айтиб ўтишди. 13,%ни эса ўзлари айтган фикрларига унчалик ишонч билан бўлмасада машғулотлардан қониқаетганлигини айтиб ўтишди.

Анкета сўровномамидаги, 11-13 ёшли бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи боксчиларга тақдим этилган кейинги савол қуйдагича эди. “Сиз машғулот усулларида айрим нарсаларни ўзгартиришни истайсизми?”. Бу саволга ҳам спортчилар турлича жавоб беришди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Блеер А.Н. Психологические механизмы формирования активности единоборца. Материал в Международной научно – практической конференции психологов физической культуры и спорта. «Рудиковские чтения» 2-5 июня. М.: 2009. с. 54.

2. Гаппаров.З.Г. Якка курашчиларни психологик таёрлаш ( Эркин кураш мисолида) Тошкент 2010. 143.

3. Пилоян.Р.А.Мотивация спортивной деятельности. М.: ФиС, 1984. с. 13-14.

4. Радионов. А.В. Практика психологии спорта. – Ташкент: Лидер – пресс, 2008.

5. Тажибаев С.С. Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси. Пед...фан.бўй.фал.док.диссертацияси.-Тошкент, 2017, 160 б.

6. УсманходжаевТ.С. Sport va Harakatli O'yinlar (Спорт и подвижные игры). Учебник. Ташкент: Чулпан. 2018.



## BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARI BILAN OLIB BORILADIGAN SPORT ISHLARINING PEDAGOGIK ASOSLARI

10.53885/edinres.2021.60.64.055

**Z.Sh.Yusupova**

*Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston*

**A.T.Temirov**

*Buxoro davlat universiteti, talaba Buxoro, O'zbekiston*

*Pedagogical bases of sports work with primary school swimmers*

**Z.Sh.Yusupova**

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

**A.T.Temirov**

*Bukhara State University, student Bukhara, Uzbekistan*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'yinlar yordamida jismonan rivojlantirishning o'ziga xos yo'llari hamda vazifalari ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** boshlang'ich ta'lim, sport, jismoniy tarbiya, jismoniy rivojlanish, jismoniy sifatlar.

**Аннотация:** В данной статье разъясняются конкретные способы и задачи физического развития младших школьников с помощью игр.

**Ключевые слова:** начальное образование, спорт, физическое воспитание, физическое развитие, физические качества.

**Annotation:** The article explains the specific methods and tasks of physical development of young school students with the help of games.

**Key words:** primary education, sports, physical education, physical development, physical qualities.

O'zbekiston jismoniy tarbiya tizimida sport o'quvchilarning har tomonlama jismoniy tarbiyasining asosiy vosita va metodlari sifatida qaraladi. Boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarning jismoniy tarbiyasida ham sport katta o'rinni egallaydi. Sport jismoniy tarbiya vositasi sifatida bolalarning sog'ligini mustahkamlash uchun katta imkoniyatlarga egadir. To'g'ri tashkil etilgan sport mashg'ulotlari markaziy nerv tizimini (MNT) takomillashtirishga, o'pka, yurak tomiri tizimining ishlarini yaxshilashga, muskul hajmining, qon tarkibining, modda almashuvining yaxshilanishiga imkon yaratadi.

Sport bilan shug'ullanish jarayonida tarbiyaviy masalalarning bir qatorini va eng avvalo ijobiy axloqiy va irodalilikni tarbiyalashni hal etish uchun sharoitlar yaratiladi. Ilmiy kuzatishlar, amaliy tajribalar shu narsani ko'rsatadiki, to'g'ri tashkil etilgan mashg'ulotlar bolalarni umumta'lim fanlari bo'yicha o'zlashtirishni yaxshilashga imkon beradi, bolalarni mehnatga o'rgatadi, irodali xarakterni tarbiyalaydi, axloq madaniyati, intizomini oshiradi va karakterining boshqa ijobiy tomonlarini tarbiyalaydi. Bolalik davrida sport bilan o'z vaqtida shug'ullanish sport ustalari o'rinbosarlarini yetishtirishga imkon beradi. Bularning hammasi sportni o'quvchilarni jismoniy tarbiyasining almashtirib bo'lmaydigan vositasi bo'lib qolishiga olib keladi.

Maktab yoshidagi bolalarni jismoniy tarbiyada sport elementlari bolalarning o'quv mashg'ulotlarda maktabdan tashqarida va kundalik hayotida o'z o'rnini egallaydi. Bu mashg'ulotlar: a) ayrim sport turlarining sport texnikasini egallashda; b) bolalarni uzoq vaqt bir tizimda trenirovka talab etmaydigan oddiy sport musobaqalarda qatnashishga olib keladi.

Sport elementlari maktab dasturiga kiritilgan. Bolalar darsda gimnastika mashqlarining, yengil atletikaning, voleybol, basketbol, badiiy gimnastika, milliy kurash, suzishning texnik asoslarini o'rganadilar. O'quv normalarini topshirish sport musobaqalari

shaklida o'tkaziladi. Umumiy olganda jismoniy mashqlarni bajarishning ixtiyoriy ko'rinishiga (ertalabki gigiyenik gimnastika, quvnoq daqiqa va boshqalar) musobaqa elementlarining kiritilishi mashg'ulotning qiziqarli (emotsional) o'tishiga ko'maklashadi, mashqlarni yaxshiroq sifatli bajarilishiga imkon yaratiladi. Musobaqalar, mashq texnikasini o'rganish guruh jamoalar yig'ilishlarida, sog'lomlashtirish kunlarini, maktabda jismoniy tarbiya bayramlarini o'tkazishda amalga oshirilishi mumkin. Maktabdan tashqari musobaqalarda, turar joylarda, mahallalarda parklarda eng yaxshi yuguruvchilar, balandlikka sakrovchilar, irg'ituvchilar, suzuvchilar musobaqasi keng o'tkaziladi.

Bolalar bilan olib boriladigan sport ishlarida 2 yo'nalishni ajratishimiz mumkin: 1) sport elementlarining jismoniy tarbiyada qo'llanilishi - sportga bo'lgan qiziqish va yaqinlashishni dastlabki bosqichidir; 2) sportning ayrim turlari bo'yicha ixtisoslashtirilgan mashg'ulotlari. Sportning ixtisoslashtirilgan mashg'ulotlari yuqori malakali yosh sportchilarni ommaviy sport ishlarining tashkilotchilarini, sport bo'yicha jamoatchi hakam, instruktorlari tayyorlashga qaratilgan. Sportning ixtisoslashtirilgan mashg'ulotlari BO'SM maktab jamoasining sport seksiyalarida o'tkaziladi. Uning vazifasi shundan iboratki, bolalar sistemali mashq o'tkazadilar, sportning tanlab olingan turi, texnikasi va taktikasini egallaydilar, sport musobaqalarida qatnashadilar, jismoniy sifatlarini rivojlantiradilar, organizmning funksional imkoniyatlarini oshiradilar.

Bolalar bilan olib boriladigan sport mashg'ulotning xususiyatlari.

1. Bolalar bilan o'tkazilayotgan mashg'ulotlarida koordinatsion qobiliyatlariga ko'ra texnik va taktik ko'nikmalarni (gimnastika, akrobatika, figurali uchish, sport o'yinlari, yengil atletika va h.k)ni murakkab bo'lgan ko'p miqdorini egallash ustida uzoq davom etuvchi ishlarini talab qiluvchi sport turlariga qaratilish kerak.

Texnika va taktika bilan bog'liqligi bolalar yuqori natijalarga erishish uchun yetuk emas, lekin o'smirlik ma'lum yoshga yetganlarida, ularni yuqori natijalarga olib chiqish mumkin bo'lgandagi vaqtiga murakkab texnikani egallashda bolalar organizmi eng yaxshi holda hisoblanadi. Ular texnikani mukammal egallashlari lozim. Shundagina butun olib borilayotgan ish maxsus tayyorgarlikka qaratiladi. Agar Latinina, Isxakova, ter-Avanesyan, Dumbadze va boshqalarning sport tarjimaiy holiga nazar tashlasak, ular o'smirlik davriga kelib yuqori natijalarga erishganlar. Olimpiya o'yinlarining terma komandasiga kirgan ko'pgina sportchilar juda yosh edilar, dunyo miqyosida yuqori natija ko'rsatish uchun kamida 7-8 yil mobaynida tayyorgarlik kerak. Sport sohasidagi ishlarining staji esa 7-8 yilga teng. Terma komandamizdagi sportchilarning 70% i 20-21 yoshlilardir.

2. Yosh bolalar bilan ish olib borilayotganda muhim maxsus bilim va ko'nikmalarni talab etiladigan sport turlari (alpinizm, motto va avtoturlari) qo'llanilmaydi.

3. Sport turi bo'yicha mashg'ulotni boshlash har xildir. Shuning uchun biz sport bilan mashg'ulotlarni erta boshlash haqida emas, balki sportning har bir turida o'z vaqtida boshlash to'grisida gapiramiz. Ba'zan sport bilan erta shug'ullanish sog'liqqa zarar yetkazib, sport texnik natijalarini o'sishini to'xtatadi, chegaralaydi. Sportning bu turlari hammadan ko'proq chidamlilikni, kuchni talab etadi (boks, shtanga, uzoq va o'rta masofaga yugurish).

Oxirgi yillarda bolalarning sevimli o'yinlaridan biri rolikli konkida uchish bo'lib qoldi va ommaviy holda ko'chalarda turar joylarda mustaqil shug'ullanadilar. Agarda rolikli konkida yugurishni sport turi sifatida maktablarda to'garak tashkil qilinsa, unga qabul qilishni 9-10 yoshdan oldin boshlash maqsadga muvofiq emas, chunki kichik yoshdagi bolalar yugurish texnikasini egallashga tayyor emas, oyoqlarning bo'sh muskullarni bukulish hollarini saqlay olmaydi va to'g'ri oyoqda yuguradilar, ya'ni noto'g'ri texnikani egallaydilar. Ammo sportdagi kelgusi muvaffaqiyatlarining fundamenti bolalik va o'smirlik sportida qo'yila boshlanadi. Sport tarjimaiy hol ko'p yillik kuzatishlar tahlili sportning ayrim turlari bilan mashg'ulotni boshlash uning xususiyatiga bog'liqligini ko'rsatadi. Masalan, 7-8 yoshda suzish va figurali uchish bilan 8-9 yoshda tog changi sporti, suvga

sakrash, tennis bilan; 9-10 yoshda; 7-8 b.gimnastika, 8-9 yoshda akrobatika, sport gimnastika; 7-8 - (qizlar), 10-11 yoshda - futbol, xokkey, qo'l to'pi, voleybol, basketbol; 11-12 yoshida- yengil atletika, chang'i musobaqasi, velosiped, suv to'pi, 12-14 yoshda - boks va hokazo bilan shug'ullanish mumkin (bu ma'lumotlarni aniqlash kerak, chunki hozirgi davrda yil sari milliy terma komandada qatnashuvchilarning yoshi kichrayib bormoqda), demak sport turlari bo'yicha shugullanishni ancha oldin boshlayaptilar. Eng yuqori muvaffaqiyatlar 25 yoshda erishiladi, lekin yildan yilga yoshi kamayib bormoqda, hozirgi gimnastikada 13-14 yoshlik chempionlar bor.

4. Katta yoshdagi bilan taqqoslanganda mashqlarning bajarishning texnik shartlari o'zgarmoqda: snaryadlar o'lchami, kamaymoqda, shakli o'zgarmoqda, maydon o'lchami ham kamaymoqda, masofalar qisqarmoqda, mashqlarni bajarish yengillashmoqda. Kichik yoshdagi bolalar va o'smirlarning yutuqlariga beriladigan baholar kamaymoqda. Ko'p yil davomida bolalar bilan mashg'ulotlar o'tkazish uchun inventoirlarning maxsus standartlarini ishlab chiqmoqda.

5. Mashg'ulotlar kattalarga nisbatan umumiy jismoniy tayyorgarlikning kengroq bazasida o'tkazilishi lozim. Ular mazmun jihatdan turlicha bo'lishi kerak. Mashqlarni faqat maxsus turidan tanlanishiga chek qo'yish kerak (bir tomonlama spetsifika), chunki bu yuklamaning ortib ketishiga olib keladi. Ayrim hollarda sportchi bo'yi o'sishining to'xtab qolishi, umumiy jismoniy rivojlantirishning yetarli bo'lmaganiga bog'liqdir.

Shu narsa xarakterliki, AQSH terma komandasida faqat b/bol bilan shug'ullanadigan birorta ham o'yinchi yo'q edi. Hamma o'yinchilar sportning yana 9 turi bilan shug'ullanadilar. Lekin b/bol bo'yicha o'smirlarga qo'yilgan talab shundaki, har bir b/bolchi Amerika f/boli, beysbol, tennis, suzish va yengil atletikaning ayrim turlari bo'yicha maktab terma komandasida bo'lish kerak. Bizning terma komanda-mizdagi ko'pgina o'yinchilar sportning boshqa turlari bilan shug'ullanmaydilar.

6. O'zbekistonda yosh bo'yicha bolalar va o'smirlar musobaqalarning tizimi ishlab chiqilgan:

9-10 maktab bo'yicha -1 bosqich

11-12 maktab bo'yicha-1 bosqich

13-14 tuman, shahar, vil.miqyosida - II bosqich

15-16 viloyat, respublikasi miqyosida - III bosqich

17-18 viloyat, respublikasi miqyosida - III bosqich

7. O'quvchining yoshi qancha kichik bo'lsa, musobaqa masshtabi shuncha kichik bo'ladi (Sog'liqni saqlash, jismoniy va psixologik yukla maning ortishi), chunki musobaqalar qancha yiriklashsa, talab va hayajonlanish shuncha katta bo'ladi.

8. Sport turlari bo'yicha har bir yoshda musobaqalar soni o'atilgan. Masalan: 11-12 yoshlilar uchun gimnastikadan (5-6) umumiy jismoniy tayyorgarlik bo'yicha (2 ta) klassifikatsiya 13-14 yoshidagi umumiy jismoniy tayyorgarlik bo'yicha (5-6), (4) klassifikatsiya - yengil atletika va hokazo.

### **XULOSA**

Yosh avlod tarbiyasida jismoniy tarbiya va sportning ahamiyati beqiyos. Xususan boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarning jismoniy tarbiyasida ham sport katta o'rinni egallaydi. Sport jismoniy tarbiya vositasi sifatida bolalarning sog'ligini mustahkamlaydi. Bu imkoniyatlarni amalga oshirishda jismoniy tarbiyaning sinfdan hamda maktabdan tashqari shakllarining o'ziga xos maqsad, vazifalari borki unga ko'ra sport to'garaklarini tashkil etish va tizimli joriy etish o'quvchilarning sportga bo'lgan qiziqishlarini oshishiga shuningdek jismoniy jihatdan kamol topishida xizmat qiladi.

### **Adabiyotlar ro'yxati**

1. Юсупова Зулфизар Шариповна Методы организации физической подготовки в дошкольных образовательных организациях // Проблемы науки. ISSN 2542-

0801(online) ISSN 2413-7081-(print)ГОСТ 7.56-2002. – 2020. – №. 09 (54) ст.46-48

2. Yusupova Zulfizar Sharipovna, Shukurov Rahim Salimovich, Akramova Gulxayo Sharipovna (scopus) The features of the psychological preparation process of turon firgtersto competitions // International Journal of psychosocial, vol 24, ISSUE 06, 2020 ISSN:1475-7192 ст.3076-3083
3. Юсупова З.Ш. АCADEMY научно-методический журнал Принципы и методы организации физкультурно-спортивных мероприятий в образовательных учреждениях. ISSN 2412-8236 ГОСТ 7.56-2002 ст.96-99
4. Юсупова З.Ш. Ученый XXI века международный научный журнал Требования к выполнению упражнений на уроках физкультуры. УДК 37. ISSN 2410-3586
5. Yusupova Zulfizar Rakhimova Laylo Methods for determining the degree of physical fitness USA International Conference SCIENTIFIC RESEARCHES FOR DEVELOPMENT FUTURE March 28, 2020, New York, ст.76-79
6. Abdullayev Sh.Dj. Yusupova Z.Sh. Бухоро Давлат Университети Илмий ахбороти THEORETICAL ANALYSIS OF THE PROCESS OF RECOVERY OF THE ABILITY OF INDIVIDUAL WRESTLERS TO WORK IN THE POST-COMPETITION STAGE 2020/6(82) ст. 271-276
7. Юсупова З.Ш. СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ. Проблемы науки №2(61)2021. ISSN 2413-2101(гост) ISSN 2542-078X(онлайн)

## **BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI INOBATGA OLGAN HOLDA TA'LIM TARBIYA JARAYONINI TASHKIL ETISH**

10.53885/edinres.2021.39.22.056

**Z.Sh. Yusupova**

*Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston*

**A.Y. Temirov**

*Buxoro davlat universiteti, talaba Buxoro, O'zbekiston*

Организация учебного процесса с учетом психологических особенностей младших школьников

**З.Ш. Юсупова**

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

**А.Ю. Темиров**

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

*Organization of the educational process taking into account the psychological characteristics of younger students*

**Z.Sh. Yusupova**

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

**A.Y. Temirov**

*Bukhara State University, student Bukhara, Uzbekistan*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada boshlang'ich sinif o'quvchilarini o'yinlar yordamida jismonan rivojlantirishning o'ziga xos yo'llari hamda vazifalari ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** boshlang'ich ta'lim, sport, jismoniy tarbiya, jismoniy rivojlanish, jismoniy sifatlar.

**Аннотация:** В данной статье разъясняются конкретные способы и задачи физического развития младших школьников с помощью игр.

**Ключевые слова:** начальное образование, спорт, физическое воспитание, физическое развитие, физические качества.

**Annotation:** The article explains the specific methods and tasks of physical development of young school students with the help of games.

**Key words:** primary education, sports, physical education, physical development, physical qualities.

Jismoniy tarbiya o'qituvchisi jismoniy tarbiya jarayonida o'quvchi-yoshlar va bolaning yosh xususiyatlari va psixik jarayonlari, shaxs xususiyatlarining rivojlanishini farqlash, psixik jarayonlar (diqqat, nutq, sezgilar, idrok, xayol, xotira, tafakkur, hissiyot va boshqalar), psixik holatlar (emotsiyalar, hayratlanish, ishonchlilik, ijodiy ruhlanish, e'tiqodlilik, apatiya, qiziquvchanlik, bardamlilik, tetiklik) va shaxs xususiyatlarini (temperament, qobiliyat, iqtidor, mas'uliyat xarakter) jismoniy tarbiya va sport bilan bog'lay olish lozim. Mash-g'ulot jarayoni, uning ta'siri, musobaqa davrida, musobaqadan so'nggi, davr, jamoa orasidagi munosabat holatlarining shakllanishi ahamiyatini bilishi lozim.

Jismoniy tarbiya o'qituvchisining faoliyat turidan qat'iy nazar faoliyat tarkibiy qismi, odatda, bir xil his etish va idrok qilishlar bilan bog'liq bo'lgan perseptiv (masalan o'quvchilarni kuzatish), ma'lumotni eslab qolish va qaytatiklash bilan bog'liq. Bo'lgan mnemik, faoliyat jarayonida yuzaga keladigan vazifani hal etish bilan bog'liq bo'lgan fikrlovchi, tasavvur qilish, yangi mashqlarni o'ylab o'quvchi faoliyatiga ta'sir qilish alohida o'rinni egallaydigan harakatlantiruvchi tarkibiy qismlarga ajratiladi.

Faoliyat bir qancha bosqichlarda amalga oshiriladi, tayyorlanish bosqichi, rejani bajarish (asosiy bosqich) bosqich va erishilganlikni baholash bosqichi (yakunlovchi bosqich).

Birinchi bosqichda jismoniy tarbiya o'qituvchisi juda katta hajmda ish bajaradi. Reja bo'yicha konspekt tuzadi, ularga tayyorlanadi, joylarni (zalni, suv havzasini, sport maydonini, stadionni) tayyorlaydi. Darsga oid bo'lgan barcha sport anjomlarini, qurollarini tayyorlaydi. Bu bosqichga faoliyatni yanada muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun o'quvchilarga qulay bo'lgan sharoitlarni yaratish va jismoniy tarbiya o'qituvchisining psixologik tayyorlanganligi kiradi.

Ikkinchi bosqichda o'quvchilarni (shug'ullanuvchilarni) nazorat qilish, ularni tarbiyalash (axloqiy, aqliy, estetik, mehnat vazifalarini tarbiyalash jihatidan), tartib saqlash, ularni jarohatlanishdan saqlash va hokazolar kiradi. Belgilangan ishlarni amaliy tatbiq qilish, o'quvchilar harakatlari, intizomini nazorat qilish, dars boshida yuzaga keladigan qiyinchiliklarni bartaraf etish, vaziyat o'zgarishiga ko'ra dars rejasini to'g'rilash bilan bog'liq. Bu bosqichda chetda qolgan o'quvchilar o'rtasidagi e'tiborni doimo taqsimlash va olib o'tish jismoniy jarohatlanishga olib keladigan vaziyatining oldini olishga ko'ra o'qituvchining sergakligi bilan shartlanadigan o'qituvchi psixik kuchlanishi bilan tavsiflanadi, boshqacha qilib aytganda, jismoniy tarbiya o'qituvchisiga nafaqat psixik jihatdan, balki jismoniy jihatdan ham jismoniy yuklanish tushadi.

Uchinchi bosqich (yakunlovchi bosqich) unda o'tkazilgan darsdagi yutuq va kamchiliklarga baho beriladi. Erishilgan natijalar baholanadi, jismoniy tarbiya o'qituvchisini faoliyati funksiyasi jismoniy tarbiyaning maqsadi va vazifalarining kelib chiqishi lozim. Faoliyatni qayta bajarishda rejaga to'g'rilashlarni kiritish bilan bog'liq, o'tilgan darsning to'liq tahlili, ba'zi bir noto'g'ri dalillarni umumlashtirish, ilmiy uslubiy adabiyotda yuzaga kelgan savollarda javob qidirishni talab qiladi. Jismoniy tarbiya o'qituvchisining asosiy maqsadi ularning garmonik shakllanishiga va jamiyatga sadoqatli, vatanparvar bo'lib yetishishiga yordam berishdir. Shuningdek tarbiyaviy, ilmiy, tashkiliy, rahbarlik, loyihalashtirish, ma'muriy-xo'jalik funksiyalarni ham bajarishga to'g'ri keladi.

O'quvchilar jismoniy tarbiyasining maqsadi - Mustaqil Vatanga barkamol rivojlangan va sodiq bo'lgan shaxsni shakllantirishga yordam berish bo'lib, bu maqsadga o'quvchilar ta'lim-tarbiyasi jarayonida erishiladi. Umumiy vazifalarda ochib beriladi va aniqlashtiriladi.

Shuningdek, ta'limiy, tarbiyaviy, sog'omlashtirish vazifalari qo'yiladi. Bu vazifalarni hal etishda boshqalari hisobiga birini ustun qo'yishga yo'l qo'ymaslik kerak. Ba'zida sport yo'nalishiga ega bo'lgan o'qituvchilar tarbiyaviy va umumta'lim vazifalarini unutib, asosiy e'tiborni o'quvchilar jismoniy rivojlanishiga beradilar. Boshqa holda ikki tarbiyaviy va sog'lomlashtirish vazifalari aziyat chekadi.

Jismoniy tarbiya o'qituvchisi faoliyati sharoitlari xususiyati jismoniy mashqlarni ko'rsatish va jismoniy mashqlarni bajarishda o'quvchilarning xavfsizligini ta'minlash hamda ochiq havoda, safarlarda o'tkaziladigan mashg'ulotlarda o'quvchilar o'quvchilar bilan birgalikda harakatlanish zaruriyatidan iborat. Bu kunda bir qancha darslarning mavjudligi jismoniy tarbiya o'qituvchisi uchun katta jismoniy yuklama-ni yaratadi. O'qituvchi butun kun davomida oyoqda tik turishi, harakat-da bo'lishi oyoq va qadni rostlovchilarga yuklama yaratishini hisobga olish kerak. Yosh o'tgan sari jismoniy konditsiyalar yomonlashishini e'tiborga olgan holda jismoniy tarbiya darslarida jismoniy tarbiya o'qituvchilari bilan sinaladigan jismoniy yuklama pedagogik faoliyatining amalga oshirilishini qiyinlashtiradigan omillaridan biri bo'lishi muqarrar. Ayniqsa bu erkak o'qituvchilar jismoniy qobiliyatlari darajasiga qaraganda kam bo'lgan ayol o'qituvchilariga tegishli.

Pedagogik faoliyat pedagogik vazifalarning uzluksiz hal qilinishini bildiradi. Ularni hal qilish - mazkur pedagogik vaziyatga, pedagogik maqsadga erishishini mos usulini topishdir. Sababi o'qituvchi va o'quvchi e'tiborliligi, o'quv materialiga bo'lgan munosabati, o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi munosabat hamda o'quvchilar o'zi o'rtasidagi munosabat bilan ish ko'radi. Shuning uchun bir marta va har doim tekshirilgan maqsadga erishishi usuli bilan ishlash ko'p holda qulaydir. Har doim muntazam ravishda maqsadga erishishi usullarini almashtirish, mazkur pedagogik vaziyat uchun eng yaxshi usul tanlash kerak.

Jismoniy tarbiya o'qituvchisi avvalo bolalarni o'rab turgan ijtimoiy muhit tengdoshlari va kattalar o'rtasida bo'ladigan munosabatlarni birinchi kundan boshlab o'rgatib boradi. O'qituvchi bir sinfnig o'zida turli xil va individual tafovutlarga duch keladi. Bular o'qituvchi o'quvchilarning temperament tiplari, xatti-harakatlari (ko'nikma malakalari), o'quv materiallarini o'quvchilar tomonidan qanday eslab qolishi, qanday o'zlashtirayotganliklarini, sport musobaqalari, sport bayramlari hamda estafetalarda qanday faollik ko'rsatayotganliklarini (boshqa ish shakllarida) bilishidan iboratdir.

Yana shuni aytish kerakki, o'rgatish jarayonida mashqlarni qismlarga bo'lib o'rgatishdan ko'ra, soddalashtirilgan holda butunlay o'rgatish metodini qo'llash maqsadga muvofiqdir. Masalan: yugurib kelib uzunlikka sakrash (echki bolasiga (uloqchaga o'xshab) sakrash), yugurib kelib balandlikka sakrash (ariqdan sakrab o'tishga o'xshab). Jismoniy tarbiya bo'yicha ta'lim jarayoni kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning ixtiyoriy, barqaror, mustahkam, kuchli, to'planuvchan, taqsimlanuvchan, faol, ongli diqqatini rivojlantirishga qulay shart-sharoit yaratadi. Bilim olish uchun mustaqil aqliy mehnat qilish (u yoki bu mashqlarni, elementlarni bajarishi), mashqlarni takrorlashi, irodaviy zo'r berishda ixtiyoriy, ongli diqqat tarkib topadi. Shuningdek, uning eng zarur xususiyatlari takomillashadi, bu esa ongli boshqarish imkoniyatini beradi.

## **XULOSA**

Yosh avlod tarbiyasida jismoniy tarbiya va sportning ahamiyati beqiyos. Xususan boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarning jismoniy tarbiyasida ham sport katta o'rinni egallaydi. Sport jismoniy tarbiya vositasi sifatida bolalarning sog'ligini mustahkamlaydi. Bu imkoniyatlarni amalga oshirishda jismoniy tarbiyaning sinfdan hamda maktabdan tashqari shakllarining o'ziga xos maqsad, vazifalari borki unga ko'ra sport to'garaklarini tashkil etish va tizimli joriy etish o'quvchilarning sportga bo'lgan qiziqishlarini oshishiga shuningdek jismoniy jihatdan kamol topishida xizmat qiladi.

### **Adabiyotlar ro'yxati**

8. Юсупова Зулфизар Шариповна Методы организации физической подготовки в дошкольных образовательных организациях // Проблемы науки. ISSN 2542-

0801(online) ISSN 2413-7081-(print)ГОСТ 7.56-2002. – 2020. – №. 09 (54) ст.46-48

9. Yusupova Zulfizar Sharipovna, Shukurov Rahim Salimovich, Akramova Gulxayo Sharipovna (scopus) The features of the psychological preparation process of turon figrtersto competitions // International Journal of psychosocial, vol 24, ISSUE 06, 2020 ISSN:1475-7192 ст.3076-3083
10. Юсупова З.Ш. АCADEMY научно-методический журнал Принципы и методы организации физкультурно-спортивных мероприятий в образовательных учреждениях. ISSN 2412-8236 ГОСТ 7.56-2002 ст.96-99
11. Юсупова З.Ш. Ученый XXI века международный научный журнал Требования к выполнению упражнений на уроках физкультуры. УДК 37. ISSN 2410-3586
12. Yusupova Zulfizar Rakhimova Laylo Methods for determining the degree of physical fitness USA International Conference SCIENTIFIC RESEARCHES FOR DEVELOPMENT FUTURE March 28, 2020, New York, ст.76-79
13. Abdullayev Sh.Dj. Yusupova Z.Sh. Бухоро Давлат Университети Илмий ахбороти THEORETICAL ANALYSIS OF THE PROCESS OF RECOVERY OF THE ABILITY OF INDIVIDUAL WRESTLERS TO WORK IN THE POST-COMPETITION STAGE 2020/6(82) ст. 271-276
14. Юсупова З.Ш. СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ. Проблемы науки №2(61)2021. ISSN 2413-2101(гост) ISSN 2542-078X(онлайн)

**МОДЕЛИРОВАНИЕ ЭКСТРЕМАЛЬНЫХ СИТУАЦИЙ В ПРОФЕССИОНАЛЬНО - ПРИКЛАДНОЙ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКЕ ПОЖАРНЫХ НА ОСНОВЕ СПЕЦИАЛЬНЫХ УПРАЖНЕНИЙ ГАЗОДЫМОЗАЩИТНОЙ СЛУЖБЫ МЧС РФ**

10.53885/edinres.2021.40.76.059

*Иванков Ч.Т. д.п.н, профессор,  
Сигов М.В. соискатель*

**Московский педагогический государственный университет**

**Ключевые слова:** технология, учебно-тренировочный процесс, профессионально-прикладная физическая подготовка, физическая подготовленность, модельные-ситуационные характеристики, пожарно - технические действия, личный состав пожарных подразделений, газодымозащитная служба, сотрудники МЧС

**Актуальность.** В настоящее время профессионально - прикладная физическая подготовка всё более значительное влияние оказывает на повседневную жизнь современного специалиста в виде оздоровительных и прикладных систем самозащиты для людей разного возраста. О положительном воздействии профессионально - прикладной физической подготовки на состояние здоровья и физическую подготовленность пожарных газодымозащитной службы МЧС РФ, также отмечалось в научных исследованиях пожарной безопасности последних лет(3,5,7). Газодымозащитная служба (ГДЗС) – это специальная служба пожарной охраны, организуемая в органах управления, подразделениях ГПС, пожарно-технических учебных заведениях МЧС России для ведения действий по тушению пожаров в непригодной для дыхания среде. Газодымозащитники – это люди, для которых основной задачей является работать в тех условиях, которые считаются не просто опасными, а смертельно опасными при спасении людей, тушения пожаров, ликвидации последствий аварий и стихийных бедствий. Они – последняя надежда тех, кто оказался в огненном плену. Рядом авторов проведены исследования

профессионально- прикладной физической подготовки как средства физического воспитания в МЧС РФ пожарно – технического профиля. Однако на сегодняшний день мало работ о комплексном влиянии профессионально прикладной физической подготовки на физическую подготовленность личного состава пожарных подразделений и сотрудников МЧС РФ, и практически нет работ о рациональном использовании профессионально - прикладной физической подготовки в учебном процессе в сочетании с другими программными видами , входящими в обязательный раздел физической подготовки специалистов пожарно - технического профиля газодымозащитной службы МЧС РФ. В связи с этим разработка и научное обоснование методики обучения специальным упражнениям профессионально - прикладной физической подготовки, ведущие к увеличению уровня функционального состояния организма может и должна в дальнейшем повысить эффективность учебно-тренировочных занятий и таким образом способствовать совершенствованию физической подготовки специалистов пожарно - технического профиля газодымозащитной службы МЧС РФ. Решение данной проблемы обусловило выбор нашей темы и направления исследования.

**Цель исследования.** Совершенствование физической подготовленности специалистов газодымозащитной службы МЧС РФ на основе рационального использования специальных упражнений профессионально прикладной физической подготовки в сочетании с другими программными дисциплинами. В соответствии с целью исследования в работе были поставлены следующие **задачи**:

1. Изучить особенности физической подготовки и уровень физической подготовленности личного состава пожарных подразделений;
2. Выявить положительное воздействие средств и методов профессионально - прикладной физической подготовки газодымозащитной службы на организм личного состава пожарных подразделений;
3. Разработать и обосновать методику рационального использования специальных упражнений профессионально - прикладной физической подготовки газодымозащитной службы специалистов пожарно - технического профиля.

**Объект исследования** – процесс физической подготовки газодымозащитной службы специалистов пожарно- технического профиля МЧС России;

**Предмет исследования** – методы рационально использование специальных упражнений профессионально- прикладной физической подготовки газодымозащитной службы специалистов пожарно- технического профиля МЧС РФ. Практическая значимость полученных результатов состоит в разработке практических и методических рекомендаций по систематизации и использованию различных технических действий профессионально- прикладной физической подготовки газодымозащитной службы специалистов пожарно- технического профиля в сочетании с другими программными дисциплинами физической подготовки. Разработанная программа физической подготовки газодымозащитной службы специалистов пожарно- технического профиля МЧС РФ - может служить ориентиром и теоретической основой для совершенствования учебно - технического процесса физической подготовки сотрудников МЧС РФ . Результаты исследования внедрены в учебно-технический процесс физической подготовки личного состава пожарных подразделений Московского гарнизона.

**Результаты исследования.** Анализ показателей результатов исследований последних лет в области физической подготовки показал, что в работе была применена принципиально отличающаяся методика использования модельно-ситуационных характеристик профессионально - прикладной физической подготовки газодымо – защитной службы, позволившая решать поставленные перед



исследованием задачи и направить полученные результаты на повышение физической подготовленности личного состава пожарных подразделений и сотрудников МЧС РФ.

Исследование проводилось с личным составом пожарных подразделений г. Москвы на учебных занятиях по газодымозащитной службе, где использовались модельно-ситуационные характеристики специальных упражнений профессионально-прикладной физической подготовки. Условием педагогического эксперимента стало то, что в экспериментальной группе на каждом практическом занятии отводилось 25% от общего времени занятия на комплекс специальных упражнений профессионально-прикладной физической подготовки газодымозащитной службы и 75% на выполнение базового обязательного компонента программы физической подготовки. Выделенное время на этот раздел компенсировалось заменой выполнения традиционных средств физической подготовленности на элементы газодымозащитной службы профессионально-прикладной физической подготовки в каждой части занятий. Полученные результаты основного педагогического эксперимента в отношении достоверного прироста большинства параметров физической подготовленности сотрудников МЧС РФ экспериментальной группы доказали, что оптимальное сочетание специальных упражнений газодымозащитной службы профессионально-прикладной физической подготовки с программными дисциплинами оказывает положительное воздействие на развитие основных физических качеств и пожарно – технических действий, обеспечивает существенное повышение уровня функционального состояния и физической работоспособности сотрудников МЧС РФ. Применение модельно-ситуационных характеристик специальных упражнений газодымозащитной службы профессионально-прикладной физической подготовки в системе учебно - тренировочного процесса позволило получить статистически достоверные сдвиги в показателях физической подготовленности в экспериментальной группе, требующих проявления быстроты, общей выносливости, координации и силы. В завершающей стадии педагогического эксперимента полученные результаты достоверно повысились: по общей выносливости ( $t=3,44$  при  $P<0,05$  у личного состава пожарных подразделений ЭГ и на  $t=3,20$  при  $P<0,01$  и сотрудников МЧС РФ КГ); по силовой выносливости ( $t=2,39$  при  $P<0,05$  у личного состава пожарных подразделений ЭГ и на  $t=2,42$  при  $P<0,01$  у сотрудников МЧС РФ КГ); по силовым качествам ( $t= 3,20$  при  $P<0,05$  у личного состава пожарных ЭГ и  $t=2,39$  при  $P<0,01$ , у сотрудников МЧС РФ КГ); по скоростно-силовым качествам ( $t=1,90$  при  $P<0,1$  у сотрудников МЧС РФ КГ,  $t=2,34$  при  $P<0,05$  у личного состава пожарных МЧС РФ ЭГ по координации ( $t=2,07$  при  $P<0,10$  у сотрудников МЧС РФ КГ и  $t=2,13$  при  $P<0,05$  у личного состава пожарных ЭГ). Физическое развитие испытуемых экспериментальной и контрольной групп под влиянием различных средств физической подготовки специальных упражнений газодымозащитной службы улучшились. Существенные различия обнаружены в показателях экскурсии грудной клетки ( $t=3,88$  при  $P<0,01$  у личного состава пожарных МЧС РФ ЭГ и  $t=2,50$  при  $P<0,05$  у сотрудников МЧС РФ КГ и жизненной ёмкости лёгких (ЖЁЛ) ( $t=3,10$  при  $P<0,01$  у сотрудников МЧС РФ КГ и  $t=3,97$  при  $P<0,001$  у личного состава пожарных ЭГ в пользу испытуемых экспериментальной группы, что подтверждает эффективное воздействие специальных упражнений газодымозащитной службы профессионально-прикладной физической подготовки оздоровительного характера на состояние физического развития испытуемых сотрудников МЧС РФ и личного состава пожарных подразделений. Сравнительная оценка эффективности построения учебно-тренировочного процесса на показатели деятельности функциональных систем организма занимающихся и состояния их здоровья

показала, что у личного состава пожарных подразделений и сотрудников МЧС РФ существенно повысился уровень работоспособности ( $t=2,57$  при  $P<0,05$  личного состава пожарных подразделений и  $t=2,32$  при  $P<0,05$  у сотрудников МЧС РФ КГ показатель восстанавливаемости частоты сердечных сокращений (Индекс Руфье) ( $t=2,32$  при  $P<0,05$  у личного состава пожарных подразделений ЭГ и на  $t=5,14$  при  $P<0,001$  у сотрудников МЧС РФ КГ. интегральный показатель аэробной работоспособности МПК  $t=2,85$  при  $P<0,05$  у личного состава пожарных подразделений и ( $t=2,23$  при  $P<0,05$ ) ( $t=2,23$  при  $P<0,05$ ) у сотрудников МЧС РФ КГ. В отличие от контрольной группы, где наблюдалось понижение уровня работоспособности у сотрудников МЧС РФ КГ ( $t=2,23$  при  $P<0,05$ ) и не было обнаружено достоверных различий по остальным показателям. Оценка физической работоспособности, проведенная на основании PWC170, свидетельствует о хорошем состоянии сердечно-сосудистой системы у испытуемых личного состава пожарных подразделений и сотрудников МЧС РФ. В специальных упражнениях профессионально-прикладной-газодымозащитной службы физической подготовки содержится достаточный уровень психологической адаптации. На основе метода цветочных выборов (теста Люшера) выявлено, что в процессе учебных занятий понижается состояние тревожности (у личного состава пожарных подразделений в ЭГ –  $20,0\pm 3,26$ ;  $29,1\pm 5,99$ ; при  $P<0,05$  и у сотрудников МЧС РФ КГ –  $20,0\pm 1,85$ ; ЭГ –  $24,5\pm 4,71$ ; при  $P<0,05$ ), повышается активность (у личного состава пожарных подразделений ЭГ –  $53,5\pm 1,69$ ; КГ –  $47,5\pm 1,94$ ; при  $P<0,05$ ) и психологическая работоспособность (у личного состава пожарных подразделений ЭГ –  $79,6\pm 3,60$ ; КГ –  $62,0\pm 3,03$ ; при  $P<0,01$  у сотрудников МЧС РФ КГ –  $69,7\pm 3,38$  при  $P<0,05$ ). Анализ результатов позволяет сделать вывод о направленности разработанной программы к улучшению психологического и эмоционального состояния личного состава пожарных подразделений и сотрудников МЧС РФ, что обусловлено применением специальных упражнений профессионально-прикладной физической подготовки газодымозащитной службы в сочетании с программными дисциплинами воздействия на личный состав пожарных подразделений и сотрудников МЧС РФ в различных периодах учебного процесса.

#### **Выводы**

1. Выявлены особенности физической подготовки и уровень физической подготовленности личного состава пожарных подразделений;
2. Определены положительные воздействия средств и методов профессионально-прикладной физической подготовки газодымозащитной службы на организм личного состава пожарных подразделений;
3. По результатам проведенного педагогического исследования разработаны и обоснованы методы рационального использования специальных упражнений профессионально-прикладной физической подготовки личного состава пожарных подразделений газодымозащитной службы: так, экспериментальная группа затратила меньше времени на овладение пожарно-техническими действиями на 16,5%, тактическими действиями – на 14,5%, на развитие других способностей и психомоторных качеств – на 11,5%.

#### **Литература**

1. Динаев Б.М. Физическая подготовка курсантов академии государственной противопожарной службы МЧС РФ средствами единоборств // Материалы докладов 5-ой научно-методической конференции ПИФК МГПУ.- Апрель. -М.:2006 с.36-37
2. Муровицкий А.И. Инновационная методика воспитания физических качеств спасателей и пожарных в процессе профессионально-прикладной подготовки. Автореф. дис. канд. пед. наук. – Смоленск., 2005.-19с.

3.Методические рекомендации по пожарно-строевой подготовке», утверждённые заместителем Министра Российской Федерации по делам гражданской обороны, чрезвычайным ситуациям и ликвидации последствий стихийных бедствий генерал-полковником внутренней службы Серебрянниковым Е.А., 2005г

4.Назаров Ю.Н. Педагогические основы формирования профессиональных качеств у сотрудников ОМОН средствами и методами физической подготовки. - М.: АУ МВД РФ, 2001.- 24 с.

5.Наставление по организации профессиональной 6.Наставление по организации профессиональной подготовки рядового и начальствующего состава органов внутренних дел РСФСР. Приложение к приказу МВД РСФСР от 10 июля 1991 г. № 110. -22с.

6. Наставление по физической подготовке (НФП-96) сотрудников внутренних дел. Утверждено приказом МВД РФ от 29 июля 1996 г. № 412. -М., 1996.-202с.

7.Наставление по физической подготовке и спорту в ВС РФ (НФП-2001).Введено в действие приказом МО РФ от 31 декабря 2000 г. №361. - М.:РИД ГШ ВС РФ. - 2001. – 170 с.

8.Научно-практический комментарий к Федеральному закону «Об аварийно-спасательных формированиях и статусе спасателей» / Под общ.ред. А.П. Москалец. - М.: МЧС России, 1999. - 434 с.

9. Приказ Министерства труда и социальной защиты Российской Федерации от 23.12.2014 №1110-н «Об утверждении Правил по охране труда в подразделениях ФПС ГПС».

10. Шалагинов В. Д. «Формирование ритмической структуры бега в соревновательных дисциплинах пожарно-спасательного спорта» Автореф. дис канд. пед. наук. – Москва., 2021.

## **МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ШАХМАТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ШАКЛЛАРИ**

10.53885/edinres.2021.44.19.065

**М.Х.Тошев**

БухДУ таянч докторанти

**Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий, маданий ислохотлар жараёни таълим-тарбия тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда.**

Айниқса, мактаб ўқувчиларини шахматга тайёрлашнинг бир неча шакллари мавжуд.

1. Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларга шахмат ўйинларини ўргатиш
2. Спорт тўғрисида шахмат ўйинларига ўқувчиларни ўргатиш ва тайёрлаш
3. Дарсдан ташқари вақтларда оммавий тадбирлар орқали шахматни тарғиб қилиш.

Бу борада қуйидаги Президент фармонлари шахматни халқимиз, айниқса, ёшлар орасида оммавийлашувига методологик пойдевор бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Президентининг 2021 йил 14 январдаги “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Бухоро Давлат университети жисмоний маданият факультетининг Fakultetlararo jismoniy madaniyat va sport

kafedrasi o'qituvchilari 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, Бухоро tumani 31 - umum ta'lim maktabida ўқув-методик, маънавий-маърифий ҳамда спорт соҳаларида қатор ҳамкорлик тадбирларини амалга ошириб келмоқдалар. Навбатдаги "Чемпионлар орамизда" тадбири 2021 yil 15 - sentyabr sanasida sportning shaxmat turini оммалаштиришга бағишланди.

Унда мактабнинг 3 синфидан бошлаб, 9 синфлари ўқувчилари ўртасида бир неча босқичда ташкил этилди. Musobaqada 1 – o'rinni umum ta'lim maktabining 6 - "v" sinf o'quvchisi To'xtamurodov Firdavs, 2 – o'rinni 3 – "A" sinf o'quvchisi Xalilov Mironshoh, 3 – o'rinni 6-"A" sinf o'quvchisi Hasanov Shoxruhlar эгаллашди. Ғолиблар хомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Shunday shaxmat musobaqalari tez – tez o'tkazilib kelinishi har bir o'quvchida intellektual qobiliyatini rivojlanib, o'ziga ishonch va ruhiy tetikligi ijobiy tomonga o'zgarib boradi, hamda shaxmat bilan shug'ullanadigan o'quvchilarning dunyo qarashi ijobiy fikirlashi juda keng bo'ladi.

### **КЕКСА ЁШДАГИ КИШИЛАР ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИНГ ПЕДАГОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ**

10.53885/edinres.2021.80.45.067

*Иноятлов Абдулло Шодиевич*

Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси доценти, п.ф.н.

*Хусенов Нодир Нуриддинович*

Бухоро давлат университетининг 2-босқич магистранти, 90 614 40 77

[nodirhusenov19890512@gmail.com](mailto:nodirhusenov19890512@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада кекса ёшдаги кишиларнинг юрак ва қон томирлари функцияларининг педагогик прафилактика жараёнлари тадқиқ этилган. Кекса ёшдаги кишилар организмнинг функционал ўзгаришлар индекси (ФЎИ)га кўра даражавий баҳолаш, тадқиқот кўрсаткичларининг статистик таҳлил усулларини қўллаш орқали профилактик воситалар таркиби аниқланган.

**Калит сўзлар:** Педагогик диагностика, адаптивлик, функционал ўзгаришлар индекси (ФЎИ), пулс частотаси, систолик қон босими, диастолик қон босими, гомеостаз, донозология, организмнинг преморбит ҳолати.

### **ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОФИЛАКТИКА ФУНКЦИОНАЛЬНОГО СОСТОЯНИЯ ЛИЦ ПОЖИЛЫХ ЛЮДЕЙ**

Научный руководитель Иноятлов Абдулло Шодиевич доцент кафедры Теории и методики физической культуры

Хусенов Нодир Нуриддинович

Магистрант 2 курса Бухарского государственного университета,

90 614 40 77

[nodirhusenov19890512@gmail.com](mailto:nodirhusenov19890512@gmail.com)

**Аннотация:** В статье рассматриваются процессы педагогической профилактики функции сердечно-сосудистой системы у пожилых людей. Состав профилактических средств определялся с использованием методов статистического анализа показателей исследования, оценки уровня индекса функциональных изменений (ИФИ) в организме пожилых людей.

**Ключевые слова:** Педагогическая диагностика, адаптация, индекс функциональных изменений (ИФИ), частота пульса, систолическое артериальное давление, диастолическое артериальное давление, гомеостаз, донозология, преморбидное состояние организма.

## PEDAGOGICAL PREVENTION OF FUNCTIONAL STATE OF ELDERLY PERSONS

Scientific adviser Inoyatov Abdullo Shodievich Associate Professor of the Department  
of Theory and Methods of Physical Culture  
Khusenov Nodir Nuriddinovich

2nd year undergraduate student of Bukhara State University,

90 614 40 77

nodirhusenov19890512@gmail.com

**Annotation:** The article discusses the processes of pedagogical prevention of the function of the cardiovascular system in the elderly. The composition of prophylactic agents was determined using the methods of statistical analysis of research indicators, assessing the level of the index of functional changes (IFI) in the body of the elderly.

**Key words:** Pedagogical diagnostics, adaptation, index of functional changes (IFI), pulse rate, systolic blood pressure, diastolic blood pressure, homeostasis, prenosology, premorbid state of the body.

**Кириш.** БМТ томонидан глобаллашув шароитида кексалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Дунёнинг ривожланган давлатларида инсонлар ҳаётини узайтириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, АҚШнинг Миллий геронтология марказида кексалар саломатлигини сақлаш, ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларни қўллаб-қувватлаш, қариликни фаоллик билан ўтказишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган [1].

Бугунги кунда республикада ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолининг ҳаёт сифатини янада ошириш, жумладан, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган [1,2].

Хорижлик олим ва олималар томонидан Н. А. Хоркина, А.В Филиппова жисмоний тарбия воситаларининг кекса одамлар учун қўйидаги фойдали томонлари таҳлил қилинган [6].

Е.В. Филиппова (2015, 67 бет) кекса одамларнинг саломатлик ҳолати ва ижтимоий муносабатлари ўртасидаги алоқадорлик ўрганилган. Қаришнинг асосий гипотезалари таҳлил қилиниб, умр кўриш давомийлигини белгиловчи омиллар аниқланган [4].

А.Ш. Иноятлов томонидан Бухоро вилояти “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда маҳаллий шароит ҳамда миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда, “Кекса ёшдаги кишилар учун соғломлаштирувчи индивидуал дастурлар тузиш технологияси” тизими ишлаб чиқилган ва амалда ижобий натижалар қўлга киритилган [1].

Ўрганилган манбаалар мазмунида - қарилик ёш даврига хос психофизиологик ўзгаришлар, спорт ва соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашдаги ўрни ва аҳамияти, кексалик даврида жисмоний фаоллик режимининг асосий принциплари, шунингдек, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ тадбирларни ташкил қилишнинг мавжуд иш тажрибалари таҳлил қилинган. Аммо адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, мамлакатимизда кекса ёшдагилар саломатлигининг педагогик профилактикаси, организмнинг функционал ўзгаришларини даражавий баҳолаш, педагогик восита ва машғулот шакллари самарадорлигини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар деярли ўтказилмаган.

**Тадқиқот мақсади:** Кекса ёшдагилар юрак-қон томир тизимининг функционаллик даражасини баҳолаш ва педагогик профилактика воситалар самарадорлигини ўрганиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

1.Тадқиқот гуруҳи иштирокчиларининг функционал ўзгаришлари индекси (ФЎИ) ўлчови бўйича организмнинг адаптив мослашувчанлик хусусиятларини ўрганиш.

2.Адаптив мослашувчанлик хусусиятларига кўра профилактик жисмоний тарбия воситаларини аниқлаш.

Организмининг жорий ҳолатини фақат, атроф муҳит шарт-шароитларига адаптив мослашув даражасига кўра баҳолаш мумкин, жумладан адаптацион механизмларининг кучланиши, қониқарсиз мослашув ва адаптив бузилишлар мисол бўла олади. Адаптив даража - ташқи муҳит таъсирига организмнинг тезкор жавоб реакцияси кўринишида баҳолашнинг прогностик (башоратли) компонентини изоҳлайди. Организмнинг жорий ҳолати бу ташқи муҳит ва организм ўртасидаги ўзига хос шакланган баланс (мувозанат) хизмати бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний саломатлик даражасини аниқлаш учун амалий ва ахборотлилик аҳамиятига кўра – шахснинг биоэнергетик захираларига асосланган индивидуал саломатлик даражасини экспрес баҳолаш (Г.Л. Апанасенко, 1988) методикаси аҳолини кенг қатламлари ўртасида организмнинг мослашувчанлик механизмларини ўрганишда қулай усул бўлиб ҳисобланади.Ушбу методикада педагогик профилактик текширувлар орқали олинган асосий морфологик ва функционал кўрсаткичларга (бўйи, вазни, юрак уриши, қон босими) мувофиқ нисбий хусусиятлар - индексларни ҳисоблаш ва шу асосда саломатликни баҳолашнинг қиёсий-меъёрий талаб кўрсаткич (паст, ўртача даражадан паст, ўртача, ўртача даражадан юқори, юқори) ларининг ишончлилиги ва ахборотлик мезонлари тажрибавий тасдиқланган. Организмнинг гомеостатик тизими - юрак-қон томир тизимининг функционаллик даражасини баҳолаш учун махсус индекс - функционал ўзгаришлар индекси (ФЎИ) ишлаб чиқилган [5].

Юқоридаги методика қон айланиш тизимининг адаптив салоҳияти (потенциал)ни ҳисоблаш усули (Р.М. Баевский, 1987) “донозологик диагностика”да қўлланилиб келинган бўлиб, организмтизимларининг меъёрий ва патологияси билан чегарадош функционал ҳолатларни аниқлашга қаратилган. У қуйидаги формула ёрдамида балларда ҳисобланади:

$$ФЎИ = 0,011 \cdot ПЧ + 0,014 \cdot СҚБ + 0,008 \cdot ДҚБ + 0,014 \cdot Ё + 0,009 \cdot В - (0,009 \cdot Б + 0,27).$$

Бу ерда: Ё - ёши, йиллари; В - тана вазни, кг; Б - бўйи, см; СҚБ - систолик қон босими, мм. симоб устуни; ДҚБ - диастолик қон босими, мм симоб устуни; ПЧ – пулс частотаси 1 дақиқада.

**Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокама қилиш.** Бухоро шаҳар “Чорбахосса” маҳалласида истиқомад қилувчи, тиббиёт хулосасига кўра сурункали касалликлари кузатилмаган 55 ёшдан 72 ёшгача бўлган йигирма (8 нафар аёл,12 нафар эркак) кекса ёшдаги кишиларлардан таркиб топган тажриба гуруҳи танлаб олинди. 2020 йил октябр ойидан, 2021 йил март ойигача бўлган 6 ойлик муддатда кузатувда бўлдилар.Уларнинг яшаш шароити, овқатланиш ва кун тартиби, олдин ва ҳозирги иш фаолиятлари ўрганилди. Тажриба гуруҳидаги кекса ёшдаги кишиларнинг функционал имкониятларини аниқлаш мақсадида организмнинг тинч ҳолатида,уларнинг ёши, тана вазни, бўйи, СҚБ (систолик қон босими), ДҚБ (диастолик қон босими), ПЧ(пулс частотаси) кўрсаткичлари куннинг биринчи ярмида қайд этилди. Қайд этилган кўрсаткичлар асосида организмнинг адаптив

салоҳиятининг чегаравий ҳолати ва унга мувофиқ мослашувчанлик имконияти, яъни саломатлик захираларининг даражавий хусусиятлари статистик таҳлил қилинди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

**Тадқиқот иштирокчилари организмнинг функционал ўзгариш индекси кўрсаткичлари бўйича статистик таҳлил натижалари**

Функционал ўлчовлари (ўлчов бирликлари)	Тажриба бошида n=20		Тажриба охирида n=20		Фарқи	%	t	p
	$\bar{X} \pm \Omega$	V%	$\bar{X} \pm \Omega$	V%				
Тинч ҳолатда пулс частотаси (бир дақиқали, марта)	77,5±2,5	3,3	72,9±1,1	1,5	4,6	94,0	7,4	P<0.01
Юқори систолик босим (симоб устуни мл.)	144,7±7,3	5,0	130,0±3,9	3,0	14,7	89,7	7,9	P<0.01
Қуйи диастолик босим (симоб устуни мл.)	100,7±10,1	10,0	86,0±5,5	6,4	14,8	85,4	5,7	P<0.01
Вазн (кг.)	86,0±11,5	13,4	77,2±8,2	10,7	8,8	89,7	2,7	P<0.05
Бўй (см.)	172,9±8,5	4,9	172,9±8,5	4,9	0	100	0,0	P>0.1
Адаптив салоҳият индекси (формула)	3,5±0,1	3,9	3,1±0,1	3,2	0,4	88,5	11,5	P<0.01

Тажриба бошида (1) ва охирида (2) кекса ёшдаги кишилар организмнинг индивидуал кўрсаткичлари бўйича статистик (ўрача арифметика, ўртача квадратик фарқланиш, вариация коэффициенти, адаптив салоҳият индекси) ҳисоблаш ишлари амалга оширилди:

Студент мезони (**t**) билан ҳисобланганда P<0.01 юқори даражавий аҳамиятли статистик фарқ билан АСИ ининг меъёр талабларига яқинлашгани аниқланди.

Тадқиқот гуруҳи иштирокчиларининг функционал ўзгаришлари бўйича адаптив салоҳият индекси натижалари таҳлил қилинганда тажриба бошида: - адаптив салоҳият индекс кўрсаткичи 3,5±0,1 ва ҳар кунлик 30-дақиқадан ошмаган ҳолда мустақил машғулот ўташ (6 ой) давридан кейин тажриба охирида: 3,1 ± 0,1 қийматга тенглашди. Дастлабки ўлчов натижаларининг аксариятида “Қониқарсиз мослашиш” аниқланган бўлсада, соғломлаштириш машғулоти давридан кейин қисман “мослашув механизмларининг зўриқиши” томон ижобий силжиш тенденцияси кузатилди.

Одатий иш юкларига жавобан организмнинг адаптив имкониятининг пасайиши билан вақтинчалик қониқарсиз мослашишнинг функционал таранглик ҳолати юзага келади. Аста-секин, адекват профилактика чоралари қўлланилмаган тақдирда, функционал қониқарсиз мослашиши аниқ, кейинчалик эса кескин ифода этиладиган ҳолатга айланади. Агар юкларнинг ноодатийлиги, ёки организмнинг

адаптив имкониятлари сезиларли даражада пасайиши (масалан, касаллик) сабабли етарли даражада тикланмаган бўлса, қониқарсиз мослашишнинг кескин ўсиши ва тартибга солувчи механизмларнинг ҳаддан ташқари қониқарсиз мослашиш ҳолатига олиб келади. Бундай вазиятда, касбий касалликларнинг дастлабки босқичи сифатида “преморбид” ҳолати (касалликдан олдинги ва касаллик ривожланишига моиллик ҳолати, организмнинг ҳимоя ва мослашув кучларида зўриқиш, ёки заифлик (мисол: кам ҳаракат, ташқи таъсирлар)) юзага чиқади. Аммо анъанавий касбий патология деярли “преморбид” ҳолатларнинг иккинчи босқичидан бошланади, бу ерда гомеостаз ҳолатидан безовта бўлган баъзи органлар ва тизимларида ўзига хос ўзгаришларнинг бошланганлигига ишора беради. Шу билан бирга, компенсаторли механизмларнинг хусусиятига кўра касаллик унчалик намоён бўлмаслиги билан компенсаторли характерга эгалиги маълум бўлади. Айнан шундай ҳолатларда педагогик воситаларнинг профилактик аҳамияти юқори.

Тананинг қаришини тезлашиши ва секинлашувига таъсир қилувчи энг муҳим омил, айниқса кексалик даврида, инсоннинг ўз фаолияти ва энг аввало унинг жисмоний ва ижтимоий фаоллигини таъминловчи жисмоний маданиятига боғлиқ [3].

Юрак-қон-томир ва нафас олиш, таянч-ҳаракат тизимини машқ қилдириш, юқумли касалликлар ва депрессия хавфини камайтириш учун қуйидаги жисмоний машқ хусусиятларини эътиборга олиш тавсия этилади:

1. Жисмоний фаоллик - биринчилардан бўлиб юрак-қон томир тизимига таъсир кўрсата олувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Юрак томирларида қон оқимининг кўпайиши бу юрак мушакларининг озиқланишини яхшилади ва оксидланиш – қайта тикланиш жараёнларини рағбатлантиради. Бу юракнинг тежамкор фаолияти билан тинч ҳолатда унинг қисқариши камроқ бўлади ва дам олишга кўпроқ вақт ҳосил бўлади.

2. Жисмоний машқлар капилляр қон томирларни фаоллаштиради. Бунда қон айланишида тўлиқ иштирок этмайдиган ёпилган майда томирлар очилиб, қоннинг катта ҳажмини ўтказиш имкониятига эга бўлади. Буларнинг барчаси қондан кислород ва озуқа моддаларининг орган ва ҳужайраларига етиб боришини, шунингдек ҳужайрадан метаболик ҳосилалар қон оқимига чиқишини осонлаштиради. Натижада: суяк тизимини мустаҳкамлайди; депрессияга мойилликни пасайтиради, уйқуни яхшилади; овқат ҳазм қилиш жараёни яхшиланади; жисмоний ва интеллектуал кўрсаткичлар ошади; юрак хасталиги хавфи камаёди; қариш жараёнлари секинлашади; иммунитет тизимининг ҳолати яхшиланади.

3. Кекса ёшда юрак, нафас олиш, таянч ҳаракат аппаратлари, асаб ва бошқа барча тизимларнинг фаолиятида табиий регрессив ўзгаришлар юз беради. Кекса ёшдагилар учун стрессдан кейин умумий ҳолатни қайта тикланиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия машқлари (жисмоний юклама) энгилроқ ва шикастланиш эҳтимолидан ҳоли бўлиши керак. Организмга юқори талаб қўйилмайдиган ва осон меъёрландиган жисмоний машқларга аҳамият қаратилади. Умумий чидамлилик, эгилувчанлик ва координацион (ҳаракатларни мувофиқлаштириш) ҳаракат амалларини ривожлантиришга эътибор берилади. Куч ва тезкорлик машқларини бажариш кўп ҳам шарт эмас. Аста-секин машғулотларга ўртача шиддат билан меъёрланган юриш, югуриш, велосипед, сузиш ва бошқаларни киритиш. Агар ушбу машқ цикларида ва ҳар кунлик камида 10 дақиқа давомида бажарилса, энг самарали таъсир хусусиятлари намоён бўлиб, организмнинг адаптив мослашувчанлик механизмларида ижобий силжиш намоён бўлади. Соғломлаштириш машғулотлари давомида ўз-ўзини бошқариш ва тиббий назоратга эътибор бериш муҳим.



4. Ўз-ўзини бошқариш: саломатлик, уйқу, иштаҳа, пулс, вазн, нафас олишнинг субъектив баҳоланишига асосланган. Бунга албатта ҳар кунлик амал қилиб бориш билан одат қилиш мумкин. Дастлабки, машғулотларни бошлашга қарор қилганлар, машғулотнинг дастлабки кунларида мушакларда оғриқ, чарчоқ, сустлик табиий кечувчи жараён бўлиб ҳисобланади, шу сабабли машқларини тўхтатмаслик керак.

5. Энг самарали соғломлаштирувчи машғулот турлари қуйидагилар: эрталабки гигиеник гимнастика, даволаш гимнастикаси, меъёрланган юриш (аста-секин югуришга ўтиш), пиёда сайр. Машғулот шакллариининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва вазифаларга эга. Соғломлаштирувчи машғулот терапияси билан мустақил шуғулланиш мумкинлиги - шифокор ёки инструктор-методист томонидан белгиланади.

Соғломлаштирувчи машғулотларга рухсат этилганлар томонидан қуйидаги "хавфсизлик чоралари" ни ўзлаштириш ва амал қилиш талаб этилади:

1. Жисмоний машқларни тўғри бажаришни ўрганиш, машқ меъёрларига амал қилиш, соғломлаштирувчи машқлардан иборат машғулот тизимини шакллантириш. Биринчидан, нафас олиш машқлари ва кичик мушак гуруҳлари ва бўғимлари учун машқлар воситасида организмни асосий машқларга тайёрлаш. Кейин етарли ва оптимал жисмоний ва эмоционал юклама бериш ва машғулот охирида организмни дастлабки ҳолатда қайтариш. Машғулот давомида тўғри нафас олиш ва ҳаракат қилиш муҳимдир.

2. Аста-секин "оддийдан мураккабга" ва "камроқдан кўпга" ўтиш, жисмоний машқларни мураккаблаштирамасдан, уларнинг ҳажмининг ва шиддатининг аста-секин ошириш мумкин (пулс кўрсаткичининг дастлабки ҳолатга қайтишига қараб).

3. Организмнинг жисмоний ва функционал имкониятларининг доимий равишда ривожлантириш, машғулотлар натижасида ўзлаштирилган машқларни мустақамлаш васаломатликни яхши даражада қўллаб-қувватлайдиган машғулотларни кескин тўхтатиш тавсия этилмайди.

4. Ҳар қандай вақтда шуғулланиш мумкин, фақат тушлиқдан кейин эмас. Овқатлангандан сўнг, одам бироз бўшашади, қорин билан ҳаракат қилиш қийинлашади, шунинг учун бу вақтдаги машғулотлар фойда келтирмайди.

5. Кекса ёшдаги кишилар учун мустақил бажариш мумкин бўлган умум-ривожлантирувчи машқлар:

- оёқларни елка кенглигида ва қўлларни белда, бурун орқали нафас олиб, оғиздан чиқариш (20 сония);

- д.х., юриш, дастлаб секин, сўнгра аста-секин тезлашади ва машқлар охирида яна секинлашади, нафас олиш ва қўллар бўш қўйиш (2 дақиқа);

- д.х., оёқлар елка кенглигида, оёқ учида гавдани ҳамда қўлларни ён томондан юқорига нафас олиш билан биргаликда кўтариш, нафасни чиқариш билан бирга қўлларни пастга тушириш (2-5 марта);

- д.х., оёқларни елка кенглигида, қўлларни белда, секин бошни олдинга ва орқага айлантириш (1 дақиқа);

- д.х., қўлларни "қайчи" симон ҳаракатлантириш, қулочларни ён томонга ёйганда - нафас олиш, қулочларни ёпганда - нафасни чиқариш (2-5 марта);

- д.х., оёқларни елка кенглигида, қўлларни белда, елкалар билан бирга олдинга, нафас олган ҳолда ва орқага нафасни чиқарган ҳолда айлантириш (ҳар томонга 2-5 марта);

- д.х., олдинги машқга ўхшаш, фақат қўлларни тўғрига чўзган ҳолда айланма ҳаракат қилиш (ҳар томонга 2-5 марта);

- д.х., оёқларни елка кенглигида, қўлларни белда, нафас олиш билан бирга танани ўнгга ва нафасни чиқарганда чапга буриш (ҳар томонга 2-5 марта);

- д.х., оёқлар елка кенглигида, қўллар белда, тиззани букиб, оёқни кўтариш ва бир вақтнинг ўзида нафас олиб қўлларни карама-қарши томонга кўтариш, дастлабки ҳолатда нафас чиқариб қайтиш (ҳар томонга 2-5 марта);

- д.х., оёқлар елка кенглигида, нафас олиб, гавдани олдинга эгиш, қўлларни бош устида ер текслигида чўзиш (ҳар томонга 2-5 марта);

- д.х., ерга ўтириб оёқларни олдинга чўзиб нафас олиш, олдинга эгилиб қўллар билан оёқ учига теккизиш ва нафас чиқариш (ҳар томонга 2-5 марта);

- д.х., тўшакда ётган ҳолда нафас олиш, букилган оёқларни қорин томон тортиб нафас чиқариш, нафас олиш билан оёқларни орасини очиш, нафас чиқариш билан оёқларни йиғиш ва нафас чиқариш билан оёқларни чўзиш (2-3 марта),

- д.х., стул орқасида, оёқларни жуфтлаш, турган ҳолда нафас олиб ўтириш ва нафас олиб туриш (2-5 марта);

- д.х., хар хил тезликда ва хар хил баландликда тиззаларни кўтариб юриш (2 дақиқа);

- д.х., оёқлар елка кенглигида, оёқ учига кўтарилиб нафас олиб қўлларни юқорига чўзиш, пастга нафас чиқариб қўлларни тушириш (2-5 марта)

Машғулотларни бошлаш учун аввал ушбу машқларни энг кам ҳажми ва шиддатига кўра такрорлаш, такрорий сонини аста-секин 20 мартага етказиш керак. Ёшга нисбатан, олдинги ва ҳозирги меҳнат тажрибаси, организмнинг ҳолати ва имкониятларига, жисмоний тайёргарлик даражаларига, инсоннинг индивидуал хусусиятларига қараб такрорланишлар сони ва умуман олганда юкломнинг шиддати ва давомийлиги белгиланади [3].

**Хулоса:** 55 ёшдан 72 ёшгача бўлган йигирма нафар кекса ёшдаги кишиларнинг функционал имкониятлари: организмнинг тинч ҳолатида, тана вазни, бўйи, СҚБ (систолик қон босими), ДҚБ (диастолик қон босими), ПЧ (пулс частотаси) тажриба боши ва охиридаги кўрсаткичлар ўртасида ишончли ( $P < 0.01$ ) фарқ аниқланди. Тадқиқот даврида ўтказилган соғломлаштириш машғулотлари самарасида кекса ёшдагилар организмнинг адаптив салоҳиятининг чегаравий ҳолати ва унга мувофиқ мослашувчанлик имконияти, яъни саломатлик захираларининг даражавий хусусиятларининг ижобий ўсиш фарқи 83% ташкил этди. Демак, ёшга хос соғломлаштирувчи жисмоний фаол машқлар билан шуғулланиш орқали кекса ёшдагилар организмнинг жисмоний фаолликка адаптив мослашувчанлигини ва ижобий функционал силжишлари тажрибавий асосланди.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Иноятов А.Ш. Кекса ёшдаги кишилар учун соғломлаштирувчи йўналишдаги индивидуал дастурларни тузиш методикаси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси - Чирчиқ: 2019. – 137 б.

2. Kadirov R.X. RESEARCH DEVELOPMENT TRENDS ACTIVITIES IN UNIVERSITIES. INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORTS AND PHYSICAL EDUCATION OF THE YOUNGER GENERATION Published by Research Support Center Section 1: New content of education in physical culture. <https://doi.org/10.47100/v1i1>.

3. Мотовилова С.Г. Физическая активность в пожилом возрасте. Заведующий отделом общественного здоровья. 28-31-56.

URL: <http://mogilev.gov.by/zdorovye-goroda-i-poselki/37394-fizicheskaya-aktivnost-v-pozhilom-vozhraste.html>

4. Salieva Z. T. Pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalarining ma'naviy madaniyatini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish: Ped.f.d., diss. avtoreferat - Toshkent: 2017. – 66 б.

5. Филиппова Е.В. Содержание оздоровительных занятий с пожилыми людьми на основе использования средств спортивного туризма: диссертация... кандидата педагогических наук: 13.00.04 / Филиппова Елена Владимировна; [Место защиты:

Кубанский государственный университет физической культуры, спорта и туризма ([www.kgufkst.ru](http://www.kgufkst.ru))].- Краснодар,2015.- 151 с. URL: <http://www.dslib.net/fiz-vospitanie/soderzhanie-ozdorovitelnyh-zanjatij-s-pozhilymi-ljudmi-na-osnove-ispolzovaniya.html>

6. Хоркина Н.А., Филиппова А.В. ФИЗИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ ПОЖИЛЫХ ЛЮДЕЙ КАК ОБЪЕКТ УПРАВЛЯЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ГОСУДАРСТВА, 2015.

URL:<http://file:///C:/Users/User/AppData/Local/Microsoft/Windows/>

### **Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий компонентлари (турлари)**

10.53885/edinres.2021.16.47.083

*Келдиёров Шухрат Эргашович  
Уз Д Ж Т С У Миллий кураш турлари  
назарияси ва услубияти каф доценти  
п.ф.б.ф д(Phd)*

Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий турлари–имконият чекланган кишининг ушбу ижтимоий-тарихий шароитлар учун меъёрий турмуш тарзини амалга ошишга тайёрликни таъминловчи табиий ва ижтимоий эҳтиёжларини фарқлашдан иборат. Имконияти чекланган шахслар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда адаптив жисмоний тарбиянинг қуйидаги компонентлари(турлари)ни фарқлаш мумкин.



**Адаптив жисмоний тарбия** –адаптив жисмоний тарбиянинг тури сифатида имконияти чекланган кишиларда махсус билим, ҳаётий ва касбий жиҳатдан зарур ҳаракатли уқув ва малакаларни шакллантириш; асосий жисмоний ва махсус сифатларнинг кенг доирасини ривожлантириш, турли орган ва тизимларнинг функционал имкониятларини ошириш; уларнинг мавжуд тана-ҳаракат

сифатларидан фойдаланиш ва сақлаш ҳисобига меҳнат маиший фаолиятни амалга оширишда шахс эҳтиёжларини қондира олади.

**Адаптив ҳаракат реакцияси** адаптив жисмоний тарбиянинг тури сифатида имконияти чекланган кишиларда дунёқараш, гедонизмнинг фалсафий қарашларини шакллантириш, уларнинг рекреация тизимидаги асосий усул, восита ва йўлларни ўзлаштириш ҳисобига шахснинг дам олиш, кўнгилочиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, фаолият турини ўзгартиришга эҳтиёжини қондира олади.

**Адаптив спорт** как адаптив жисмоний маданиятнинг тури сифатида имконияти чекланган кишиларни спорт маданияти билан таништириш, уларнинг муайян спорт турининг техникаси, тактикаси ва бошқа компонентларини ўзлаштириши ҳисобига шахснинг мусобақа ва коммуникация фаолияти, ўз қобилиятларини намоён этиш, уларни бошқа кишилар қобилиятлари билан қиёслашга эҳтиёжини қондира олади.

**Адаптив жисмоний реабилитация** адаптив жисмоний маданиятнинг тури сифатида имконияти чекланган кишининг организмни тезроқ тиклашни рағбатлантирувчи табиий, экологик жиҳатдан ўзини оқлаган воситаларни ўзлаштириши; унга тегишли машқлар комплекси, чиниқтирувчи ва термик муолажалар ва бошқа АЖТ воситаларидан фойдаланишга ўргатиш ҳисобига унинг вақтинча йўқотилган ёки бузилган функцияларни (асосий касаллик туфайли узоқ вақт йўқотилган ёки бузилган функциялардан ташқари) тиклашга эҳтиёжини қондира олади.

**Креатив(бадий-музикавий) танага мўлжалланган амалиётлар** тур сифатида имконияти чекланган кишиларнинг танага мўлжалланган эртақ орқали даволаш, ўйин орқали даволаш, шакл ўзгартирувчи ритмик пластикани ўзлаштириш ҳисобига ижодий такомиллашув, ҳаракатлар, музика ва тимсоллар (шу жумладан, бадий тимсоллар), санъатнинг бошқа турлари орқали маънавий моҳиятни ифодалашга эҳтиёжларини қондира олади.

**Ҳаракат фаоллигининг экстремал турлари** тур сифатида имконияти чекланган кишиларнинг хавфсизликни таъминлаш техникаси, тактикаси ва воситалари ҳамда ҳаракат фаолиятининг экстремал турларидаги компонентларни ўзлаштириш ҳисобига саломатлик учун объектив ёки субъектив жиҳатдан хавфли хатар, ўзини ноодатий, экстремал шароитларда синашга уринишга эҳтиёжларини қондира олади.

<b>АЖТ турлари</b>	<b>Соғлиги суст ва имконияти чекланган шахсларнинг эҳтиёжлари</b>
Адаптив жисмоний тарбия	Жисмоний маданиятга ижобий ва фаол муносабатлар шаклланиши, хаёт фаолиятига таёргарликка бўлган эҳтиёжлар
Алаптив спорт	Комуникатив фаоллик ва ижтимоилашув, ўз дорзаблигига, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга бўлган эҳтиёжлар
Адаптив ҳаракатлар рекреацияси	Сухбат, фаолият турини ўзгартириш, дам олиш, кўнгилочиликка бўлган эҳтиёжлар
Адаптив жисмоний реабилитация	Вақтинчи ишлатилиб бўлган функциялар, даволанишга бўлган эҳтиёжлар
Танага йўналтирилган креатив амалиёт	Маънавий ахамиятнинг намоён бўлишига, ўз долзарблигига, ижодий ривожланишга бўлган эҳтиёжлар
Ҳаракат фаоллигининг экстремал турлари	Юқори босимда таваккал қилишга бўлган эҳтиёжлар

Адаптив жисмоний тарбий компонентлари(турлари)ни тўлиқроқ кўриб чиқайлик.

**Адаптив жисмоний тарбия (таълим)**– адаптив жисмоний маданиятнинг компоненти (тури) бўлиб, имконияти чекланган шахснинг турмуш, маиший ва меҳнат фаолиятига тайёргарлик; адаптив жисмоний маданиятга ижобий ва фаол муносабатни шакллантиришга эҳтиёжини қондира олади.



Адаптив жисмоний тарбияжараёнида имконияти чекланган кишиларда махсус билим, ҳаётий ва касбий жиҳатдан муҳим сенсорли-перцептив ва ҳаракатли уқув ва кўникмалар шаклланади; асосий жисмоний ва руҳий хусусиятлар ривожланади; турли орган ва тизимларнинг функционал имкониятлари ошади; мавжуд тана-ҳаракат тавсифлари янги кўринишда ривожланади, сақланади ва улардан фойдаланилади.

Адаптив жисмоний тарбиянинг асосий мақсади шуғулланувчиларда ўз кучларига онгли муносабатда бўлиш, уларга қатъий ишонч, дадил ва қатъий ҳаракатларга тайёрлик, субъектнинг тўлақонли ҳаракатланиши учун зарур жисмоний юкламаларни енгиш, шунингдек, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш ва валеология тавсияларига биноан соғлом турмуш тарзини амалга оширишга эҳтиёжни шакллантиришдан иборат.

Агар Л.П.Матвеев таклиф этаётган атамаларни ёдга олсак, у ҳолда адаптив жисмоний тарбия(таълим)нинг мазмунига адаптив асосий (мактаб) ва адаптив касбий-амалий жисмоний тарбиянинг мазмуни ҳам киритилганини назарда тутиш лозим.

Адаптив жисмоний тарбия жараёни, бола туғилиши ёки унда бирор-бир нуқсоннинг аниқланишидан бошланиб, асосий нуқсон, ёндош касалликлар ва иккиламчи камчиликларни тузатиш, ҳаёт фаолиятини амалга ошириш бўйича компенсацияли механизмларни ишлаб чиқиш, агар тузатишнинг иложи бўлмаса, профилактика ишларига муҳим эътибор қаратиш зарур.

Айнан шу ерда жисмоний машқлар бўйича машғулотлар жараёнида ақлий, сенсор-перцептив, ҳаракатли таъсир ва тушунчалар ўзлаштирилиб, ақлий, ахлоқий, эстетик, меҳнат ва бошқа тарбия турлари амалга оширилганда фанлараро алоқа деб аталувчи соҳага муҳим аҳамият касб этади.

### **Адабиётлар:**

1. Джозеф Винник (Joseph Winnick). Адаптивное физическое воспитание и спорт (Adapted Physical Education and Sport). – Киев: Олимпийская литература, 2010. – 608 с.
2. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. – Т.: Иқтисодиёт, 2014. – 84 с.
3. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т.1. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2005. – 296 с.
4. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т. 2. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2007. – 448 с.  
Частные методики адаптивной физической культуры: учебник / Под общ.ред. Л.В.Шапковой. – М.: Сов.спорт, 2007. – 608 с.

### **Адаптив жисмоний тарбияда машғулотларни тузиш шакл ва усулларини танлаш хусусиятлари**

10.53885/edinres.2021.36.59.082

*Еримбетов Байрамбой Корлибоевич  
Нукус, Қарақалпоғистон  
Ўзбекистон*

**Адаптив жисмоний тарбиянинг вазифа ва воситалари.** Адаптив жисмоний тарбия вазифаларининг асосий гуруҳи – коррекцияли, компенсаторли ва профилактикали вазифалар ҳисобланади. Асосий нуқсон (сенсор тизимлар, таянч-ҳаракат тизими, нутқ, интеллект, соматик функционал тизимлар), ёндош касалликлар ва асосий нуқсон натижасида юзага келган ёндош касалликлар ва иккиламчи нуқсонларни коррекциялаш вазифалари. Асосий нуқсон, ёндош касалликлар ва иккиламчи нуқсонларни коррекциялаш имконияти бўлмаганда организм функцияларини компенсациялаш вазифалари. Баъзи нуқсонлар мавжудлигида иккиламчи нуқсонлар ва ёндош касалликларни профилактика қилиш вазифалари.

Турли нозологик гуруҳлардаги имконияти чекланган кишилар учун жисмоний тарбиянинг таълим, тарбия, соғломлаштириш вазифалари анъанавий гуруҳини мослаштириш.


Жисмоний машқлар – адаптив жисмоний тарбиянинг асосий воситаси. Жисмоний машқларни таснифлаш. Адаптив жисмоний тарбияда табиий-муҳитли ва гигиеник омиллар. АЖТ умумпедагогик ҳамда бошқа восита ва усуллар (вербал, ғоявий-ҳаракатли ва руҳий тартибга солувчи, кўргазмали, техник ва ҳоказо). Асосий нуқсон, ёндош касалликлар ва иккиламчи нуқсон: тафакур, хотира, эътибор, идрок, нутқли тасаввур, ҳиссий-иродали соҳа, кўриш, эшитиш соматик касалликларни коррекция қилиш воситалари.

Ҳаракат соҳаси ва асосий, ҳаётий ва касбий муҳим ҳаракат таъсирларини коррекциялаш воситалари: қомат, яссиоёқлик, тана тузилиши; юриш, югуриш, сакраш, тирмашиб чиқиш ва ошиб тушиш, отиш ва кичик ҳаракат; заифлашиш, ҳаракатлар мослашуви, муҳит ва вақтни англаш; кучлар, муҳит, вақтни фарқлаш, мувозанат, ўзгараётган шароитлардан таъсирланиш тезлиги, тактил ҳиссиётларни фарқлаш, вестибуляр таъсирловчиларга барқарорлик.

Сюжетли ва ҳаракатли ўйинлар - важнейший компонент содержания адаптив жисмоний тарбия мазмунининг муҳим компоненти. Бошқа ўқув фанларига хос ҳаракат фаоллигини интеграцияловчи, математик тасаввур элементлари, нутқ фаолияти, атроф-муҳит ҳақидаги ахборот, тана қисмлари ҳақидаги тасаввур, ҳаракат

йўналиши ҳақидаги ўйинлар. Эртақ билан даволаш, ўйин билан даволаш, шаклни коррекцияловчи, ритмик пластика бўйича танага мўлжалланган воситалар.

### Адаптив жисмоний тарбиянинг восита ва методлари



Имконияти чекланган кишилар билан ишлашда аввалдан жисмоний тарбиянинг умумий: соғломлаштирувчи ва тарбияловчи вазифалари хос.

Соғломлаштириш вазифалари нафақат умумий ҳолатга таъсир этади, балки касаллик орқали организмнинг бузилган баъзи функцияларини тиклаш учун ҳам ишни ташкил этишни кўзда тутати. Бу вазифалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жисмонан соғломлаштириш;
- тўғри жимоний ривожланиш учун шароит яратиш;
- чиниқтириш;

– соматик ҳолат хусусиятларини коррекциялаш (нафас олиш тизими, юрак-қон томир тизимини коррекциялаш).

Тарбия вазифалари феъл-атворга хос маълум хусусиятларни (ирода, қатъият, жамоавийлик ҳисси, ҳамжитҳатлик, фаоллик, дадилликни) ишлаб чиқишни кўзда тутиб, улар руҳий ривожланишни кучайтиришни таъминлайди. Тарбия вазифалари ҳал этилгач, эътибор, хотира, результате решения воспитательных задач развиваются внимание, память, ҳозиржавоблик, мўлжал олиш яхшиланади, интеллект ривожланади.

Имконияти чекланган кишиларнинг асосий жисмоний сифатларини (куч, эпчиллик, тезкорлик, чидамликни) тарбиялаш ҳозирга қадар организмнинг комплекс шикастланиши ва уларда мустақил ҳаётга тўлиқ мослашув имконсизлиги ҳақида фикр мавжудлиги сабабли мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланган.

Имконияти чекланган кишилар билан ишлашда ҳаракатланиш уқув ва кўникмаларини шакллантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш, аввало, ёш жиҳатидан ҳаракат функциялари шаклланиши бўйича табиий жараёнга ёрдамлашишни кўзда тутуди, шунинг учун имкониёти чекланган киши ҳаракат соҳасида нуқсонли ўзгаришлар туфайли мустақил ўзлаштира олмайдиган уқув ва кўникмаларни шакллантириш зарур.

Имконияти чекланган кишиларнинг адаптив жисмоний тарбиясида мустақил аҳамиятга эга ўзаро боғлиқ бир қатор махсус коррекциялаш вазифалари аниқланади. Бу, аввало, асосий нуқсонни компенсациялаш ва асосий касаллик билан ифодаланувчи иккиламчи нуқсонларни коррекциялаш ҳамда қуйидаги ҳолатларни ривожлантирувчи ҳаракатли топшириқларни бажаришга қаратилган вазифалар саналади:

- мушак-бўғимли ҳис этиш;
- муҳит ва вақтни англаш;
- мушакларнинг зўриқиш ва заифлашиши даражаси;
- ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича хотира;
- ўз ҳаракатларига эътибор бериш;
- оғзаки кўрсатма бўйича ҳаракатларни бажариш;
- уларни бажариш сифати бўйича ҳаракатлар таҳлили.

– МАТнинг турли бўлимлари учун тўғри танланган, миқдорга ажратилган ва мўлжалланган машқлар, улар катта ярим шарларда кўзғатувчи ва тўхтатувчи жараёнлар нисбатини ўзгартириб, касаллик жараёнида юзага келган нуқсонли шартли рефлексларни қайта шакллантиришга қаратилиши мумкин.

### **Адабиётлар:**

5. Джозеф Винник (Joseph Winnick). Адаптивное физическое воспитание и спорт (Adapted Physical Education and Sport). – Киев: Олимпийская литература, 2010. – 608 с.
6. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей. – Т.: Иқтисодиёт, 2014. – 84 с.
7. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т.1. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2005. – 296 с.
8. Теория и организация адаптивной физической культуры: учебник. Т. 2. / Под общ.ред. С.П.Евсеева. – М.: Сов.спорт, 2007. – 448 с.
9. Частные методики адаптивной физической культуры: учебник / Под общ.ред. Л.В.Шапковой. – М.: Сов.спорт, 2007. – 608 с.



# 5-ШЎЪБА: ҚАДРИЯТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

## QADRIYATLI YONDASHUV-BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA JISMONIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA

10.53885/edinres.2021.84.48.006

*Davronov N.I.*

Buxoro davlat universiteti "Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyoti kafedrasida katta o'qituvchisi

## АКСИОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД КАК СРЕДСТВО РАЗВИТИЕ ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Старший преподаватель кафедры теории и методики физического воспитания  
Бухарского государственного университета

## AXIOLOGICAL APPROACH AS A MEANS OF THE DEVELOPMENT OF PHYSICAL QUALITIES IN STUDENTS OF ELEMENTARY CLASSES

Senior Lecturer of the Department of Theory and Methods of Physical Education,  
Bukhara State University

**Annotatsiya:** maqolada yosh avlodning ta'lim-tarbiyasi jarayonida qadriyatlarining o'rnini, mohiyati va mazmuni hamda boshlang'ich sinf o'quvchilarida jismoniy sifatlarni rivojlantirishda qadriyatli yondashuvning vosita sifatidagi ahamiyati yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** qadriyat, qadriyatli yondashuv, ta'lim, tarbiya, jarayon, jismoniy sifatlar, rivojlanish, barkamol shaxs.

**Аннотация:** В статье рассматриваются роль, сущность и содержание ценностей в образовательном процессе подрастающего поколения и значение ценностного подхода как инструмента в развитии физических качеств у младших школьников.

**Ключевые слова:** ценность, ценностный подход, образование, воспитание, процесс, физические качества, развитие, целостная личность.

**Annotation:** The article discusses the role, essence and content of values in the educational process of the younger generation and the importance of a valuable approach as a tool in the development of physical qualities in primary school students.


**Keywords:** value, value approach, education, upbringing, process, physical qualities, development, holistic personality.

Qadriyatlarining mohiyati, mazmuni, namoyon bo'lish shakllari bilan bog'liq muammolarning tahlili uzoq tarixga ega. Kishilar qadim zamonlardan o'zlarini o'rab turgan olam, undagi narsa, voqea va hodisalar, odamlar o'rtasidagi munosabatlarga baho berganlar, ularning qadri to'g'risida fikr yuritganlar. Zamonlar o'tishi, jamiyat rivoji davomida bu boradagi muammolar ko'paygan, ularni hal qilishning ahamiyati ortavergan. Qadriyatlar mavzusi bir qator dunyoqarashlarning asosida yotgan, ularning markaziy qismini tashkil qilgan.[1].

Qadriyatlar muayyan jamiyat va sinfga mansub kishilar turmushi va madaniyatining haqiqiy yoki ideal ne'matlari bo'lgan tabiat va jamiyat hodisalarining mohiyati yoki hodisaning bir jihatidir. Bu ne'matlarning qadriyatlar deyilishiga sabab – kishilar ularni qadrlaydilar, chunki bu qadriyatlar ularning shaxsiy va ijtimoiy turmushini boyitadi. SHuning uchun ham kishilar o'z tasarruflaridagi qadriyatlarni himoya qiladilar va o'zlarini uchun maqsad yoki ideal qadriyatlarni amalga oshirishga intiladilar.[2].

Qadriyat – voqelikdagi muayyan hodisalarning umuminsoniy, ijtimoiy – axloqiy, madaniy-ma'naviy ahamiyatini ko'rsatish uchun qullaniladigan falsafiy – sotsiologik va

akseologik tushuncha. Jamiyat, inson va insoniyat uchun ahamiyatli bo'lgan barcha narsa, hodisa va voqealar: erkinlik, ezgulik, tenglik, tinchlik, haqiqat, ma'rifat, madaniyat, moddiy va ma'naviy boyliklar, obida- yodgorlik, go'zallik axloqiy xislat hamda fazilatlar, an'ana, urf-odat, udum va boshqalar hisoblanadi



**1-rasm Qadriyat tushunchasi mazmuni**

Bizning fikrimizcha qadriyat deyilganda, inson, millat jamiyat uchun ahamiyatli bulgan, ayrim shaxs, millat, elat yoki ijtimoiy guruhlarning ma'naviy-madaniy ehtiyojlari evolyusiyasi davomida vujudga kelgan, o'z manfaatlari va maqsadlari uchun xizmat qiladigan barcha moddiy va ma'naviy boyliklar majmuini tushunamiz.[3]

Yuqoridagi qadriyatlar tizimi mohiyati va ularning inson hayoti va faoliyatidagi o'rni hamda ahamiyati nuqtai nazaridan tahlil qiladigan bo'lsak, iqtisodiy, siyosiy, ma'naviy faoliyat va jarayonlarning jamiyat xamda ijtimoiy sub'ektlar uchun ahamiyati, hayotning turli qirralarini aks etgiradigan muammolar xamda ularning echimlarini ifodalaydigan qarashlar, g'oyalar, ta'limotlar, talab va ehtiyojlarning real jarayonlar uchun qadr-qimmatini aniqlash **qadriyatli yondashuv** mazmunini tashkil etadi.

Yoshlarni har tomonlama jismoniy baquvvat qilib tarbiyalashga imkon beradigan, o'quvchilar jismoniy sifatlarini rivojlantirishga qaratilgan bu muammoni umumta'lim maktab o'quvchilari jismoniy tarbiyasini tashkiliy va pedagogik jarayonlar bilan birga bir-biriga bog'lab kelgan uzviylikda ko'rib chiqish lozimligini keltirib chiqaradi, bunda qadriyatli yondashuvning ahamiyati katta.[4].

Yosh avlodning jismoniy qobiliyatini har tomonlama rivojlantirish tarbiyaning ajralmas qismi bo'lgan jismoniy tarbiya jarayonida amalga oshiriladi. Jismoniy tarbiyaning maqsadi jamiyatning sog'lom, xushchaqchaq, har tomonlama jismoniy rivojlangan, mehnat va Vatan himoyasiga tayyor turgan yoshlarni tarbiyalashdan iborat uzoq muddatli, uyushtirilgan pedagogik jarayondir.

Tadqiqotlarimiz ko'rsatishicha, optimal harakatlanish bolalarning jismoniy rivojlanishi va qobiliyatining oshishi uchun katta imkon beradi.[5].

O'quvchilarda jismoniy sifatarni har tomonlama rivojlantirish, ularning milliy qadriyatlarga e'tiborini oshirish, ma'naviy, axloqiy fazilatlarini tarkib toptirish uchun kichik maktab yoshi eng qulay davr hisoblanadi. O'tkazilgan tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, shaxsning jismoniy shakllanishi va jismoniy tayyorgarlik dinamikasi o'quvchining mehnat qilish layoqati va izchil bajariladigan jismoniy mashqlarning xususiyatiga bog'liqdir.


Jismoniy sifatlarga (kuch, chidamlilik, egiluvchanlik, tezkorlik, chaqqonlik) tegishli.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari jismoniy tarbiyasi va ularda jismoniy sifatlarni rivojlantirishda sog'lomlashtirish, ta'lim berish va tarbiya berish vazifalarini amalga oshirish ko'zda tutiladi. Qadriyatli yondashuv asosida bu vazifalarni yaxlit holda bajarish imkoniyatlari kengayadi.[7].

Mamlakatimizda aholi sog'lom turmush tarzini shakllantirish, yosh avlodni jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam shug'ullanishi uchun zamon talablariga mos shart-sharoitlar yaratilmoqda. Sport musobaqalari va tadbirlari orqali yoshlarga milliy qadriyatlarni singdirish, o'z irodasi, kuchi va imkoniyatlariga bo'lgan ishonchni mustahkamlash, mardlik va vatanparvarlik, ona Vatanga sadoqat kabi tuyg'ulari singdirib boriladi. Mamlakatimizda aholi jismoniy madaniyatini oshirish borasida ko'plab amaliy ishlar qilinmoqda va bunga davlat masalasi sifatida qaraladi. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 3 iyun PQ-3031-son «Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori alohida ahamiyatga ega bo'lib, qarorda asosan jismoniy tarbiya va sport tadbirlarining yil davomida o'tkaziladigan dasturi ishlab chiqildi. Dasturning 4-bandida umumiy o'rta ta'lim maktab o'quvchilari o'rtasida o'tkaziladigan jismoniy tarbiya va sport tadbirlar rejasi ham ishlab chiqildi va amaliyotga joriy etildi.

Tahlillarimiz jarayonida qadriyatli yondashuv asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarida jismoniy sifatlarni rivojlantirish maqsadida umumiy o'rta ta'lim maktab o'quvchilari bilan tashkil etiladigan jismoniy tarbiya va sport faoliyati asosan quyidagi yo'nalishlarda olib borilishi aniqlandi:

- jismoniy tarbiya darslari;
- darsdan tashqari jismoniy tarbiya ishlari;
- maktabdan tashqari jismoniy tarbiya ishlari.



**2-rasm. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida jismoniy sifatlarni rivojlantirish shakllari**

Jismoniy tarbiya darsi umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'quvchilar jismoniy tarbiyasining eng asosiysi hisoblanadi. Chunki dars qonun qoidalar asosida o'tkaziladi va

nazorati olib boriladi.[8]. Darsdan tashqari ishlarga darsgacha gimnastika mashqlari, jismoniy tarbiya daqiqalari, katta tanaffuslardagi uyushtiriladigan harakatli o'yinlar, ommaviy jismoniy tarbiya va sport bayramlari kiradi. Maktabdan tashqari ishlarga bolalar va o'smirlar sport maktabi sport to'garaklari, ko'rik-tanlovlar, ommaviy tadbirlar, sport musobaqalarini uyushtirish, hasharlarda, mehnat jarayonida ishtirok etish, bayram tantanalarida ishtirok etish, jamiyatning turli sohalarida muvafaqiyatga erishgan taniqli insonlar bilan uchrashuvlar tashkil qilish, davra suhbat, bahs-munozara, seminar-treninglar tashkil etish kabi shakllarni kiritamiz.[9].

Xulosa qilibaytganda milliy qadriyatlarining pedagogik, ijtimoiy-psixologik jihatlarini o'rganish va shu asosda boshlang'ich sinf o'quvchilarida jismoniy sifatlarni rivojlantirish va yoshlarni tarbiyalash amaliyotiga joriy qilish o'z madaniyatimiz va ma'naviy boyliklarimizning yuksaklikka ko'tarilishida asosiy vositalardan biri hisoblanadi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Achilov A.M. Akramov J.A. Goncharova O.V. Bolalarning jismoniy sifatlarini tarbiyalash. 2004 y. Toshkent.

2. Davronov N. I. DEVELOPMENT OF PHYSICAL QUALITIES OF CHILDREN IN THE HERITAGE OF OUR ANCESTORS //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – T. 8. – №. 3.

3. Давронов Н. И. ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ ВРЕДНЫХ ПРИВЫЧЕК У ПОДРОСТКОВ НА ОСНОВЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА //EUROPEAN RESEARCH. – 2018. – С. 132-134.

4. Ismoilovich D. N. National folk games a means of development of physical attitudes in primary school students //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – T. 12. – С. 166-169.

5. Мухитдинова Н.М. Методология физических упражнений и игр в дошкольных образовательных организациях // Проблемы науки.№9 (57), 2020. С. 81-83.

6. Мухитдинова Н.М. Механизм инеллектуального развития у детей дошкольного возраста с помощью спортивных игр //Academy. 2019. С.92-93.

7. Тураев М.М., Баймурадов Р.С., Файзиев Я.З. Интерактивные методы физического воспитания в вузах/ / Педагогическое образование и наука. № 3, 2020. С. 132-135.

8. Тураев М.М. МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ИХ ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ// Проблемы науки.2021.24.02. стр35-37// <https://scienceproblems.ru/images/PDF/2021/61/pn-2-61-.pdf#page=36>

9. Давронов И. Э., Кулдашева З. Х. ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ В СЕМЬЕ //Паёмномаи фарханг. – 2017. – №. 2. – С. 86-89.

#### **IBN-SINO TA'LIMOTIDA JISMONIY TARBIYA MAZMUNI**

10.53885/edinres.2021.61.33.009

***Q.Q.Qobiljonov***

**Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedراسи o'qituvchisi**

***J.R.Jo'rayev***

**Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedراسи o'qituvchisi**

#### **ANNOTATSIYA**

Mazkur maqola qomusiy olim, mutafakkir, tib olamining sultoni Abu Ali ibn Sinoning inson, uning jismoniy va ruhiy kamoloti hamda kamolotga erishish omillari borasidagi g'oyalariga bag'ishlangan. Maqolani yozishda Ibn Sinoning falsafiy g'oyalaridan ham foydalanilgan. Xulosa qismida yakuniy g'oyalar ham keltirilgan

Kalit soʻzlar: Inson, jismoniy sogʻlom inson, ruhiy salomatlik va ruhiy-maʼnaviy kamolot.

#### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена идеям ученого-энциклопедиста, мыслителя, султана медицинского мира Абу Али ибн Сины о человеке, его физическом и умственном совершенстве и факторах совершенствования. При написании статьи также были использованы философские идеи Ибн Сины. В заключительном разделе также представлены окончательные идеи.

Ключевые слова: человек, физически здоровый человек, психическое здоровье и духовная зрелость.

#### ABSTRACT

This article is devoted to Avicenna's ideas about the physical and spiritual perfection of man and his path to reaching the top. Avicenna's philosophical ideas were also used in writing the article. Final ideas are also given in the conclusion

Keywords: human, physically healthy man, mental health and spiritual maturity

Abu Ali ibn Sino buyuk qomusiy olim sifatida tibbiyot, riyoziet (matematika), falakiyot, fizika, kimyo, biologiya, dorishunoslik, ruhshunoslik, fiziologiya, filologiya, falsafa, axloq, estetika va badantarbiya kabi koʻplab fanlarning etuk bilimdoni boʻlib, ushbu fanlarning rivojiga ulkan hissa qoʻshgan allomadir. Uning aql zakovati, yaratgan asarlari Oʻrta Osiyodagina emas, balki SHarq va Gʻarbiy Ovrupo mamlakatlarida hozirgi kungacha ahamiyatini yoʻqotmagan holda, hurmat bilan tilga olinadi.

Ibn Sinoning bizgacha etib kelgan 242 dan 60 tasi falsafa, ilohiyot va tasavvufga tegishli, 43 tasi tabobatga oid, 19 tasi mantiqqa, 26 tasi ruhshunoslikka, 23 tasi tibbiyot ilmiga, 7 tasi astronomiyaga, 1 tasi matematika, 1 tasi muzikaga, 2 tasi kimyoga, 9 tasi etikaga, 4 tasi adabiyotga va 8 tasi boshqa olimlar bilan ilmiy yozishmalarga bagʻishlangan asarlari ichida «**Dafʼ al maddor al kulliya an al abdon al-insoniya...**» (Inson badaniga etishgan barcha zararlarni yoʻqotish...), shuningdek **Risola fi hifz as-sihha** (Sogʻliqni saqlash haqida risola) asarlarida badantarbiya, shaxsiy gigiena va parhez masalalari yoritilgan boʻlib, bu risolalar 1547 yilda lotin tilida nashr etilgan, arabchasi 1837 yilda Qohirada bosilgan edi. Oʻzbek tiliga qilingan tarjimasini 1978 yilda

Badan tarbiyasi inson hayotida katta ahamiyatga ega. Birinchidan, hayotda har kimning mukammal sogʻ salomatlikka, kuch quvvatli badanga ega boʻlish ehtiyoji bor. Ikkinchidan, badan sogʻligʻi fikr va axloqning ham sogʻligʻini taʼmin etadi. Quvvatli badanning fikr va axloq uzra taʼsiri oshkordir. Fikr va axloq bilan mijoz va sogʻlomlik uzviy bogʻliq.

Badan tarbiyasining maqsadi har tomonlama jismonan chiniquqan, sof fikrli, mard, sabotli, qatʼiyatli, Vatanni himoya qila oladigan shaxslarni kamol toptirishdan iborat.

Ibn Sino Tibning amaliy qismini ikkiga boʻladi. Birinchi qism sogʻlom gavdalarning tadbirini bilish, bu sogʻlikni saqlashga talluqli boʻlgani uchun uni sogʻliqni saqlash ilmi deb ataydi. Sogʻliqni saqlashda esa asosiy ettita narsani moʻtadil qilish lozim deya taʼkidlaydi. Bular: **mizojni moʻtadil qilish, eyiladigan va ichiladigan narsalarni tanlash, gavdani chiqindidan tozalash, toʻgʻri tuzilishini saqlash, burunga tortiladigan havoni etarli va yaxshi qilish, kiyimli narsalarni yaxshilash, jismoniy va ruhiy harakatlarni moʻtadil qilish**; shu harakatlar jumlasiga maʼlum darajada uyqu va uygʻoqlik ham kiradi.

Tana aʼzolarining moʻtadil faoliyati uchun harakat juda zaruriydir. Buyuk hakim: «Badan tarbiya — sogʻliqni saqlashda ulugʻvor usuldir», deydi, bu fikr: «Kimki qilsa harakat — sogʻligʻida barakat boʻladi» degan naqlni eslatadi.

Qadimda xalqimiz badan tarbiyani riyozat deb atashgan. Abu Ali ibn Sino «Tibbiy doston» («Urjuza») asarida ham riyozat — badan tarbiyasi haqida toʻxtalib, uning bir necha xillari boʻlishi, bu jismoniy mashklar bilan oʻrtacha shugʻullanish sogʻliqqa foydali ekanligini bunday taʼriflaydi:

***Bilsang riyozat turlari necha necha  
SHarofatli bo'lur esa u o'rtacha.  
To'g'ri va mo'tadil bo'lib o'sgan badan,  
Kir chir ila chiqindidan qutular tan.»***

Olim yana, jismoniy mashqsiz yurish badanda yomon xultlarning yig'ilishiga sabab bo'lishini alohida uqtirib bunday deb yozadi:

***«Riyozatsiz yotishdan ko'p topma rohat,  
Bu rohatdan topolmassan hech manfaat.  
Jim yotsang iflos xult- la to'lar badan,  
G'izocha hech hozirlanmas biror maskan».***

Alloma sog'liqni saqlashning asosiy tadbiri sifatida badantarbiyani e'tirof etgan holda uning quyidagi turlarini ko'rsatadi : o'zaro tortishish, musht bilan turtishish, yoydan o'q otish, tez yurish, nayza otish, yuqoridagi bir narsaga irg'ib osilish, bir oyog'ida sakrash, qilichbozlik va nayzabozlimk, otda yurish, ikki qo'lini silkitish.

Badantarbiya bilan shug'ullanuvchi avvalo ichidagi va qovug'idagi chiqindilarni chiqarib tashlashi, keyin harakat qilishi kerak. O'z gavdasini tayyorlash uchun oldin gavdani qattiq mato bilan ishqalashi kerak, bundan uning tabiati uyg'onib, terisining teshiklari kengayadi. undan keyin chuchuk moy bilan gavdani ishqalab, asta-sekin uncha kuchli bo'lmagan uqalashga o'tiladi. Bunga qo'llar bilan tananing turli bo'laklarini ko'p marta ezish va barcha mushaklarni ezish bilan erishiladi. keyin uqalashni tamomlab, badantarbiyaga kirishiladi.

Bolaning salomatligi u yashaydigan muhit sharoitiga chambarchas bog'liq ekanligi bugungi kunda hech kimga sir emas. Bola salomatligiga ta'sir etuvchi omillar tib ilmining bilimdoni buyuk **Ibn Sinoning "Risola fi xifa as-sihha"**-asarida xam o'z aksini topgan bo'lib unda salomatlikning asosiy garovi sifatida shaxsiy gigiena qoidalari bayon qilingan.

Ibn Sinoning ekologik qarashlari, ekologik taffakur va amaliyot tarixidagi buyuk meros xisoblanadi. Uning "Tib qonunlari" kitobida ekologik qarashlar xam o'z ifodasini topgan. Kasalliklarni kelib-chiqishi, oldinini olish, davolashga doir maslaxatlar, inson salomatligining atrof- muhimdagi omillarga bog'likligi xaqidan fikrlar Abu Ali Ibn Sino ijodiga singib ketgan.

Uning ta'kidlashiga: inson salomatligi atrofimizni o'rab turgan xavoning tarkibiga bog'liq, chunki xavo gavdamizni va ruximizning tarkibiga kirgan to'rt asosiy unsurning biridir. Havo mu'tadil va sof bo'lib, unda ruhning mijoziga teskari yot bir moddalar aralashmaganida u sog'liq uchun yaroqli bo'ladi, aks holda esa kasallik manbasidir.

Fan va texnik taraqqiy etgan xozirgi zamonda havosi nafas olish uchun butunlay yaroqsiz holatga kelib qolgan joylar ham mavjudligi kasalliklarning yangi turlarini rivojlanib borishiga sabab bo'lmoqda.

YOshlarni xar tomonlama barkamol va etuk qilib tarbiyalashda barcha ekologik va ijtimoiy tadbirlar turkumiga kiradigan jismoniy tarbiyaning xam ahamiyati katta.

Ibn Sino ta'limoticha bolaning salomatligi ko'p jixatdan ota-ona sog'ligiga bog'liq bo'lib, u o'sayotgan va rivojlanayotgan muhit xam o'z ta'sirini ko'rsatadi.

Bola organizmi mayin, yangi niholdek egiladi, o'zgarib turadi. Ma'lum sharoitlarda yomon tug'ma xususiyatlar yuzaga chiqmay qolishi va jiddiy kasalliklar manbai bo'lishi ham mumkin. Xuddi shu kabi yaxshi kurtaklar yo rivojlanishi va takomillashini yoki so'nib, yo'q bo'lib ketishi mumkin.

Ibn Sinoning aytishicha odam yorug' dunyoga chidamlilik, bardoshlik "tayyor" moslashuvchanlik mexanizmlarning ma'lum jamg'armasi bilan keladi. Buni sehrgar saxiy tabiat har bir bo'lajak farzandga ato etgan tuhfa, deb hisoblash mumkin. Biroq ana shu tabiat in'omini saqlash uchun undan bilib, oqillik bilan foydalanish kerak.

Masalan, chaqaloqda issiqlikni idora etadigan tabiiy mexanizmlar juda takomiliga etgan bo'ladi. Sovuqda javoban organizmda issiqlik berilishining tezda kamayishiga, isib

ketishga javoban esa uning oshishiga imkon beradigan reaksiyalarning murakkab zanjiri paydo bo'ladi.

Ibn Sino inson kamolotida jismoniy tarbiyaning muhim ahamiyatini ham nazariy, ham amaliy jihatdan tahlil etadi.

Ibn Sinogacha insonning kamolga etishida jismoniy tarbiyaning ta'siri haqida bir butun, yaxlit, ta'limot yoritilmagan edi. Ibn Sino birinchi bo'lib jismoniy tarbiyaning ilmiy pedagogik jihatdan bir butun tizimini yaratdi.

Jismoniy mashqlar, to'g'ri ovqatlanish, uyqu, badanni toza tutish tartibiga rioya etish inson sog'lig'ini saqlashda muhim omillardan ekanligini ham ilmiy ham amaliy jihatdan asosladi.

Ko'rinib turibdiki, alloma naslning sog'ligi, jamiyat a'zolarining sog'lom turmush tarzi jamiyatning ravon osuda hayoti, farovon turmushini ta'minlashga xizmat qilishini nazarda tutib, inson salomatligini saqlash hamda tiklash borasidagi o'z qimmatli fikr va qarashlarini o'lmas va betakror asarlarida ifoda etgan.

Respublikamizda qabul qilingan "Sog'liqni saqlash tizimini isloh qilish" to'g'risidagi dastur, "Sog'lom avlod" jamg'armasi va ordenining ta'sis etilishi, "Ona va bola" markazlarining tashkil etilishi, "Yoshlar yili", "Barkamol avlod", "Yoshlarni qo'llab quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash", "Yoshlarni qo'llab quvvatlash hamda aholi salomatligini mustahkamlash" yillarining e'lon qilinishi Prezidentimiz va Respublika rahbariyatining bu sohaga bo'lgan e'tiborlarining naqadar katta ekanligini ko'rsatadi.

Kelajakda ham jismonan, ham ma'nan sog'lom avlodni voyaga etkazish masalasida ajdodlarimizning qarashlari va faoliyati ma'naviy asoslardan biri bo'lib xizmat qilishi, shuningdek, ulardan foydalanish islohotlarni yanada samaraliroq borishi va o'tkazilishiga yordam berishi shubhasizdir.

#### **Adabiyotlar:**

1. Ibn,Sina.(1316)Traktat o lyubvi.Tegeran.
2. Ibn,Sino.(1983) Tib qonunlari.Fan.
3. Рахимовб,М.(2004).Антропология Ибн Сины. Душанбе.
4. Саидов,Н.(2008).Человек, его сущность и сущностные силы в философии Аристотеля и Ибн Сины.Душанбе:Ирфон.
6. К.К.Кобилжонов идея совершенной личности в трудах мыслителей востока <https://elibrary.ru/item.asp?id=43313746>

## **BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARI BILAN OLIB BORILADIGAN SPORT ISHLARINING PEDAGOGIK ASOSLARI**

10.53885/edinres.2021.69.93.012

**Z.Sh.Yusupova**

*Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston*

*Педагогические основы спортивной работы с пловцами младших классов*

**З.Ш.Юсупова**

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

*Pedagogical bases of sports work with primary school swimmers*

**Z.Sh.Yusupova**

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'yinlar yordamida jismonan rivojlantirishning o'ziga xos yo'llari hamda vazifalari ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** boshlang'ich ta'lim, sport, jismoniy tarbiya, jismoniy rivojlanish, jismoniy sifatlar.



**Аннотация:** В данной статье разъясняются конкретные способы и задачи физического развития младших школьников с помощью игр.

**Ключевые слова:** начальное образование, спорт, физическое воспитание, физическое развитие, физические качества.

**Annotation:** The article explains the specific methods and tasks of physical development of young school students with the help of games.

**Key words:** primary education, sports, physical education, physical development, physical qualities.

O'zbekiston jismoniy tarbiya tizimida sport o'quvchilarning har tomonlama jismoniy tarbiyasining asosiy vosita va metodlari sifatida qaraladi. Boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarning jismoniy tarbiyasida ham sport katta o'rinni egallaydi. Sport jismoniy tarbiya vositasi sifatida bolalarning sog'ligini mustahkamlash uchun katta imkoniyatlarga egadir. To'g'ri tashkil etilgan sport mashg'ulotlari markaziy nerv tizimini (MNT) takomillashtirishga, o'pka, yurak tomiri tizimining ishlarini yaxshilashga, muskul hajmining, qon tarkibining, modda almashuvining yaxshilanishiga imkon yaratadi.

Sport bilan shug'ullanish jarayonida tarbiyaviy masalalarning bir qatorini va eng avvalo ijobiy axloqiy va irodalilikni tarbiyalashni hal etish uchun sharoitlar yaratiladi. Ilmiy kuzatishlar, amaliy tajribalar shu narsani ko'rsatadiki, to'g'ri tashkil etilgan mashg'ulotlar bolalarni umumta'lim fanlari bo'yicha o'zlashtirishni yaxshilashga imkon beradi, bolalarni mehnatga o'rgatadi, irodali xarakterni tarbiyalaydi, axloq madaniyati, intizomini oshiradi va xarakterining boshqa ijobiy tomonlarini tarbiyalaydi. Bolalik davrida sport bilan o'z vaqtida shug'ullanish sport ustalari o'rinbosarlarini yetishtirishga imkon beradi. Bularning hammasi sportni o'quvchilarni jismoniy tarbiyasining almashtirib bo'lmaydigan vositasi bo'lib qolishiga olib keladi.

Maktab yoshidagi bolalarni jismoniy tarbiyada sport elementlari bolalarning o'quv mashg'ulotlarda maktabdan tashqarida va kundalik hayotida o'z o'rnini egallaydi. Bu mashg'ulotlar: a) ayrim sport turlarining sport texnikasini egallashda; b) bolalarni uzoq vaqt bir tizimda trenirovka talab etmaydigan oddiy sport musobaqalarda qatnashishga olib keladi.

Sport elementlari maktab dasturiga kiritilgan. Bolalar darsda gimnastika mashqlarining, yengil atletikaning, voleybol, basketbol, badiiy gimnastika, milliy kurash, suzishning texnik asoslarini o'rganadilar. O'quv normalarini topshirish sport musobaqalari shaklida o'tkaziladi. Umumiy olganda jismoniy mashqlarni bajarishning ixtiyoriy ko'rinishiga (ertalabki gigiyenik gimnastika, quvnoq daqiqa va boshqalar) musobaqa elementlarining kiritilishi mashg'ulotning qiziqarli (emotsional) o'tishiga ko'maklashadi, mashqlarni yaxshiroq sifatli bajarilishiga imkon yaratiladi. Musobaqalar, mashq texnikasini o'rganish guruh jamoalar yig'ilishlarida, sog'lomlashtirish kunlarini, maktabda jismoniy tarbiya bayramlarini o'tkazishda amalga oshirilishi mumkin. Maktabdan tashqari musobaqalarda, turar joylarda, mahallalarda parklarda eng yaxshi yuguruvchilar, balandlikka sakrovchilar, irg'ituvchilar, suzuvchilar musobaqasi keng o'tkaziladi.

Bolalar bilan olib boriladigan sport ishlarida 2 yo'nalishni ajratishimiz mumkin: 1) sport elementlarining jismoniy tarbiyada qo'llanilishi - sportga bo'lgan qiziqish va yaqinlashishni dastlabki bosqichidir; 2) sportning ayrim turlari bo'yicha ixtisoslashtirilgan mashg'ulotlari. Sportning ixtisoslashtirilgan mashg'ulotlari yuqori malakali yosh sportchilarni ommaviy sport ishlarining tashkilotchilarini, sport bo'yicha jamoatchi hakam, instruktorlari tayyorlashga qaratilgan. Sportning ixtisoslashtirilgan mashg'ulotlari BO'SM maktab jamoasining sport seksiyalarida o'tkaziladi. Uning vazifasi shundan iboratki, bolalar sistemali mashq o'tkazadilar, sportning tanlab olingan turi, texnikasi va taktikasini egallaydilar, sport musobaqalarida qatnashadilar, jismoniy sifatlarini rivojlantiradilar, organizmning funksional imkoniyatlarini oshiradilar.



Bolalar bilan olib boriladigan sport mashg'ulotning xususiyatlari.

1. Bolalar bilan o'tkazilayotgan mashg'ulotlarida koordinatsion qobiliyatlariga ko'ra texnik va taktik ko'nikmalarni (gimnastika, akrobatika, figurali uchish, sport o'yinlari, yengil atletika va h.k)ni murakkab bo'lgan ko'p miqdorini egallash ustida uzoq davom etuvchi ishlarini talab qiluvchi sport turlariga qaratilish kerak.

Texnika va taktika bilan bog'liqligi bolalar yuqori natijalarga erishish uchun yetuk emas, lekin o'smirlar ma'lum yoshga yetganlarida, ularni yuqori natijalarga olib chiqish mumkin bo'lgandagi vaqtiga murakkab texnikani egallashda bolalar organizmi eng yaxshi holda hisoblanadi. Ular texnikani mukammal egallashlari lozim. Shundagina butun olib borilayotgan ish maxsus tayyorgarlikka qaratiladi. Agar Latinina, Isxakova, ter-Avanesyan, Dumbadze va boshqalarning sport tarjimaiy holiga nazar tashlasak, ular o'smirlik davriga kelib yuqori natijalarga erishganlar. Olimpiya o'yinlarining terma komandasiga kirgan ko'pgina sportchilar juda yosh edilar, dunyo miqyosida yuqori natija ko'rsatish uchun kamida 7-8 yil mobaynida tayyorgarlik kerak. Sport sohasidagi ishlarining staji esa 7-8 yilga teng. Terma komandamizdagi sportchilarning 70% i 20-21 yoshlilardir.

4. Yosh bolalar bilan ish olib borilayotganda muhim maxsus bilim va ko'nikmalarni talab etiladigan sport turlari (alpinizm, motto va avtoturlari) qo'llanilmaydi.

5. Sport turi bo'yicha mashg'ulotni boshlash har xildir. Shuning uchun biz sport bilan mashg'ulotlarni erta boshlash haqida emas, balki sportning har bir turida o'z vaqtida boshlash to'grisida gapiramiz. Ba'zan sport bilan erta shug'ullanish sog'liqqa zarar yetkazib, sport texnik natijalarini o'sishini to'xtatadi, chegaralaydi. Sportning bu turlari hammadan ko'proq chidamlilikni, kuchni talab etadi (boks, shtanga, uzoq va o'rta masofaga yugurish).

Oxirgi yillarda bolalarning sevimli o'yinlaridan biri rolikli konkida uchish bo'lib qoldi va ommaviy holda ko'chalarda turar joylarda mustaqil shug'ullanadilar. Agarda rolikli konkida yugurishni sport turi sifatida maktablarda to'garak tashkil qilinsa, unga qabul qilishni 9-10 yoshdan oldin boshlash maqsadga muvofiq emas, chunki kichik yoshdagi bolalar yugurish texnikasini egallashga tayyor emas, oyoqlarning bo'sh muskullarni bukulish hollarini saqlay ololmaydi va to'g'ri oyoqda yuguradilar, ya'ni noto'g'ri texnikani egallaydilar. Ammo sportdagi kelgusi muvaffaqiyatlarining fundamenti bolalik va o'smirlik sportida qo'yila boshlanadi. Sport tarjimaiy hol ko'p yillik kuzatishlar tahlili sportning ayrim turlari bilan mashg'ulotni boshlash uning xususiyatiga bog'liqligini ko'rsatadi. Masalan, 7-8 yoshda suzish va figurali uchish bilan 8-9 yoshda tog changi sporti, suvga sakrash, tennis bilan; 9-10 yoshda; 7-8 b.gimnastika, 8-9 yoshda akrobatika, sport gimnastika; 7-8 - (qizlar), 10-11 yoshda - futbol, xokkey, qo'l to'pi, voleybol, basketbol; 11-12 yoshida- yengil atletika, chang'i musobaqasi, velosiped, suv to'pi, 12-14 yoshda - boks va hokazo bilan shug'ullanish mumkin (bu ma'lumotlarni aniqlash kerak, chunki hozirgi davrda yil sari milliy terma komandada qatnashuvchilarning yoshi kichrayib bormoqda), demak sport turlari bo'yicha shug'ullanishni ancha oldin boshlayaptilar. Eng yuqori muvaffaqiyatlar 25 yoshda erishiladi, lekin yildan yilga yoshi kamayib bormoqda, hozirgi gimnastikada 13-14 yoshlik chempionlar bor.

4. Katta yoshdagi bilan taqqoslanganda mashqlarning bajarishning texnik shartlari o'zgarmoqda: snaryadlar o'lchami, kamaymoqda, shakli o'zgarmoqda, maydon o'lchami ham kamaymoqda, masofalar qisqarmoqda, mashqlarni bajarish yengillashmoqda. Kichik yoshdagi bolalar va o'smilarning yutuqlariga beriladigan baholar kamaymoqda. Ko'p yil davomida bolalar bilan mashg'ulotlar o'tkazish uchun inventoirlarning maxsus standartlarini ishlab chiqmoqda.

5. Mashg'ulotlar kattalarga nisbatan umumiy jismoniy tayyorgarlikning kengroq bazasida o'tkazilishi lozim. Ular mazmun jihatdan turlicha bo'lishi kerak. Mashqlarni faqat maxsus turidan tanlanishiga chek qo'yish kerak (bir tomonlama spetsifika), chunki bu

yuklamaning ortib ketishiga olib keladi. Ayrim hollarda sportchi bo'yi o'sishining to'xtab qolishi, umumiy jismoniy rivojlantirishning yetarli bo'lmaganiga bog'liqdir.

Shu narsa xarakterliki, AQSH terma komandasida faqat b/bol bilan shug'ullanadigan birorta ham o'yinchi yo'q edi. Hamma o'yinchilar sportning yana 9 turi bilan shug'ullanadilar. Lekin b/bol bo'yicha o'smirlarga qo'yilgan talab shundaki, har bir b/bolchi Amerika f/boli, beysbol, tennis, suzish va yengil atletikaning ayrim turlari bo'yicha maktab terma komandasida bo'lish kerak. Bizning terma komanda-mizdagi ko'pgina o'yinchilar sportning boshqa turlari bilan shug'ullanmaydilar.

6. O'zbekistonda yosh bo'yicha bolalar va o'smirlar musobaqalarning tizimi ishlab chiqilgan:

9-10 maktab bo'yicha -1 bosqich

11-12 maktab bo'yicha-1 bosqich

13-14 tuman, shahar, vil.miqyosida - II bosqich

15-16 viloyat, respublikasi miqyosida - III bosqich

17-18 viloyat, respublikasi miqyosida - III bosqich

7. O'quvchining yoshi qancha kichik bo'lsa, musobaqa masshtabi shuncha kichik bo'ladi (Sog'liqni saqlash, jismoniy va psixologik yukla maning ortishi), chunki musobaqalar qancha yiriklashsa, talab va hayajonlanish shuncha katta bo'ladi.

8. Sport turlari bo'yicha har bir yoshda musobaqalar soni o'atilgan. Masalan: 11-12 yoshlilar uchun gimnastikadan (5-6) umumiy jismoniy tayyorgarlik bo'yicha (2 ta) klassifikatsiya 13-14 yoshidagi umumiy jismoniy tayyorgarlik bo'yicha (5-6), (4) klassifikatsiya - yengil atletika va hokazo.

#### **XULOSA**

Yosh avlod tarbiyasida jismoniy tarbiya va sportning ahamiyati beqiyos. Xususan boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarning jismoniy tarbiyasida ham sport katta o'rinni egallaydi. Sport jismoniy tarbiya vositasi sifatida bolalarning sog'ligini mustahkamlaydi. Bu imkoniyatlarni amalga oshirishda jismoniy tarbiyaning sinfdan hamda maktabdan tashqari shakllarining o'ziga xos maqsad, vazifalari borki unga ko'ra sport to'garaklarini tashkil etish va tizimli joriy etish o'quvchilarning sportga bo'lgan qiziqishlarini oshishiga shuningdek jismoniy jihatdan kamol topishida xizmat qiladi.

#### **Adabiyotlar ro'yxati**

15. Юсупова Зулфизар Шариповна Методы организации физической подготовки в дошкольных образовательных организациях // Проблемы науки. ISSN 2542-0801(online) ISSN 2413-7081-(print)ГОСТ 7.56-2002. – 2020. – №. 09 (54) ст.46-48
16. Yusupova Zulfizar Sharipovna, Shukurov Rahim Salimovich, Akramova Gulxayo Sharipovna (scopus) The features of the psychological preparation process of turon figrtersto competitions // International Journal of psychosocial, vol 24, ISSUE 06, 2020 ISSN:1475-7192 ст.3076-3083
17. Юсупова З.Ш. АCADEMY научно-методический журнал Принципы и методы организации физкультурно-спортивных мероприятий в образовательных учреждениях. ISSN 2412-8236 ГОСТ 7.56-2002ст.96-99
18. Юсупова З.Ш. Ученый XXI века международный научный журнал Требования к выполнению упражнений на уроках физкультуры. УДК 37. ISSN 2410-3586
19. Yusupova Zulfizar Rakhimova Laylo Methods for determining the degree of physical fitness USA International Conference SCIENTIFIC RESEARCHES FOR DEVELOPMENT FUTURE March 28, 2020, New York, ст.76-79
20. Abdullayev Sh.Dj. Yusupova Z.Sh. Бухоро Давлат Университети Илмий ахбороти THEORETICAL ANALYSIS OF THE PROCESS OF RECOVERY OF THE ABILITY OF INDIVIDUAL WRESTLERS TO WORK IN THE POST-COMPETITION STAGE 2020/6(82) ст. 271-276

21. Юсупова З.Ш. СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ. Проблемы науки №2(61)2021. ISSN 2413-2101(гост) ISSN 2542-078X(онлайн)

**МИЛЛИЙ КУРАШНИ ЎҚУВЧИНИНГ ШАХСИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИГА  
ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

*10.53885/edinres.2021.56.86.014*

**Э. Ю. Исломов**

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

**ИЗУЧЕНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ВЛИЯНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ БОРЬБЫ  
НА ФОРМИРОВАНИЕ ЛИЧНЫХ КАЧЕСТВ УЧАЩИХСЯ**

Э. Ю. Исломов

*Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан*

**STUDY OF THE PSYCHOLOGICAL INFLUENCE OF THE NATIONAL STRUGGLE  
ON THE FORMATION OF PERSONAL QUALITIES OF STUDENTS**

E. Yu. Islomov

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

**Аннотация:** ушбу мақолада ўзбек курашининг ўқувчиларининг шахсий фазилатларини шакллантиришда психологик таъсири ўрганилади, олинган маълумотларнинг таҳлили берилган.

**Калит сўзлар:** ўзбек кураши, ўқувчи шахси, психологик сифатлар, шахс сифатларини шаклланиши.

**Аннотация.** В данной статье изучены психологическое влияние узбекского кураша на формирование личностных качеств учащихся, дан анализ полученных данных.

**Ключевые слова:** узбекская борьба, личность студента, психологические качества, формирование качеств личности.

**Annotation.** This article studies the psychological influence of the Uzbek kurash on the formation of personal qualities of students, an analysis of the data obtained is given.

**Key words:** Uzbek wrestling, student personality, psychological qualities, personality traits formation.

Психология фанида шахсни шаклланишида ва уларни баркамол қилиб тарбиялашда спорт турларининг ижобий таъсири ҳақида кўплаб психолог олимлар ўз тадқиқот ишларини олиб бориб, илмий жиҳатдан асослаб беришган. Ўқувчилар шахсини шакллантиришда мактаб дастуридаги ўқув фанлари, шу жумладан, жисмоний тарбия ва спорт турларининг таъсирини ўрганишга йуналтирилган илмий-тадқиқот ишлари кўпчиликни ташкил қилади. Бу йўналишда Ўзбекистонлик психолог олимлар Р.З.Гайнутдинов, З.Г.Гаффаров, Ф.Керимов ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган, лекин жисмоний тарбия ва спортнинг шахс шаклланишига кўрсатадиган таъсири етарлича очиб берилмаган, айниқса, ўзбек курашининг ўқувчилар шахсий сифатлари ва психологик хусусиятларини шакллантиришдаги аҳамияти психология фанида кам ўрганилган.

Ўзбек халқининг спорт тарихида миллий кураш алоҳида ўрин тутди. Барча шарқ яккакураши турларига ўхшаб, унинг ҳам ўзига хос тарихи бор.

Ўзбек халқи курашдан одамларни жисмонан чиниқтириш воситаси сифатида фойдаланган. Шундай қилиб, олим ва тарихчилар ўзбек халқи ҳаётида миллий кураш алоҳида ўрин тутганлигига гувоҳлик берадилар.

Қуйида ушбу тест ёрдамида ўтказилган тадқиқотимиз натижаларини изоҳлаб, унинг баъзи хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз (1 жалвал).

Асабийлик. Психологик луғат бўйича, “асабийлик-бу ҳиссий беқарор-лик, хавотирланиш, ўзига бўлган ҳурматнинг пастлиги, вегетатив бузилиши билан характерланадиган ҳолатдир”.

**1-жадвал Психодиагностик тест бўйича ўқувчиларнинг тадқиқот натижалари**

№	Индивидуал ва шахсий хислатлар	Яккакураш тури	
		Миллий кураш	Спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчилар
1.	Асабийлик	13,9 <sup>***</sup> /17,5	17,0/17,2
2.	Руҳий тажанглик	11,8 <sup>*</sup> /14,8	15,6/15,8
3.	Руҳий азобланиш	12,1 <sup>***</sup> /12,9	13,1/13,3
4.	Виждонлилик	8,9/8,2	10,2/10,4
5.	Тўсқинлилик	7,9 <sup>***</sup> /9,0	9,1/9,3
6.	Умумий фаоллик	8,5/6,6	6,8/7,0
7.	Ҳадиксираш	6,9/9,6	9,4/9,6
8.	Дилкашлик	8,6/8,2	9,0/9,2
9.	Эстетик таъсирланиш	8,2/8,0	9,6/9,6
10.	Назокатлилик	5,3/6,0	6,2/6,2
11.	Руҳий тутуриқсизлик	9,8 <sup>***</sup> /11,4	12,1/12,1
12.	Ижтимоийсизлик	6,5/7,8	7,9/7,9
13.	Одамовилик	6,7/8,0	8,2/8,2
14.	Тортинчоқлик	7,9/9,0	9,2/9,2

Махражда ўқувчиларнинг спорт машғулотларидан олдинги кўрсаткичлари берилган.

Эслатма: \* –  $p \leq 0,05$

\*\* –  $p \leq 0,01$

\*\*\* –  $p \leq 0,001$

Ўзбек кураши билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг тадқиқот натижаларига кўра, улар асабийлик бўйича ўртача кўрсаткичга эгадирлар. Бу эса шуни кўрсатадики, улар ҳар хил таъсирларга мос жавоб қайтара олиши мумкин ҳамда улар рақобатга ва мусобақаланишга мойилдир.

Шу билан бирга, уларни ҳиссий етук, ўзини ва бошқа одамларни объектив баҳолайди деб ҳисоблаш ҳам нотўғридир.

Бизнинг қўшимча кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчилар шахслараро муносабатларда ҳар доим ҳам адекват баҳолашни намоён қила олмайдилар. Бизнинг назаримизда, буни ўқувчиларнинг ёш психологик хусусиятларига боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин. Бироқ спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчиларнинг кўрсаткичларига нисбатан, ўқувчи-спортчиларнинг кўрсаткичлари асосида айтиш мумкинки, улар зарур пайтда қатъий ҳаракат қила оладилар. Улар фаол, ғайратли ва ташаббускордирлар.

Агарда назорат гуруҳидаги ўқувчилар (спорт билан шуғулланмайдиган) ҳақида гапирадиган бўлсак, “асабийлик” шкаласи бўйича уларнинг кўрсаткичлари юқори баҳога эгадир (17,0 балл). Бу эса уларнинг юқори хавотирли, қўзғалувчанлиги ва ташвишли эканлигидан далолат беради. Бу ҳолатни ҳам ёш психологик хусусиятларнинг намоён бўлиши билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбек кураши билан шуғулланадиган ўқувчиларнинг кўрсаткичлари спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчиларнинг кўрсаткичларидан ишончли даражада пастдир.

Виждонлилик - бизни назаримизда ижтимоий нормалар ва этика талабларига хурмат даражаси сифатида ўзини назорат қилиш, ҳалоллик ва умум-инсоний қадриятларни исботлашга интилиш билан бирлашиб кетади.

Бизнинг тадқиқотимизда виждонлилик кўрсаткичи спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчиларда ҳам ўртадан юқори даражадаги баҳони кўрсат-моқда (10,2). Биз буни таълим, тарбия ва муҳитнинг бир қанча фактор-ларининг таъсири билан тушунтиришга мойилмиз. Фикримизча, бу фактор-лар барча ўқувчиларга бир хил таъсир кўрсатади. Шунга қарамай, ўзбек кураши билан шуғулланувчи ўқувчиларда “виждонлилик” кўрсаткичи анча юқори эканлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим (жадвалга қаранг).

Тўсқинлилик - бу хулқ-атворни ижтимоийлашуви ва ўзини тута билиш даражасидир. Ушбу кўрсаткич спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчиларда анча юқори (9,1) бўлиб, бу уларнинг ўзларини яхши назорат қила олмаслиги ва қизиққонлигидан далолат беради. Бизнингча, бу қизиқишларининг ижтимоийлашувини етишмаслиги, ўз ҳоҳиш-истакларини назорат қилмаслик ёки уни кейинга қолдиришни ҳоҳламаслик билан боғлиқдир.

Уларда ўткир аффектив кечинмаларга бўлган майл кучли ифодаланган. Кўзғалишга бўлган эҳтиёж ва ҳаяжонга келтирувчи ҳолатларда тоқат қилиб бўлмайдиган даражада сусткашлик қиладилар. Улар ўз хоҳишларини бевосита муомала жараёнида қониқтиришга ҳаракат қиладилар, буни натижаси ҳақида жиддий ўйламайдилар, ўйламасдан қизиққонлик билан ҳаракат қиладилар. Шунинг учун улар ўзларининг салбий тажрибаларидан керакли хулоса чиқармайдилар, шу характер асосида уларда кўп қийинчи-ликлар юзага келади.

Ўзбек кураши билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг “тўсқинлилик” бўйича кўрсаткичлари уларнинг ижтимоий талабларга, ўзини тутишга, муомалада эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилишидан далолат беради. Ўзбек кураши машғулотларининг ушбу омилга ижобий таъсир кўрсатишидан далолатдир.

Умумий фаоллик - яна айтиш жоизки, бизнинг тадқиқотимизда ўқувчи-спортчилардаги кўрсаткичлар спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчиларга нисбатан яхши намоён бўлмоқда. Спортчи-ўқувчилар учун бу ҳолат “ақлли фаоллик”нинг намоён бўлиши билан характерлидир, умуман, бу улардаги ташаббускорлик, фаоллик, қўшимча вазифаларни бажаришдан қочиш ва бошқалар ҳақида гапириш ўринли эмас.

Бизнинг назаримизда, умумий фаолликда юқори баҳо ва паст баҳони намоён бўлиши ёқимсиз ҳолдир. Агарда баҳо юқори бўлса, унда ортиқча фаоллик баъзан “мияга ўтириб қолиши”, етакчиликка интилишда намоён бўлса, паст баҳода эса жавобгарликдан қочиш, ишдан бўйин товлаш ва бошқа хислатларда намоён бўлади.

Ҳадиксираш - бу ўзаро махсус муносабатларда ҳадиксираш, тортиниш ўлчови ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларидан шуни кўриш мумкинки, ўқувчи-спортчилар орасида ўртача кўрсаткичлар устунлик қилади. Спорт билан шуғулланмай-диган ўқувчиларнинг кўрсаткичи эса уларнинг юқори баҳога мойиллигидан далолат беради (қатъиятсизлик, тортинчоқлик, ишончсизлик ва бошқалар). Улардаги мотив ва иккиланиш ўртасидаги кураш даври қарор қабул қилишнинг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Дилкашлик. Тадқиқотимиз натижалари асосида айтиш мумкинки, ўзбек кураши билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг мулоқот кенглиги ва дилкашлиги, одамлар билан муносабатга киришиш кўрсаткичи тахминан бир хил даражани

кўрсатмоқда. Гарчи уларнинг кўрсаткичлари орасида ишонч-лилик фарқи акс этиб турсада, уларни барчасининг кўрсаткичлари ўртача аҳамиятдан юқоридир.

Бизнинг назаримизда, бу ҳолат ўқувчиларга хос бўлган мулоқотга ин-тилиш, кўпроқ дўстлар ва танишлар орттириш, жамоада ишлаш ва дам олиш каби ҳолатлар ёш психологик хусусиятларнинг намоён бўлиши билан боғлиқдир.

Эстетик таъсирланиш - бу эстетик ва бадиий қадриятларга бўлган таъсирчанлик хиссидир.

Натижаларни маълумотлари бўйича кўришиб турибдики, бизнинг танловимизда ўқувчиларда ўртача аҳамиятли фактор яна устунлик қилмоқда, бу эса уларнинг орзу қилиши, тасаввури ва қизиқиши етарли даражада эканлигини билдиради. Бизнинг фикримизча, кураш билан шуғулланадиган ўқувчилар ўртасидаги аниқланган кўрсаткичларнинг ишончлилик фарқи уларнинг ўзига хослигидан далолат беради.

Назокатлилик - синалувчилардаги аёлларга хос бўлган хислатлар даражасини билдиради.

Шуни таъкидлаш жоизки, спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчиларда “назокатлилик” фактори юқори кўрсаткичга эга. Улар кўпроқ ҳаяжон-ланишга, мулойим ва кўнгилчанликка мойилдирлар. Бундан ташқари, уларни хулқ-атворида жасурлик, қатъийлик ва журъат етишмайди.

Ўзбек кураши билан шуғулланувчи ўқувчиларда эса жасурлик, уддубуронлик, ўзини намоён қилишга ва қатъий, тез ҳаракат қилишга интилиш кўпроқ намоён бўлади.

Ижтимоийсизлик - бу шкала “виждонлилик” ва “тўсқинлилик” шкалаларидан ташкил топган.

Бир йўла бу шкала бўйича кўрсаткичлар ўзбек кураши билан шуғулланувчи ўқувчиларда ўртача даражада намоён бўлаётганлигини айтиб ўтиш лозим ва ишончлилик даражаси уларни кўрсаткичи билан спорт билан шуғулланмайдиган ўқувчиларнинг кўрсаткичлари орасидаги фарқ унча катта эмас. Шу билан бирга айтиш мумкинки, спорт ўқувчиларда ахлоқий-этик талаблар ва жамият қоидаларига риоя қилиш эҳтиёжларини шаклланишига ёрдам берар экан.

Бизнинг тадқиқотимизда қатнашган синалувчилардан – ўзбек кураши машғулотлари билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг “тортинчоқлик” шкаласи бўйича кўрсаткичлари ўртача аҳамиятда устунлик қилади (жадвалга қаранг). Бу эса шуни кўрсатадики, улар бир меъёрга ақл билан фикр юритадилар, бошқа одамларга ноқулайлақ туғдирмасликка ҳаракат қиладилар, одамлар-даги тўғрилиқни ва самимийликни ёқтирадилар.

Шундай қилиб, В.М.Мельников ва Л.Т.Ямпольскийнинг психодиаг-ностик тести ёрдамида ўқувчиларнинг индивидуал ва шахсий хислатларини ўрганиш учун ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Психодиагностик тести ёрдамида текширилган барча индивидуал ва шахсий хислатлар ўқувчиларнинг мавжуд хулқ-атворида таъсир кўрсатади, буни бизнинг кузатишларимиз натижалари ҳам тасдиқлаб турибди.

2. Ўзбек кураши машғулотлари билан фаол шуғулланиш виждонлилик, мулоқотлилик, умумий фаоллик ва бошқа хислатларни шаклланишига ижобий ёрдам беради.

Шу билан бирга, бу машғулотлар асабийлик, руҳий тажанглик, руҳий азобланиш, тортинчоқлик ва бошқаларнинг намоён бўлишини пасайишига ёрдам беради.

3. Ўзбек кураши машғулотларининг ўзига хос таъсири қуйидаги юқори даражадаги шкалаларнинг намоён бўлишида кўринади: руҳий тутуриқсиз-лик, ижтимоийсизлик, одамовилик ва тортинчоқлик.

4.Бизнинг экспериментал психологик тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, шахс шаклланишини ўлчовчи барча параметрлар ўзбек кураши машғулоти билан фаол шуғулланмайдиган назорат гуруҳидаги ўқувчиларга нисбатан ижобий жиҳатдан аҳамиятли даражада намоён бўлди.

**Адабиётлар:**

1. Абдурасулов Р.А. Шарқ яккакураши ва шахс такомили. Монография.-Тошкент: Фан, 2008. 7,25 б.т.
2. Абдурасулов Р.А. Ўқувчи шахсини шакллантиришда спорт машғулоти ларининг ўрни. Монография.-Тошкент.: Фан ва технология. 2013. 12,7 б.т.
3. Абдурасулов Р.А. Ўқувчи-спортчиларнинг спорт интилиш-лари. //Халқ таълими журнали. 2009/2. -Б.62-65.(19.00.06; №17).
4. Гайнутдинов Р.З. К вопросу изучения некоторых личност-ных свойств студентов института физической культуры. / Теория и методика физического воспитания (сборник научных статей. ТГПИ им. Низами, том 160). -Ташкент. 1976. - С.127-132.
5. Мельников В.М., Ямпольский Л.Т. Введение в экспериментальную психологию личности.-М.: Просвещение. 1986. 319 с.

**BARKAMOL YOSHLAR TARBIYASIDA KO'PKARI SPORT MUSOBAQALARINING O'RNI**  
10.53885/edinres.2021.10.77.015

*Kurbanov Djurabek Ismatovich*  
**Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston**  
*Akramova Gulhayov Mexridin qizi*  
Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston

**РОЛЬ КУПКАРЫХ СОРЕВНОВАНИЙ В РАЗВИТИИ ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЙ  
МОЛОДЕЖИ**

**Курбанов Джурабек Исмаатович**  
**Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан**  
**Акрамова Гулхайё Мехриддин кизи**  
Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан

**THE ROLE OF KUPKARI COMPETITIONS IN THE DEVELOPMENT OF  
HARMONIOUSLY DEVELOPED YOUTH**

**Kurbanov Djurabek Ismatovich**  
Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan  
**Akramova Gulhayov Mexridin qizi**  
**Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan**

**Kalit so'zlar:** Chavandoz, jo'mard, uloq, Ko'kbo'ri Kok-pari, Bo'zkashi, Kozlodranie.

**Anotatsiya**

Ko'pkari O'zbekistonda ko'pincha xalq sayllari, bayramlar va to'ylar munosabati bilan tantananing oxirgi kuni uyushtiriladi. Bunday musobaqalar yoshlarning kelajakda mard, epcil bo'lib voyaga etishlarida, ayniqsa, o'spirin chavandozlar uchun ko'pkari sirlarini o'rganishda tajriba maktabi vazifasini o'taydi.

**Ключевые слова:** Всадник, щедрый, коз, Кокбори Кок-пари, Бозкаши, Козлодрание.

**Аннотация**

В Узбекистане купкари часто отмечают в день государственных праздников, торжеств и свадеб. Такие соревнования служат экспериментальной школой для

молодых людей, которые в будущем вырастут храбрыми и ловкими, особенно для юных гонщиков, которые познают секреты купкари.

**Keywords:** Rider, generous, capricorn, Kokbori Kok-pari, Bozkashi, Kozlodranie.

#### **Annotation**

In Uzbekistan, Kupkari is often celebrated on the last day of public holidays, celebrations and weddings. Such competitions serve as an experimental school for young people to grow up brave and agile in the future, especially for young riders to learn the secrets of kupkari.

Ko'pkari ajdodlarimizning qadimiy va ommaviy tomoshalaridan biri. Musobaqa maydonida bedovlarning qahr bilan kishnashi, chavandozlarning vajohati, tomoshabinlarning yurak hovuchlab o'yinni kuzatishi, qariyalarning esonlik-omonlik tilab, fotihaga qo'l ko'tarishi, bakovullarning ovozi, bilimdonligi, voqealar rivojini o'z vaqtida ko'ra olishi – hamma-hammasi ko'pkarini chinakamiga san'at darajasiga ko'taradi, yuksak badiiy saviyadagi qiziqarli maydon tomoshasiga aylanishini ta'minlaydi. To'da-to'da otlarning pishqirishi, qamchining havoda aylanishi, "ha, halolla, azamat" deb hakamlarning og'iz yirib baqirishi, chor-atrofdagi son-sanoqsiz tomoshabinlarning olazarak ko'zlari bilan g'olib chavandozni qidirishi chavandozlarga ruh, maydonga ko'tarinkilik, vujudlarga his-hayajon, jo'shqinlik va o'zgacha tarovat bag'ishlaydi.

Qamchini etik qo'njiga tiqib olgan, yugan uchini egar boshiga ilib uloqqa uzalgan chavandozni hech kim shaxdidan qaytara olmaydi. Chunki, tanti, jo'mard bahodirlar o'z oriyatini elning g'ururiga bag'ishlaydilar. Otlari ham o'zlariga yarasha malakaga ega, o'ta chopqir, baquvvat, maydonga kirganda to'dani yorib o'tadigan, egasiga quloq soladigan, uning tilini tushunadigan, hiylalarini tezda anglashga qodir. Shuning uchun ham, uloqda chavandoz va ot bir-biriga monand ravishda bir maqsad sari harakat qilib, xalq olqishiga sazovor bo'ladi. Ko'pkarining mo'jizaviy qudrati ham ana shunda.

Ko'pkari o'yinlari vatanimizdan tashqari Qirg'iziston, Tojikiston, Turkmaniston, Qozog'iston, Afg'oniston, Pokiston, Mo'g'uliston va qisman Ozarbayjonda ham uyushtirilib kelinadi. Ular orasida eng ommalashgan ko'pkari (uloq) o'yini biz o'zbeklarda "Ko'pkari", "Uloq", "Ko'kbo'ri" deyilsa, qirg'izlarda "Kok-pari", forsiy tilda so'zlashuvchi qavmlarda "Bo'zkashi" (tortishish o'yini), rus xalqlarida esa "Kozlodranie" deb yuritiladi. [1]

Ko'pkari O'zbekistonda ko'pincha xalq sayllari, bayramlar va to'ylar munosabati bilan tantananing oxirgi kuni uyushtiriladi. Chavandozlar ko'pkari o'tkaziladigan qishloq tomon bir necha kun avval yo'lga tushadilar. Mehmon chavandozlar qo'nim topgan xonadonlarda tunning yarmigacha ko'pkari haqidagi ajoyib-g'aroyib afsonalar, latifalar, hazil-mutoyibalar avjiga chiqadi, musobaqada ishlatiladigan qoidalar va yangi atamalar haqida qizg'in bahslar bo'ladi. Olamdan o'tgan marhum ustoz chavandozlar esga olinadi, kuchli va tajribali chavandozlarning tantiligi, jo'mardligi maqtaladi, yaxshi otlarning hislatlariga tasannolar aytiladi. Mahalliy baxshilar ijrosida dostonlardan parchalar va termalar tinglanadi. Bu kabi suhbatlar maydonda har doim kamtarin, vazmin va asosiysi halol bo'lishga undaydi. Shu kuni otlarga ham alohida e'tibor beriladi. Mo'ljaldan ortiq suv yoki em berilmaydi, yomon ko'zlardan asraladi. Hech qachon qamchi bilan otning boshiga urilmaydi. Har bir chavandozning maxsus tayyorlangan kiyimlari: boshni qamchi yoki boshqa xavfli tasodifiy zarbalardan saqlaydigan telpagi, ustida po'stini, shimi, oyog'ida etigi, qo'lida qamchisi bo'ladi. To'yning oxirgi kuni xalqqa osh berilgandan so'ng chavandozlar ko'pkari o'tkaziladigan maydon tomon yo'l oladilar. Tomoshabinlar hammadan oldin bu yerga yetib kelib, o'zlariga qulay tepaliklardan joy olishadi va maydondagi o'z chavandozlarini har tomonlama qo'llab- quvvatlab, uloq uchun kurashda g'alabaga undaydilar. Toyponga hamma yig'ilgach, otlarni qizdirib olish uchun "qoqma" o'yini o'tkaziladi.[2]



Asosan yosh chavandozlar ishtirok etadigan bu ko'hnada udumda qatnashchilar soniga qarab maydonga navbati bilan ikkita yoki uchta uloq tashlanadi. Yoshlar uni to'dadan ajratib olib chiqish uchun o'zlarining nimaga qodir ekanliklarini sinab ko'radilar. Ushbu vazifani uddalay olganlarga uloq sovrin sifatida beriladi. Bunday musobaqalar yoshlarning kelajakda mard, epchil bo'lib voyaga etishlarida, ayniqsa, o'spirin chavandozlar uchun ko'pkari sirlarini o'rganishda tajriba maktabi vazifasini o'taydi. "Qoqma" nihoyasiga etgach, otlar sovutiladi. Endi haqiqiy ko'pkariga gal keladi. Unda har qanday chavandoz ham qatnasha olmaydi. Chunki, ko'pkarining o'ziga yarasha yozilmagan, hamma uchun barobar bo'lgan qonunlari bor. Musobaqa boshlanishidan oldin bakovulboshi hammaga qarata; "g'irromlik qilmaysan, tag'in egarga bog'lab yoki o'g'rincha qayish o'tkazib uloqni qo'lga kiritaman deb o'tirma! Halol tashlashsang, zotini ayamayman! Zotiga ellik ming so'm pul va bitta qo'chqor qo'yildi" deb e'lon qiladi. So'ngra uloq olib kelinib, otlarga hidlatiladi. Uloqning havosi bor, otlarga shu havo madad beradi, bunday vaqtlarda otlar faqat g'alabaga intiladi, deyishadi. Chavandozlar to'dasidan uloqni olib chiqib ketish har kimga ham nasib etavermaydi. Tolotumda ot ustidan egilib, uloqni shahd bilan bir hamlada ko'tarib olish, boshqalar har qancha chiranib tortganda ham ularga bermay otga o'ng'arish, ustalik bilan uzangiga bekitib, taqimiga bosgan holda davradan ajratib olish uchun chavandoz butun borlig'i bilan harakat qiladiki, bu uzoq yillik tajriba, mahorat va hunardan darak beradi. G'alabaga ishtiyiqi baland bo'lgan mohir chavandozlar og'ir vaziyatlarda ham chayirlik qilib, chidam va shahd bilan o'zining xilma-xil usullarini, hunar va ilmlarini qo'llaydilar. O'yin so'nggida bakovulboshi rahbarligidagi hakamlar g'olib chavandozlarga sovrinlarni ulashadilar. Ko'pkarida sovringa echki, novvos, ho'kiz, tuya, ot, televizor, ayrim hollarda yengil avtomashina ham qo'yiladi. Ba'zi xonadonlar to'ylarida esa kalish, maxsi, etik, gazlama, kigiz, gilam, polos va shunga o'xshash mollar qo'yiladi.[3]

O'zbekistonda ko'pkarining "Uloq ayirish", "Mehmon keldi", "Qoralig'" ko'rinishlaridagi qoidalariga amal qilinadi. "Uloq ayirish" shartiga ko'ra, chavandoz bakovul tomonidan o'rtaga tashlangan uloqni to'dadan olib chiqib, oldindan belgilangan manzilga etkazib bersa, halol hisoblanadi va unga e'lon qilingan sovrinlar tantanali suratda topshiriladi. "Mehmon keldi" shartida sovrin uzoq-yaqindan kelgan mehmonlar, to'y egasining qarindoshlari va qadrdonlari tomonidan qo'yiladi. Bosh hakam uloqni davraga tashlaydi va otiga minib, chavandozlardan taxminan to'rt, besh yuz qadam narida qo'lga bayroq ushlab turadi. [4]

Qaysi chavandoz uloqni bayroqchagacha keltirib bersa, hakamlar boshlig'i "halol" deya bayroqchasini yuqoriga ko'taradi. Ko'pkarining so'nggida o'tkaziladigan "Qoralig'" sharti bo'yicha chavandoz uloqni naqd bayroq ushlab turgan bakovul otining oldingi oyog'i tagiga olib kelib tashlashi kerak. Bu chavandozlardan juda katta kuch, mahorat va tajriba talab qiladi. Qashqadaryo viloyatining Shahrisabz, Yakkabog', Chiroqchi tumanlari atroflarida XX asrning o'rtalarida Olovxon polvon, Egamberdi shoxa, Surxondaryoda To'ra qora, uzun O'lan kabilar Qo'ziboy chavandoz, Mavlon, Ro'ziqul, Alpon polvon, Otaqul, Ilyos kabilar shuhrat qozongan, katta obro'ga ega bo'lishgan. Keyinchalik, Xushvaqt, Jalol, Shuqur, Asad, Xurram, Omon dev ismli chavandozlar maydonga chiqishdi. Otabobolarimizning mardu-maydonlik, jasorat, epchillik kabi xislatlarini o'zida ifoda etuvchi qadimiy va hamisha navqiron ko'pkari musobaqalari yoshlarimizda jasurlik, botirlik, uddaburonlik, chaqqonlik, zukkolik, fahm-farosatlilik, aql idrok fazilatlarini kamol toptirishda "hayot maktabi" vazifasini o'taydi. Zero, ko'pkari chinakam oriyatli, g'ururli, shijoatli o'zbek yigitlarining mardonalik timsolidir.

#### **Adabiyotlar.**

1. The Importance Of Physical Education In Times Of Pandemics FI Qo'ziyeva, JR Abitova International Journal of Progressive Sciences and Technologies 25 (2), 119-122.

2. Тураев М.М., Баймурадов Р.С., Файзиев Я.З. Интерактивные методы физического воспитания в вузах/ / Педагогическое образование и наука. № 3, 2020. С. 132-135.

3. Субъективно-динамические особенности ценностного отношения студентов к специальным тестам «Алпомиш» и «Барчиной» И.Т.Хамраев, Х.А.Батиров, Б.К.Ходжаев Инноватика физической культуры и спорта : материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием, г. Москва 1/ 424-427

4. [Физическая культура в эпосе Алишера Навои](#). М.З.Джураева Педагогическое образование и наука, 2020 103-107.

## **ҲАРАКАТЛИ ҲИЙНЛАР ОРҚАЛИ ЁШ АВЛОДНИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

10.53885/edinres.2021.42.53.017

**Қодиров Ш.Н**

Аннотация: Ушбу мақолада ҳаракатли ҳийнлар орқали ёш авлодни жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш, жисмоний тарбия тизимида тутган ўрни ва таълим жараёнида ҳаракатли ҳийнлардан фойдаланиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: восита, ҳаракатли ҳийнлар, соғлом, ёш авлод, жисмоний тарбия, жисмоний тайёргарлик.

Спорт ва жисмоний тарбияга эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Жисмоний тарбия олдида спортни халқимизнинг ҳаётига кўпроқ сингдириш; ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг барча турли-туман шаклларида, жумладан, халқ миллий ҳийнларидан кенг фойдаланиш, инсонларнинг соғлигини яхшилаш ва уларни она-Ватан муҳофафасига тайёрлаш ва шу сингари катта вазифалар турибди. Халқимизнинг миллий ҳийнлари эса ана шу мақсадда жуда кенг қўлланилиб келинаётган муҳим жисмоний тарбия ва спорт воситаларидан биридир. Шунинг учун халқ миллий ҳийнларига эътиборни кучайтириш зарурияти янада яққол кўринмоқда.

Миллий халқ ҳийнлари ўқувчиларнинг халқимизнинг бир неча асрлик маданий бойликлари ҳақидаги тасавурларини кенгайтиради. Чунки миллий ҳаракатли ҳийнлар жисмоний тарбиянинг энг таъсирчан усулларида бўлиб, ўқувчиларда ақлий, ахлоқий ва нафосат тарбиясини биргаликда муваффақиятли амалга оширишда муҳим воситадир.

Шунинг учун болалар ҳийнларининг руҳи, табиати, иштирокчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари каби жиҳатларига ҳам эътибор бериш зарур. Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбиясини қизиқарли ва фойдали ўтказиш учун миллий ҳийнлардан фойдаланишда ҳам худди шу хусусиятларга эътибор бериш керак.

Бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний тарбия дарсларида қадриятларга муҳаббат уйғотиш, халқ анъаналарини авайлаб-асрашга ўргатиш кўп жиҳатдан ўзбек халқ миллий ҳийнларидан унумли фойдалана билишга боғлиқ. Чунки миллий ҳийнлар орқали бола бир томондан жисмоний билимларни эгалласа, иккинчи томондан, уни жисмоний тарбияга қизиқтириш муҳим аҳамият касб этади.

Халқ ҳийнларига эътибор қаратиш Шарқ халқлари маданиятининг жуда кўп элементларини сақлаб қолишга ва улардан амалий фаолиятда фойдаланишга имконият туғдиради. Қадимги маҳаллий халқларимиз учун анъанавий миллий ҳийнлар ва миллий беллашувлар улар ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлган, улар халқ маросимларида, расм-русумларда ва урф-одатларда мустақил бир соҳа

сифатида фаолият кўрсатиб келган, ҳаётларидан мустаҳкам ўрин олган. Жисмоний тарбиянинг бундай ўзига хос воситалари ёрдамида боболаримиз ўсиб келаётган авлодда чаққонлик, эпчиллик, кучлилиқ ва сабр-тоқат каби хусусиятларни шакллантирганлар. Фарзандларини ҳаёт қийинчиликлари ва табиатнинг қийинчиликларига нисбатан бардошли, бақувват қилиб тарбиялаганлар.

Ёш авлоднинг жисмоний жиҳатдан тўқис, соғлом, Ватан ҳимоясига тайёр бақувват тарзида ўсиб-улғайишидан халқ ҳам, жамият ҳам манфаатдор, Бунинг учун ўқувчилар жисмоний тарбия билан чуқур шуғулланишлари, турли миллий ўйинлардан фойдаланиш маҳоратини эгаллашлари керак бўлади. Бу эса ёш авлод тарбиясини янада кучайтириш, уларни ўз халқи, мустақил давлати ва жамият олдидаги бурчини ҳис этиш руҳида тарбиялашдек ғоят муҳим вазифалар билан боғлиқдир. Болаларда мактабда ўқий бошлаган биринчи кундан оқ меҳнатга муҳаббат, ишчанлик, бошланган ишини охирига етказиш, саботлилиқ хусусиятларини шакллантириш имкони яратилади. Бунда жисмоний тарбиянинг барча замонавий воситалари билан бирга ўзбек халқ миллий ўйинлари жуда қўл келади, чунки бу ўйинлар болаларни руҳий, жисмоний, маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг барча жиҳатларини ўз ичига ола билади. Зеро, миллатнинг келажаги бўлган ёшларни соғлом, етук ва комил инсон қилиб тарбиялаш мустақил юртимиз келажагининг замини мустаҳкам бўлишига хизмат этади.

Жисмоний тарбия бола организмнинг ҳар томонлама гармоник ривожланиши, унинг бақувват, кучли бўлиб ўсишини таъминлайди. Соғлом танда соғ ақл деган мақол бежизга айтилмаган. Ўтмиш ота-боболаримиз танани чиниқтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишган ва бунинг учун болаларни жуда ёш чоғидан турли жисмоний машқларни маҳорат билан бажаришга ўргатишган. Масалан. Амир Темур ва темурий шаҳзодалар жисмоний куч қудратга етук, баҳодир кишилар булишган.

Соҳибқирон бундай улуғ салоҳиятга тинимсиз жисмоний машқлар билан шуғулланиш эвазига эришганлиги аниқ. Жисмоний чиниқишнинг воситалари эса куп. Ана шулардан бири халқ ўйинларидир. Халқ ўйинлари болаларда миллий ғурурни ўстириш билан бирга уларни жисмоний чиниқтиради. Маълум бир даврнинг ўзига хос хусусиятларихалқ ўйинларида ҳам ўз аксини топган. Бугунги кунда уларни ўрганиш, ўргатиш, яъни мазмун билан бойитиш бизнинг келажак олдида энг муҳим масъулиятли вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Халқ миллий ўйинлари болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Чунки ўйинлар ўқувчиларнинг қизиқишларини оширади, уларга завқ бағишлайди, иш қобилиятларининг тезроқ тикланишини таъминлайди. Ўйинлар туфайли болалар чарчашни унутадилар, машқларни диққат билан бажаришга ҳаракат қиладилар. Халқ миллий ўйинларининг барчаси болаларнинг организмларига яхлит таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ўйинларга умумий жисмоний таъсир кўрсатувчи машқ сифатида қараш лозим. Биронта ўйин йўқки, у айрим жисмоний сифатни ривожлантирувчи восита бўлиб ҳисобланмасин. Масалан, «Дўппи кийишда ким ғолиб?» миллий ўйинида фақат чаққон бўлибгина қолмай, балки эпчил, сезгир бўлишга ҳам даъват этилади.

Жисмоний тарбия тизимидаги барча соҳа ва босқичларнинг бирдан-бир ва ягона мақсади- инсонни тўғри яшашга тайёрлашдир. Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбиясининг вазифалари болаларнинг ёшига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, лекин бунда жисмоний маданиятнинг умумий мақсади кўздан қочирилмайди.

Мактабда бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбиясида соғломлаштириш, таълим бериш ва тарбия бериш вазифаларини амалга ошириш

кўзда тутилади. Халқ миллий ўйинлари орқали бу вазифаларни яхлит ҳолда бажариш имкониятлари кўпроқ кўринади. Шунинг учун педагоглар, жисмоний тарбия ўқитувчилари халқ миллий ўйинларидан дарсларда, дарслардан ташқари машғулотларда халқ миллий ўйинларидан кенг ва доимо фойдаланиш маҳоратини эгаллашлари лозим. Ана шундагина баркамол шахсни тарбиялашдек муҳим вазифалар мустақил давлатимизда тез ва осон бажарилиши кўзда тутилади.

Бизнинг ўзбек халқ миллий ўйинлари воситасида ёшли авлодни жисмоний ривожланиши масалаларига бағишланган мақоламизда. Болаларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги борасида ўйин келтирилган.

Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбиясида миллий ўйинлар орқали машғулотларни ташкил этишда, ўқувчиларнинг жисмоний фазилатларини ривожлантириш йўналишлари бўйича илмий тасдиқланган маълумотларни кўпайтириш миллий кадриятларимиз боғлиқ миллий ўйинларимизни ўқувчиларга миллийликни англаш йўлида хизмат қилмоғи даркор.

### **БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.53885/edinres.2021.52.18.018

**Абдуллаев Шухрат Джуматурдиевич**

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

**Курбанов Джурабек Исматович**

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

**Турсунов Миршод Шодиевич**

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

### **ОСОБЕННОСТИ ВОСПИТАНИЯ ГАРМОНИЧНОГО ПОКОЛЕНИЯ**

**Абдуллаев Шухрат Джуматурдиевич**

Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан

**Курбанов Джурабек Исматович**

Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан

**Турсунов Миршод Шодиевич**

Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан

### **FEATURES OF THE EDUCATION OF A HARMONIOUS GENERATION**

**Abdullayev Shuxrat Djumaturdiyevich**

Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

**Kurbanov Djurabek Ismatovich**

Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

**Tursunov Mirshod Shodievich**

Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

**Аннотация.** Мақолада бугунги кундадолзарб муаммолардан ҳисобланган ёшлар тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинди. Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларни ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ҳамда малакасини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Шунга кўра, ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбия эканлиги ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

**Калит сўзлар:** тарбия, миллий, таълим, оила, ёшлар, ватанпарварлик.

**Аннотация.** В статье рассмотрено научный анализ специфики воспитания молодежи, что является одной из самых актуальных проблем современности.

Педагоги во все времена пытались формировать мораль и этику, веру и совесть, знания и навыки молодых людей в соответствии с требованиями и потребностями времени. Соответственно, сама жизнь доказывает, что любой процесс воспитания есть, в конце концов, идеологическое воспитание по своей цели и сути.

**Ключевые слова:** воспитание, национальность, образование, семья, молодежь, патриотизм.

**Abstract.** The article deals with the scientific analysis of the specifics of the upbringing of young people, which is one of the most pressing problems of our time. Teachers at all times have tried to form morality and ethics, faith and conscience, knowledge and skills of young people in accordance with the requirements and needs of the time. Accordingly, life itself proves that any process of upbringing is, after all, ideological upbringing in its purpose and essence.

**Keywords:** upbringing, nationality, education, family, youth, patriotism.

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча соҳалардаги кенг қўламли ислоҳотлар, энг аввало, аҳолининг нафақат моддий, балки ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, шунинг баробарида, уларда том маънода юксак маънавиятли инсонларни тарбиялаш мақсади билан уйғунлашган. Давлат ижтимоий сиёсатининг жадал ривожланишида маънавий-ахлоқий институтлар роли ва аҳамияти муҳим ўрин тутишини «жамиятни янгилаш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижадорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлган миллий ғоя ва мафкуравий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш» [2] га қўйилаётган талаблар исботлаб турибди. Шу боис, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари концепциясини ҳаётимизга тўлақонли жорий этилаётган мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида жамиятда маърифатли ёшларни тарбиялаш зарурлигини намоён этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида: “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!» – дея таъкидлайди [3].

Соғлом ғоявий тарбия эса – юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини ҳам англатади. Шу ўринда тарбия ҳамда таълим берувчининг шахсий сифати ҳамда ўз ишига фидойилиги бу масалада ғоят муҳим эканлигини унитмаслик керак. Бу хусусда Ғаззолий шундай ёзади. «Шайхнинг (тарбиячининг) муридани тарбиялаш калити - ердан унган неъматнинг яхши ҳосил бермоғи учун деҳқон унинг атрофини бегона ўтлар, тиканлардан тозалагани каби бир ҳол» [6, 18-б.].

Ёшлар-бизнинг келажагимиз, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи, ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида жисмоний соғлом, маънан етук, замонавий билимлар ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил ҳамда ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлодга ғамхўрлик қилишдек эзгу мақсад мужассам. Зеро, жамиятимизни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш мақсадлари замирида, инсон ва унинг манфаатлари, юртимиз тараққиётининг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар масаласи устивор масалалар қаторида туради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай дейди,- “Фарзанларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтаришни

давринг ўзи тақазо этмоқда. Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазирамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [4].

Бугунги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган асрда кимлардир бу технологияларни бунёдкорлик, илм-фан, тараққиёт йўлида фойдаланаётганлар бўлсалар, қайси бир ёшлар ижтимоий тармоқлар орқали қатор онги ўзига хос шаклланган, ўзининг мустақил фикрига, нуқтаи назарига эга бўлмаган ёшларни тўрға тушириш ва ўзининг салбий ниятларини, мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқдалар. Хусусан, биргина одноклассники сайтига кунига мамлакатимиздан икки миллионга яқин киши кирмоқда. Уларнинг аксарияти қисми эса ёшлар ҳисобланади. Бундай ўхшаш тармоқларнинг асосий мақсади эса ўқувчи ёшларимиз онгини, қалбини эгаллаш, маълум бир мамлакат ёки минтақадаги миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш десак муболаға бўлмайди. Натижада, ёшлар ўртасида китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинларининг олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни томоша қилиш одат тусига кириб бормоқда.

Оиладаги мавжуд муносабатлар таъсирида илк болаликдан ўз бурчига содиқлик, ватанпарварлик, қатъийлик, инсон қадр-қимматини англаш каби юксак инсоний хислатлар шакллана борди. Турмушдаги самимийлик, оқилона муносабатлар, илиқ психологик муҳит таъсири натижасида оила аъзолари камтарлик, самимийлик, илтифотлилик, яхшилик, эзгулик, сабрлик, тўғрилиқ, юмшоқлик, дилкашлиқ, меҳрибонлик, талабчанлик, виждонлилик, маъсулиятлилик, озодалиқ, иззат-нафсли хислатлар ахлоқий тарбия асосида таркиб топади. Агар оиладаги турмуш муносабатлари кўполлик, андишасизлик негизида қурилган бўлса, у ҳолда оила аъзолари руҳий дунёсида писмиқлик, ўжарлик қайсарлик, каби иллатлар шаклланади. Бу оилада ахлоқий ҳамда ҳуқуқий тарбияни тўғри йўлга қўйилмаганидан далолат беради.

Мамлакатимизни тараққий топтириш, юксалтиришда ёшларнинг тарбияси ва салоҳияти ўта муҳим обектив қонуниятдир. Энди фақат ва фақат шу юртни, шу элни севувчи, мамлакат ривожига хизмат қилувчи, унинг моддий ва маънавий қадриятларига ҳурмат кўзи билан қарайдиган ва маълум маънода уни тарғиб қилувчи фидойи ватандошларимизни тарбия қилиш мамлакатнинг ҳар бир фуқаросининг айниқса, педагогика соҳасида фаолият кўрсатувчи фуқароларимизнинг энг асосий мақсадига айланиши ўта муҳим масаладир.

Мамлакатимиз ёшларининг дунёқарашини ҳам маънавий-мафкуравий таъсир объектига айланиб бормоқда. “Ёш авлод тарбияси,- деб таъкидлаган эди давлат раҳбари, –ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда” [5, 504-505-б.]. Чунки “ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда” [5, 505-б.]. Шу боисдан йигит ва қизлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоя қилиш масаласи умумжамият аҳамиятига молик вазифа сифатида талқин қилинмоқда, бу борадаги ишлар маънавий-маърифий фаолиятнинг алоҳида йўналишига айлантирилган. Бироқ шиддат билан ўзгариб бораётган воқелик ёшлар онги ва дунёқарашини ҳимоялашнинг янги ва янада самарали йўллари излаб

топишни тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам “Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсагина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади” [5, 81-б.], деб ҳисоблайдилар.

Биз ёшларимизда соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришимиз учун уларга миллий-маданий тарихимиз ҳақида етарлича билим, тасаввурлар беришимиз лозим. Буюк алломаларимиз қайд этганлари каби инсонни, пировард натижада жамиятни маърифат булоғидан суғоришнинг йўли шахсни маънавият, маърифатга ошно қилишдадир. Инсонни ва жамиятни турли бало-қазолардан асрашнинг ягона йўли эса қалбни даволаш, уни соғломлаштиришдир. Албатта, бунинг учун ёшлар қалбида юксак маънавиятни шакллантириш лозим бўлади. Чунки, инсонлардаги маънавий бойликни, ахлоқий покликни ривожлантиришга хизмат қилиш – гўзалликнинг олий вазифаси ҳисобланади [8, 102-б.]. “Маълум бир ахлоқий сифатларга эга бўлмай туриб, чунончи, муносиб инсон бўлмай туриб, - деган эди буюк мутафаккирларимиздан бири Аристотель, –ижтимоий ҳаётда ҳаракат қилиб бўлмайди” [8, 208-б.].

Кайковуснинг “Қобуснома” асари, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», А.Жомийнинг «Баҳористон», А.Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарлари ахлоқий дидактик ва фалсафий ҳарактерга эга бўлиб, барчасида инсоний фазилатлар тараннум этилган. Педагогик фикрлар тараққиётининг асосчиси А.Авлоний ахлоқни шундай таърифлайди: «Инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур» [6, 11-б.]. Бу ўринда Абдулла Авлоний ота-оналарга болаларнинг тарбияси билан бирга уларнинг саломатлигига ҳам катта эътибор бериш кераклигини ўқтиради.

Маънавий баркамол инсон ақл билан фазилат бирлигига амал қиладиган кишидир. Фазилат инсоннинг қўлга киритган энг яхши сифатларидир. Кишиларда юксак инсоний сифатларнинг қарор топиши учун, мутафаккирларимиз айтганидек, қалб билан ақл уйғунлиги лозим бўлади. Чунки, қалб билан ақл уйғунлашган жойда ривожланиш, яхшилик, эзгулик, гўзалликка интилиш бор. Ўз келажаги ҳақида қайғурган мамлакат ўсиб келаётган авлод ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилади. Ёшлар масаласи ҳар бир даврда ва ҳамиша долзарб бўлган. Чунки, келажак эгалари ёшлар саналади. Уларга эътибор, ғамхўрлик азал-азалдан ҳалқимизга хос одат. Конституциямизнинг 24, 25, 27, 29, 31 моддаларида, “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир”. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажавузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга”, “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади” дейилганлиги ёшларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигининг исботидир [1, 13-б.].

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон” 2018. 11-13 бетлар
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги №Ф-5465-сонли Фармойиши. // [www.norma.uz](http://www.norma.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.25.01.2020 // [www.uz.uz](http://www.uz.uz).
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Халқ сўзи. 2016 й. 15 декабрь.

5. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж 1. - Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б.504-505.

6. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент.: “Ўқитувчи”, 1992, 11-бет.

7. Абу Хамид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Охиратнома. Бухоро, 1992. – Б. 18.

8. 111 ватандош алломаларимизнинг ҳикматли фикрлари. – Тошкент.: “Янги аср авлоди”, 2012, 208-бет.

## **ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ МЕТОДИКАСИ**

10.53885/edinres.2021.44.60.021

*Нарзуллаев Ф.А.*

Жисмоний тайёргарлик деганда шуғуланувчиларнинг жисмоний сифатларни тарбиялаш зарур ҳаракат куникмалари ва мамлакатларни, эгалаш, функционал имкониятларни оширишга йуналтирилган педагогик жараён тушунилади. Шуғуланувчиларнинг функционал имкониятлари ва жисмоний сифатлари бўлмиш куч, чидамлик, чаққонлик, тезкорлик, эгулувчанликнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳаракат малакалари эгалашда асосий ўрин тутди. Бир вақтнинг ўзида жисмоний тайёргарлик вазибаларининг амалга ошириш психологик ва иродавий спортларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Зарурий жисмоний сифатларни ривожлантириш узоқ муддатли ва мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки спорт юқори даражадаги жисмоний тайёргарликни талаб этади. Шунинг учун жисмоний сифатларни пропартционал ривожлантириш жуда аҳамиятлидир.

Жисмоний тайёргарлик воситалари жисмоний тайёргарлик буйича қуйилган вазибаларни ҳал этишда турли воситалар, тайёргарлик машқлари, ҳаракатли ва спорт ўйинлари, ўқув ўйинлари ва мусобақаларидан фойдаланиши мумкин. Шуғуланувчиларнинг индивидуал хусусиятларга машқларни мослаб қўлланилиши асосий шартлардан бири ҳисобланади.

Шуғуланувчилар учун бериладиган жисмоний машқларга қуйдагиларни киритиш мумкин.

а) тана, қўл оёқ мускулларнинг ривожланишига таъсир этувчи куч ва тезкорлик куч машқлари ;

б) чидамлик сифатларининг ривожлантиришга таъсир этувчи машқлар.

д) ҳаракатланиш тезкорлигига таъсир этувчи машқлар .

г) эгулувчанлик сифатига таъсир этувчи машқлар е) чаққонлик сифатига таъсир этувчи машқлар.

Бу машқлардан фойдаланиш техник ва тактик усулларни бажариш сифатига туғридан –туғри таъсир этади. Жисмоний тайёргарликда қўлланиладиган услублар. Ўқувчилар учун зарур булган жисмоний сифатларни тайёрлашда қуйдаги услублардан фойдаланилади.

1.Базавий чидамликни тарбиялаш учун бир текис узоқ муддатли югуриш.

2.Махсус чидамликни тарбиялашда ўзгарувчан характердаги ишларни бажариш

3.Такрорий машқ усули. Бу усул тезкорлик, куч ва чаққонлик сифатларини ривожлантиришда қўлланилиб, бунда дам олиш оралиқлари организмнинг тулиқ

4.Оралиқ услуб. Бу услуб асосий тезкор ва куч чидамкорлигини тарбиялашда қўлланилади. Бунда иш ва дам олиш қатъий равишда тартиблантирилади. Дам олиш оралиғи одатда катта бўлмайди.



5.Алмашунувчи машқ услублари. Бу услубнинг муҳим томони машқнинг боришига қараб таъсир бир мақсадга қаратилган ҳолда ўзгартиришидир. Бунга турли ҳолларда турлича йўл билан нагруканинг айрим курсаткичларни тўғри ўзгартириш йўли билан эришилади Бунда организмнинг функционал имкониятларга одатдагидек бўлмаган, яъни тобора каттароқ талаблар қўйилади. Бу билан уларнинг ривожланиши учун имкониятлар яратилади .Шунинг билан бирга, ҳаракат шакли ва шароитни янгилаб туриш туфайли ўзлаштирилган мамлакаларининг динамик стереотегик ўзгаришлар киритилади. Шартли рефлекторли боғланишларни янада нозикроқ дифференсиациялаш юз беради, натижада ҳаракат малакалариянада такомиллашган, ўзгарувчан, ташқи қўшимча омилларга нисбатан мустаҳкам ва мосланувчан бўлиб боради.

Шуғуланувчиларда жисмоний сифатларни тарбиялаш учун бораётган машқлар уларнинг ёш хусусиятларига ва жисмоний сифатларнинг қулай ёш даврларга қараб танланилиши ва ривожлантириши жуда муҳимдир.

## МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТИНИНГ УЗВИЙ ҚИСМИ

10.53885/edinres.2021.38.31.022

**А.Р.Нуруллаев**

*БухДУ Жисмоний маданият  
назарияси ва услубиёти  
кафедраси ўқитувчиси*

*Мақолада халқ миллий ўйинлари миллий-маънавий қадриятининг узвий қисми эканлиги улар асрлар давомида халқимизнинг ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий, ҳаётий қузатувлари, тажрибалари, ўзаро алоқалари тўғрисида фикр юритилган.*

**Таянч сўзлар:** *Халқ, миллий, ўйинлар, миллий, маънавий, қадрият, болалар.*

*В статье рассматривается тот факт, что национальные игры народов являются неотъемлемой частью национальных и духовных ценностей, они представляют собой социально-политические, экономические, культурные и духовно-просветительские, жизненные наблюдения, переживания, взаимодействия нашего народа на протяжении веков.*

**Ключевые слова:** *Народные, национальные, игры, национальные, духовные, ценности, дети.*

*The article considers that the national games of the people are an integral part of the national and spiritual values, they reflect the socio-political, economic, cultural and spiritual-enlightenment, life observations, experiences, interactions of our people over the centuries.*

**Key words:** *Folk, national, games, national, spiritual, value, children.*

Анъанавий ҳалқ болалар ўйинларининг фаол яшовчанлиги, тарбия бобида асосий ўринларидан бирида туришлигининг боиси нимада? Нима учун болалар, ҳатто каталар ҳам ўйинларга ўч бўладилар, ўз ҳаётларини ўйинларсиз тасаввур қила олмайдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, ўйинларнинг жуда қизиқарли ва беназир мароқли бўлиши, иккинчидан, уларнинг бағоят эмоционал- таъсирчанлиги, учинчидан, дид-фаросатини, тафаккурини, шунингдек, жисмоний куч-қувватни оширишга қаратилган бўлишлигидандир, тўртинчидан, ён атрофдаги воқеа-ҳодисаларни англаш, дунёни таниш маънавий- маърифий ва ахлоқий тарбияга алоҳида таъсир этишлигидандир. Болалар ўйинлари, қолаверса умуман ўйинларнинг чуқур миллий, айнаи чоғда, байнал-минал хусусиятларга эга бўлишлари, руҳиятни кўтариш, қалбни забт этиши, ўта таъсирчан ва ҳаяжонли бўлишликларидир.

Ўйинни мазмуни, ташкил этиш ва унинг ўтказиш методикаси мазмуни вазифасига, шуғулланувчиларни тартибига, болалар билан ўтказиладиган машғулотни шаклига (дарсда, танаффусда, секцияда, байрамларда) боғлиқдир.

Ўзбек халқ миллий ўйинларини икки тоифага ажратиш мумкин, яъни:

1. Мураккаб ҳаракатли ўйинлар (кураш, от ўйинлари, дорбоз, арқон тортишиш, биллак кучини синаш, тош (гир) кўтариш ва ҳ.к).

2. Оддий ҳаракатли ўйинлар (хўрозлар жанги, оқ теракми-кўк терак, чиллик, орқанг куйди, тўққиз тош, бўрон, шувоқ ва ҳ.к).

Такидлаш жоизки, кураш, от ўйинлари (пойга, сакратиш, рақс), тош (гир) кўтариш кабилар мустақил спорт тури бўлиб ҳисоблансада, уларнинг қисмлари (элемент) ўйин сифатида фойдаланиб, халқ истемолида чуқур ўрин эгалламоқда. Миллий ҳаракатли ўйинлар тушунчаси ҳақида гап кетса, айтиш мумкинки фақат мамлакатимиз худудларида энг қадимги даврлардан буён қўлланилиб келинаётган ўйинлардир. Лекин улар орасида Марказий Осиё, Европа мамлакатларидан у ёки бу сабаб билан кириб келган ва чуқур ўринлашиб, миллийлашиб кетган ҳаракатли ўйинлар ҳам оз эмас. М: “Мушук билан сичқон”, “Қармоқ”, “Қопқон”, “Байроқ учун курашиш”, “Елка уриштириш” (хўрозлар жанги) ва ҳ.к. Юқорида такидланганидек Ўзбек халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихи қадимги аждодлар ва авлодлар тарихига бориб отади. Жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида жисмоний маданият ва спорт ҳаракати ҳамда жисмоний тарбия воситаларини махсус тизимлар туркуми деб ишлатилади.

Жисмоний тарбия тизимининг муҳим босқичларидан бири жисмоний воситалардир. Уларнинг таркибий қисми эса гимнастика, спорт турлари, ҳаракатли ўйинлар ва табиатнинг соғломлаштирувчи (қуёш, ҳаво, сув, гигиеник омиллар) таъсир кучларидан иборат. Кўриниб турибдики, ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия тизимининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳаракатли ўйинлар мазмун ва шакл жиҳатдан қуйидаги турларга бўлинади:

1. Жамоали (команда) ўйинлар.
2. Оммавий (кўпчилик биргалиқда ўйнайдиган) ўйинлар.
3. Якка ёки жуфт тартибдаги ўйинлар.
4. Эстафетали ўйинлар.

Жамоали (команда) ўйинлари икки ёки ундан ортиқ жамоалар (гурӯҳлар) иштирок этади. М: “Оқ теракми, кўк терак”; “Картошка экиш”.

Оммавий ҳаракатли ўйинларда барча қатнашчилар бараварига ўйинда иштирок этади. М: “Ёмғир”, “Калҳат келди қоч болам”, ва ҳоқозо.

Якка ёки жуфт бўлиб ўйнайдиган ҳаракатли ўйинларда бир ёки иккита қанашчи иштирок этади: М: “мушук ва сичқон”, “Хўрозлар жанги”, “Елка уриштириш ва ҳоқозо”

Эстафетали ҳаракатли ўйинлар ҳам жамоали, умумий ва якка (жуфт) тартибда бўлиши мумкин. М: жисмоний тарбия тизимида машқлар ва ҳаракатли ўйинларни ёшларга ўргатадиган умумий ва махсус тамойиллар (принциплар) ва усуллар мавжуд, яъни шуғулланувчиларнинг ёши жисмоний тайёргарлиги ва жинсига қараб ўйинлар туркуми белгиланади. Умумтаълим мактабларнинг жисмоний тарбия дастурида миллий ҳаракатли ўйинлар синфларга (1-4,5-7,8-9,10-11) қараб аниқланган. Чунки, таъкидланганидек ўйинлар болаларнинг ёшига қараб ўргатилади. Бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган ҳаракатли ўйинлар юқори синф ўқувчилари учун ўта осон ва унча қизиқарли бўлмайди. Юқори синфлар учун белгиланган ўйинлар эса қуйи синф ўқувчилари учун қийин бўлади. Бундай ҳолатлар академик лицейлар, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида қўлланилмасда, лекин ўйинлар уларнинг бўлажак касб-ҳунарларига мослаштирилиши лозим. М: Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги бўлажак

мутахассисларга (чорва сохаси) ҳам, “пиеда кўпкари”, “эшак минди”, “чўпон”, “пода тўп”, кураш, пиеда пойга, тўпли эстафеталар ва шунга ўхшаш ўйинлар қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш лозимки, жисмоний тарбия дарслари, спорт машғулоти, (тренировка), турли хил спорт мусобақалари жараёнларидаги ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказишга махсус тайёргарликлар талаб этилади. (Бу тўғрисида иккинчи бўлимларда маълумот берилган). Айниқса ўқитувчи (ташкилотчи), турли хил спорт мусобақалари ўйинларини мукамал билиши, унинг турли вариантларини қўллаши лозим. Ҳаракатли ўйинлар учун энг аввало шароитларни (вақт, жой, қизиқшини,) ҳисобга олиши зарурдир. Кенг ва тоза жойлар майдонлардаги ҳаракатли ўйинларни уюштириш анча қулайликлар яратади. Айниқса шуғулланувчиларнинг эркин югуриши, сакраши ва турли ҳаракатларни мустақил равишда бажаришлари, қувнаб, хурсанд бўлиб ўйнашлари учун имкониятлар бўлади.

Дарсдан ташқари (катта танаффус, уй шарити, кўча, майдонт а ҳ.к.) вақтларда ташкил этиладиган ҳаракатли ўйинларни бажаришда ҳам юқорида таъкидланган, талабалар амалга оширилади. Акс холда кичик ва катта ёшдаги болаларнинг аралашиб ўйнашлари жанжал, йиғи, жараоҳатларни келтириб чиқариши ёки юқумли касалликларга дучор бўлиш ҳоллари юзага келиши мумкин. Жисмоний маданият ва спорт ҳаракатида жисмоний тарбия тизимининг тармоқлари жуда кўп. Аҳоли истиқомат жойлари, дам олиш ва кўнгил очиш истироҳат боғлари, ёзги дам олиш-соғломлаштириш оромгоҳлари, талабаларнинг ёзги спорт масканлари, шифохоналар ва санаториялардаги жисмоний тарбия ишлари шулар жумласидан ҳисобланади.

Эътироф этиш мумкинки, мазкур масканларда оммавий ташкил этиладиган оммавий соғломлаштирувчи жисмоний маданият ва спорт тадбирлари мазмунида миллий ҳаракатли ўйинлар салмоқли ўрин тутаяди.

Миллий ҳаракатли ўйинларсиз биронта ҳам спорт машғулоти (тренировка) ўтказилмайди, дейиш мумкин. Ҳатто олий лигадаги футболчилар, воллейболчилар ва бошқа спорт турларида шуғулланувчи моҳир спортчилар ҳам машғулотларда ва яқка тартибда ўзларига хос бўлган ҳаракатли ўйинларни бажаришади. Бунинг боиси шундаки, ҳаракатли ўйинлар гавда (мушак) чигалларини ёзиш (разминки), кўнгил очиш (қулиш, хурсанд бўлиш ва ҳ.к) ва жисмоний сифатларни тайёрлашда махсус ёки умумий машқ-ўйин сифатида хизмат қилади.

Жисмоний тарбия тизимида оила ва боғчаларда ҳаракатли ўйинларни ташкил қилишга алоҳида эътибор берилди.

Оилада бола туғилган кундан бошлаб, уни соғлом усиши учун бор имкониятлар ишга солинади. Овозли (шиқилловчи) ўйинчоқлар ва ҳайвонлар шаклидаги ўйинчоқлар (мушук, кўй, кучук, айиқ турли паррандалар, машиналар, тўплар ва ҳ.к) болаларнинг ҳаракат қилиши, эмаклаши ва аста-секин туриб юришларига сабаб бўлади. Юра бошлаган болаларни тўп билан ўйнатиш улардаги барча табиий махсус ҳаракатларни ихчам, тез бажаришга етаклайди. Аста-секин ёш болалар (3-5) ўзлари ўрганган ва кўча майдонларида ўйнаган болаларнинг ҳаракатлари қийин ва қизиқарли ўйинларини мустақил равишда бажариб олишади. Умуман олганда оила шароитида ўрганган ҳаракатли ўйинлар болалар ҳаёти ва хотирасида узоқ вақтлар давом этади, уларни такомиллаштиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Усмонхўжаев Т.С., Раҳимов М.М., Адиев А.Н. Ўзбек халқ ўйинлари. Т., “Ўқитувчи”, 2004

2. Усмонхўжаев Т.С. Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти. - Т., “Ўқитувчи”, 2005.

3. Йўлдошев Х.К., Саломов Р. Жисмоний тарбия. - Т., “Ўқитувчи”, 2005.

4. Абдурахимов Т. Ўзбек халқ ўйинлари ва томошари. - Т.: НДА ; 1997.

5. Қорабаев У.Х. “Ўзбекона ўйинлар” // Гулустон №9 ; 1991

## ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ИДРОК ҚИЛИШНИ ТЕХНОЛОГИК- КОНСТРУКТИВ ЁНДАШУВЛИ КОМПОНЕНТЛАРИ

10.53885/edinres.2021.25.86.032

*М.А.Тилакова*

Жиззах вилояти Жиззах ВХТХҚТМО Худудий марказ “Педагогика ва  
психология, таълим технологиялари”

кафедра мудири., п.ф.д.(PhD)

*А.А.Тилакова*

Жиззах вилояти

Жиззах давлат педагогика

Институтини ўқитувчиси

Anatation

In the educational policy of Uzbekistan among development of the basic qualities and abilities trained are allocated creative - creative potential of the person. With especial attention to is intellectual-creative thinking. That is quite lawful, as the new thinking - courageous, original, creative, initiative, constructive, is innovative-innovative today is required.

Аннотация

Высокого уровня интеллектуального и творческого развития у обучающихся требует демократизация и гуманизация процесса обучения и воспитания. При этом на значительных национальных ценностях, на культурно-историческом наследии, в духе уважения к богатому культурному наследию и историческим традициям, что особенно акцентировано в Национальной программе по подготовке кадров.

Аннотация

Юқори синф ўқувчиларида креативлик қобилиятини ривожлантириш, биринчи навбатда, шахсга йўналтирилган ёндашувни, эмоционал-психик кайфиятни, фаол, ижодий тасаввурни, ўз-ўзини фаоллаштириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат қилиш, намоён қилиш, ифодалаш, баҳолаш, ўқув жараёнида таълимнинг инновацион технологияларидан фойдаланишни талаб этади.

**Key words:** Process and pedagogical system includes the following major structural components original, creative, initiative, constructive, innovative, education, development, basic, quality, level, thinking.

**Ключевые слова:** Креативных способностей, занятий и их проведения, уровни познавательной деятельности обучаемых, факторы развития личности – мотивационный, способность, интерес, потребность, восприятие, деятельность, из теоретически разработанных дидактических подходов, в исследовании определены задачи, осуществ-ляемые в этом процессе.

**Калит сўзлар:** Креатив ёндашув, мотивацион ёндашув, синфдан ташқари машғулоти жараёни тузилмавий мазмуни, тарихий-маданиятшунослик материаллини интеллектуал-ижодий идрок қилиш, англаш алгоритмлари, тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш.

Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганиш жараёнида юқори синф ўқувчиларида креативлик қобилиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш унга бевосита тааллуқли айрим психологик-педагогик жиҳатларни, жумладан, шахс, юқори синф ўқувчиси шахси уларнинг ёш хусусиятлари (қобилиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари), интеллектуал-ижодий фаолияти, муаммони ечишга мотивацион ёндашув, синфдан ташқари машғулот жараёни тузилмавий мазмуни, тарихий-маданиятшунослик материални интеллектуал-ижодий идрок қилиш, англаш алгоритмлари, тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, идрок қилиш, таҳлил этиш, юқори синф ўқувчиларида креативлик қобилиятини ривожлантириш кўрсаткичлари ва мезонлари (Ўзбекистон тарихий-маданий меросини синфдан ташқари креатив ўрганиш жараёнида), интеллектуал-ижодий топшириқларни бажаришнинг психологик жиҳатлари кабиларни кўриб чиқишни талаб этади.

Юқори синф ўқувчиси иждодий маҳсулот яратар экан, қадимий меъморий объектнинг меъморий-тимсолли ифодалилигини ҳис этиши, ишнинг аниқ бир мақсадга қаратилгани, мазмунан режалаштирилганини англаши, материални мантиқий ва изчил идрок этиши, иждодий тасавури кенг бўлиши, ёдгорликнинг нафақат тарихий-маданий, балки меъморий-бадий қимматини билиши, эстетикаси, эмоционал таъсирини очиб бериши, ўзининг дадил мулоҳазаси ва фикрини билдирган ҳолда, асосий мазмунни умумлаштира олиши, интеллектуал-ижодий маҳсулотга креатив ёндашиши, ўз-ўзини намоён эта билиши, фойдаланилаётган адабиётлар рўйхатини келтира олиши зарур. Таъкидлаш жоизки, ўқувчида креативлик қобилиятини ривожлантириш учун юқори эмоционал-ижобий кайфият, эҳтиёж бўлиши, бунинг учун таълим жараёнида зарур дидактик шарт-шароитлар таъмин- ланиши зарур. Тарихий-маданий материални идрок қилиш жараёнида юқори синф ўқувчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- умумий, фаол идрок ва иждодий тасаввур асосида қадимий меъморий ёдгорликларни бадий-эстетик таҳлил қилиш, асосий ва муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатиш;

- аниқ-предметли-материал баёни мантиқини англаш-унинг жадвали, режаси, тезисларини тузиш, асосий масалалар, айрим далилларига эътибор бериш, тарихий-маданий материалнинг баён қилиниши жараёнида мини-мунозарада иштирок қилиш, мулоҳаза қилиш, ўз фикрига эга бўлиш;

- Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг энг буюк ёдгорликлари яратилган давр тўғрисида суҳбатда иштирок этиш;

- эмоционал идрок этиш;

- ёдгорликнинг мазмунан ва шаклан бирлигини англаш, унинг меъморий-бадий компонентларини ажрата олиш;

- иншоотнинг гўзаллигини ҳис этиш;

- ўзаро уйғунлаштириш, структуралаштириш усулларини эгаллаш,

- умумлаштира билиш, хулоса чиқариш, ўз фикрига эга бўлиш.


Ушбу ўринда VIII-IX синф ўқувчиларининг креатив ривожланишидаги қадимий меъморий ёдгорликларни идрок этиш, таҳлил этиш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Тарихий-маданий ёдгорликларни идрок қилиш ва таҳлил этишда ўқувчилар олдин эмоционал “ҳис этиш”га, кейин аниқ бир мақсадга йўналтирилган бадий-мантиқий ўрганишга ва шундан сўнггина, тарихий, маданий, бадий, ахлоқий-ижтимоий ва эстетик қадрият, жаҳон эътирофига сазовор бўлган миллий бойлик сифатида қадимий меъморий иншоотини яхлит идрок этишга йўналтирилади. Ўқувчилар қадимий меъморчилик санъатини ўрганишни ўз эмоционал-индивидуал тасаввуридан келиб чиққан ҳолда бошлашни афзал кўрадилар. Кейин, нафақат таклиф қилинган алгоритм бўйича,

балки ўзининг (етарлича ҳаққоний бўлган) бадиий-таҳлилий усуллари бўйича ёдгорликни бадиий таҳлил этадилар, бадиий-меъморчилик воситаларининг тизимига тушуниб етиб, уларнинг маъносини англаб, ўрганишга киришадилар. Бунда уларга интеллектуал-ижодий қобилиятлар, энг аввало, ижодий тафаккур, тасаввур, мантикий мулоҳазалар ёрдам беради. Тарихий-маданий ёдгорликларни идрок қилиш-таҳлил этишга технологик-конструктив ёндашув қуйидаги компонентлардан иборат:

1) эмоционал-ҳиссий-тарихий иншоотни “ўзиники” сифатида идрок қилиш, ёдгорлик тўғрисида серқирра маълумот ва ахборотларга эга бўлиш орқали уни иккиламчи идрок қилиш,

2) бошқариладиган-алгоритмланган, ёдгорликка нисбатан ўз мулоҳаза си, фикри, муносабатининг вужудга келиши, у тўғридаги ўз фикри ва таассуротларини ифодалаш.

Қуйида VIII-IX синф ўқувчиларининг Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганишида зарур бўлган интеллектуал-ижодий қобилиятларни ажратиб кўрсатамиз (“интеллект-ижод” шиори остида).



#### I. Эмоционал-ижобий ижодий кайфият:

- шахсга, ўқув-билувга оид ижтимоий моҳиятни “ҳис этиш”;
- илҳомланиш, ишқибозлик, қизиқиш;
- натижанинг ўқув-билув ва ижтимоий-шахсий моҳиятини “тахмин қилиш”;
- идрок қилиш фаолияти, диққатнинг бир жойга тўпланганлиги;
- хотира;
- билимлар, атамалар, тушунчалардан фойдаланиш қобилияти;
- режалаштириш, жадваллаштириш;
- қадриятли йўналиш;
- ўз-ўзини чоғлаш, ўз-ўзини назорат қилиш;
- янги, ўзига хос интеллектуал-ижодий маҳсулот яратиш;
- яратилган маҳсулотни ижтимоийлаштириш натижасидан қаноатланиш.

#### II. Интеллект-Тафаккур- Ижод.

##### Фикрлаш:

- тез, фаол, дадил, ўзига хос, ижодий, индивидуал;

–тушунчавий-назарий, амалий, аслидай қилиб тикловчи-ижодий(бадий идрок қилиш асосида).

Сўзлар орқали тафаккур қилиш:

- эмоционал,
- маъно-мазмунли,
- ифодали, ёрқин-тимсолли;
- мантиқий изчил, таҳлилий, исботловчи, умумлашган;
- креатив-индивидуал-ижодий, мулоҳазали, хулосали, предметга ўз муносабати билдириш билан;
- нутқий саводли расмийлаштириш, режа асосида жўяли тақдим этиш, интеллектуал-ижодий маҳсулотни креатив тавсифлаш, баён қилиш.

III. Интеллектуал-ижодий тафаккур–архитектура асарининг ўзига хослиги ва бадий хусусиятларини бадий-ижодий ифодалашни талаб этади.

Тафаккур хусусиятлари:

- жиддий, чуқур, ҳиссий-эмоционал;
- бадий-таҳлилий, иждодий-англанган (тасвирий воситалар нуқтаи назаридан бир бутун ва компонентли); бадий-ижодий, тимсолли-ҳиссий, фикр-мулоҳаза ҳамда бадий иждодий тасаввурга асосланган; бадий объект(тимсолнинг) моҳияти ҳақида умумлашма ва якуний хулоса чиқариш имконини берувчи синтез–таҳлил–синтез даражасидаги бадий алгоритм-ланган тафаккур;
- эмоционал-эстетик(идрок қилинаётган асарнинг эстетик қийматига нисбатан) кабилар.

Меъморий обидаларни иждодий ўрганиш нуқтаи назаридан креатив қобилиятли ўқувчи қуйидагиларни уддалай олиши лозим:

- маҳсулдор тасаввури воситасида тафаккур объектига нисбатан хаёлий дахлдор муносабатда бўлиш;
- бадий тафаккурнинг натижаларини нафақат англаб олиш, балки уни тизимлаштира билиш;
- ушбу тафаккур маҳсулини саводли нутқда расмийлаштириш ва аудиторияга ўқиб беришга мўлжалланган аниқ мақсадли интеллектуал-ижодий матнга қўша олиш.

Шунга кўра, биз Ўзбекистон тарихий-маданий меросини синфдан ташқари креатив ўрганиш жараёнида VIII-IX синф ўқувчиларининг креатив қобилиятларини ривожланганлиги мезонларини қуйидагича белгиладик:

I. Ўз креатив қобилиятларини ривожлантиришга қизиқиш ва мотив; ўз креатив потенциалини ривожлантириш истаги.

II. “Креатив” тушунчаси, унда интеллектуал-ижодий қобилиятнинг муҳимлиги, роли ва аҳамиятини билиш – тушуниш – англаб олиш.

III. Ўзбекистон худудидаги тарихий-маданий, бадий-меъморий ёдгорликларни фаол креатив идрок қилиш ва ўрганиш.

IV. Умрбоқий миллий тарихий-маданий мерос ва жаҳон бойлиги ҳисобланган Ўзбекистон қадимий меъморий ёдгорликлари тўғрисидаги топшириқлар, ишлар, назарий-амалий топшириқлар, эгалланган билим ва таассуротларнинг ҳар хил турларини креатив–интеллектуал-ижодий акс эттириш.

V. Мактабда Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларига бағишланган интеллектуал-ижодий ишларни публистик чиқишларнинг турли даражаларида тайёрлаш ва амалга ошириш.

VI. Ўзида креатив қобилиятни ривожлантиришга тайёрлик.

Креатив қобилиятларнинг мезоний асослари, юқорида белгиланган назарий дефинициялари VIII-IX синф ўқувчиларида креатив қобилиятларини

ривожлантиришнинг психологик жиҳатлари ва педагогик асосларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Ўқувчиларда зарур руҳий-психологик хусусиятлар, жумладан, юксак интеллектуал етуклик, маданият, ишчанлик, ижодий идрок қилиш фаоллиги, муҳокама қилишда очиқлик, индивидуал хусусиятлар, эмоционал-иродавий тайёрлик, рефлексия, касбий йўналганлик, ижтимоий, ахлоқий, когнитив, эмоционал ва феъл-атвор негизлари, шунингдек, ўз шахсий сифатлари, қизиқишлари, эҳтиёжларига эгаллиги, маънавий-ахлоқий шаклланганлиги ҳисобга олинади. Хусусан, ўқувчида креатив қобилиятни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда унинг коммуникативликка–мулоқотга эҳтиёжи, ўз ўрнини билиши; жамиятдаги мавқеини белгилаши, мустақил фикрлаши, ижтимоий фаоллиги ва етуклиги; ўз-ўзини назорат қилиши, таҳлил этиши ва баҳолаши (эмоционал-шахсий ва ижтимоий-моҳиятли) фаоллаштирилади. Машғулотлар якунида эришилган натижалар умумлаштирилади (VIII-IX синф ўқувчиларида креатив–интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мезонлари бўйича), умумий ва индивидуал-креатив натижалар тавсифланади, баҳоланади, яқун ясалади. Ундан ташқари, креатив ўз-ўзини такомиллаштириш бўйича “мини-эсдаликлар” ва “мини-тавсиялар” тарқатилади, ўқувчиларга келгуси креатив ривожланишнинг истиқболи эслатилади ва очиб берилади. Жумладан, “Креатив ҳар доим ва ҳамма нарсада”, “Креатив шахс қизиқарли, ўзига хос, ҳурматли, обрўли ва ижтимоий аҳамиятли шахсдир”, “Ҳаётда, ишда, жамиятда шахс креативлиги–муваффақият гарови”, “Ҳар қандай фаолиятда креатив қобилиятларнинг фаоллаштирилиши–тўлақонли ҳаёт белгиси”, “Ҳар доим креативлик-интеллект + ижод сиз билан бўлсин” каби шиорлар олға сурилади.

Таъкидлаш жоизки, бу ёшда шахслараро мулоқот ҳамда ўзаро дўстона муносабатлар жуда зарур. Улар ўқитувчининг маслаҳатига эътибор ва ишонч билан қарайдилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг бундай руҳий-психологик хусусиятидан оқилона фойдалана билиши лозим. Шу ўринда юқори синф ўқувчисининг интеллекти, ақлий фаолиятига алоҳида тўхталиш лозим. Кузатишимизга кўра, ўқувчи тушунчалар аппаратининг зарур заҳирасига эга бўлиб, ақлий фаолияти анча мустаҳкам ва самарали, ўз креативлик қобилиятини ўстириши зарурлигини яхши тушунади ва бунга эътибор билан қарайди. Шунга кўра, ўқувчининг интеллектуал-ижодий йўналганлигига қуйидаги талаблар қўйилади:

- ижодий кўтаринкилик, мақсад ва вазифаларнинг аниқ бўлиши;
- ғоявий мазмундор асосга эга бўлиш;
- туйғу ва фикр бирлиги;
- ижодий маҳсулоти турини баён этиш, шаклини аниқлаш;
- материални танлаш, унинг илмийлиги ва ҳақиқийлиги, ижодий англаб олиниши ва ундан оқилона фойдаланилиши;
- ижодий тасаввур ва тафаккур дадиллиги, ўзига хослиги, ижодийлиги;
- ўқувчининг ўз муносабати ва қарорини мантиқий тизимли, саводли, ифодали-образли баён этиши;
- ижодий ўз-ўзини ифодалаши;
- ўз-ўзини назорат қилиши, текшириши, баҳолаши;
- интеллектуал-ижодий маҳсулот яратиши;
- ўқувчининг ижтимоийлашувга шайлиги кабилар.

Зеро, креативлик қобилиятининг ихтисослашуви ўқувчининг қизиқишлари ва иш фаолиятини белгилайди.

### **Адабиётлар**

1. Аннамуратова С.К. Возможности внеклассной работы в художественно-эстетическом и когнитивно-творческом воспитании старшеклассников. – 82-89 б



2. Бутенко В.Г. Школьникам о художественных ценностях памятников истории и культуры. – М., 1999. – 113

3. Лолуа В., Джикия Л.Л. Школьникам о памятниках культуры своей страны. – М., 1999. – 99 б.

4. Немов Р.С. Психология. Учебник для студентов высш. учеб. заведений. В 2-х кн. Кн.1 – «Общие основы психологии». – М.: Владос, 1994. – 217 б., Кн.2 – Становление личности в ранней юности». – М.: Владос

**АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
ЎҚИТУВЧИЛАРИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТУЗИЛМАСИ**  
10.53885/edinres.2021.48.91.036

**М.К. Маҳмудов**

**БухДУ Факультетлараро жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси**

Тузилма ёки таркиб – бирон-бир нарсанинг ички тузилиши, бирон-бир нарсанинг табиати, қонуниятлари, қисмларининг ўзаро ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган фундаментал, моддий ёки номоддий тушунча маъносини англатади.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ривожлантириш тузилмасини тавсифлашнинг илмий методи сифатида классификация методидан фойдландик.

I. Ўқитувчи педагогик маҳоратини ривожлантириш тузилмасининг кластерли тавсифи

**1. «Шахс хусусиятлари» кластери**

Ушбу кластерда педагогик маҳорат унинг юқори даражада намоён бўлишини таъминловчи педагог шахси хусусиятларининг комплекси тарзида кўриб чиқилади. Бўлажак ўқитувчи педагогик маҳоратини белгиловчи хусусиятлар орасидаги асосий ўринни қадриятли-мотивацион(касбий-педагогик йўналганлик) ташкил этувчилар ҳамда индивидуал-руҳий(умумий ҳамда касбий педагогик қобилиятлар) ўзига хослик ҳолатларининг ўзаро бирлиги эгаллайди. Педагогик маҳоратнинг юқори даражасини таъминловчи шахсий хусусиятларнинг бир қанча шакллари таснифланади<sup>1</sup>

Бўлажак ўқитувчи педагогик маҳорат тузилмасида касбий-педагогик йўналганлик асосий ташкил этувчи сифатида намоён бўлиб, шахс ривожланиши хусусиятларини барчасини қамраб олиб, ўзаро боғлиқлик асосида умумий тузилмани ташкил этади.


Бўлажак ўқитувчи шахсида касбий-қадриятли ориентация, яъни йўналганликнинг мавжудлиги, уни ўз касби ва фаолиятига виждонан ёндашиш билан бир қаторда изланиш ва ижодга ундайди. Аксинча, ижобий ориентациянинг мавжуд эмаслиги, педагогик инқирозга олиб келиб, эгалланган педагогик маҳоратнинг баргараф бўлиш имкониятини яратади.

Башоратловчи ҳамда лойиҳалувчи функцияларни бажарувчи касбий-қадриятли йўналганлик ўқитувчига ўз фаолият моделини тузиш.

Педагогик ўзини-ўзи англаш - онг, диққатнинг ўз-ўзига йўналтирилгандаги ҳолати. Бу ҳолат педагогнинг шахсий установакалари ва диспозицияларига сезгирлигини оширади.

Ҳар бир киши ўз-ўзига яхши, объектив баҳо беришни истайди, лекин ўз шахсий фазилатларини қандай англаб тан олишни кўпчилик тушунмайди. Бизнинг ўз-ўзимизга баҳо беришимиз яшаб ўтган йилларимизда тўплаган барча тушунчаларни хаёлан тасаввур этиш орқали шаклланади.

<sup>1</sup> Немов, Р.С. Психология: учеб. для студ. высших пед. уч. заведений: в 3 ч. / Кн. 2. Психология образования [Текст] / Р.С. Немов. – М.: Просвещение, 1994. – 496 с



Мутахассис сифатида ўзига ишонч туйғусини кучайтириб, педагогик бурчи ва масъулиятини сезиш орқали ўзини баҳолашга имкон беради. Ўзини-ўзи баҳолаш шахс хусусиятларини намоён қилувчи филтер сифатида ўқитувчи педагогик маҳоратини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқитувчи педагогик маҳоратини ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган шахс хусусиятлари орасида педагогик ҳамкорлик асосидаги фаолиятни ташкил

қилиш ва амалга ошириш имкониятини ҳосил қилувчи ижтимоий хусусиятлар, когнитив жараёнларни самарали кечишини таъминлайдиган интеллектуал хусусиятлар ҳамда педагогик фаолиятнинг йўналишларини белгилайдиган ахлоқий хусусиятлар ва фазилатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### **1. “Педагогик қобилиятлар” кластери.**

**Педагогик қобилият**-педагог томонидан педагогик фаолиятни оқилона ташкил этилиши ва олиб борилишини, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятларни ифодалайди.

Педагогик қобилиятлар-педагогик фаолиятни самарали амалга оширишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Замонавий педагог қуйидаги қобилиятларни ўзида акс эттириши лозим: **1.**

**Ташкилотчилик қобилияти** - талабаларни бирлаштириш, вазифалар билан банд қилиш, жавобгарликни тақсимлаш, умумий топшириқлар бажаришда кўринади.

**2. Дидактик қобилияти** - ўқув материални, кўргазмаларни танлаш ва тайёрлаш, талабаларнинг билишга нисбатан қизиқиш ва эҳтиёжларини рағбатлантириш, ўқув фаоллигини оширишда намоён бўлади.

**3. Перцептив қобилияти** - талабанинг маънавий дунёсига кира олиш, руҳий-эмоционал ҳолатини аниқлаш ва объектив баҳолай олиш, педагогик интуиция ва эмпатияда кўринади.

**4. Коммуникатив қобилияти** - талабалар, ҳамкасблар ва раҳбарият билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабат ўрнатиш, мулоқотга тез киришиш, экстровертликда намоён бўлади.

**5. Суггестив қобилияти** - талабаларга эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш, уларни ўз имкониятларига ишонтира олишда кўринади.

**6. Илмий-тадқиқотчилик қобилияти** - педагогик вазият ва жараёнларни ўрганиш ва баҳолаш малакалари тушунилади.

**7. Нутқ қобилияти** - аниқ ва ишончли, эмоцияли, маданиятли, луғатий жиҳатдан бой нутқ техникасига эга бўлиш.

**7. Академик қобилият**- (илмий-тадқиқотларни амалга ошириш ва ўз шахсий ҳамда касбий тажрибасини умумлаштириш) бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогика-психология соҳасида доимий ўз билимларини такомиллаштириб бориши ҳамда фаолиятида илмий-тадқиқот методларини қўллашида намоён бўлади.

Кўриниб турибдики жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик қобилиятлари ривожланиши борасида унинг педагогик маҳорат ҳам такомиллашиб боради.

### **Адабиётлар**

1. Деркач А.А. Акмеологические основы развития профессионала. М.: Изд-во МПСИ; Воронеж: НПО МОДЭК, 2004. -752 с.
2. Костихина Н.М. Акмеология физической культуры и спорта : учеб. пособие. – Омск: Изд-во СибГУФК, 2005. – 180 с.
3. Маъмуров Б.Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими. Монография-Т.:“Фан ва технология”, 2017, 128
4. Педагогика: энциклопедия / тузувчилар: жамоа. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. Б. 45-46

## YOSH FUTBOL O'YINCHILARNING JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI

10.53885/edinres.2021.48.16.054

**Sabirova Nasiba Rasulovna**  
Buxoro davlat universitetining  
Pedagogika instituti o'qituvchisi

**Annotatsiya.** *Jismoniy sifatlari bu barcha boshqa sport turidagi kabi futbol mashg'ulotlari asosini tashkil etadi. Futbolda jismoniy sifatlari yakka holda namoyon bo'lmaydi, balki har doim ham kompleksda namoyon bo'ladi. Biroq, kuch, tezlik, ephillik, egiluvchanlik va chidamlilikning optimal rivojlanishi har bir sifatlarni rivojlantirishga alohida yondashishni talab qiladi va qaysi davr, bosqich nazarda tutilganiga qarab, u yoki bu sifatlarni tarbiyalashga ko'proq e'tibor beriladi. Maqolada ana shu masalalarga yechim izlangan.*

**Kalit so'zlar:** *jismoniy tarbiya, sport, futbol, jismoniy harakat, chidamlilik, tezlik, kuch, harakat, mashq, murabbiy, faol, passiv.*

**Аннотация.** *Физические качества, как и все другие виды спорта, составляют основу футбольной подготовки. В футболе физические качества проявляются не изолированно, а всегда комплексно. Однако оптимальное развитие силы, скорости, ловкости, гибкости и выносливости требует отдельного подхода к развитию каждого качества, и в зависимости от того, на какой период предусмотрен этап, больше внимания уделяется тренировке того или иного качества. В статье ищут решения этих проблем.*

**Ключевые слова:** *физическая культура, спорт, футбол, физическая активность, выносливость, скорость, сила, движение, упражнение, тренер, активный, пассивный.*

**Annotation.** *Physical qualities, like all other sports, form the basis of football training. In football, physical qualities are not manifested in isolation, but always in a complex. However, the optimal development of strength, speed, agility, flexibility and endurance requires a separate approach to the development of each quality, and depending on which period, stage is intended, more attention is paid to the training of this or that quality. The article seeks solutions to these issues.*


**Keywords:** *physical education, sports, football, physical activity, endurance, speed, strength, movement, exercise, coach, active, passive.*

So'nggi yillarda xalqimizning salomatligi to'g'risida g'amxo'rlik qilish, ma'naviy va jismoniy barkamol avlodni shakllantirish, millionlar o'yini bo'lgan va mamlakatimizda alohida o'rin tutadigan sportning futbol turiga aholini, ayniqsa yoshlarni keng jalb etish bo'yicha bir qator chora-tadbirlar amalga oshirilib kelinmoqda. Shu bilan birga, bugungi kunda mamlakatimizda yuqori iqtidorga ega bo'lgan yosh futbolchilarni tanlash, saralab olish(selektsiya) tizimi va futbol infratuzilmasini yanada rivojlantirish, futbol bo'yicha sport maktablari faoliyatini yangi bosqichga ko'tarish, soha mutaxassislarini tayyorlash va ularni moddiy rag'batlantirish tizimini yaxshilash, o'tkazilayotgan musobaqalar saviyasini yuksaltirish kabi masalalar dolzarb vazifalardan biri bo'lib qolmoqda.

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning 4 dekabr 2019 yil 5887-sonli "O'zbekistonda futbolni rivojlantirishni mutlaqo yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida" farmoni O'zbekistonda futbolni aholi o'rtasida eng ommaviy sport turiga aylantirish, yuqori iqtidorga ega bo'lgan yosh futbolchilarni tanlash, saralab olish va ularni professional sportchilar sifatida tayyorlash tizimini yo'lga qo'yish, mamlakat futbolini rivojlangan mamlakatlar bilan raqobat qila oladigan darajaga yetkazish, xalqaro talab va standartlar asosida futbol bo'yicha mutaxassislarini tayyorlash, futbol klublari faoliyatini rivojlantirish, terma jamoalar uchun o'quv-mashq jarayonini samarali tashkil etish, mamlakatimizda futbol bo'yicha yirik xalqaro musobaqalar, jumladan, o'smirlar, yoshlar va xotin-qizlar

jamoalari o'rtasida jahon va qit'a birinchiliklarini o'tkazish va barcha futbolga oid masalalarni hal qilishga yo'naltirilgan.

Jismoniy sifatlarning faqat futbolchining emas, balki barcha sport turlarini rivojlantirish uchun asosdir. Futbolda jismoniy sifatlarning alohida emas, balki har doim murakkab mashqlar asosida rivojlantiladi. Biroq, kuch, tezlik, qobiliyat, moslashuvchanlik va chidamlilikning optimal rivojlanishi har bir sifatni tarbiyalashga alohida yondashuvni talab qiladi, shuningdek, har bir tayyorlov davrga va bosqichga qarab, ma'lum bir sifatni tarbiyalashga ko'proq e'tibor beriladi. Ma'lumki, jismoniy tarbiya uzoq muddatli jarayon bo'lib, uning maqsadi futbolchilarning yuqori darajadagi tayyorgarligiga erishishdir. Jismoniy tayyorgarlikning bu darajasi o'yin talablariga javob berishi kerak. Misol uchun, agar samarali o'yin faoliyati uchun futbolchi 12000 metrlik o'yinda ishlashi kerak bo'lsa va ulardan kamida 2000 metr maksimal kuchga ega bo'lsa, unda barcha turdagi chidamlilik va tezlik-kuch sifatlarni rivojlantirish darajasi har bir o'yinda qo'llanishi darkor [1]. Futbolda sport zahiralarni tayyorlash, o'quvchilarning yuqori sport natijalariga erishishga yo'naltirish uchun malakali mutaxassis hamda futbolchini morfologik va funksional holatini yaxshi baholay oladigan murabbiy kerak. Yuqori mahoratli futbolchilarni tayyorlash jismoniy tayyorgarlikning bir qator vazifalarini hal qilishni talab qiladi.



O'quv mashg'ulotlarida futbolchilarni tayyorlashda turli xil mashqlar qo'llaniladi:


-oddiy mashqlardan – yugurish, sakrash, kuch-kuch mashqlari, qattiq to'pni urish, to'pni juftlikka uzatish,

